ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 371.001

ЖУМАНАЗАРОВ УМИД УМИРЗАКОВИЧ

ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мутахассислик: 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

педагогика фанлари доктори (DSc)

илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий маслаҳатчи: Ш.С.ШАРИПОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Жиззах - 2021

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....4

I БОБ. ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИК НАЗАРИЯСИ.....22

1.1. Компетентли ёндашувнинг асосий компонентларини ривожлантириш ва такомиллаштириш тизими.....22

1.2.Лингвистик компетенция назарияси, тузилмаси, принциплари ва методлари 52

1.3.Компетентли чет тил ўқитувчиларини тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари ва илмий тадқиқотлар таҳлили 73

Боб бўйича хулосалар.....90

II БОБ. ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МУҲИТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ.....93

2.1. Рақамли таълимнинг структураси, моделлари ва истиқболлари.....93

2.2. Таълимни рақамлаштириш муҳитида лингвистик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг мониторинг ташхиси.....122

Боб бўйича хулосалар.....142

III БОБ. ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....144

3.1. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари касбий компетентлигининг тузилмасива малака талаблари 144

3.2. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида касбий компетентликни ривожлантириш ва такомиллаштириш омиллари 157

3.3. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетентлигини умумкасбий фанлар мажмуи орқали ривожлантириш.....177
Боб бўйича хулосалар.....188

IV БОБ. ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МУҲИТИДАБЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАРКИБИЙ АСОСЛАРИ.....191
4.1. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лексик компетенцияни ривожлантириш босқичлари, даражалари, усул ва воситалари.....191
4.2. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фразеологик компетенцияни ривожлантириш босқичлари, модели, восита ва усуллари.....212
4.3. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари грамматик компетенциясининг таркиби, ривожлантириш босқичлари ва мезонлари 226
4.4. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида нутқ компетенциясини ривожлантириш омиллари ва коммуникатив вазифалари 245
Боб бўйича хулосалар.....260

V БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ.....264
5.1. Тажриба-синов ишларининг мазмун-моҳияти ва ўтказилиш тартиби.....264
5.2. Тажриба-синов натижаларининг самарадорлик даражаси ва унинг математик-статистик таҳлили 279
Боб бўйича хулосалар.....294

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....296
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....302
ИЛОВАЛАР.....330

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълими муассасаларида таълим олувчининг самарали ва сифатли фаолияти учун зарур бўлган таълим тайёргарлигини шакллантиришнинг ижтимоий механизмлари таълим жараёнига жорий этилган. ЮНЕСКОнинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати (1995); БМТнинг “XXI асрда олий таълим: ёндашув ва амалий чоралар” Бутунжаҳон декларацияси (1998); Европа ОТМ таълим сифатининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Болонья декларацияси (1998); бўлажак чет тил мутахассисларини CEFR (Common European Framework of Reference for Language) малака талаблари асосида тайёрлаш, кредит-модулли таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўқитишнинг жаҳон таълими андозаларига мос энг илғор услубларини жорий этиш, таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак ўқитувчилар компетентлигини ривожлантириш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишда тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълими ва тадқиқот муассасаларида рақамли таълим тизимида замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талабларининг диверсификациялаш, ўқитишни янги стратегияларга мослаштириш, таълимий ахборот инфраструктураси базасини касбий фаолиятга алоқадор параметрлар доирасида ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Замонавий таълимда ўқитиш моделларини технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштириш, хусусан, инновацион таълим технологиялари ва педагогик моделлардан фойдаланиш, “таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш”[1], таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил, ПФ-5847-сон. http: // lex.uz.

лингвистик билим, малака ва кўникмаларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида жаҳон замонавий талаблари асосида таълим сифатини ошириш, электрон ва мобиль таълимни ривожлантириш, ОТМлар учун рақамли таълим ресурслари фондини яратиш, чет тиллар ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини халқаро малака талаблари асосида ташкил этиш ва кредит-модулли технология, CEFR малака талабларига асосланган таълим жараёнларини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилди. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “чет тиллар... каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”, “юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий-педагогик кадрлар заҳирасини яратиш”[2] каби устувор вазифалар белгиланди. Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши жараёнида бугунги таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида интеллектуал билимлар заҳирасини пухта эгаллаш, таълим соҳасида рақамли таълим кўникмалари ва малакаларини ошириш орқали мутахассисликка оид лингвистик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари кенгаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги, 2017 йил ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. ПФ-4947-сон. 2017 йил 7 февраль. –www.lex.uz

ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил ПФ - 6079-сон “Рақамли Ўзбекистон - 30” дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2021 йил ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ва қарорлари[3], шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[4]. Рақамли таълим муҳитида бўлажак чет тиллари ўқитувчилари тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш, хусусан, уларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантиришга бағишланган илмий-назарий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи марказлари ва таълим муассасаларида, хусусан, the English language center (Англия), Oxford University (Англия), Monterey Institute (АҚШ), Yale University (АҚШ), Massachusetts institute of Technology (АҚШ), Sogang University (Жанубий Корея), The Mainz Johannes Gutenberg University (Германия), The University Of Eastern Finland

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари www.lex.uz, www.regulation.uz, www.xs.uz, www.review.uz ва бошқа манбалар асосида олинди.

[4] Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи: http://www.travisafrc.com/; https://www.friedrich-verlag.de/fileadmin/redaktion/sekundarstufe/; https://ru.scribd.com/document/106204902/ What-is-Competence-Delamare-Winterton; https://e-koncept.ru/2014/14600.htm; https://www.degruyter.com/view/j/rpp.2015.5.issue-1/rpp-2015-0030/rpp-2015-0030.xml ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Финландия), Москва давлат педагогика университети (Россия Федерацияси)да олиб борилмоқда.

Рақамли таълим муҳитида бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий-амалий натижалар олинган: инсоннинг коммуникатив мулоқот ва фаолият амалиётида лингвистик компетенциясини шакллантиришнинг ички ва ташқи ресурслари таълим мазмунини стратегик лойиҳалаш асосида аниқланган (Massachusetts institute of Technology (АҚШ); чет тилини ўрганишда мазкур тилда сўзлашувчилар маданиятининг таълимий мақсади дунёни мантиқий англашга йўналтиришдек англоцентристик ёндашуви асосида ишлаб чиқилган (Oxford University (Англия)[5]; чет тиллари ўқитувчиларининг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга мазмунан йўналтирилган “double qualification” дастури шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган (The University Of Eastern Finland (Финландия)[6]; хорижий ҳамда иккинчи тилни ўрганиш жараёнида мулоқот юритиш компетенциясининг шаклланиш моделлари диагностик мониторинг асосида такомиллаштирилган (University of Osijek (Хорватия); матн устида ишлашда сўз бирикмаларидан фойдаланиш қобилиятларини такомиллаштириш компетентлик омилларини ривожлантириш асосида кенгайтирилган (Shandong Economic University (Хитой)[7]; чет тиллари ўқитувчиларини тайёрлаш амалиётида ўзга маданиятларнинг хусусиятлари, уларга оид ахборотларни интерпретация қила олиш асосида шахснинг сифатлари (эмпатия, толерантлик) ҳақида билимлар мужассам бўлган кросс-маданий ёндашув ишлаб чиқилган (Sogang University)[8]; касбий-педагогик фаолият қирраларини намоён этадиган контексли ёндашувдан кенг фойдаланиш асосида компетентли ўқитувчи

[5] Рисқулова К. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими. – ДД. – Т., 2017. – 9 б.

[6] Радионова Н.Ф., Кропачаева М.В. Зарубежный опыт профессиональной подготовки педагогов к раннему обучению детей иностранных языков // Человек и образование. №1 (42). – Санкт Петербург, 2015. – 151 с.

[7] Асилова Г. А. Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳларида): ДД –Тошкент, 2017.

[8] Кузьмина Н.В. Способности одаренность, талант учителя. – Л.:Знание, 1985, - 32 с.

кадрлар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилган (Москва давлат педагогика университети)[9].

Жаҳон педагогик таълимида бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: халқаро Умумевропа CEFR стандартлари талаблари асосида компетентли чет тиллар ўқитувчилари тайёрлашнинг педагогик механизмини такомиллаштириш; бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион технологияларини ва лингвистик (лексик, нутқ, фразеологик, грамматик) компетенциясининг таркибий тузилмасини ишлаб чиқиш; бўлажак мутахассисларнинг касбий лаёқатини шакллантириш, чет тили таълимини касбга йўналтиришни тизимли тарзда ташкил этиш, компьютер, электрон ва мобиль таълим лингводидактикасини ривожлантириш, чет тил портфолиоси *(blended learning, flipped classroom)* технологияларини, *Big Data Blockchaih*, сунъий интеллект, *Data Science* каби рақамлаштиришнинг энг юқори даражадаги воситаларини таълимга татбиқ қилиш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантириш ва такомиллаштириш, узлуксиз таълимнинг турли босқичларида чет тил ўқитиш муаммолари бўйича Ж.Жалолов, Т.Қ.Саттаров, Г.Маҳкамова, Л.Т.Аҳмедова, М.Ж.Джусупов, Д.Хошимова, Г.Бакиева, К.Рискулова, Г.А.Асилова, Э.Т.Эркаев, Ф.Б.Азизова, Н.Гулямова, С.А.Зияева, М.Рўзметовалар тадқиқот ишларини олиб боришган[10].

---

[9]Речицкой Е.Г. Психолого-педагогическое сопровождение в системе высшего образования. – М. – Изд-во МГТГУ, 2013, - с.15-23.

[10]Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Т.: 2012. –Б.429; Саттаров Т.К. Ўқитувчилик бўйича амалий машғулотларда бўлажак чет тили муаллимининг социолингвистик малакаларини шакллантириш (инглиз тили материалида): Дисс. ... пед.ф.д.–Т.:2000.–373 б.; Махкамова Г.Т. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов английского языка. -Ташкент: Фан, 2010. – 208 с.; Ахмедова Л.Т. Роль и место педагогических технологий в прфессиональной подготовке студентов. –Т.: Фан ва технология. -2009;. Хошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковых взаимодействий: УзГУМЯ, 2007. – 350с.; Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на

Касбий-педагогик ва коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришнинг методологияси, инглиз тили ўқитувчилари касбий компетентлигининг лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий, ўқув-билишхусусиятлари Р.С.Арефьев, Н.И.Аршинова, С.А.Баландин, С.Н.Белаконь, Л.А.Борходоев, Т.И.Густомясова, О.Ю.Пестрцова, М.В.Селиверстова, Н.А.Сухова, О.И.Халупо, Е.И.Шеваршинова ишларида тадқиқ қилинган[11].

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг *лексик компетентлиги*ни шакллантиришнинг таркибий тузилмаси, ривожлантириш даражаси ва методлари А.Шамов, А.Е.Сиземина, А.А.Фетисова, С.В.Козлов, К.В.Александров, И.Бризе, И.Е.Зуева, Г.А.Кручиналар[12]; *фразеологик*

материале консанантизма).: автореф. Дисс....канд.пед.наук. -Т.:1987. – 21 с.; Рискулова К. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими. – ДД. – Т., 2017. – 229 б.; Асилова Г. А. Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳларида): ДД –Тошкент, 2017.– 320 б.; Эркаев Э.Т. Бўлажак чет тил муаллими таълимида қўлланадиган таржима машқларининг лингводидактик таснифи. - НД – Т.:2008; Азизова Ф. Инглиз тили фразеологизмларини ўргатиш методикаси. -Тошкент, 2011–72 б.; Рўзметова М.Ш. Умумий ўрта таълим 5-7 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантириш технологиялар. - Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори ((PhD)) диссертацияси. – Тошкент, 2021. – 231 б.

[11]Арефьев Р.С. Формирование готовности к самопроектированиюкоммуникативной компетентности студентов педагогического вуза.:дис. ...канд. пед. наук. - Сочи, 2004. – 190 с.; Аршинова Н.И. Формирование иноязычной лингвистическойкомпетенции студентов вуза с применением средств компьютерныхтехнологий: английский язык как вторая специальность: дис. ... канд. пед.наук. – Петрозаводск, 2007.– 189 с.; Баландин С.А. Развитие организационно-педагогической компетентности менеджера образования в процессе управленческой деятельности в профессиональном учебном заведении: дис. ... канд. пед. наук.- Челябинск, 2004. – 151 с.; Белоконь С Н. Формирование ключевыхкомпетенций руководителя в процессе обучения по специальности менеджеробразования: дис. ... канд. пед. наук. -Ставрополь, 2006. –172 с.; Борходоев Л.А. Прагматический текст как средство формирования социокультурной компетенции студентов языкового вуза.: дис.... канд.пед.наук. – Улан-Удэ, 2002. – 211 с.; Селиверстова М. В. Формирование управленческих компетенций учителя в условиях развития современного образования: дис. ... канд. пед.наук. - Ижевск, 2011. – 212 с.; Сухова Н.А. Формирование культурно-страноведческой компетенции на основе аутентичных материалов в процессе обучения устной речи студентов педагогического вуза: Второй курс, немецкий язык: дис. ...канд.пед.наук. - Санкт-Петербург, 2002. – 244 с.; Халупо О.И. Формирование коммуникативной культуры студентов технического вуза при изучении иностранных языков.: дис. ...канд.пед.наук. - Челябинск, 2002. - 144 с.

[12] Шамов А.Н. Формирование лексической компетенции как основополагающая цель в обучении иностранному языку // Языки и культуры народов мира в лингводидактической парадигме. Пятигорск, 2007. - С. 386-391.; Сиземина А.Е. Методика развития лингвистической компетенции студентов лингвистического вуза на основе формирования мотивационной базы обучающихся:автореф. дис. ... канд. пед. наук- Н. Новгород, 2009. - 84 с.; Фетисова А.А. Методика управления фактором непроизвольности в процессе развития иноязычной лексической компетенции студентов: I курс, языковой педагогический вуз :дис. ... канд. пед. наук: - Москва, 2010. - 186 с.; Лаптева Н.Е. Формирование речевого лексикоческого навыка на основе дифференцированного использования знаний (немиский язык, неязыковый вуз): дисс. ... канд.пед.наук.:– Минск, 2004. – с.4.; Стародубцева О.Г. Лексическая компетенция как языковая основа профессионально-коммуникативной компетенции студентов неязыкового вуза. // Бюллетень сибирской медицины, 2013. том12, 3, с. 127-131.; Короткова И.П. Методика формирования лексической компетенции младших школьников посредством английского фольклора :автореф. дис. ... канд. пед. наук: МГГУ им. М. А. Шолохова - Москва, 2012. - 26 с.; Трафименко С.А. Структура и содержание лексической компетенции. // Иностранные языки:

*компетенция*ни шакллантириш босқичлари, модели, восита ва усуллари Н.В.Баграмова, Н.В.Джура, Т.Н.Феделенкова, Н.В.Клюжевалар[13]; *грамматик компетенция*нинг таркиби ва мезонлари И.Л.Бим, М.Н.Вятютнев, Н.Д.Гальскова, Р.К.Миньяр-Белоручев, А.Н.Щукин, С.Брамфитлар томонидан тадқиқ этилган[14]. Шунингдек, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида *нутқ компетенциясин*и шакллантириш омиллари ва коммуникатив вазифалари ҳам И.А.Шаршов, Л.Н.Макарова, С.Смирновлар[15] томонидан асосланган.

Жаҳон таълими ва тадқиқот муассасаларида таълимга педагогик ёндашув, хусусан, тил компетенциясини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари билан N.Chomsky, G.Chettman, M.Daniels, P.Bogards, A.Hunt, D.Beglar, B.Laufer, J.H.Hulstjнлар шуғулланишган. И.Р.Гонсалес, И.Дуден, Е.К.Шпрехен, И.Мена,

---

инновации, перспективы исследования и преподавания. Минск: БГУ, 2019. – С. 165-173.; Ятаева Е.В. Учебный глоссарий как средство развития учебной иноязычно лексической компетенции в профессиональном языковом образовании:дис.канд. пед. наук: Екатеринбург, 2007. - 282 с.

[13]Jennifer Seidl. English Idioms Exercises on Idioms. – USA: Thompson, 1992. – 294 p.; Harry Collis “101 American English Idioms: Understanding and Speaking English Like an American”. – USA: PASSPORT BOOKS, 1987. –111p; Jon Wright. Idioms organizer. – USA: Thompson, 1992. – 234 p.; Jon Wright. Idioms organizer. – USA: Thompson, 1992. – 234 p.; Баграмова Н.В., Джура Н.В. Специфика обучения фразеологии второго иностранного языка на примере обучения японскому языку студентов-бакалавров // Филологические науки. Вопросы теории и практики.Тамбов: Грамота, 2017. № 3(69): в 3-х ч. Ч. 3. С. 197-199; Байрамова Л.К. Фразеология и перевод/ Фразеология и синтаксис. – Казань.1982. – 42с.; Гез Н.И. История зарубежной методики преподавания иностранных языков: учеб.пособие. -М.: 2008.-256 с.; Ляховицкий М.В. Методика преподавания иностранных языков: Учебное пособие. –М.: Высшая школа, 1981. –105 с.

[14] Canale M., Swain M. Theoretical Bases of Communicative Approaches to Second Language Teaching and Testing. IIAppliedLinguistics, 1980. Vol. 1, № 1.; Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам: Лингводидактика и методика: Учеб.пособие. Издательскийцентр «Академия», 2004,-3136.; Рябцева О.М.Формирование грамматической составляющей иноязычной компетенции // Изв.Юж. фед. ун-татехническкие науки. 2010. №10.Т. 11. 116 с.; Чернецкая И.В. Профессионально-направленное обучение грамматике английского языка студентов старших курсов филологических факультетов педагогических вузов (английский язык как вторая специальность): дис. … канд. пед. наук. СПб., 2001. – с.43.; Кашенкова И.С. Роль грамматической компетенции при определении целей обучения грамматической стороне иноязычной речи специалистов-международников // Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2013. № 8(26): в 2 ч. ч. I. С. 80–83.; Пассов Е.И. Условно-речевые упражнения для формирования грамматических навыков. Пособие для учителей немецкого языка сред.школы. М.: просвещение, 1978. -6 б.; Гитман Е.К., Долматова Н.С. Модель формирования иноязычной коммуникативной компетенции студентов на основе блочно-модульной технологии // Фундаментальные исследования. 2014. № 12-4 –с.4.

[15]Манаенкова М.П. Речевая компетенция в контексте личностно-профессиональных компетенций студента // Психолого-педагогический журнал Гаудеамус. – 2014. - № 1 (23). – 30 с.; Манаенкова М.П. Речевая компетенция – зеркало духовной культуры человека // Социально-экономические явления и процессы. Тамбов, 2013. № 5. С. 273-275.; Ксенофонтова А. Н. Система обучению педагогов конструированию речевой деятельности. Оренбург, 2001. С. 46; Казанцева Л. В. Речевая компетенция учителя иностранного языка: автореф. дис. … д-ра. пед. наук. Тамбов, 2001; Сойфер Э.В. Создание и восприятие дискурса в условиях управляемого общения на иностранном языке // Казанская лингвистическая школа: традиции и современность. Казань, 2003. С.70-75; Романова Н. Н., Филиппов А. В. Словарь. Культура речевого общения: этика, прагматика, психология. М., 2010. С. 174; Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. М., 1975.; Леонтьев А. Язык, речь, речевая деятельность. – М.: Просвещение, 1969. – 214 с.; Шаршов И. А., Макарова Л. Н. Проблемные аспекты повышения квалификации научно-педагогических кадров // Вестник Тамбовского университета. Серия Гуманитарные науки. Тамбов, 2010. № 10. С. 7-11; Макарова Л. Н. Развитие стиля педагогической деятельности преподавателя вуза // Педагогика. 2005. № 6. С. 72-80.

Ж.Литтемор, Г.Ловлар лингвистик компетенцияни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боришган[16]. Чет тил ўқитишда компетенцияларни ривожлантиришнинг лингводидактик имкониятлари, замонавий методик принциплари, машқлари тизими ва технологиялари Harmer Jeremy, Jack C.Richards, Theodore S.Rodgers, John Raven, W.Hutmacher каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган[17]. Инглиз тилини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш Graham Stanley, Aisha Walkerларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган[18].

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот ТошДПУ илмий-тадқиқот ишлари режасидаги 561624-EPP-1-2015 “Ўзбекистонда олий таълим соҳасида таълимни интернационализация ва модернизация қилиш” (2015-2017) мавзусидаги лойиҳаси доирасида, ЖДПИ бош илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибидаги “Инглиз тилининг илмий-назарий ва педагогик-методик долзарб масалаларини тадқиқ қилиш” (2017-2021) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш бўйича илмий асосланган лисоний таъминотлар мажмуининг назарий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

[16] Chomsky N. Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, May 1965, 261 p. 265. Chomsky, N. Syntactic Structures. Mouton, 1957, 117 p.; Chomsky N. Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, May 1965, 261 p. 265. Chomsky, N. Syntactic Structures. Mouton, 1957, 117 p.; Cheetham G. The Acquisition of Professional Competence : Thesis submitted for the Degree of Doctor of Philosophy, University of Sheffield, Division of Adult Continuing Education, England, 1999, 380 p.; Daniels M. Developing and Assessing Professional Competencies: a Pipe Dream?, Uppsala University, Sweden, 2011, 108 p.

[17] Harmer Jeremy. The Practice of English Language Teaching: 3rd edition. – Longman.: 2001. – 384 p.; Jack C.Richards and Theodore S.Rodgers. Approaches and Methods in Language Teaching: Third Edition.: 2014 416-P.; РавенДж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. – М.: Когито-центр, 2002. С.– 396.; Hutmacher Walo. Key competencies for Europe // Report of the Symposium Berne, Switzerland. – 27-30 March, 1996; Council for Cultural Cooperatio (CDCC) // Secondary Education for Europe Strasburg, 1997.

[18] Graham Stanley. Language Learning with Technology (Cambridge Handbooks for Language Teachers). – Cambridge University Press: 2013. P-275. Aisha Walker. Technology Enhanced Language Learning: Connecting Theory and Practice (Oxford Handbooks for Language Teachers). – Cambridge University Press: 2013. P-214.

– таълимни рақамлаштириш муҳитида хорижий мамлакатлардаги илмий тадқиқотлар ва тажрибалар асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш;

– таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясининг таркибий тузилмаси ҳамда *“компетенция”, “компенентлик”, “рақамли таълим”, “электрон таълим”, “мобиль таълим”, “касбий компетентлик”, “лингвистик компетенция”, “фразеологик компетенция”, “грамматик компетенция”, “нутқ компетенцияси”*нинг мазмун ва моҳиятини илмий-педагогик жиҳатдан такомиллаштириш;

– электрон ва мобиль таълимда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантиришнинг инновацион ва коммуникацион технологияларга асосланган дидактик моделларини “рақамли таълим”нинг структураси, моделлари ва истиқболларини белгилаш ва технологик инновацияларга ижобий муносабатни ривожлантириш асосида такомиллаштириш;

– таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лексик ва нутқ компетенцияларининг таркибий тузилмасини, компетентлигини ривожлантириш босқичлари ва омилларини,шунингдек, баҳолаш даражалари, усул, восита ва методларини илмий-педагогик жиҳатдан такомиллаштириш;

– таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари фразеологик ва грамматик компетентлигининг таркибий тузилмаларини аниқлаб, ривожлантириш босқичларини белгилаш; баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини, ўқитиш мазмунининг лингвистик, психологик ва услубий компонент таркибини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик (лексик, фразеологик, грамматик,

нутқ) компетенциясини ривожлантириш жараёнидан иборат бўлиб, тажриба-синов ишлари ТошДПУ, ЖДПИ ва ҚДПИларида ўтказилди: 416 нафар талаба иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Амалга оширилган диссертация тадқиқотида жараёнида педагогик, психологик, тилшунослик ва инглиз тили методикасига оид, шунингдек, электрон ва мобиль таълимга, компьютер лингвистикасига дахлдор илмий адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш; таҳлил қилиш; педагогик кузатув; социометрик (суҳбат, анкета, тест, ёзма иш, матн таржимаси, лисоний ўйинлар, интервью); тажриба-синов; мониторинг; баҳолаш; математик-статистик таҳлил; олинган натижаларни умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– чет тил таълимидаги *“компетенция”, “компетентлик”, “рақамли таълим”, “электрон таълим”, “мобиль таълим”, “касбий компетентлик”, “лексик компетенция”, “грамматик компетенция”, “нутқ компетенцияси”, “лингвистик компетенция”* тушунчаларининг мазмуни илмий-педагогик асосланган ҳамда “Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясининг таркибий тузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш босқичлари” аниқланган;

– соҳа талабаларининг рақамли таълимдаги мустақил ишлари мазмунини ўзлаштиришнинг танишув, репродуктив ва продуктив даражаларини белгилаш, лингвомаданий тушуниш ва идрок этишга қаратилган дидактик имкониятларни булутли технологиялар, ўйин (геймификация)лардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш асосида аниқланган;

– таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциялари электрон ва мобиль

қурилмалар *(FAQ, FoIrum, Link, Chart, Q/A, Perlev, SWOT, intenview, дайжест, Peport)*, виртуал ўқув муҳитини бошқарувчи тизимлар (*LMS*), ички контент бошқарув тизимлари (*CMS*), оммавий очиқ онлайн курслари (*MOOC*), мустақил ишларнинг замонавий шаклларини ўзаро оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган;

– рақамли таълим муҳитида талабаларнинг инглиз тилидан грамматик ва фразеологик компетенциясини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг босқичлари, билимларни ўзлаштириш даражалари, касбий аҳамиятли сифатлар таркиби Умумевропа CEFR (Common European Framework of Refernce for Language) стандарти талаблари асосида аниқланган;

– бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лексик компетентлигини ривожлантириш модели, грамматик компетенциянинг таркибий қисмлари, касбий аҳамиятли сифатлар характерини ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятларини ва таълим жараёнларини рақамли авлодга мослаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

– *иборалар мажмуи (электрон луғат)*соҳа талабалари учун яратилган ва интеллектуал мулк сифатида эътироф этилган (O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI INTELLECTUAL MULK AGENTLIGI, № DGU 04960, 2018); мазкур луғат таълим олувчиларнинг инглиз тилидаги фразеологик ибораларни ўзлаштириб олишларига, натижада,уларнинг сўз бойлигини оширишга, фразеологик ва лексик компетенциясини ривожлантиришга, таълимда чет тилларни ўрганишнинг амалий фаолиятига тегишли ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

– *“информатика соҳасида қўлланиладиган қўшма сўзларнинг инглизча-ўзбекча луғати” электрон дастурий мажмуаси* амалиётда яратилган (O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI INTELLECTUAL MULK AGENTLIGI, № DGU 10187, 2020). Унинг тадқиқот натижаси сифатидаги амалий аҳамияти талабаларнинг икки мингга яқин

инглизча атама ва тушунчаларнинг ўзбекча таржима ва изоҳларини ўзлаштириш орқали сўз бойлигини оширишга хизмат қилган;

– *“Idioms” электрон дастури* соҳа талабалари учун лингвистик компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, у 3284 дан ортиқ инглиз тилидаги ибора ва мақолларни ўрганишга бағишланган. Электрон дастур Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтказилган; ЭҲМ тури: Android. Дастурлаш тили: JAVA, FLUTTER. Операцион тизим: ANDROID 4.2 Дастур ҳажми: 20.3 MB (20.267.074 bytes). Мазкур электрон дастур керакли сўзга тўғридан тўғри ўтиш, қидириш, ўқиш, нусха олиш, сақлаб қолиш, ички ойнага ўтмасдан ўқиш каби вазифаларни бажариш имкониятларига эга эканлиги билан бугунги кунда соҳа талабалари учун муҳим илмий-амалий аҳамият касб этган;

– *“Публицистик матнларда кўп қўлланиладиган қўшма сўзларнинг инглизча-ўзбекча луғати” электрон дастурий мажмуаси* яратилган (O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI INTELLECTUAL MULK AGENTLIGI, № DGU 11447, 2021). Мазкур электрон дастурий мажмуада соҳа талабаларининг публицистик матнлар ва лингвистик машқларни тўғри, мантиқан тушуниб бажара олишига хизмат қилиши, лексик ва грамматик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик омиллар аниқланган;

– таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясини ривожлантирувчи мутахассислик фанлари модулларининг мазмуни такомиллаштирилган; улар самарадорлигини ошириш имкониятлари инновацион таълим технологиялари асосида аниқланган;

– педагогика олий таълим муассасаларининг инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда *“Инглиз тили амалий курси”*нинг 11 та дидактик тамойиллари аниқланган: а) мажмуавий ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш; б) тартиблилик ва кетма-кетлик; в) фанлараро боғланиш; г)

тизимлилик; д) илмийлик; е) назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги; и) касбий-педагогик йўналтирилганлик; ё) кўргазмалилик; ж) ўқитишни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш; з) ижодга муносабат ва мотивация; к) тушунарлилик тамойиллари ўқув жараёнининг амалий машғулотларида қўлланилган;

– соҳа йўналиши ихтисослик фанларининг 8 та тузилмавий таркиби, жумладан, мавзуларга даҳлдор лингвистик матнлар, лисоний машқлар ва амалий топшириқлар ишлаб чиқилган; хорижий филологиянинг устунлик қилувчи тури, ўқув жараёнини бошқариш, шунингдек, дастлабки ижро ва маҳорат босқичлари аниқланган; натижада улар асосий, чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган босқичларида синовдан ўтказилган ва ўқув амалиётида қўлланилиб такомиллаштирилган;

– электрон таълимдаги ташкилий, бошқарув, технологик, педагогик, ахлоқий, интерфейс дизайни, ресурсларни таъминлаш ва таҳлил каби етакчи тамойилларнинг вазифалари, шунингдек, масофавий таълим платформасидаги рақамли таълимнинг бир қатор етакчи шакллари ҳам аниқланган; соҳа талабаларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган электрон шаклдаги мустақил ишларнинг баҳолаш меъзонлари ишлаб чиқилган ҳамда ўқув амалиётига татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот методологик базасининг таъминлангани, адекват методик тадқиқотларнинг амалга оширилгани, тажриба-синов ишлари натижаларининг репрезентативлиги, тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аниқлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил этилгани, тадқиқот натижаларининг тажриба-синов ишларида қўлланган ва ўқув амалиётига жорий қилингани, ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган ва таълим жараёнига татбиқ этилган янги педагогик технология эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган назарий хулоса ва берилган методик тавсиялар бўлажак инглиз тили

ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш,педагогика ОТМ инглиз тили ўқитувчиларининг умумкасбий компетентлигини такомиллаштириш мазмунини жаҳондаги ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалар асосида назарий жиҳатдан бойитишда қўлланилди.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик (нутқ-мулоқот, лексик, фразеологик ва грамматик) компетенцияларининг таҳлилига доир натижа ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган намунавий дастур ва ўқув режалар асосида Фарғона давлат университетида, Самарқанд давлат чет тиллари институти ва Жиззах давлат педагогика институтида 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) бакалавриат йўналишидаги талабаларга ўқитилаётган “Инглиз тили назарий грамматикаси”, “Инглиз тили лексикологияси” каби назарий, “Ўқиш ва ёзиш амалиёти”, “Тил аспектлари амалиёти”, “Тил кўникмалари интеграцияси” каби амалий, шунингдек, 5A120102-лингвистика (инглиз тили) магистратура мутахассислиги бўйича талабаларга ўқитилаётган “Лингвистик ва методик тадқиқот асослари” каби фанлар таркибий қисмларида фойдаланилган (Фарғона давлат университетининг 2021 йил 5-апрелдаги №1163, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 28 июлдаги №1591/30.02.01, Жиззах давлат педагогика институтининг 2021 йил 29 июлдаги № 04-477 – сонли маълумотномалари). Натижаларнинг самарадорлиги ва улар асосида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши талабалар томонидан “Инглиз тили назарий грамматикаси” ва “Тил кўникмалари интеграцияси” каби фанларнинг самарали ўзлаштирилишига хизмат қилган

“Инглиз тили” таълими йўналишида таҳсил олган талабаларнинг лингвистик компетенциясини ривожлантириш, хусусан, нутқ-мулоқот, лексик, фразеологик ва грамматик компетенцияларини такомиллаштиришга доир илмий натижа, таклиф, тавсия ва хулосалардан таълим дастури ва ихтисосликлари доирасида Фарғона давлат университетида, Самарқанд давлат чет тиллари институти ва Жиззах давлат педагогика институтида бакалавр ва

магистратура талабаларини ўқитиш жараёнида фойдаланилган (Фарғона давлат университетининг 2021 йил 5-апрелдаги №1163, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 28 июлдаги №1591/30.02.01, Жиззах давлат педагогика институтининг 2021 йил 29 июлдаги № 04-477 – сонли маълумотномалари). Натижада ўқув жараёнида лингвистик компетенцияни алоҳида мустақил компетенция сифатида ўқитиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш тизимига оид тадқиқот натижалари асосида:

чет тил таълимидаги “компетенция”, “компетентлик”, “рақамли таълим”, “электрон таълим”, “мобиль таълим”, “касбий компетентлик”, “лексик компетенция”, “грамматик компетенция”, “нутқ компетенцияси”, “лингвистик компетенция” тушунчаларининг мазмуни илмий-педагогик асосланган ҳамда “Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясининг таркибий тузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш босқичлари”ни аниқлашга оид маълумотлардан ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 7 декабрдаги 07-07-3960/04 рақамли маълумотномаси). Натижада, инглиз тили йўналишида лингвистик компетенциянинг ўзига хос хусусиятларига доир хулосалар ишлаб чиқилган ва бу борадаги билимларни ўзлаштиришга оид методик тавсиялар такомиллаштирилган;

соҳа талабаларининг рақамли таълимдаги мустақил ишлари мазмунини ўзлаштиришнинг танишув, репродуктив ва продуктив даражаларини белгилаш, лингвомаданий тушуниш ва идрок этишга қаратилган дидактик имкониятларни булутли технологиялар, ўйин (геймификация)лардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш асосида аниқланган

маълумотлардан ПЗ 20170926289 рақамли “Ўзбек суд амалий лингвистикаси тадқиқи” номли илмий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 7 декабрдаги 07-07-3960/04 рақамли маълумотномаси). Натижада лойиҳада лингвистик методлар кетма-кетлиги ва улар воситасида соҳа таълим олувчиларининг эгаллаган малакалари муайян тартибда тавсифланишига эришилган;

таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциялари электрон ва мобиль қурилмалар *(FAQ, FoIrum, Link, Chart, Q/A, Perlev, SWOT, intenview, дайжест, Peport)*, виртуал ўқув муҳитини бошқарувчи тизимлар (*LMS*), ички контент бошқарув тизимлари (*CMS*), оммавий очиқ онлайн курслари (*MOOC*), мустақил ишларнинг замонавий шаклларини ўзаро оптималлаштириш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялардан ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 7 декабрдаги 07-07-3960/04 рақамли маълумотномаси). Натижада, таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясининг таркибий тузилмасини аниқлашга эришилган;

рақамли таълим муҳитида талабаларнинг инглиз тилидан грамматик ва фразеологик компетенциясини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг босқичлари, билимларни ўзлаштириш даражалари, касбий аҳамиятли сифатлар таркиби Умумевропа CEFR (Common European Framework of Refernce for Language) стандарти талаблари асосида аниқлаш бўйича тавсиялардан ПЗ 20170926289 рақамли “Ўзбек суд амалий лингвистикаси тадқиқи” номли илмий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 7 декабрдаги 07-07-3960/04 рақамли маълумотномаси). Натижада, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини

ривожлантиришнинг инновацион ва коммуникацион технологияларга асосланган дидактик таъминотини такомиллаштиришга эришилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лексик компетентлигини ривожлантириш модели, грамматик компетенциянинг таркибий қисмлари, касбий аҳамиятли сифатлар характерини ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятларини ва таълим жараёнларини рақамли авлодга мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 7 декабрдаги 07-07-3960/04 рақамли маълумотномаси). Натижада, бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лексик ва нутқ компетенцияларининг таркибий тузилмасини, компетентлигини ривожлантириш босқичларини аниқлаш имкони оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: 4 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда тадқиқот натижалари муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация илмий мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, жумладан, 2 та монография ва 2 та луғат нашр қилинган; 3 та электрон луғат, 1 та электрон ўқув дастури мажмуаси яратилган ва улар учун интеллектуал мулк агентлигининг 4 та гувоҳномалари олинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган рўйхатдаги журналларда 22 та илмий мақола, ОАК эътироф этган базаларда индексланган юқори инпакт факторли хорижий нашрларда 12 та мақола ва илмий ахборотлар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш ва асосий қисм, 5 та боб ва 14 та параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган

адабиётлар рўйхати, иловалар 17 та жадваллардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 352 саҳифани ташкил қилган.

I БОБ. ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИК НАЗАРИЯСИ

1.1. Компетентли ёндашувнинг асосий компонентларини ривожлантириш ва такомиллаштириш тизими

Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан Америка, Германия, Франция, Бразилия, Испания, Финландия, Россия ва бошқаларда тил

таълимидаги компетенция ва компетентлик назарияси, хусусан, компетентлик ёндашувининг асосий компонентларини ривожлантириш тизими бўйича салмоқли илмий ишлар қилинган, бу борада муайян илмий фикр-мулоҳазалар билдирилган. Масалан, америкалик тилшунос M.Chomsky биринчи марта XX асрнинг ўрталарида ўз асарларида “компетенция” атамасини қўллаган ва уни “инсоннинг” бирор фаолиятини амалга ошириш лаёқати” деб таърифлаган. Мазкур назариячи олим тилнинг мустақил сатҳларидан бири бўлмиш синтаксисга бағишланган илмий асарларида “компетенция” (competence) ва “қўлланиш” (performance) тушунчаларини қиёсий таҳлил қилади ҳамда ушбу атамалар мазмунидаги фарқларни “сўзловчи-тингловчи”нинг билимлари билан тилнинг мулоқот ва фаолиятида қўлланиши орасидаги тафовутлар орқали очиб беради[19].

Германиялик олим М.Холлидей нутқий компетенциянинг мазмунида бир-бирига таъсир этувчи учта компонентли тузилиши моделини яратиб, ушбу компонентлар “ижтимоий контексда нутқни формал ифодалайди ва коммуникациянинг мазмунан ўзига хослигини ажратишда объектив асос”[20] бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди.

Немисларнинг яна бир олими Л.Б.Шнейдер компетентликнинг асосий белгиларини тасниф этишда, энг аввало, ижодий фаолият, илғор педагогик тажриба, сўнгги янгиликларни вазият, муҳитга мослаб амалиётга татбиқ этиш инновацион компетентликнинг асоси бўла олишини исботлаб беради. Шундан сўнг инновацион компетентликнинг типологик хусусиятларини ҳисобга олишини тавсия этади[21]. Кўрамизки, мазкур олим билиш методи бўлган типология асосида объектлар тизимини тақсимлаш ва идеал моделлар ёки тилларнинг ёрдамида уларнинг кейингилари учун гуруҳларга ажратишга, шунингдек, типологик тасвирлаш натижаларига эътибор қаратишга ундаган.

[19] Chomsky, N. Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, May 1965, 261 p. 265; Chomsky, N. Syntactic Structures. Mouton, 1957, 117 p.
[20] Haliday M. «I personal Perspective». In On Grammar, Vol. 1 in The collcted Works, pp. 7, 14
[21] Шнейдер Л.Б.Профессиональная идентичность: Монография. –М.: МОСУ, 2001. -С. 272.

Немис олимларидан H.Meyer ва A.Klapperларнинг илмий ишларида таълим олувчилар ва таълим берувчилар компетентлигининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, айниқса, компетентлик даражасини белгиловчи қуйидаги омилларни кўрсатиб бериши жаҳон илмий жамоатчилигини қаноатлантирди: "қуруқ билимлар" соҳиби бўлиб қолмасдан, юзага келган вазиятларда ўз билимларидан етарлича фойдалана олиши, хотирасида тез тикланадиган билимлар мазмунига эга бўлиши; таълим берувчининг педагогик фаолиятида ўзига ишонган ҳолда, ўзини қийнаб юбормасдан, соғлиғини асраган ҳолда ҳамда яхши кайфият ва кўринишда дарс бера олиши; таълимдаги қийинчиликларни англаган ҳолда ўз устида ишлашга тайёр туриши[22].

Демак, компетенциявий ёндашув туб маънода шахсга йўналтирилган, мутахассиснинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган, унинг атрофдагилар томонидан тан олинишига, салоҳиятини англаб етган ҳолда жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлишига ёрдам берадиган, бир сўз билан айтганда, таълимда самарали натижани таъминлайдиган жараёндир.

Европанинг ривожланган мамлакатларида амалга оширилган илмий тадқиқотларда "компетенция" ва "компетентлик" атамаларининг кўплаб ва хилма-хил талқинлари берилган. Масалан, G.Cheethamнинг докторлик диссертациясида компетенцияга нисбатан функционал ёндашувлар ҳамда эмпирик методология ёритиб берилган бўлиб, унда касбий компетенциянинг янги модели ва уни баҳолаш усуллари таклиф қилинади[23]. Хусусан, тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган интервью орқали тестлаш усули педагогик инновациялардан ҳисобланади.

Испаниялик M.Danielsнинг докторлик диссертациясида ҳам касбий компетенцияларнинг ривожланишини таъминлайдиган бир қатор омиллар ҳақида илмий мулоҳазалар берилган. Хусусан, касбий компетенцияларни

[22] Meyer H., Klapper A. Unterrichtsstandards für ein kompetenzorientiertes Lernen und Lehren // Auf den Anfang kommt es an: Kompetenzen entwickeln –Kompetenzen stärken. Wiesbaden, 2006, P.98.
[23] Cheetham G. The Acquisition of Professional Competence (1999): Thesis submitted for the Degree of Doctor of Philosophy, University of Sheffield, Division of Adult Continuing Education, England, 380 p.

ижодий муҳитда ривожлантириш, уларнинг ривожланиши учун ўқув муҳитини ташкил қилиш, шунингдек, техник таълимда касбий кўникмаларни баҳолаш масалалари кўриб чиқилганлиги диққатга молик[24].

Компетентлик – муайян лаёқатга эга бўлиш билан бир қаторда ушбу фаолият турига нисбатан шахсий муносабатни ҳам кўрсатувчи тушунчадан иборат, деган ғояни илгари сурган финляндиялик олим Г.Гарфинкель ўзининг илмий асарларида мазкур тушунчага мулоҳаза билдиради. У компетентликни шахснинг билим, кўникма ва тажрибалари, ижтимоий-профессионал, яъни жамиятда эгаллаган касбий мавқеига мослиги, ўз лавозим вазифаларини бажариш, унга доир муаммоларни ҳал қилишга қодирлиги деб тушунади[25]. Унинг таърифидан компетентлик шахснинг муайян билим ва малакаларга эгалиги ҳамда у ёки бу вазиятда самарали фаолият юритиш учун тайёр эканлиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

F.Delamare ва J.Winterton компетенцияни маълум бир фаолият талаб қиладиган стандарт хулқ-атвор, ўзини тутиш, компетентликни эса ушбу талаб (стандарт)га мослик даражаси, яъни компетенцияни намойиш қилишнинг пировард натижаси деб тавсифлайдилар[26].

J.Raven компетент ёндашувнинг асосий мақсадини шахснинг шаклланиши, унинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали фаолият кўрсатишини таъминлаб берувчи қобилиятлари, истеъдодини очиш ва ривожлантиришда кўради ҳамда бундай ёндашув ўқувчи-талабаларга ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш, ўзини мунтазам ривожлантириб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришини таъкидлайди[27]. Олимнинг тадқиқотларида

[24] Daniels, M. Developing and Assessing Professional Competencies: a Pipe Dream? (2011), Uppsalaniversity, Sweden, 108 p.

[25] Гарфинкель Г. Концепция и экспериментальные исследования «доверия» как условия стабильных согласованных действий/ Пер. с англ. А.М.Корбута. –Москва: Социологическое обозрение, 2009. – Т.8. – № 1. – С.3–25.

[26] DelamareF., WintertonJ. What is Competence? – Human Resource Development International, Vol. 8, No.1, March 2005, P.28.

[27] Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. – Москва: Когито-Центр, 2002. – 42 с.

39 турдаги компетенциялар рўйхати келтирилади ва улар “қўллаб-қувватланган лаёқат турлари” деб изоҳланади[28].

БААдаги Ал Васл университети тадқиқотчиси Нисод Чатҳамкулам Абдулраҳмон ва Дубайдаги Британия университети вакили Эмад А.С.Абу-Айяшнинг айрим мақолаларида[29] тил компетенцияси, коммуникатив компетенция ва ўзаро таъсир компетенцияси билан боғлиқ илмий адабиётлар ўрганилган. Муаллифлар 2 та мақсадни: а) лингвистик, коммуникатив ва ўзаро таъсир компетенциялари ҳақидаги маълумотларни илмий жамоатчиликка тақдим этиш; б) мавжуд барча адабиётларни танқидий ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш ва шарҳлаш; бу борадаги камчиликларни аниқлашни режалаштирганлар. Мазкур олимларнинг ютуқлари шундаки, таъкидланган компетенцияларнинг учала турига тегишли тадқиқотларни батафсил муҳокама қилган; самарали аудитория машғулотларини ўтказиш ва тадқиқотлар олиб бориш учун тегишли методик тавсиялар берган.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар олимларидан яна И.Р.Гонсалес (Испания), И.Дуден, Е.К.Шпрехен (Германия), И.Мена (Италия), Ж.Литтемор, Г.Лов (Англия) ва бошқалар лингвистик компетенциянинг муайян муаммолари билан шуғулланганлигидан илмий жамоатчилик хабардор, деб ҳисоблаймиз.

[28] Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. – Москва: Когито-Центр, 2002. – 296 с.

[29] Nishad Chathamkulam Abdulrahman,Emad A. S. Abu-Ayyash. Linguistic competence, Communicative Competence and Interactional Competence. - JOURNAL OF ADVANCES IN LINGUISTICS Vol 10 (2019) ISSN: 2348-3024. - 1600-1616.

МДҲ олимларининг эълон қилган ишларида[30] ва диссертацион тадқиқотларида[31] компетентлик ва компетенциянинг таърифлари хилма-хил тарзда изоҳланган: шахснинг хусусият ва сифатлари; мотивлашган қобилиятлар; фаолиятга тайёргарлик мезони; муайян муаммони ҳал этиш ва унинг натижаларини ҳисобга олиш учун зарур бўлган қобилият; муайян фаолиятга боғлиқ билим, малака, кўникма ва тажриба (инсон томонидан

[30] Асланов Р.М. Компетентностный подход в подготовке будущего учителя информатики и математики // Преподаватель XXIвека. – 2008. - №2.; Дунюшин А.А. Педагогические аспекты формирования социально-психологической компетентности сотрудников местного самоуправления: дисс... канд.пед.наук.. – М.- 2003. – 192 с.; Зеер Э.Ф., Сыманюк Э.А. Компетентностный подход к модернизации профессионального образавания // Высш. образование в России. – 2005., №4 – С. 23-29.; Ларионова Г.А. Компетенции в профессиональной подготовке студентов вузов: знания, действия, деятельность, самоопределение: монография. – Челябинск. – 2004. – 171 с.; Тестов В.А. О формировании профессиональной компетентности учителя математики // Сибирский учитель. – 2007. – Вып. 6.; Ходырева Н.Г. Методическая система становления готовности будущих учителей к формированию математической компетентности школьников: автореф. дис... канд. пед. наук. – Волгоград. – 2004. – 24 с.; Шкерина Л.М., Панасенко А.Н. Моделирование математической компетенции бакалавра – будущего учителя математики // Инновации в непрерывном образовании. – 2012, №4. – С. 59-63; Эльконин Д.Б. Понятие компетентности с позицией развивающего обучения. – Красноярск. – 2002; Белкин А.С. Компетентность. Профессионализм. Мастерство. - Челябинск.- 2004. - 176 с.; Введенский В.Н. Моделирование профессиональной компетентности педагога // Педагогика. - 2003. - № 10. - С. 51-55.; Ларионова Г.А. Компетенции в профессиональной подготовке студентов вузов: знания, действия, деятельность, самоопределение: монография. - Челябинск. - 2004. - 171 с.

[31]Адольф В.А. Теоретические основы формирования профессиональной компетентности учителя: автореф. дисс. д-ра пед. наук. - М. -1998. - 48 с.; Арефьев Р.С. Формирование готовности к самопроектированиюкоммуникативной компетентности студентов педагогического вуза.:дис. ...канд. пед. наук. - Сочи, 2004. - 190 с.; Аршинова Н.И. Формирование иноязычной лингвистическойкомпетенции студентов вуза с применением средств компьютерныхтехнологий: английский язык как вторая специальность: дис. ... канд. пед.наук. - Петрозаводск, 2007. - 189 с.; Баландин С.А. Развитие организационно-педагогической компетентности менеджера образования в процессе управленческой деятельности в профессиональном учебном заведении: дис. ... канд. пед. наук.- Челябинск, 2004. - 151 с.; Беленюк Н.А. Формирование социолингвистическойкомпетенции студентов младших курсов технического вуза в процессеобучения устному общению: английский язык, базовый курс: дис. ... канд. пед.наук. -Томск, 2007. - 170 с.; Белоконь С. Н. Формирование ключевыхкомпетенций руководителя в процессе обучения по специальности “менеджеробразования: дис. ... канд. пед. наук. -Ставрополь, 2006. -172 с.; Бобиенко О.М. Ключевые компетенции личности как образовательный результат системы профессионального образования: дис. … канд. пед. наук. - Казань. - 2005. - 185 с.; Борходоев Л.А. Прагматический текст как средство формирования социокультурной компетенции студентов языкового вуза.: дис.... канд.пед.наук. -Улан-Удэ, 2002. - 211 с.; Варданян Ю.В. Строение и развитие профессиональной компетентности специалиста с высшим образованием: на материале подготовки педагога и психолога: дис. … д-ра пед. наук: М.: РГБ ОД. - 1998. - 353 с.; ДортманС.Р. Обучение лингвокультурологической компетенцииучащихся средных профессионалных образовательных учреждений (на материале немецкоязычных медиатекстов): дис. … канд. пед. наук: – Пятигорск, 2012. – 180с.; Дунюшин А.А. Педагогические аспекты формирования социально-психологической компетентности сотрудников местного самоуправления: дис. … канд. пед. наук. - М. - 2003. - 192 с.; Павлова Л. П. Исследование влияния игровой учебной деятельности на формирование межкультурной компетенции студентов вуза:На материале иностранного языка: дис. ... канд.пед. наук: - Ставрополь, 2004.-176 с.; Райцев А.В. Развитие профессиональной компетентности студентов в образовательной системе современного вуза: дис. … д-ра пед. наук: СПб. - 2004. - 309 с.; Селиверстова М. В. Формирование управленческих компетенций учителя в условиях развития современного образования: дис. ... канд. пед.наук. - Ижевск, 2011. –212с.; Сухова Н.А. Формирование культурно-страноведческой компетенции на основе аутентичных материалов в процессе обучения устной речи студентов педагогического вуза: Второй курс, немецкий язык: дис. ...канд.пед.наук. - Санкт-Петербург, 2002. - 244 с.; Тармаева Е.В. Развитие коммуникативной компетентности у будущих учителей: дисс…кан.пед.наук. - Улан-Удэ. - 2007.; Халупо О.И. Формирование коммуникативной культуры студентов технического вуза при изучении иностранных языков.: дис. ...канд.пед.наук. - Челябинск, 2002. - 144 с.

ўзлаштирилган муаммо ёки бирор топшириқни бажариш усуллари ва йўлларини бир бутунликда бирлаштириш), шу билан бирга шахснинг мотивлашган ва ҳиссий-иродавий соҳаси каби.

Нуфузли хорижий луғатларда[32] “competentia” лотинча сўз эканлиги таъкидланган, унинг ўзбек тилидаги луғавий маъноси “инсон яхши биладиган”; “тажрибага эга бўлган” каби маъноларни ифодалаганлиги мутахассисларга сир эмас. Демак, муайян соҳа, масалан, педагогикада инглиз тилини мукаммал биладиган компетентли инсон – фан ўқитувчиси шу соҳа йўналиши ҳақида асосли фикр юритиш ва унда самарали фаолият олиб бориш учун мос билим ва қобилиятларга эга бўлади.

Бу ўринда умумий тарзда изоҳланаётган мазкур тушунчаларга янада ойдинлик киритиш учун дастлаб бир қатор хориж илмий манбаларига мурожаат қиламиз. А.А.Вербицкий ва Д.М.Ильязоваларнинг фикрича, компетенция – бу инсон томонидан муайян бир фаолиятнинг амалга оширилишини таъминловчи унинг мақсадлари, қадриятлари, мотивлари, шахсий сифатлари, билимлари, малакалари, кўникмалари, қобилиятлари ва тажрибалари тизими; компетентлик эса амалиётда намоён бўлган ва амалга ошган инсоннинг амалий фаолият технологияларини эгаллаш даражаси ҳамда шахснинг ижтимоий-авлодий сифатлари ривожи билан боғлиқ тавсифланувчи компетенциясидир[33].

В.В.Нестеров ва А.С.Белкинлар бу масалага бироз бошқачароқ ёндашишган. Улар компетенцияни таълим ривожида самарали фаолият учун зарурий шарт-шароит яратувчи касбий ваколат, функция (вазифа)лар; компетентликни эса компетенцияни самарали амалга оширишни таъминловчи касбий ва шахсий сифатлар мажмуаси сифатида изоҳлашган ҳамда таърифлашган[34].

---

[32] Ожегов С.И., Шведова И.Ю. Тольковый словарь русского языка - М.: Язъ. – 1994; Словарь иностранных слов . – М.: Русский язык. – 1988.

[33]Вербицкий А.А., Ильязова М.Д. Инварианты профессионализма: проблемы формирования. – М.: Логос. 2011. – 288 с.

[34] Нестеров В.В., Белкин А.С. Педагогическая компетентность: учеб. пост. – Екатеринбург: Учебная книга. – 2003. – 186 с.

В.Н.Введенский мазкур тушунчалар ҳақида ихчамгина тарзда “компетентлик – бу қандайдир шахсий тавсиф, компетенция эса аниқ касбий ёки функционал тавсифлар мажмуаси”,[35] – деган фикрни билдирган. М.А.Холодная эса компетентликни “муайян фаолиятда самарали қарорлар қабул қилишга имкон берувчи предметли – ўзига хос билимларни ташкил этишнинг махсус типи”[36] сифатида таърифлаган.

И.А.Зимняя тадқиқотларида компетенция ва компетентликнинг бир қатор долзарб муаммолари таҳлил этилганки, бундан илмий жамоатчилик яхши хабардор. Хусусан, мазкур олим компетентликни йўналтирилганлик, мақсадни қўя билиш, ҳулқнинг эмоционал-иродавий бошқарилиши, қадриятли–мазмунли муносабатларни ўз ичига олган шахс хусусиятлари сифатида қарайди. Олимнинг илгари сурган ниҳоятда долзарб ғояларидан яна бири–компетентлик тузилмасининг қандай компонентлар тизимидан ташкил этишни аниқлаб берганлигидир. Улар қуйидагилардан иборат бўлган: а) фаолият ва ҳатти-ҳаракатда ушбу хусусиятни намоён қилишга тайёргарлик; б) амалларни (ёки топшириқларни) бажаришнинг воситаси, хусусиятларининг турларини билиш, ижтимоий ва касбий масалаларни ечиш, тартиб-интизом қоидалари ва меъёрларига мунтазам риоя қилиш; в) билимларни амалга ошириш тажрибаси, яъни кўникма ва малака; г) компетенциялар мазмунига қадриятли-мазмунли муносабат, унинг шахсий аҳамиятлилиги; д) эмоционал – иродавий регуляция, компетентликни намоён қила олиш қобилияти, унинг ижтимоий ва касбий ўзаро таъсир ҳолатларига боғлиқ ҳолда намоён бўлишини тартибга солиш[37].

Г.К.Селевко компетентлик ва унинг таснифи масаласи бўйича муайян фикр–мулоҳазалар юритганида, у аввало, компетентликни атроф-муҳитни ўзгартириш бўйича муайян мақсадни қўйиш ва унга эришишга имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси шакли сифатида изоҳлаган.

[35]Введенский В.Н. Моделирование профессиональной компетентности педагога // Педагогика. – 2003. - № 10. – С. 51-55.
[36]Холодная М.А. Психология интеллекта. Парадоксы исследования. 2-е изд. – СПб.: Питер. – 2002. – 272 с.
[37]Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативноцелавая основа компетентностного подходо образовании // Ректор вуза. – 2005. - №6. – С. 13-29

“Компетентлик – бу шахсий таълим олиши ва ижтимоийлашуви жараёнида эгалланган ҳамда фаолиятда мустақил ва муваффақиятли иштирокига йўналтирилган билим ва тажрибаларига асосланган, унинг фаолиятидаги умумий қобилият ва тайёргарлигида намоён бўладиган интеграллашган сифат”[38], – деган асосли фикрни ўртага ташлаган.

А.С.Белкин фундаментал тадқиқотида “компетенция – инсонда мавжуд бўлган сифатлар тўплами”, компетентлик – муайян шахс эга бўлиши зарур бўлган нарсалар тўплами[39]–деган фикрни илгари суради. Ўз-ўзидан маълум бўладики, бу ҳар иккала атама ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирига боғлиқ бўлган тушунчалардир. Чунки компетенцияга эга бўлмаган компетентли шахс уни ижтимоий аҳамиятли жиҳатларда тўлаконли амалга ошира олмайди.

Тадқиқотчилар фикрига кўра, компетенциялар динамик хусусиятга эга, чунки улар инсоннинг шахсий таркибидаги ўзгармас сифат эмас, балки уларни ривожлантириш учун сабаб бўлмаса, ривожланиш, такомиллаштириш ёки бутунлай йўқ бўлиб кетишга қодир.

Н.С.Сахарова "компетенция" атамасининг жуда чуқур ва оригинал талқинини тақдим этади. У фалсафа, мантиқ, табиатшуносликда "компетенция" тушунчасининг таърифларини синчковлик билан таҳлил қилди ва тирик организмнинг ташқи таъсирга жавобан тегишли реакция билан жавоб берадиган қўшма фаолиятни амалга ошириш қобилиятидан иборат умумий категорик моҳиятини очиб берди. Ушбу реакциянинг натижаси (релексия) бу ваколатдир. Бу талқинда компетентлик шахснинг акс этиши натижасидир, бу эса, ўз навбатида, унинг бошқа шахслар–жамият аъзолари билан ўзаро таъсирлашганда пайдо бўладиган ташқи стимулларга муносабати натижасидир[40].

[38] Селевко Г. К. Компетентности и их классификация // Народное образование – 2004, №4. – С. 138- 145.
[39] Белкин А.С. Компетентность. Профессионализм. Мастерство. – Челябинск. – 2004 – 176 с.
[40] Сахарова Н.С. Категории «компетентность» и «компетенция» в современной образовательной парадигме // Вестник ОГУ. 1999. № 3. С. 51-58.

Умумлашган шаклда компетенцияни мулк (сифат) деб белгиласак, компетентликни касбий фаолиятда намоён бўладиган бу мулкка эгалик, деб қараш мумкин. Муайян университетни ёки институтни тамомлаган битирувчи (мутахассис) муайян компетенциялар – касбий-релевант сифатлар асосида касбий фаолиятни амалга оширишда фаоллаштириладиган ва унинг компетентлилигини кўрсатадиган салоҳиятга эга бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, "компетенция" атамаси мутахассисни касбий фаолиятида ўзини тавсифлаш учун ишлатилиши ва "компетенция" – мутахассисни "потенциал" компетентли қиладиган асосий хусусият сифатида ифодалаши мантиқийдир. Шунинг учун баъзи тадқиқотларда бўлгани каби компетенцияни ўзлаштириш ҳақида гапириш мутлақо тўғри эмас. Чунки, муайян бир касбга тегишли компетенцияларни эгалласагина, уларни маълум бир касбий фаолият тажрибасида қўллаш орқали ваколатли бўлиши мумкин, холос.

М.А.Чошановнинг таъкидлашича, “компетентлик – бу нафақат муаммо моҳиятини тушуниш, балки уни ҳал этиш методларини эгаллаш”[41] дан иборатдир. Мазкур олимнинг касбий компетенция мавжуд билимлар асосида вужудга келган муаммони ҳал этиш усулини тез ва тўғри танлаш кўникмасида намоён бўлишини назарда тутиб, юқоридаги таъкидлаган қисқа таърифни берганлигини тўғри, деб ҳисоблаймиз.

В.А.Церуняннинг диссертациясида[42] ҳам компетентлик мезонлари ҳақида муайян фикр-мулоҳазалар мавжудлигини кўрамиз: компетентлик мезонлари фаолиятнинг объектив натижалари ва тавсифини, шунингдек, субъектив омиллар, мотивлар ва қизиқишларни ифодалаш лозим, яъни субъект компетентлиги, бир томондан, фаолият мақсади шахснинг мотивларининг умумий тузилмаси қанчалик кириш билан, бошқа томондан, у ёки бу натижа учун фаолият қандай амалга оширилиши билан баҳоланади.

[41]Чошанов М.А. Гибкая технология проблемно-модульного обучения. – М.: Народное обучение–1996.–160 с.
[42] Церунян В.А. Педагогическое условия формирования личности специалиста : дис... канд. пед. наук.: - М.-2002. – 141 с.

О.М.Бобиенконинг диссертациясида[43] эса компетенцияларни баҳолаш усуллари сифатида қуйидагилар таклиф этилган: кузатиш, саволномалар, натижалар папкаси (портфолио), ёзма журнал (кундалик), рағбатлантириш (ишбилармонликка ўргатиш) амалий топшириқлар (касбий малакаларни намойиш этиш) ва видеотасвирлар.

Россия давлати олий таълимида узоқ йиллар амалиётда хизмат қилаётган нуфузли "Педагогика" дарслигининг муаллифлари "компетентли фаолиятни амалга оширишга зарурий ва амалий тайёргарликнинг бирлиги сифатида қараганлиги ҳам айни ҳақиқат[44]. Психолог олимлардан, хусусан, Е.Вахрамов компетентликни "кундалик ҳаётдаги реал вазиятларда вужудга келадиган типик муаммолар ва масалаларни самарали ҳал этишга имкон берувчи ўзига хос қонуният"[45] сифатида таърифлайди ва изоҳлайди.

Хуллас, компетентлик – деганда инсоннинг компетенция ва фаолият предметига шахсий муносабатларидан иборат мос компетенцияга эгалиги ҳам тушунилади. Бизнинг назаримизда, тадқиқотимизга дахлдор компетенция тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади ва кенг маънода ифодаланишга хизмат қилади: а) педагогика олий ўқув юртларининг инглиз тили ва адабиёти йўналиши битирувчисининг тайёргарлиги, "мутахассислаштирилган"лиги, фаолият усуллари ва воситаларига ҳақиқий эгалиги, педагогик ва лингвистик компетенция билан боғлиқ муаммолари ўз вақтида бажара олишлиги билан ифодаланувчи таълим натижаси; б) атроф-муҳитини шакллантириш муайян мақсадни қўйиш ва унга эришиш имконини берувчи билим, малака ва кўникмаларнинг мослиги.

"Компетентлик" атамасидаги *"-лик"* қўшимчаси аслида таълим сифатига эгалик даражасини билдирганлигини олимлар яхши билишади. Шунинг учун ҳам мазкур атама миллий тилимизда ва педагогик амалиётда таълим сифатлари ва уларга эгалик даражасини белгилаш учун қўлланилади.

---

[43] Бобиенко О.М. Ключевые компетенции личности как образовательный результат системы профиссиольного образования: дисс... канд. пед. наук. – Казань. – 2005. – 185 с.

[44] Сластенин В.А. , Исаев И.Ф., Мищенко Д.И., Шиянов К.Н. Педагогика. – М.:Школьная пресса. – 2002. – 512 с.

[45] Вахромов Е. Психология новый эры: компетентность или беспомощность? – М. 2001. – 312 с.

Компетентлик – деганда шахснинг муайян фаолият юритишга умумий қобилиятлар ва унинг касбий тайёргарлигида намоён бўлувчи таълим жараёнида ўзлаштирилган билим ва тажрибаларга асосланган интегралашган сифатлари тушунилади.

Демакки, “компетентлик*”* ва “компетенция*”* тушунчалари билим, малака ва кўникма тушунчаларидан бироз кенгроқ, чунки улар шахснинг муайян соҳага йўналтирилганлиги, қўйилган муаммо ва вазифаларни ҳис қила олиши, синчковликни намоён қила олиши, эгилувчан фикрлашга эга бўлиши каби педагогик сифатларни ўз ичига олади. Миллий тилимизда ҳар иккала атама синоним тушунчалар сифатида қўлланилади. Бу тушунчалар миллий педагогикамизда нисбатан янги ҳисобланганлиги учун ҳам тегишли адабиётларда уларнинг турли хил талқинлари мавжудлигини кўрамиз. Лекин уларнинг ихчамлашган, мазмунли ва меъёрлашган ифодаси олий таълимнинг Давлат таълим стандартидаги таърифларда берилган.

Миллий таълим тизимида олий ўқув юртлари муассасалари битирувчиларининг касбий тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар нуқтаи назардан компетентлик тушунчасида бўлажак мутахассиснинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият методлари мажмуасини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади. Ушбу масалага янада яқинроқ ёндашамиз: тадқиқотимиз объектига мос келадиган педагогик фаолият нуқтаи назаридан қараганда *компетенция* – бу билим ва амалиёт орасидаги алоқани ўрганиш имконияти ёки кенг маънода муаммони ҳал этиш учун зарур бўлган жараённи, хусусан, ҳаракат ва билимни кўрсатиш, топиш қобилиятидир, дейиш мумкин.

Илмий-методик адабиётларда компетенция асосан икки хил: таянч ва асосий компетенция бўлиб изоҳланган. Хусусан, таянч компетенция – бу ўз тавсиф ва қўлланиши даражаси бўйича оммавий, асосий компетенция эса ўз тавсиф ва қўлланилиш даражаси бўйича қаралаётган мутахассисликка мос келувчи компетенция сифатида изоҳланади. Шу боисдан бу компетенция

кўпчилик илмий адабиётларда касбий компетенция деб номланган ва шу тарзда таҳлил қилинган.

Бу ўринда даставвал, бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлигини аниқлаш учун ушбу тушунчани ўрганишга бағишланган жаҳон педагогикасидаги илмий–методик манбаларга эътиборни қаратамиз. Бу соҳада таниқли олимлардан дастлаб В.А.Адольф, В.И.Бойденько, Н.Г.Ходырева ва бошқаларнинг ишларига назар солсак, уларда асосий эътибор сифатида касбий компетенция педагогик муаммо сифатида ўрганилганлигини, асосан, ўқитувчининг типик хусусиятлари таҳлил қилинганлигини кузатамиз.

В.Адольф докторлик диссертациясида: “Касбий компетентлик – бу маҳсулдор педагогик фаолиятга назарий, методологик, предметли, психологик-педагогик ва технологик тайёргарликни ўз ичига олган умумлашган шахсий таълимдир”[46], деган мулоҳазаларни ёзади. Мазкур олим ўқитувчининг компетентлиги тузилмасида предметли, методик, методологик, психологик-педагогик ташкил этувчиларни ажратган. Компетенцияни объектив шароит, яъни бўлажак ўқитувчининг ҳуқуқи, бурчи ва жавобгарлиги сифатида талқин этган. Яна энг муҳими, тўлақонли касбий компетентликнинг фақатгина ҳаракатчан ва янгиликка интилувчи ўқитувчилардагина бўлиши мумкин, деган ғояни илгари сурганлиги илмий жамоатчиликка маълум.

Олий таълим битирувчилари компетентлиги тузилмаси муаммолари билан шуғулланган хорижлик олимлардан яна бири В.И.Байденко “касбий-педагогик компетентлик” тушунчасини қуйидагича тавсифлаган ва изоҳлаган: а) ўз мутахассислиги бўйича фаолият юритиш учун зарур бўладиган билим, малака, кўникма ва қобилиятларга, касбий муаммоларни қисман ҳал этишда бир вақтда автономик ва эгилувчанлик хусусиятларга эга бўлиш; б) касбий шахслараро муҳитда ҳамкасблар билан ҳамкорликни ривожлантириш; в) фаолият мезони (сифат ўлчови), қўллаш соҳаси талаб этиладиган билимларни

[46] Адольф В.А. Теоретические основы формирования профессиональной компетентности учителя: автореф. дисс. д-ра пед. наук. – М.-1998. – 48 с.

ўз ичига олган стандартларнинг лойиҳалаш тузилмаси; г) иш берувчи талабига кўра, касбий фаолиятни самарали амалга ошириш имконият берувчи қобилиятлардан фойдаланиш; д) инсонга хозирги замон меҳнат муҳитида иш фаолиятини муваффақиятли бажариш имконини берувчи билимлар, хусусиятлар ва кўникмаларнинг интегралашган бирлашуви[47].

Кўрамизки, мазкур олим биз назарда тутаётган касбий компетентликни фаолият талабаларга мос равишда харакат қилишига, қўйилган вазифа ёки муайян муаммоларни мустақил равишда ҳал этишга, шу билан бирга, ўз фаолияти натижалари, яъни тегишли мос кўникмалар, техник усулларни баҳолай олишга тайёрлиги ва қобилияти сифатида тушунади.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, биз танишган илмий-методик адабиётлардаги *"касбий компетентлик"* муаммосига дахлдор барча фикр-мулоҳазалар деярли бир-бирини тўлдиради ёки баъзан бир-бирини такрорлайди. Айни ҳолни хорижлик олимлардан О.В. Ховов, В.Г.Пицулин, И.Ф.Пехлицкий, В.В.Нестеров, А.С.Белькин ва бошқаларнинг илмий ишларида кузатдик. Масалан, О.В.Хобовнинг таъкидлашича, касбий компетентлик – бу нафақат малака, яъни фаолият тажрибаси, кўникма ва билимлар сифатида касбий малака ҳақидаги, балки касбий фаолиятда мустақилликни таъминловчи ижтимоий-коммуникатив ва индивидуал қобилиятлар ҳақидаги тасаввурлардан иборат[48].

В.Г.Пищулин олий таълим битирувчиларининг модели ҳақида сўз юритганда, касбий компетентликка қуйидагиларни: мутахассислик компетентлиги (касбий амаллар ва келажакда касбий ривожланишни мустақил бажаришни таъминловчи билим, кўникма ва малакалар), коммуникатив компетентлик, аутокомпетентлик (ўз-ўзини бошқариш), ёзма ва оғзаки нутқ кўникмалари, ташкилотчилик ва изланувчанлик – тадқиқотчилик компетентликларини хам киритилиши керак[49], – деган амалий таклифларни

[47]Байденко В.И. Выявление состава компетенций выпусникнков вузов как необходимый этап проектирования ГОСВПО нового поколения. – М. – 2006. – 72 с.
[48]Ховов О.В. Компетентность профессиональная // Энциклопедия профессионального образования: В 3-х т. – М.:АПО. – 1998. – Т.1. – С. 454-455.
[49] Пищулин В.Г. Модель выпусника университета // Педагогика. – 2002. - №9. – С.22-27.

беради ва бу билан таълим тизимидаги илмий жамоатчилик эътиборини тортади. Юқоридаги мулоҳазаларни биз маъқуллаган ҳолда, В.Г.Пицулиннинг касбий компетентликка киритиладиган “изланувчанлик – тадқиқотчилик компетентлик”даги фикрига қисқача муаллифлик ёндашуви асосида муносабат билдирамиз, уни муайян маънода тўлдирамиз.

Умуман олганда, касбий компетентликка берилган барча таърифлар ўзида муайян ижодкорликни ифодалайди. Хусусан, тадқиқотимиз объекти билан боғлиқ ҳолат, айнан, педагог ижодкорлиги ўз предметига эга. Масалан, бўлажак инглиз тили ўқитувчиси инглиз тили ва унга дахлдор фанлар соҳасидаги барча билимларни, таълим ва тарбия методикасини пухта эгаллаган бўлиши, уларни психология-педагогикада синчиклаб текшириб кўриш ва муомала қилиш кўникмасига асосланади. Шу боисдан педагогик ижодкорлик учун қуйидаги омиллар жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз; педагог муаммоларнинг кўп хиллиги ва уларни ўз ечимлари, яъни ҳал этишнинг вариантивлигини; ўз маҳоратининг даражаси ва тавсифини ҳамда уни янада ривожлантириш мумкинлигини; уни такомиллаштириш ҳоҳиши, янги ечимларнинг зарурлигини тушуниш ва унга руҳий тайёргарлик ҳамда уни амалга оширишга ишонч.

Педагог ижодкорлиги яъни В.Г.Пищулин таърифи билан ифодаласак, “изланувчанлик–тадқиқотчилик компетентлиги” масаласи педагог шахсининг тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлган таълимий ҳодиса. Илмий-методик адабиётларда бу борада хилма-хил фикрлар, шунингдек, бир-бирини мантиқий жиҳатдан тўлдирадиган мулоҳазалар айтилган. Масалан, С.Е.Елканов педагог шахсининг компетентлик тузилмаси ҳақида сўз юритар экан, қуйидагиларни муҳим деб ҳисоблайди: а) умумпедагогик сифатлар (педагогик йўналганлик ва мотивация); б) касбий муҳим сифатлар; в) индивидуал психологик хусусиятлар: қобилиятлар, темперамент, психик жараён ва бошқалар[50].

[50] Елканов С.Е. Профессиональное самовоспитание учителя: Книга для учителя. – М.Просвещение. – 1986. – 143 с.

О.Н.Кулюткин ўқитувчи фаолиятининг психологик табиати ҳақида мулоҳазалар билдириб, педагог учун касбий аҳамиятга дахлдор қуйидаги шахс сифатларини тавсия этади: а) бошқа кишининг ички оламини билиш қобилияти: б) таълим олувчида фаол таъсир кўрсатиш қобиляти: в) ўзини-ўзи билиш қобилияти [51].

Психолог А.К.Маркова педагог шахси тузилмасида интегралли тавсиф деб номланувчи бир қатор сифатларни алоҳида ажратади ва батафсил изоҳлаб беради: а) педагогнинг касбий педагогик ўз-ўзини англаши, яъни унинг профессионал сифатида ўзи ҳақидаги тасаввурлари мажмуаси; б) педагогик фаолият ва мулоқотнинг индивидуал усули, яъни педагог учун хос бўлган педагогик фаолият ва мулоқот вазифалари, воситалари ва усулларининг мустаҳкам бирлашиши; в) ижодий потенциал, яъни шахснинг ноёб, шу жумладан, ностандарт даражада педагогик масалаларни ечишга имкон берадиган креатив қобилиятлари мажмуаси[52].

Тадқиқотимизнинг ушбу фасли назарий асосларига дахлдор ниҳоятда муҳим бўлган бир муаммога, яъни "*компетенция*" тушунчасининг билим, кўникма ва малака тушунчалари билан боғлиқлиги ва фарқли жиҳатларига қисқача аниқлик киритмоқчимиз. Фикримизча, ўз моҳияти ҳамда вазифасига кўра компетенция билим, кўникма ва малакаларни рад этмайди, балки улардан тубдан фарқланади. Хусусан, унинг билимлардан фарқи шундаки, улар фаолият ҳақидаги маълумотлар сифатида эмас, балки фаолият кўриниши сифатида мавжуд бўлади. У кўникмалардан шу билан фарқ қиладики, улар турли кўринишдаги вазифа ва топшириқларни ечишда қўлланилиши мумкин. Компетенциянинг малакалардан фарқи шундаки, у англанган, лекин автоматлашмаган. Бу эса инсонга нафақат одатий, балки янги ностандарт ҳолатда ҳам ҳаракат қилиш имкониятини беради. Агар компетентлик қобилият сифатида қаралса, у ҳолда инсоннинг турли хил қобилияти ва

[51]Кулюткин О.Н. Психологическая природа деятельности педагога // Творческая навравленность деятельности педагога. – Сб. науч.ст. л. – 1978. – с. 7-10.
[52]Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: "Знание". – 1996. – 308 с.

истеъдоди ҳақида сўз боради. Бунда "*қобилият*" тушунчаси талқинида турлича ёндашувлар мавжуд. Шахсли ёндашувга кўра, қобилиятлар шахснинг муваффақиятли фаолиятга хос хусусияти ёки хусусиятлари тўплами, шу жумладан, инсоннинг эмоционал ва иродавий хусусиятлари сифатида тушунилади.

Функционал-генетик ёндашув қобилиятни у ёки бу психик жараённинг амалга оширувчи функционал тизимларнинг самарадорлик тавсифи сифатида талқин этади. Бундай ҳолда шахс тузилмасидаги когнитив, мотивацион ва хулқий компетентларнинг бирлигини ифодаловчи компетентлик ва компетенция тушунчалари қобилиятлар сифатида қараш мумкин.

*Дифференциал ёндашув*ига кўра, қобилият, билим, кўникма ва малакаларга кирмайдиган, аммо фаолиятнинг янги усуллари ва йўллари билан тез ва осон ўқитишга хизмат қилувчи фаолиятни бажариш самарадорлигини аниқловчи инсоннинг индивидуал–психологик хусусияти сифатида қаралади. Бунда қобилият инсон имкониятининг бир қисмини ташкил этади. Шу билан бирга, қобилиятлар инсон имкониятларининг бир қисми, муваффақият эса ирода, мотив ва ижтимоий муҳитга боғлиқ[53].

Жаҳон педагогикасига оид илмий-методик манбаларда *"компетенция", "компетентлик", "компетенциявий ёндашув", "компетентлик тузилмаси"* каби бир қатор тушунчаларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари ҳақида қатор мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, А.В.Хуторский, А.К.Столяр, А.И.Суббетто. А.К.Меркова, М.К.Яэрст, Э.А.Зеер, И.А.Зимняя каби мутахассис олимларнинг ишлари шулар жумласига киради.

А.И.Суббеттонинг илмий ишларида "компетентлик" ва "компетенция" тушунчаларининг *"сифат", "хусусият", "маҳорат"* тоифалари билан нисбатда моҳиятини очиш тенденцияси етакчилик қилади. Мазкур олимнинг таъкидлашича, "компетентлик" ва компетенция тушунчалари мураккаб тузилмали ва динамик билимдир, аммо "сифат" ва "хусусият" тоифаларига

[53]Қаранг: Темиров С.Й. Бўлажак математика ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2014. - 15-16-бетлар.

нисбатан иккинчи даражали ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар қуйидаги умумий тамойилларига бўйсунади: а) сифатнинг юзага келиши ва ривожланишида потенциал ҳамда долзарб ташқи ва ички зиддиятлар тизимининг мавжудлик тамойили; б) бутунлик ва тизимлилик тамойили, бунда сифатнинг ички тузилмаси объектининг сифатини потенциал сифат даражасида, сифатнинг ташқи тузилмаси эса объект ёки жараённинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсири сифатини реал сифат каби аниқлайди; в) жараёнлар сифатни натижалар сифатида ифода эттириш тамойили ва бошқалар[54].

Психолог Е.П.Ильиннинг илмий ишларида "*хусусият*" тушунчаси "бирор бир инсонга хос фаолият ва ахлоқнинг аниқ сифати – сонли босқичини таъминловчи мустаҳкам таълим" сифатида изоҳланган ва атрофлича асослаб берилган[55]. А.В.Хуторскийнинг фикрига кўра, "компетентлик" индивидуал-психологик хусусият, "компетенция" – таълим олувчининг аниқ бир муҳитда самарали ва сифатли фаолияти учун зарур бўлган таълимий тайёргарликка қўйилган олдиндан белгиланган ижтимоий талаблардан иборат"[56].

Илмий-методик адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, мутахассис олимлар фаолиятли ёндашувни истиқболли ҳисоблайдилар, чунки улар компетентликни касбий фаолиятда намоён бўлади ва шу билан бир вақтда унинг асоси ҳам бўла олади, – деб таъкидлайдилар. Бундай ҳолда компетентлик вазиятларнинг аниқ доирасида самарали ҳаракатни юзага келтириш учун зарур бўлган ички ресурслар тизими сифатида тушунилади. Компетентлик тузилмасида қуйидаги компетентлар ажратилади: йўналтирувчилик ва ижрочилик, мазмунли (билим) ва жараёнли (кўникма), когнитив ва операционал.

Илмий-методик адабиётларда тадқиқотимизга бевосита дахлдор бўлган ўқитувчи компетентлигининг мазмуни ва тузилмаси, унинг жараёни ва

[54]Суббетто А.И. Интеграционная модель выпускника вуза на базе системно-деятельностного и компетентностного подходов. – Кострома: Изд-во КГУ им. Некрасова. – 2005. – 28 с.
[55]Ильин Е.П. Диференциальная психофизиология. СПб:Питер. -2001. – 464 с.
[56]Хуторский А.В. Ключевые компетентности как компонент личностно-ориентрованной парагдимы образования // Народные образование. – 2003. -№2.

натижали томонлари, шахсга йўналтирилган ёндашувдаги ўрни каби қатор долзарб муаммолар ҳам педагогик-психологик жиҳатдан етарлича таҳлил этилганлигини таъкидлаймиз. Бу борада А.К.Маркова, М.К.Яэрст, Ж.Гаранина, Ю.В.Варданян, О.А.Буловенко, И.А.Зимняя, А.В.Райцев ва бошқаларнинг илмий ишларини назарда тутамиз, қуйида ушбу муаммонинг айрим жиҳатларига эътиборни қаратамиз.

Ўқитувчи компетентлигининг мазмунли жиҳатини таҳлил қилган А.К.Маркова ўз ишларида[57] педагогик компетентлик тузилмасини жараён (педагогик фаолият, педагогик мулоқот, ўқитувчи шахси) ва педагогик фаолият натижалари, яъни таълим олувчининг таълим олганлик ва тарбияланганлик нуқтаи назардан тизимлаштирган. Бунда меҳнатнинг ҳар томон учун психологик модул деб номланувчи касбий билимлар, касбий малакалар, касбий психологик хусусиятлар яъни сифатлар иштирок этади. Кўрамизки, А.К.Маркованинг фикр-мулоҳазаларида муайян асослар мавжуд: ушбу нуқтаи назарга кўра, бизда компетентлик тузилмасида фаолиятнинг ички вазифаси, яъни мотив, билим, кўникма ва малака каби элементларни қараб чиқиш, унинг жараёни ва натижалари кўрсаткичларини ҳисобга олиш ҳақидаги тасаввур пайдо бўлади.

М.Кяэрстнинг илмий ишларида компетентлик мазмунига унинг асоси сифатида (қобилиятлари, иқтидор, билимлар), инсон фаолияти жараёни сифатида (таърифлар, тавсифлар, аломатлар) қараганлиги ва атрофлича таҳлил этилганлигини кузатамиз. Муаллиф компетентлик мазмунига қуйидаги тавсифларни киритади: а) натижаси берилган лавозимда ишлаётган шахс (ходим-ўқитувчи)га мажбурий бўлган масалаларга интеллектуал мослиги; б) мутахассис томонидан шакллантирилган ва ҳал этилган масалаларнинг асосий ишдаги миқдори ва сифати; в) асосий масалаларни ҳал этишдаги

[57]Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.:”Знание”. -1996 – 308 с.

муваффақият; г) муаммоли масалалар ечимининг натижасида намоён бўлувчи шахснинг хусусиятлари[58].

Г.С.Сухобская компетенцияни амалиётда юзага келадиган касбий ва педагогик муаммоларни ҳал қилишда ўзини намоён қиладиган ўқитувчининг билим ва кўникмалари тизими сифатида белгилайди; Б.С.Безрукованинг таъкидлашича, бу билим ва кўникмаларга эга бўлиб, бу профессионал малакали мулоҳазалар, баҳолар, фикрларни ифода этишга имкон беради; Э.Ф.Зеер ва О.Н.Шахматова буни касбий билим ва кўникмалар тўплами, касбий фаолиятни амалга ошириш усуллари сифатида кўриб чиқади; В.Г.Афанасев мутахассиснинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўплами сифатида баҳолайди. Т.Г.Браже тадқиқотларида мутахассиснинг касбий компетентлиги нафақат касбий билимларни, балки қадриятлар, фаолиятни рағбатлантириш, ўзини дунё ва унинг атрофида тушуниш, одамлар билан мулоқот усули, умумий маданият, ўз-ўзидан ижодий салоҳиятни ривожлантириш қобилиятини ўз ичига олишини таъкидлаган.

Жон Равен компетентликни "маълум бир соҳада аниқ бир ҳаракатни самарали бажариш учун зарур бўлган қобилият", деб белгилайди ва юқори ихтисослашган билимларни, махсус фан кўникмаларини, фикрлаш усулларини ва ўз ҳаракатларига жавобгарликни англашни ўз ичига олади[59], – деган ғояни илгари суради.

А.Н.Хуторскийнинг фикрича, компетентликни қуйидаги тарзда ўрганиб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади: маълум бир соҳада ташқи дунё билан самарали ҳамкорлик қилиш имкониятини берадиган ва зарур ваколатларга боғлиқ бўлган комплекс шахсий ресурс; шахс ўз касбий фаолиятини сифатли амалга ошириш учун ички мотивацияга, ўз касбига қадрият сифатида муносабат мавжудлиги; психологик сифат, куч ва ишончни англатади;

[58]Кяэрст М. Рассмотрение компетентности в психологической концепции совершенствования управления производственной организацией // Актуальные проблемы труда: сб. науч. тр. – Тарту. – 1980. – С.45-67.
[59] Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. М.:Когито-Центр, 2002. с.6

шахснинг тегишли компетентга эга бўлиши, шу жумладан, унга ва фаолият субъектига нисбатан шахсий муносабати[60].

Кўпгина илмий-методик адабиётларда компетентликнинг камдан-кам учрайдиган жиҳатларига, хусусан, шахсга йўналтирилган ёндашувга кўпроқ эътибор қаратилганлигини кузатдик. Бу ўринда биз танишиб чиққан П.П.Урванцев, Н.В.Яковлева, Ю.В.Варданян, Ж.Г.Гаранина, О.В.Булавенко, А.А.Душюшлин, И.А.Зимняя, А.В.Райцев каби психолог ва педагог олимларнинг ишларидаги илмий мулоҳазаларни назарда тутамиз. Тадқиқотимизнинг ушбу фаслида қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, бу ўринда мазкур олимларнинг илгари сурган ғояларига мурожаат қиламиз. “Компетентлик – фаолият субъектини касбийлаштириш жараёнида ривожланувчи ва муаммоларни муваффиқиятли ҳал этиш даражасини аниқловчи психиканинг интегратив янги асоси ҳисобланади, деб таъкидлайдилар П.П.Урванцев ва Н.В.Яковлева. Мазкур муаллифларнинг фикрича, муаммони ҳал этиш жараёни психик фаолиятнинг когнитив-ахборотли ва тезкор техник жиҳатларини синтез қилишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам компетентликнинг компонентлари бўлиб, интегратив психик жараёни, яъни меҳнат субъектининг шахсий хусусиятларида намоён бўлувчи психологик кўникмалар мажмуи ҳисобланади[61]. Кўрамизки, муаллифлар асосий урғуни фаолиятни онгли равишда бошқаришга қаратган.

Мазкур олимларнинг илгари сурган илмий ғояларини муайян маънода тўлдирган ва қўллаб-қувватлаган Ж.Г.Гаранинанинг ишларида психологик компетентлик тузилмасида қуйидаги иккита даражанинг мазмунини кўзда тутувчи билим, кўникма, малака ва фикрлаш муҳим роль ўйновчи омиллар сифатида қаралган: а) тушунчалар ҳиссий образлар, ижтимоий эталонлар, стереативлар ва бошқалар ҳамда фикрлаш тизимлари (касбий масалаларни ҳал

[60] Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы / А.В. Хуторской // Народное образование. 2003. № 2. С. 60.
[61] Урванцев П.П., Яковлева Н.В. Формирование психологической компетентности врача в процессе обучения в медицинском вузе // Психол.журн. – 1995. - №4. – С. 98-107.

этиш бўйича рефлексив ақлий фаолият); б) амалий, ижрочилик яъни инсонлар билан ўзаро таъсирлашув малака ва кўникмалар тизими[62].

Ю.В.Верданяннинг таъкидлашича, “педагог ва психологнинг касбий компетентлиги мутахассис шахсининг ҳолати ва хусусиятлари, унинг касбий фаолияти ва зарур амалларни бажариш қобилияти (билими ва имконияти)нинг ягона тизимидан иборат”[63]. Яна бир олим О.А.Буловенко мутахассис компетентлигининг тавсифи ҳақида сўз юритар экан, компетентликни касбий фаолиятнинг ўзига хос чизгиси сифатида эмас, балки шахснинг турғун оширилган ёки пасайтирилган фаолликда намоён бўлувчи ҳолати сифатида қарашни таклиф этади[64].

А.В.Райцев докторлик диссертациясида[65] мутахассиснинг касбий компетентлигини касбий ва шахсий сифатлар, интегратив мажмуаси, ижтимоий ва иқтисодий фаолият маданиятини, маданий-маънавий бойликларни ўзлаштириш, дунёқарашга эга бўлишга имкон берувчи илмий билим ва малакалар мавжудлиги сифатида аниқлайди. Компетентлик тушунчасига қуйидаги босқичлар келтирилган: интеллектуал, амалий, қадриятли-мўлжалли ва нутқли. Бунда мутахассис компетентлиги ҳар доим фаолият турига боғлиқ бўлган аниқ ҳолатда намоён бўлади.

А.А.Дунюшин диссертацион тадқиқотида шахснинг ижтимоий-педагогик компетентлиги ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: у касбий фаолиятда инсонлар билан ўзаро мулоқотда бўлиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни амалий қўллай олиш қобилияти хисобланади. Олимнинг бу мулоҳазаси қуйидаги бир қатор натижаларда аниқлаштирилганлиги ва атрофлича асослаб берилганлигини кўрамиз: а) компетентлик аниқ фаолият субъекти тавсифи сифатида қаралиши мумкин; б)

---

[62] Гаранина Ж.Г. Психологическая компетентность будущего специалиста: на материале экономико-управленческих профессий: дисс... канд.психол. наук.. – Казань. – 1999. – 183 с.

[63] Варданян Ю.В. Строение и развитие профессиональной компетентности специалиста с высшим образованием: на материале подготовке педагогаи психолога: дис.. д-ра. Пед. Наук.: М.: РГБ ОД. – 1998. – 335 с.

[64] Булавенко О.А. Характеристики компетентности специалиста // Вестник ЮУрГУ. -2009. - №24. – С.13-19

[65] Райцев А.В. Развитие профессиональной компетентности студентов в образовательной системе совремменного вуза: дисс... д-ра пед. Наук.: СПб. – 2004. – 309 с.

компетентликнинг мазмуни касбий фаолиятининг мазмун-мақсади, тузилмаси ва махсус талабларига боғлиқ; в) иродавий ва коммуникатив хусусиятлар, интеллект, муносабатлар, асословчи далиллар ва шахснинг йўналтирилганлик тизими компетентликка замин бўлиб хизмат қилади[66].

Компетенциянинг илмий-назарий асосларини очиб беришга харакат қилган Л.М.Спенсер ва С.М.Спенсерлар компетенцияни фаолиятнинг самарадорлиги ва муваффақият омили сифатида қарайдилар. Улар шахс тузилмасида компетецияянинг 5 та турини ажратиб кўрсатган эди:а) мотивлар компетенцияси сифатида; б) психологик хусусиятлар; в) “Мен- концепцияси” (кўрсатмалар, қадриятлар, инсонни самарали фаолият олиб боришга ишончи); г) инсон нимага қодирлигини кўрсатувчи билимлар; д) маълум жисмоний ва ақлий масалаларни бажариш қобилияти сифатидаги кўникма[67]. Мазкур олимлар барча компетенцияларни ташхислаш ва ривожлантириш қийинроқ бўлган ички (“мен –концепцияси”, хусусиятлар, мотивлар) ва тренинглар ёрдамида ривожлантириш мумкин бўлган ташқи (билим ва кўникмалар) омилларига қараб тасниф қилади. Ички омиллар билим ва малакаларни қўллашга “туртки ” ва интилишларни таъминлайди. Бу ерда гап муҳим компонент, яъни ўз-ўзини назорат қилиш ҳақида қаралаётгандек, аммо муаллифлар уни компентенциянинг тузилмасига киритмаганлар. Чунки улар мотивлар ва психофизиологик хусусиятлар ишнинг пухта назоратсиз ҳам узоқ вақтда бажарилишини таъминлайди, – деб таъкидлайдилар. Муаллифлар уларни бирор бир лавозимдаги кишининг ўрнини бошқа бир киши эгаллаган вақтдаги ҳаракатларини аниқловчи “жавобли ёки реактив мотивлар” сифатида қараган[68]. Бу ерда бизнинг кузатишимизча, айнан ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилишнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида сўз бормоқда.

---

[66] Дунюшин А.А. Педагогические аспекты формирования социально-психологической компетентности сотдрудников местного самоуправления: дисс... канд пед.наук. – М.-2003. – 192 с.

[67] Спенсер Лайл. М., Спенсер Сайн М. Компетенции. Модели максимальной эффективности работы. Пер. с анг. М.Яковенко. – М.:HIPPO. – 2005. – 371 с.

[68] Таҳлиллар бошқа адабиётларда ҳам учрайди. Қаранг: Темиров С.Й. Бўлажак математика ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари. – Тошкент: “Фан ва технологиялар”, 2014. – 133 б.

Таъкидлаш лозимки, илмий-методик адабиётларда компетентлик тузилмасидаги ўз-ўзини назорат қилиш механизмлари ҳақида хилма-хил фикр-мулоҳазалар берилган. Бу ерда биз Е.В.Бурцева, О.А.Конолкин, А.К.Осницкий ва бошқа олимларнинг илмий ишларини назарда тутаяпмиз. Масалан, Е.В.Бурцева номзодлик диссертациясида касбий компетентликнинг шаклланишини ўз-ўзини бошқариш тизимига киритган, касбий мақсадларга айланувчи касбий мотивлар мазмунининг яратилиши сифатида қараган. Касбий компетентлик касб талабларига жавоб берувчи махсус билим, кўникма, малака ва шахс сифатлари мажмуасидан иборат. У ижтимоий фойдали натижаларни олишга йўналтирилган бўлиб, унда шахсий ўз-ўзини бошқариш натижасида етишиш мумкин[69], –деб таъкидлайди.

Е.В.Бурцеванинг мулоҳазаларига муносабат билдирган тадқиқотчи С.Й.Темиров: “компетенция тузилмасида компетентлик намоён бўлиш ҳолатларида ўз-ўзининг назорат қилиш, ўз имкониятини амалга ошириш қобилиятини ифодаловчи элементларини ажратиш зарурлигини, билим ва кўникмаларини самарали қўллаш инсондан ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини бошқаришнинг психологик меҳанизмларининг шаклланганлигини талаб этишини”[70] таъкидлайди. Бундай ҳолдаги муаллифлик ёндашув асосидаги муносабатлар ва хилма-хил музокаралар бошқа илмий-методик адабиётларда ҳам учрайди.

Хусусан, А.К.Осницкийнинг илмий ишларида Е.В.Бурцеванинг илгари сурган ғоялари ва таъкидлаган мулоҳазалари мантиқий жиҳатдан давом эттирилган, десак бўлади. Унинг фикрича, фаолиятнинг ўз-ўзини назорат қилиш – бу субъект томонидан амалга оширилувчи ва имкониятларини шу талабларга мос келтиришга йўналтирилган тартиблашдир. Шу билан бирга, бундай ўз-ўзини назорат қилиш инсоннинг биокимёвий ва физиологик функцияларининг ўз-ўзини тартиблаш ва психик ҳолатларига тегишли эмас.

[69]Бурцева Е.В. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности сотрудников ОВД средствами развития самоуправления: дисс... канд. пед. наук. Комсомольск-на-Амуре. – 2002. – 215 с.
[70]Темиров С.Й. Бўлажак математика ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари. – Тошкент: “Фан ва технологиялар”, 2014. – 133 б.

Шу билан бирга бир вақтда фаолиятнинг ўз-ўзини назорат қилиш доирасида физиологик ўз-ўзини назорат қилиш ва психик ҳолатнинг ўз-ўзининг назорат қилишнинг таълим қисми субъект олдида турган масалалар билан боғлиқ мақсадга йўналтирилган, бошқариш предмети бўлиши ҳам мумкин[71].

О.А.Конопкиннинг илмий ишларида бу масала анчагина чуқурлашган ҳолда таҳлил қилинган. Олимнинг фикрига кўра, фаолиятнинг онгли равишда ўз-ўзини назорат қилиши қуйидаги тузилмалардан иборат: а) мақсадни субъектив қабул қилиш фаолиятнинг муҳим шартларининг субъектив модели; б) ҳаракат дастури (ҳаракатларни, восита ва усулларни тартиблаштириш); в) натижаларни баҳолаш, тузатиш[72].

Илмий-методик манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни тасдиқлайдики, айрим тадқиқотчилар мутахассис касбий компетентлиги моҳияти унинг касбий фаолиятга тайёргарлигидан иборат, – деб ҳисоблайдилар. Фаолиятга тайёргарлик компетентликнинг тузилмали компоненти сифатида, шунингдек, кенгроқ маънода эса касбий ўз-ўзининг англаш, мотивацион-қобилиятли ва мазмунли-жараёнли компонентларнинг бирлигини ўзида ифодаловчи шахснинг динамик тузилмали-даражали таълими сифатида қаралиши мумкин. Бу борадаги таҳлилларга янада ойдинлик киритиш мақсадида айрим манбаларга мурожаат қиламиз.

Касбий фаолиятга тайёргарлик устида гап борар экан, бу ўринда Г.А.Ларионованинг фикр-мулоҳазалари эътиборимизни тортди. Олиманинг фикрига кўра, тайёргарлик тузилмасига амалий билимлар мажмуаси ва шахснинг фаолиятга киришини таъминловчи хусусиятлари киради. Меҳнатга тайёргарлик эса икки омил, яъни операционал (билим ва кўникмалар) ва шахсий (кўрсатма, меҳнатга йўналтирилганлик, касбий мотив хусусиятлари, одат ва муносабатлар тизими, эмоционал ва иродавий функциялар, шахснинг

[71]Осницкий А.К. Психология самостоятельности методы исследования и диагностики. – М.: Нальчик: Эль-Фа. -1996. – 124 с.
[72] Конопкин О.А. Психологические механизмы регуляции деятельности. – М.: ЦСП. – 2011. – 320 с.

касбий амалиётли сифатлари) компонентларидан иборат мураккаб тизим ҳисобланади[73].

Бошқа тадқиқотларда[74] эса касбий фаолиятга психологик тайёргарликнинг бир қатор компонентлари киритилганлигини кўрамиз. Улар: касбий ўз-ўзини англаш, касбий йўналганлик, касбий компетентлик, касбий амалиётли сифатлар, касб устиворлигини англаш ва бошқалар. Бундай ҳолатда компетентлик мутахассиснинг касбий фаолиятга тайёргарлик мезонларидан бири сифатида қаралади.

Яна бошқа баъзи илмий адабиётларда касбий компетентлик муаммоли ҳолатларда мос ечимлари қабул қилишга тайёргарлик сифатида қаралганлигини ҳам кузатамиз. Бундай тайёргарлик шахсий фаолиятни ташкил этишнинг ҳусусиятларига ва реал ўзаро сирлашув ҳамда фаолият махсулдорлиги билан боғлиқ. Бу борада Е.В.Медведов, Ю.Г.Татур ва бошқаларнинг фикр–мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, мазкур муаллифлар бўлажак мутахассисликнинг компетентлигини “Касбий ва ижтимоий соҳада муваффақиятли ижодий фаолият юритиш учун ўз имкониятларини (билим, кўникма, тажриба, шахсий сифатлар ва бошқалар) амалиётда намоён қилишга интилиш ва қобилият сифатида қарайди. Шунингдек, компетенцияни эса бўлажак мутахассиснинг таълим соҳасида муваффақиятли фаолият юрита олиш учун ўзининг бутун имкониятлари (билим, малака, тажриба ва шахсий сифатлар)ни қўллаш ва унинг натижасига онгли равишда маъсулиятини англашга тайёргарлик сифатида таърифлаган[75]. Бу хилдаги мулоҳазалар ва муносабатлар илмий-методик адабиётларда анчагина учрайдики, биз имкониятларимизнинг чегараланганлигини ҳисобга олиб, юқоридагилар билан қаноатланамиз.

---

[73] Ларионова Г.А. Компетенции в профессиональной подготовке студентов вузов: знания, действия, деятельность, самоопределение : монография. – Челябинск. – 2004. – 171. с.

[74] Тармаева Е.В. Развитеи коммуникативной компетентности у будущих учителей: дисс... кан. пед.наук. – Улан-Удэ. -2007; htt://www.dissers.info; htt://www.bigri.biysk.ru/wwwsite/source.

[75] Медведев В.Е., Татур Ю.Г. Падготовка преподавателя высшей школы: компетентностый подход // Высш. Образование в России. – 2007. - №11. – С. 46-56

Илмий-методик адабиётларни ўрганиш давомида тадқиқотимизга дахлдор яна бир муҳим муаммо – компетентликнинг таркибий қисмлари, уларни баҳолаш мезонлари ҳақидаги мутахассис олимларнинг фикр-мулоҳазалар ва айрим таклифлари мавжудлигини кузатдик. Бу ўринда Д.Равен, Г.А.Ларинова, Н.А.Зимняя, А.М.Князев, Е.В.Земцова, С.Н.Палецкая, М.А.Лаптева, Н.С.Аулова, О.М.Бабиаенко, С.Е.Шишов ва бошқаларнинг илмий ишларидаги таҳлилларни назарда тутамиз. Масалан, Д.Равен ўзининг фундаментал тадқиқотларида[76] компетентликни бирор бир объект ёки объектлар синфига кўра бирор соҳага тегишлилиги билан баҳолаш зарур, натижада муайян фаолиятнинг индивидуал мотивацияси жадаллигининг баҳоси ҳосил бўлади, – деб ҳисоблайди. Муаллиф шахс компетентлигини бирор-бир мақсадга эришиш учун фаолият олиб бориши кутилган ҳолдагина аниқланиши маънога эга бўлади, – деб изоҳлайди.

Г.А.Ларионова тадқиқотида[77] талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини тавсифловчи компетенциялар тўплами амалий тавсифдаги масала ва топшириқлар орқали аниқланган, унда талабаларнинг ўқув фанлари бўйича эгаллаган билимлари асос сифатида қабул қилинган.

И.А.Зимняянинг шахс компетентлиги тузилмасини[78] ишлаб чиққанлигидан педагогика-психологияга дахлдор илмий жамоатчилик яхши хабардор. Олимнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларига суянган ҳолда А.М.Князев, Е.В.Земцова, С.Н.Палецкаялар ҳам компетентликнинг таркибий қисмлари ва компетентлик компонентларини баҳолашнинг алоҳида мезонини ишлаб чиқдилар[79] ва бу мезон кўпчилик илмий жамоатчилик томонидан маъқулланди (қаранг: иловалар, 1-жадвал).

---

[76] Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление , развитие, реализация . Перссанг.. – М.: Когнито-Центр. – 2002. – 396 с.; Raven J. Competence in modern society: Identification, Development and Release. – Oxford: Oxford Psychologists Press. – 1984. – 45-53.

[77] Ларионова Г.А. Компетенции в профессиональной подготовке студентов вузов: знания, действия, деятельность, самоопределение: монография. – Челябинск. – 2004. – 171 с.

[78] Зимняя И.А. Педагогическая психология. – М.- 2002.

[79] Князев А.М., Земцова Е.В., Палецкая С.Н. Социальные компетентности личности как объект оценивания // Проблемы качества образования: материалы XV Всерос. Науч..-метод.конф. – Уфа. -2005. – С. 66-77.

Компетентликни баҳолаш мезони кейинги пайтлардаги илмий–методик жараёнда яна бир қатор ғояларнинг яратилишига ва бу борада янги–янги мулоҳазаларнинг айтилишига муайян даражада замин бўлди. Айни ҳолни М.Д.Лаптеванинг илмий ишларида кузатамиз, яъни у юқоридаги мезон асосида талаба-ёшлар учун ижтимоий ўзаро таъсирлашувда алоҳида компетентлик кўрсаткичларини ишлаб чиқди, компетентликни намоён қилишда тайёргарлик даражасини бир қатор мезонлар бўйича аниқлаш мумкинлигини исботлади. Бундай мезонлар қуйидагилардан иборат: а) ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини намоён этиш ғояси; б) касбий йўл танлаш, турмуш қуриш, фарзандлик бўлишга нисбатан қарор қила олишга тайёргарлик, ўз ҳаётига жавоб беришга тайёргарлик, ҳаёт йўлини мустақил танлаш; в) касб соҳасида кўникмалар ҳосил қилишга тайёргарлик ва бошқалар. Мазкур олим компетентлик мазмуни ҳақида ўз муносабатини билдираркан, билимларга эгалик жараёни бир қатор тавсифларни ўзида ифодалашини ҳам таъкидлайди; яъни: фикр юритишнинг диалектлиги, шахснинг когнитив етуклиги, тажриба учун очиқлик, рационаллик, турли стандарт ва ностандарт ҳолатларда компетентликни намойиш этиш тажрибасини эса ижтимоий ролларни ўзлаштириш ва бажаришдаги муваффақияти, хатти-ҳаракати ва фаолиятнинг индивидуал йўллари ва бошқалар[80].

Н.С.Аулова ҳам диссертацион тадқиқотида таълим соҳасидаги муҳим ва долзарб муаммога эътиборни қаратди. У бўлажак мутахассисларни муайян фаолиятга тайёрлашда бир қатор тайёргарлик мезонларини ишлаб чиқди ва илмий жамоатчилик диққатига ҳавола этди: а) шахснинг рефлексив фаолияти даражаси – ҳамкасбларга муносабат, шахсий амалиёти, касбий сифатларда ифодаланган идеал мутахассис образини танлаш, ўз касбига мослигини баҳолаш, рефлексив ҳаракатларнинг шаклланганлиги; б) асосий технологик тайёргарлик сифатида мазмунли–жараёнли, операционал компонентнинг

[80]Лаптева М.Д. Компетентность социального взаимодействия: компонентный состав и подходы к формированию // Проблемы качества образавания: материалы XV Всерос. науч.-метод. конф. – Уфа. – 2005. – С.39-47

шаклланганлик даражасини, касбий фаолиятнинг воситалари, усуллари ва йўлларини эгаллаш; в) билиш фаолият даражаси – ўзлаштирилган касбий билимлар тизими, касбий масалаларни ҳам ечиш усулларини қўллаш кўникмаси; г) касбнинг юқори ижтимоий белгиланганлигида ишончлиликнинг шаклланганлиги; д) самарали касбий фаолият усулларини ўзлаштириш заруриятининг аҳамиятини англаш; е) уларни ўз касбий фаолиятида амалга ошириш йўлларини топишга интилиш; ф) башорат қилишнинг фаоллик даражаси[81].

Қайд этилганларни ва бошқа илмий-методик адабиётлардаги мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, фаолият субъекти компетентлигини баҳолаш мезонларини икки гурухга тасниф қилиш мумкин, – деб ҳисоблаймиз. Улар: а) тузилмали (мотив, билим, кўникма, қобилият); б) функционал фаолият жараёни ва натижаси тавсифи.

“Компетенция” атамаси илк бора Америка Қўшма Штатлари Массачусетс университетида XX асрнинг 60-70 йилларида Ноам Хомский томонидан тил назарияси ва трансформацион грамматикага оид назарий маълумотларни шакллантиришда қўлланган. Тилшуносликка мазкур олим томонидан “тил компетенцияси” (language competence) атамаси орқали амалиётга киритилган[82] ва қуйидагича таъриф берган: “Компетенция – тилни қўллаш жараёнидаги фаолиятга йўналган билим, малака ва кўникмалар мажмуи”дир. Айрим манбалардаги маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 1959-60 йилларида Р.Уайт фаолиятида “Компетенция – инсон ҳаёти шахс мотивациясига (motivation reconsidered the concept of competence) асосланган яхлит концепция” сифатида таҳлил қилинган[83]. Ғарбий Европада бу атама 1970 йилларда қўллана бошланди. Noam Chomskyнинг издошлари тилни потенциал билиш ва ҳақиқий тил эгасининг ўз тили ҳақидаги билим, яъни тил компетенцияси ҳамда ҳар

[81]Аулова Н.С. Формирование готовности будущих менежеров к профессиональной деятельности в современных социально –экономических условиях: дис... канд. пед. наук.. – Барнаул. 2005. – 227 с.
[82] Божович Е.Д. Развитие языковой компетенции школьников: проблемыи подходы // Вопр. психол. –М.: 1998. № 4. –С.70-71.
[83]Жемченкова С.А. Основные подходы к тарктовке понятие «Компетенция», «Компетентность» заребежом и их содержательное наполнение. Вестник ТГПУ. 2011. 13(115). – С.243. Электрон ресурс.https://cyberleninka.ru/article/v/

қандай ҳолатларда тил кўникмаларини қўллаш, яъни тил фаоллиги тушунчаларини ўзлаштира бошлашди.

Noam Chomsky, В.Хутмахер, Р.Уайт, Дж.Равен, Н.В. Кузьмина, А.К.Маркова, В.Н. Куницина, Г.Э.Белицкая, Л.И. Берестова, В.И. Байденко,

А.В.Хуторской, Н.А.Гришанова ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларига биноан, таълим тизимида компетенцияли ёндашув учта босқичга ажратилган[84]. *Биринчи босқичда* – (1960-70 й.й)"компетенция", "компетентлик" атамаларининг фарқини аниқлаш, Дел Хаймс томонидан хорижий тилларни ўқитиш жараёнида "Коммуникатив компетенция" яратилди. Унинг фикрича, бу жараён коммуникатив фаолиятни ифодалаб, асосий эътибор ўқувчида кундалик ҳаётга оид маълумотларни ўз нутқида ифода қила олиш малакасини шакллантиришни ўз ичига олади[85]. *Иккинчи босқичда* – (1970-90 й.й) бирорта хорижий тилни эгаллаш, бошқарув, мулоқотга ўргатиш жараёнларида ижтимоий компетенция ва шахснинг компетентлиги вужудга келди, 1984 йилда Дж.Равен ўзининг "Замонавий жамиятда компетентлик" мавзусида тадқиқот яратди. Шунингдек, у 37 та турли компетенцияларни ишлаб чиқди ҳамда амалиётга татбиқ қилишни таклиф қилди. Ушбу компетенциялардан "тайёргарлик", "жавобгарлик", "бирор нарсани қилишга қодир бўлиш", "ўзига ишониш", "эркин фикрлаш", "танқидий тафаккур" кабилар йирик режада Дж.Равен издошлари ёш олимларнинг тадқиқот объектига айланиб, ўрганилди. *Учинчи босқичда* – Европа кенгаши томонидан (1990 йил) стратегик, социал, социолингвистик, тил ва ўқув-когнетив компетенциялар ишлаб чиқилди. Сўнгра, Россиялик бир қанча олимлардан Н.В.Кузьмин, И.А.Зимняя, А.К.Маркова, Л.А.Петровская, Л.М.Митино ва бошқа тадқиқотчилар турли компетенцияларни амалиётга татбиқ қилишди[86]. Шунингдек, компетенцияли ёндашув асосидаги

[84] Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. –М., 2003. № 5. –С. 7-9.

[85] Щукин А.Н. Интенсивные методы обучения иностранным языкам. Научный журнал // Иностранные языки в школе ISSN: 0130-6073. № 6.–М.: 2002. –С. 5-6.

[86] Рўзметова М.Ш. Умумий ўрта таълим 5-7 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантириш технологиялар. - Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Тошкент, 2020. – 231 б.

таълимнинг ривожланишида ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан бир қанча муҳим компетенциялар ўзига хос хусусиятга эга эканлигини белгилаб берди.

1996 йил 27-30 март кунлари Бернеда ўтказилган симпозиумда, Европа кенгаши томонидан таълим тизимини ислоҳ қилиш учун асосий компетенцияларни (Key competences) аниқлаш, самарали натижаларга эришишга имкон бериши муқаррар эканлиги алоҳида эътироф этилади.

N.Chomskyнинг издоши W.Hutmacher ўз маърузасидаги "компетенция"ни англаш, ҳар қандай ўқув предметини ўрганишда "Нима эканлигини биламан" маъносини эмас, балки "Қандай қилишни биламан" маъносига эга, деган фикрини симпозиум иштирокчилари бир овоздан маъқуллашган[87].

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ва МДҲдаги олимларнинг илмий ишларида компетенция ва компетентлик назариясига оид фикр-мулоҳазалар кўплаб учрайди. Айни шунга ўхшаш, мазмун-моҳиятига кўра, бир-бирига яқин бўлган фикр-мулоҳазалар, хусусан, компетентлик ва компетенциянинг хилма-хил таърифлари ўзбек олимларининг илмий ишларида[88] ҳам учрайди. Бу ўринда бизнинг имкониятимиз чекланганлиги боис мамлакатимиз олимларининг фикр-мулоҳазаларига тўхталмадик. Лекин, ишдаги муайян ўринларда уларга муносабат билдирдик.

---

[87] Hutmacher W. Key competencies for Europe, Report of the Symposium Berne, Switzerland // https://files.eric.ed.gov/fulltext/ED407717.pdf27–30 March. 1996. P–134.

[88] Асилова Г. А. Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳларида): ДД –Тошкент, 2017; Рискулова К.Д. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими.: ДД - Ташкент: ТДПУ, 2017; Саттаров Т.К. Ўқитувчилик бўйича амалий машғулотларда бўлажак чет тили муаллимининг социолингвистик малакаларини шакллантириш (инглиз тили материалида): Дисс. ... пед.ф.д. –Т.: 2000. – 373 б.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед.фан. докт. ... дисс. – Тошкент. – 2007. – 349 б.; Эркаев Э.Т. Бўлажак чет тил муаллими таълимида қўлланадиган таржима машқларининг лингводидактик таснифи. - НД – Т.:2008; Мажидова С. Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда қўлланадиган усуллар // Тил ва адабиёт таълими. – Т., 2016. – №3. – Б.7.; Махкамова Г.Т. Концепция формирования межкультурнойкомпетенции студентов английского языка. -Ташкент: Фан, 2010.- 208 с.; Темуров С.Й. Бўлажак математика ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари. . – Тошкент: Фан ва технологиялар, – 2014. – Б.136.; Маҳмудов А. Х. Узлуксиз таълим жараёнига компетентлик ёндашувини жорий қилишнинг дидактик асослари // Узлуксиз таълим. – 2012, №4. – 8-12-бетлар.; Аҳророва Ф.Б. Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига чет тилларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси. - Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация, Тошкент, 2020. – 185 б.

Айтилган мулоҳазалар асосида қуйидаги қисқача хулосаларни таъкидлаймиз:

1. Кўпгина илмий-методик адабиётларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижалари бизга компетентлик ва компетенция тушунчалари бўйича икки ҳолатни қайд этиш имкониятини берди: а) “компетенция” ва “компетентлик” атамалари билимлар тизимининг амалий қўлланишини англатувчи синонимлар сифатида аниқланади; б) “компетентлик” ва “компетенция” тушунчалари турли асослар бўйича бир-биридан фарқланади.

2. Ҳар иккала тушунча ўртасидаги фарқ, энг аввало, уларнинг турли хил кўринишдаги мазмунига хизмат қиладиган ҳолатларда учрайди. Бундай ҳолатларда компетентлик деганда мутахассис компетентликнинг асослари бўлган таълим компетенцияларига эгаликни англатувчи шахснинг тавсифланиши тушунилади.

3. Компетентлик тузилмасини таърифлашда икки хил ёндашувлар мавжуд: тушунчанинг шажарали (компетентликнинг мазмуни ва табиатини таърифлаш) ва тур жиҳатлари, яъни компетентлик тузилмасидаги мутахассис компетенциялари турлари (масалан, бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг лингвистик (нутқ, фразеологик, лексик, грамматик), шунингдек, коммуникатив ва прагматик компетенциялари каби.

4. Компетенция – бу билим, кўникма ва кўникмаларнинг оддий йиғиндиси эмас, у бироз бошқача семантик қатор тушунчасидир. Бу ҳақиқий, аниқ бир одамга хос ва инсоннинг ҳаракатларига боғлиқ. Компетенция когнитив (билим), операцион (фаолият усуллари ва фаолият юритишга тайёрлик) ва аксиологик (маълум қадриятларнинг мавжудлиги) жиҳатларини бирлаштиради.

5. Компетентлик атамаси, одатда, муайян ижтимоий-касбий мақомдаги шахсларга нисбатан қўлланилади ва уларнинг тушунчаси, билим ва кўникмалари улар бажарадиган вазифалар ва улар ҳал қиладиган муаммоларнинг мураккаблигининг реал даражасига мос келишини

тасдиқлайди. Компетентлик ва компетенция ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ва ўзаро боғлиқ тушунчалардир.

1.2.Лингвистик компетенция назарияси, тузилмаси, принциплари ва методлари

Ушбу тадқиқотнинг бош мавзуси ҳисобланган *лингвистик компетенция* ўзининг тузилишига кўра нутқ (фонетик), лексик, фразеологик, грамматик (морфологик ва синтактик), коммуникатив ва бошқа тил компетенциялардан иборат бўлиб, унга дастлаб Noam Chomsky томонидан асос солинган. Мазкур олимнинг олға сурган назариясига кўра, *лингвистик компетенция* – акустик (фонетик) тизим орқали муайян тил бойлигидаги сўз ва жумлаларни тушуниш, грамматик жумлаларни грамматик қонун-қоидалари иштирок этмаган сўз ва жумлалар билан фарқланишини, шунингдек, бошқа самарали лингвистик амаллар бажариш тизимини ўз ичига олган мураккаб жараёнли компетенция саналади.

Noam Chomsky томонидан илмий истеъмолга киритилган лингвистик компетенция назарияси тилшуносликда ўзига хос инқилоб ясади: фанда хилма-хил баҳс-мунозараларга сабабчи бўлди[89]. S.Thornbury фикрига кўра, лингвистик компетенция – бу тил эгаларининг “янги шаклланган жумлалар”ни туза олиш қобилиятидир[90].

Агарда жаҳон таълим тизимидаги лингвистик компетенция назарияси тарихига қисқача назар ташланса, энг ривожланган мамлакатлар олимларининг алоҳида фикр-мулоҳазаларига, муайян кузатишларининг ҳосиласи сифатида пайдо бўлган бир қатор **ғоя** ва **хулоса**ларга дуч келамиз. Улардан айримларини қисқача қайд этиш ва шарҳлашни лозим топдик.

Noam Chomsky 1957 йилда кенг муҳокамага сабаб бўлган генератив грамматика назариясини илмий жамоатчиликка ҳавола этди[91], уни ҳар бир

[89] Barman B. The Linguistic Philosophy of Noam Chomsky. Philosophy and Progress, 2014, 51(1-2),103-122.
[90] Thornbury S. An A-Z of ELT. Oxford: Macmillan Education, 2006.
[91] Taha W.A. & Reishaan A.K. The Relationship between Competence and Performance: Towards a Comprehensive TG Grammar. Adab al-kufa journal, 2008, 1(2), 35-59.

жумланинг аниқ тавсифи бўлган қоидалар мажмуи сифатида белгилаб берди[92]. Олимнинг 1965 йилда тавсия этган асосий илмий ғояларининг дарахтсимон диаграммаси қуйидагича бўлган:



“1.1-расм.” ***Noam Chomsky тавсия этган грамматик назариянинг структур тавсифини ифодаловчи дарахтсимон диаграмма***

Жаҳон илмий жамоатчилигидаги қизғин баҳс-мунозараларни ҳисобга олган Noam Chomsky орадан бир неча йиллар ўтгач, лингвистик компетенция тушунчасини тақдим этди[93]. Унинг таъкидлашича, “идеал сўзловчи – тингловчи” ўзининг нутқ жамоасида ишлатадиган тилда гапириш қобилиятини тўлиқ эгаллаган, “муайян тилнинг сўзловчиси, ҳар бир киши асосий грамматикани ўзлаштирган” бўлиши керак, яъни булар ўз билимининг қайдаражада эканлигини кўрсатиб беради[94].

Noam Chomsky компетенция (қобилият) ва ифода (гап) тушунчаларининг фарқларини аниқлаб берди. Компетентлик (қобилият) – бу тил соҳибларининг (идеал сўзловчи – тингловчиларнинг) ўз тилларининг

[92] Tienson J.Linguistic Competence. Transactions of the Nebraska Academy of Sciences, XI, 1983, 99-194.
[93] Tienson J.Linguistic Competence. Transactions of the Nebraska Academy of Sciences, XI, 1983, 99-194.
[94] Chomsky N.. Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, Massachusetts: The MIT Press, 1965.

лингвистик тизимини, хусусан, грамматикасини билиши бўлса[95], ифода (гап) тилнинг амалда қўлланишидир[96]. Бироқ олим реал лисоний фаолиятни ўрганиш учун бир қатор хилма-хил омилларни ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди. Ушбу омиллардан бири – “она тилида сўзловчиларнинг малакаси, яъни она тили компетентлигини пухта эгаллаш”[97].

Мазкур олим лингвистик назариянинг асосий мақсади тилдан фойдаланиш асосидаги руҳий-ақлий жараёнларни тушунтиришдан иборат, деб таъкидлайди ва шунинг учун тилшуносликни ўрганишдан мақсад ифода (гап)ни эмас, балки компетенцияни ўрганишдан иборат бўлиши кераклигини эслатади[98].

Булардан англаш мумкинки, мазкур олим тил соҳибларига яхши шаклланган гап тузилмаларини яратиш имконини берадиган лисоний компетенцияга алоҳида эътиборни қаратган[99]. Бироқ лингвистик компетенцияни тил ўрганишнинг ягона мақсади, деб ҳисоблаш керак эмас: чунки, мулоқот жараёни яхши тузилган жумлаларни яратишга оид билимлар чегарасидан ташқарига чиқади[100].

Тадқиқотимизнинг ушбу фасли соф назарий аспектга мансублигини инобатга олиб, ушбу ўринда яна бир муҳим муаммога – лигвистик компетенция назариясига дахлдор бўлган **ёндош соҳалардаги** илмий мулоҳазаларнинг асосий ғояларини қисқача шарҳлашга ҳаракат қиламиз.

Жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар олимларининг илмий ишларида, хусусан, A.Priyanto, F.Heidari, S.A.Alavi ва бошқаларнинг тадқиқотларида талабаларнинг грамматик компетенцияси билан оғзаки мулоқот (коммуникатив) компетенциялар ўртасида мўътадил алоқадорлик борлиги аниқланган[101]; шунингдек,Wahyuni D. Ihsan, D.R.Hayati илмий

[95] Canale M., Swain M. Theoretical bases of communicative approaches to second language teaching and testing. Applied linguistics, 1980, 1(1), 1-47.
[96] Chomsky N. Language and mind. 3rded. Cambridge: Cambridge University Press, 2006.
[97] Chomsky N.. Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, Massachusetts: The MIT Press, 1965.
[98] Barman B. The Linguistic Philosophy of Noam Chomsky. Philosophy and Progress, 51(1-2), 2014, 103-122.
[99] Jordan G. Theory construction in second language acquisition. Amsterdam and Philadelphia: JohnBenjamins, 2014
[100] Thornbury S.. An A-Z of ELT. Oxford: Macmillan Education, 2006
[101] Priyanto A. The Correlation Between English Grammar Competence and Speaking Fluency of Eleventh Grade Students in SMAN 1 Sidoarjo. RETAIN, 2013, 1(1), 1-6.; Heidari F., Alavi S.A. Knowledge of Grammar, Oral

ишларида нутқ иштирокчи (сўзловчи)ларининг лингвистик (грамматик) компетентлиги билан нутқий қобилияти ўртасида кучли лисоний-мулоқот алоқаси борлиги аниқланган[102]; Z.Akbari тадқиқотларида грамматика оғзаки нутққа халақит бермаслигини, унинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги қайд этилган[103].

D.A.Myhill, S.M.Jones, H.Lines, A.Watson ишларида катта миқёсдаги аралаш усуллар ўрганилган[104]; F.Karimkhanіининг ишларида миқдорий тадқиқотлар[105], S.Jones, D.Myhill, T.Bailey ва бошқалар аралаш усуларини ўрганилган[106]; P.Rajabi, E.Dezhkamларнинг экспериментал (тажрибавий) тадқиқотларида ёзув шароитида грамматикани ўқитишнинг потенциал афзалликлари ишончли далиллар асосида исботланган[107]. Бироқ бу ўринда таъкидлаш лозимки, Y.H.Huangнинг назарий моделга бағишланган тадқиқоти грамматикага оид билимлар билан уларни ёзувда қўллаш ўртасида кучли алоқа мавжуд эмаслигини кўрсатди[108].

K.Mokhtari, H.B.Thompson, Z.Akbari ва бошқаларнинг тадқиқотларидаги мулоҳазаларнинг тасдиқлашича, талабаларнинг синтаксис бўйича эгалланган билимлари кўп жиҳатдан ўқилган нарсани тушуниш кўрсаткичлари билан сезиларли даражада боғлиқдир[109]. C.Gascoigne тадқиқотида ҳам шакл, ҳам грамматик қоидалар, имло ва тиниш белгиларига урғу бериш, тўғридан-тўғри

Communication Strategies, and oral Fluency: A Study of Iranian EFL Learners. Iranian Journal of Applied Language Studies, 2015, 7(1), 83-104.

[102] Wahyuni D. Ihsan, D.R. Hayati. Linguistic Competence and Speaking Performance of English Education Study Program Students of Sriwijaya University. Journal of English Literacy Education, 2015, 1(2), 83-92.

[103] Akbari Z. The role of grammar in second language reading comprehension: Iranian ESP context. Procedia-Social and Behavioral Sciences, 98, 2014, 122-126.

[104] Myhill D.A., Jones, S.M., Lines H., WatsonA. Re-thinking grammar: the impact of embedded grammar teaching on students' writing and students' metalinguistic understanding. Research Papers in Education, 2012, 27 (2),139-166.

[105] Karimkhani F. The relationship between EFL learners' writing performance with their grammar knowledge, writing strategy use and self-esteem. Advances in Asian Social Sciences (AASS), 7(2), 2016, 1189-1196.

[106] Jones S., Myhill D., Bailey T. Grammar for writing? An investigation of the effects of contextualised grammar teaching on students' writing. Reading and Writing, 26(8), 2013, 1241-1263.

[107] Rajabi P., Dezhkam E. The effect of explicit grammar instruction on improving writing accuracy of Iranian EFL learners. Journal of ELT and Applied Linguistics (JELTAL), 2014, 2(1), 61-76.

[108] Huang Y.H. Does EFL Students' Grammatical Ability Account for Writing Ability? A Case Study. Chia Nan Annual Bulletin, 37, 2011, 500-515.

[109] Mokhtari K., Thompson H.B. How problems of reading fluency and comprehension are related to difficulties in syntactic awareness skills among fifth graders. Literacy Research and Instruction, 2006, 46(1), 73-94; Akbari Z. The role of grammar in second language reading comprehension: Iranian ESP context. Procedia-Social and Behavioral Sciences, 98, 2014, 122-126.

боғлиқлик ва матнга дахлдор бўлмаган бўшлиқларни муваффақиятли тўлдириш фаолияти билан боғлиқлик жиҳатлари ўрганилган[110]. Аммо A.L.López ўзининг корреляцига оид илмий ишларида талабаларнинг ўқилган нарсасини тушуниш кўникмаларини прогнозлаш учун грамматик компетенциянинг ўзи етарли эмас, деган хулосага келган; таълим олувчига боғлиқ бўлган омиллар – матн, ўқиш мақсади ўқилган матнни муваффақиятли тушунишнинг бош калитидир, деган мулоҳазани илгари сурган[111]. D.A.Myhill, S.M. Jones, H.Lines, A.Watson кабиларнинг аниқлашича, синтаксисга оид билим ва ўқилганни тушуниш ўртасидаги алоқадорлик хотира ва тилнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатини кўрсатади[112].

Y.F.Liaонинг миқдорий тадқиқоти L2 эшитиш кўникмасининг шаклланишида лексик-грамматик билимлар муҳим омил эканлигини кўрсатди[113]; E.Oh эса ўзининг миқдорий тадқиқотида муайян гапни таҳлил қилиш қобилияти тинглаш ва ўқилган матнни тушуниш қобилиятларининг шаклланишида муҳимлигини исботлаб берди[114].

Индонезеялик M.S.Effendi, U.Rokhyati, U.A.Rachman, A.D.Rakhmawati, D.Pertiwi каби олимларнинг аралаш усуллар бўйича олиб борган тадқиқотларида аниқланишича, улар хилма-хилликни талаб қилсалар ҳам, талабалар дедуктив ёндашувни маъқуллаганлар[115]; аммо R.Andrews, C.Torgerson, S.Beverton, A.Freeman, T.Locke, G.Low, D.Zhu кабиларнинг мулоҳазаларида синтаксисни ўқитиш талабаларнинг ёзув малакаларига ҳеч қандай таъсир қилмаслиги эътироф этилган[116]; ҳудди шу тарзда S.Yoon,

[110] Gascoigne C. Toward an understanding of the relationship between L2 reading comprehension and grammatical competence. The Reading Matrix, 5(2), 2005, 1-14.
[111] López A.L. To what extent does grammar knowledge account for competence in FL reading comprehension in university students. RESLA, 21,2008, 181-200.
[112] Myhill D.A., Jones S.M., Lines H., Watson A. Re-thinking grammar: the impact of embedded grammar teaching on students' writing and students' metalinguistic understanding. Research Papers in Education, 27 (2),2012, 139-166.
[113] Liao Y.F. Investigating the construct validity of the grammar and vocabulary section and the listening section of the ECCE: Lexico-grammatical ability as a predictor of L2 listening ability. Spaan fellow, 1001, 37, 2007, 37-116.
[114] Oh E. Comparative studies on the roles of linguistic knowledge and sentence processing speed in L2 listening and reading comprehension in an EFL tertiary setting. Reading Psychology,37(2), 2016, 257-285.
[115] Effendi M.S., Rokhyati U., Rachman U.A., Rakhmawati A.D., Pertiwi D. A Study on Grammar Teaching at an English Education Department in an EFL Context. International Journal on Studies in English Language and Literature (IJSELL), 5 (1), 2017, 42-46.
[116] Andrews R., Torgerson C., Beverton S., Freeman A., LockeT., Low G., Zhu D. The effect of grammar teaching on writing development. British Educational Research Journal, 32(1), 2006, 39-55.

K.Hoshi, H.Zhao каби олимларнинг аниқлашича, илм олувчилар грамматикани пассив ҳолда ўрганишни қадрламасликларини исботлади[117].

A.Pazaver, H.Wang нинг сифат ва P.Saaristonинг миқдорий ишлари натижаларига кўра, тадқиқотларда иштирок этувчиларнинг ҳаммаси тил ўрганишда грамматиканинг муҳим омил эканлигини тасдиқлашган[118]; V.V.Tuannинг миқдорий тадқиқоти эса лингвистик компетентликка эга бўлган талабалар муайян мавзуда ишончли гапириш ва ёзишга мойил эканлигини кўрсатди[119]. T.S.Farrell, P.C.P.Lim, S.Phipps, S.Borg томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўқитувчиларнинг грамматикани ўқитиш тамойиллари ҳар доим ҳам уларнинг амалиётига мос келавермаслигини; ўқитиш бўйича қарор ва кўрсатмалари нафақат уларнинг қараш-эътиқодларигагина эмас, балки бошқа омиллар (масалан, вақт каби) билан боғлиқ эканлигини кўрсатди[120].

Лингвистик компетенцияси назариясига дахлдор бундай тарздаги хилма-хил фикр-мулоҳазаларни ва қисқача шарҳлашларни янада давом эттириш бизни муайян маънода чеклайди. Айни ҳолатни ҳисобга олиб, ишимизнинг мазкур фаслида қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда лингвистик компетенциянинг **тузилмаси ва принципларини** аниқлаштиришга эътиборни жалб этдик.

Лингвистик компетенция хорижий тил амалиётидаги нутқ (акустик) фаолияти турлари ҳамда тилнинг мустақил сатҳларидан фонетик, лексик, фразеологик, грамматик (морфологик ва синтактик), стилистик билимларни назарда тутади. Мазкур компетенция таркибига кундалик ҳаётга, теварак-атрофга оид турли-туман маълумотлар орқали тинглаб-тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув ҳамда фонетик, лексика, фразеология, грамматикага мансуб

[117] Yoon S., Hoshi K., Zhao H. The Evolution of Asian ESL Students' Perceptions of Grammar: Case Studies of 9 Learners. Carleton Papers in Applied Language Studies, 2004, 117-152.
[118] Pazaver A., Wang H. Asian students' perceptions of grammar teaching in the ESL classroom. The International Journal of Language Society and Culture, 27, 2009, 27-35; Saaristo P. Grammar is the heart of language: Grammar and its role in language learning among Finnish University students. Voices of pedagogical development-expanding, enhancing and exploring higher education language learning, 2015, 279-318
[119] Tuan V. V. Communicative Competence of the Fourth Year Students: Basis for Proposed English Language Program. English Language Teaching, 10(7), 2017, 104-122.
[120] Farrell T.S., Lim P.C.P. Conceptions of Grammar Teaching: A Case Study of Teachers' Beliefs and Classroom Practices. TESL-EJ, 9(2), 2005, 1-13; Phipps S., Borg S. Exploring tensions between teachers' grammar teaching beliefs and practices. System, 37(3), 2009, 380-390.

малакаларга оид барча билимларни кундалик амалиётда қўллай олиш жараёни киради. Мазкур компетенциялар негизида эгалланган билим ва малакалар, соҳа талабаларининг кундалик амалий вазиятларда, махсус педагогик фаолиятларида инглиз тилини мустақил қўллай олишига асос бўла олади. Шу боисдан ҳам “Инглиз тили ва адабиёти” йўналиши талабаларига тадбиқ қилинган компетенциялар негизида ўқув дастурига таянилиб барча берилган билим ва малакалар уларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришга, шулар асосида лингвистик компетенцияларни такомиллаштиришга қаратилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарур: бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнида ниҳоятда муҳим бўлган бир қатор **вазифаларни** амалга ошириш тақозо қилинади. Назаримизда, бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Соҳа талабаларининг ички нутқини фаоллаштириш ва ундан кундалик амалиётда самарали фойдаланиш тавсия қилинади. Бундан кўзланган асосий **мақсад** миллат фарзандларининг она тилимизда талаб даражасида мулоқот қила олишидан ташқари, уларнинг ички нутқи мутахассислик тили бўлган инглиз тилини самарали ва мукаммал ўрганишдан, миллатлараро ва маданиятлараро диалогларда эркин, равон ва фаол иштирок эта олишини таъминлашдан иборат.

2. Белгиланган вазифа муваффақиятли амалга оширилсагина, соҳа талабаларининг эгаллаган лингвистик (лексик) бойлиги эркин ва равон ҳолда инглиз тилидаги мулоқотни амалга оширишга, бўлажак педагогик-мутахассис сифатида инглиз забонлар нутқида грамматик қоидалар қайдаражада ифода этганлигини аниқлаш ва англашга, тўғри тузилган лисоний жумлаларни соф инглиз тилида сўзлаша олишга ва эркин коммуникатив мулоқотга эриша олишига, натижада уларда лингвистик компетенцияларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга асос бўлади.

3. Бугунги глобаллашув пайтида мамлакатимизда инглиз тилини ўрганиш ва мулоқот қилиш жараёнини ривожлантириш, таълим муассасаларида ўқитилаётган инглиз тили фани соатларини кўпайтириш, хорижий мамлакатлар таълими ходимлари билан инглиз тилида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ўринда биргина далил келтирамиз: Президентимизнинг жорий йил 19-майдаги “Ўзбекистон Республикаси хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”даги ПҚ-5117 сонли қарорида “хорижий тилларни ўқитишнинг халқаро тан олинган дастур ва дарсликлари таълимнинг барча босқичларида жорий этилишини мувофиқлаштириш ҳамда ўқитувчиларда замонавий ўқитиш кўникмаларини ривожлантириш”ни устувор вазифаси сифатида белгиланди. Мазкур қарорнинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида таълимнинг барча босқичларида инглиз тилини ўқитиш мақсадларига таяниб, янгидан яратилаётган дарсликлар материалларида нутқ фаолияти турлари ва тил бирликлари устида мустақил ишлашга оид амалий машқлар мажмуини кўпайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг натижаси соҳа талабаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнидаги эгаллаган барча билим ва малакалари, амалий вазиятларда ва чет эл фуқаролари билан ўзаро мулоқотларида инглиз тилида эркин гаплашишларига, тил бирликларини тўғри қўллай олишларига асос бўлади .

Айтилган мулоҳазаларнинг ҳаётдаги тасдиғи ва тарихий асослари жаҳон чет тил таълимида аллақачон исботланган эди. Масалан, Дел Хаймс томонидан лингвистик компетенциянинг мустақил таркиби ҳисобланган коммуникатив компетенция таклиф қилингач, Америкалик амалий лингвист Леонард Нюмарк (Leonard Newmark) инглиз тилини ўқитишда грамматик ходиса ва лексик бирликларни ўргатишга асосий эътибор қаратиш, ўқувчининг келажакда инглиз тилида коммуникацияни амалга оширишга эришолмаслигини, шу сабабли тилни ўргатишда бирор бир вазифаларга асосланган ёндашувни *(Task based approach)* (диалоглар, ўқитувчига тақлид

қилиш, ролли ўйинлар, инглиз тилида гапиришни машқ қилиш) қўллашни таклиф қилади. Унинг таъкидлашича, инглиз тили муаллимларининг асосий вазифаси, ўқувчиларнинг нимани хоҳлашларини айта олишларини билишдан иборат[121].

Pit Corder таъкидлашича, инглиз тилини ўргатиш ёки ўқитиш худди бирор бир мусиқа асбобини чалиш ёки бирор бир спорт тури билан шуғулланиш каби малакаларни эгаллаш билан баробар[122].

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун инглиз тилини ўқитишда қўлланиладиган **принципларни** аниқлаш масаласи долзарб вазифаларидан бири саналади. Шу боисдан уларга қисқача тўхталишни ва тавсиф беришни лозим топдик. Чет тил ўқитиш методикасидаги принциплар ўтган асрда (1965-1970 йиллар) биринчи бўлиб Е.Н.Пассов аниқланганлигини, бироқ шу давргача Я.А.Каменский таклиф қилган умумдидактик принципларга таяниб келганлигини илмий жамоатчилик ва методист олимлар яхши билишади.

Инглиз тилини ўқитишда тўртта (лингвистик, дидактик-педагогик, психологик-психолингвистик ва методик) принциплар мавжуд ва улар соҳа талабаларининг лингвистик компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришга бевосита фаол хизмат қилади. Бу принциплар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, қўйилган ўқув-методик мақсадга эришишда дастурул амал вазифасини бажаради ҳамда чет тили ўқув жараёнида қўлланиладиган методлар, восита ва усулларнинг вазифасига қараб танланади ва татбиқ қилинади.

1. Лингвистик принциплар. Хорижлик Л.В.Щерба, Г.Е.Ведель, А.Н.Леонтьев, А.А.Миролюбов, В.А.Бухбиндер, С.К.Фоломкина, Е.И.Пассов, А.А.Шакирова, В.Л.Скалкин, Л.Фриман, С.Торнбери, Д.Кристал каби методистлар мазкур принцип устида салмоқли тадқиқотлар олиб боришган.

[121] Diane Larsen Freeman and Marti Anderson. Techniques and Principles in Language taching. Third edition, Oxford. 2016. 252–P. 149-150–Pages.
[122] Pit Corder. The visual Element in Language Teaching. – Oxford University Press: 2010. 5–P.

Уларда қўйилган ва аниқланган, амалиётга татбиқ этилган масалаларнинг умумий тавсифини умумлаштириб қуйидагича белгиласак, мақсадга мувофиқ бўлади: 1. Она тили тажрибасини ҳисобга олиш принципи; 2. Тизимлилик принципи (оғзаки нутқ ва тил материалларини ўқитиш коммуникатив мақсадда ташкил қилинади, грамматик бирликлар ва лексик усуллар орқали таништирилади); 3. Концентризм принципи (ўқув материали осондан қийинга, мустаҳкамлашдан янгига ўтиш орқали такрорлаб кенгайтириб борилишини назарда тутади); 4. Функционаллик принципи (тил материали таълим мазмунига биноан татбиқ қилинади, грамматик материал коммуникатив тарзда ўргатилади. Мазкур принцип чет тил ўқитиш мақсадларига кўра белгиланади); 5. Минимизациялаш ёки чегаралаш принципи (нутқ фаолияти турлари чет тил эгаллаш даражасига биноан, чегаралаб берилади); 6. Актив (фаоллик) принципи (барча нутқ фаолияти турларини қўллашда ўргатиладиган тил материали устида ишлашни назарда тутади); 7. Пассивлик принципи (фақат тинглаб тушуниш ва ўқиш нутқ фаолияти турида қўлланилиши ўргатиладиган тил материаллари устида ишлашдан иборат); 8. Стилистик дифференциация принципи (турли нутқ намуналари, масалан, илмий, бадиий, оммабоп, расмий услубларнинг ўзига хос жиҳатларини иносбатга олиш орқали чет тил ўргатилади); 9. Маданиятлараро ҳамкорликни инобатга олиш принципи; 10. Онглилик принципи.

2. Дидактик-педагогик принциплар. Мазкур принциплар хорижлик олимлар Я.А.Каменский, Л.С.Выготский, Л.В.Щерба, И.В.Рахманов, А.С.Шкляева, Г.Е.Ведель, И.Л.Бим, А.Н.Леонтьев, Р.К.Миньяр-Белоручев, Е.И.Пассов, И.А.Зимняя, Н.Д.Гальского, Н.И.Гез, Ю.К.Бабанский, А.В.Хуторский, С.Торнбери, Г.Веллс кабилар томонидан узоқ йиллик тадқиқотлар натижасида аниқланган ҳамда таълим жараёнига киритилган. Буларни умумлаштириб, қуйидагиларни таъкидлаймиз: 1. Ўқув материални ҳаёт билан боғлаш; 2. Ўқитувчи кўмагида ўқувчининг онглилиги ва фаоллиги; 3. Тушунарлилик ва соддалик; 4. Амалиёт ва назариянинг боғлиқлиги ёки илмийлик; 5. Ўқув материалларни тушунарли қилиб етказиб бериш; 6.

Кўргазмалилик; 7. Малакаларни мустаҳкам эгаллаш; 8. Фанлар билан алоқадорлик; 9. Ўқув жараёнида ўқувчининг фаол ҳаракатлантириш устунлиги; 10. Пухта ўзлаштириш; 11. Продуктивлик; 12. Мобиллик (оперативлик) ёки фаоллик; 13. Индивидуал ёндашиш; 14. Осон-қийинлик ёки ўқувчилар кучига мослик; 15. Маданиятларнинг ўзаро таъсири; 16. Қарорлар қабул қилишга ўргатиш ёки умумий дунёқарашни ривожлантириш; 17. Мазмун ва топшириққа биноан муқобил метод ва воситалардан фойдаланиш ва қўллаш; 18. Таълим бериш учун керакли шароитни танлаш; 19. Эстетик руҳда тарбиялаш; 20. Жамоа бўлиб ишлашга ўргатиш; 21. Таълим бериш орқали тарбиялаш.

3. Психологик принциплар. Хорижлик олимлар Л.С.Выготский, Г.Е.Ведель, Р.К.Миньяр-Белоручев, М.Д.Берлиц, В.А.Артемов, К.Б.Есипович, А.Г.Кавалев, Т.А.Козлова, А.И.Сурыгин, Ж.Пиаже ва бошқалар томонидан ушбу принциплар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Талабанинг ижодкорлиги принципи; 2. Вербализация (оғзаки нутқ устида ишлаш орқали ўргатиш); 3. Коррелация (нутқ малакаларини эгаллаш учун тил бирликлари махсус танланади, нутқ мавзуларига таяниб инглиз тили ўқитилади); 4.Инглиз тилини ўрганишда мотивация (қизиқиш, мойиллик); 5. Ички мотивация ва мен принципи; 6. Нутқ малакаларини босқичма-босқич шакллантириш; 7. Талабанинг индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олиш (шахсий, субъектив, индивидуал); 8. Адаптация жараёнини инобатга олиш; 9. Дарс жараёнида ўқитувчи пассив индивидга айланиши, ўқувчиларни эса фаол субъектга айлантириш ва бошқалар.

Тадқиқот давомида ва тажриба-синов ишларида юқоридаги принципларга таяниб, тадқиқот иши доирасида қуйидаги **психологик-психолингвистик принциплар** аниқлаштирилди: 1. Талабанинг ижобий эмоционал характер хусусиятларига таяниб руҳлантириш, рағбатлантириш; 2. Талабанинг автоном (инглиз тилини нимага ўрганаётганлигини тушунади, ўз зиммасидаги масъулиятни тушунади, ўрганганларини такрорлай олади ва қандай даражада

ўрганганлигини баҳолай олади) хусусиятларни ривожлантириш; 3. Талабанинг ёш хусусиятларига мувофиқ ўқитиш усулларини танлаш; 4. Талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакатлардаги тенгдошлари ҳаётидаги мавжуд эмоционал муаммоларни қандай енгишларини ўргатиш; 5. Талабаларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш; 6. Талабаларнинг шахсий ва индивидуал қизиқишларини инобатга олиш; 7. Талабаларнинг ўзига ишониш қобилиятини ривожлантириш; 8. Диққатни жалб қилиш ва ҳоказо.

4. *Методик принциплар.* Хорижлик Л.В.Щерба, Г.Пальмер, Р.К.Миньяр-Белоручев, Н.Д.Гальского, Н.И.Гез, В.Л.Скалкин, М.Б.Ляховицский, А.Н.Шамов, Е.И.Пассов, С.Ричардс ва Рожерс, С.Торнбери, У.Пенни, Л.Фриман, Р.Акбари каби олимлар томонидан методик принциплар мукаммал ўрганилган ҳамда оммалаштирилган. Методик принципларни объекти, мақсади ва қамровига кўра, қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

*а) умумий методик принципл*нинг мақсади коммуникативлилик, машқлар устуворлиги / бажариш, ўқув материалини чегаралаб ёки яхлит ўргатиш, машғулотларда аввал ўргатилган ва ўрганиладиган ўқув материални такрорлаш, узлуксизликни таъминлашдан иборат;

*б) хусусий методик принципл*нинг мақсади ва мундарижаси табиий талаффузга яқинлашиш (апроксимация), моделлар орқали ўргатиш, интегратив ёндашув асосида ўргатиш, оғзаки нутқнинг илгарилаши, жадаллаштириш / тезлаштиришдан фойдаланиш, когнитив малакалилик, тил бирликларини автоматизациялаш кабилардан ташкил топади;

в) махсус методик принциплар нутқ фаолияти турлари ва тил материаллари устида ишлаш, оғзаки нутқнинг илгарилаши, ўқувчиларнинг нутқий ва фикрлаш қобилиятини рағбатлантириш, мутахассисликлар доирасида инглиз тилини ўргатиш ва бошқалардан таркиб топган.

Жаҳонда 2019 йилнинг охирги чорагида бошланган ва ҳамон давом этаётган пандемик вазият барча таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар

қатори чет тил ўқитишга ҳам ўз таъсирини ўтказганлигини оммавий ахборот воситаларидаги маълумотлар тасдиқлайди. Мамлакатимиздаги мавжуд шароитни инобатга олиб, биз чет тил ўқув предметини масофавий тарзда самарали ташкил қилиш жараёнида ва тадқиқот олиб боришда соҳа талабаларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш бўйича қуйидаги **дидактик принципла**рни аниқладик ва уларни амалиётга татбиқ этдик: 1. Когнитив технологияларидан фойдаланиб ўқитиш; 2. Топшириқларнинг овозларини ёзиш орқали бажариш; 3. Дўстлар фаоллиги орқали ўрганиш; 4. Қисқа видео ва тақдимотлар; 5. Яхши ўқитиш муҳим; 6. Ўқувчиларнинг ёшига мос аутентик матнлардан фойдаланиш; 7. Ўзга мамлакатлар маданиятини ўргатувчи маданий стереотипларнинг мувофиқларидан фойдаланиш; 8. Мультимедиали ўқув материалларидан фойдаланиш; 9. Хатоларни тузатиш; 10. Топшириқларни бажаришда ўқувчиларни руҳлантириш ва ҳ.к.

Тадқиқотнинг ушбу фаслида қўйилган масалалардан яна бири – соҳа талабаларига инглиз тилини ўқитишдаги **методлар**ни ва уларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантиришдаги аҳамиятини аниқлаб олиш, энг муҳими, таълим олувчиларнинг мазкур методлар воситасида эгаллаган малакаларини қайдаражада бўлиши мумкинлигини тавсифлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга, деб ҳисобладик.

Жаҳон цивилизацияси тарихида шахс тафаккури шаклланадиган муайян она тилидан ташқари хорижий тилларни ўрганиш кенг татбиқ қилинган. Зеро, халқлар орасида турли муносабатларни ўрнатиш, дастлаб уларнинг тилларини билишни тақозо қилади. Чет тил жаҳон тажрибасидан маълумки, турли даврларда турли хил методлардан фойдаланган ҳолда ўргатилган. Хусусан, XIX асрнинг тўртинчи ҳамда XX асрнинг биринчи чорагигача чет тил таржима методи орқали ўргатилган. Европа чет тил ўқитиш методикасининг реформаси бўлгандан сўнг тўғри (direct) метод ишлаб чиқилди. Шу даврдан бошлаб, ҳар қандай чет тилда нутқ фаолияти ўргатила бошланди. Бунинг натижасида кўплаб янги методлар тавсия этилди. Замонавийлаштирилган

онгли-қиёсий методдан Россия кенг фойдаланилган. Кейинчалик аудиолингвал метод АҚШ мутахассислари томонидан оммалаштирилди, аудиовизуал метод Францияда кенг татбиқ қилинди. Ўтган асрнинг 80–йилларидан бошлаб Европада, янада аниқроғи Буюк Британияда хозирги пайтда оммалашган коммуникатив методлар инглиззабон мамлакатлар мутахассислари ва бошқалар томонидан кенг қўлланилмоқда. Амалий тилшунослар Жак С.Ричардс ҳамда Теодор С.Роджерс, Раман Акбари фикрлари бўйича, инглиз тили ўқитиш учун методлардан кейинги давр (The Post-Methods Pedagogy Era) келганлигини эътироф этишади[123].

Қўлланилган методлар кетма-кетлигини ва улар воситасида таълим олувчиларнинг **эгаллаган малакаларини** қуйидаги тартибда тавсифлашни лозим топдик:

1. Грамматика-таржима ёки классик метод (GT/CM) XX аср бошларида пайдо бўлди. Мазкур методдан ўқувчиларга ўқиш нутқ фаолиятини мустаҳкамлаш ҳамда чет тил адабиётини қадрлашга ёрдам бериш мақсадида қўлланилган. Натижада ўқувчилар ўз она тили грамматикасини самарали ўзлаштирган. Тил материали дедуктив (аввал қоида берилади, сўнгра мисоллар билан тушунтирилади) йўл орқали ўргатилган. Ушбу метод воситасида *эгалланган малакалар* қуйидагилар бўлган: ўқувчилар адабий китоблардан ёки инглиз тилида ўқиганларини таржима қилган; коммуникацияни амалга ошириш имконияти етарли бўлмаган, бироқ амалий бош мақсад ўқиш, ёзувга қаратилган, гапириш ва тинглаб тушунишга кам эътибор берилган, талаффузни ўргатишга кам эътибор қаратилган; ўқувчилар учун ўқитувчи муҳим аҳамиятга эга бўлган инглиз тилида ўрганган сўзларнинг эквивалентларини она тили иштирокида аниқлаш имконияти берилган. Натижада инглиз тилидаги грамматик бирликлар муваффақиятли ўзлаштирилган.

[123] Jack C.Richards and Theodore S.Rodgers. Approaches and Methods in Language Teaching: Third Edition.: 2014. 245–270 P.: Ramin Akbari. Postmethod Discource and Practice. The Forum. Tesol Quarterly. Vol. 42, # 4, December 2008. –P. 641-652; Рўзметова М.Ш. Умумий ўрта таълим 5-7 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантириш технологиялар. - Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори ((PhD)) диссертацияси. – 231 б.

2. Тўғри, индуктив ёки табиий метод (D/I/N.M). Чет тил ўқитишда коммуникатив мақсадларда кўп йиллар давомида қўлланилган, ягона қоидаси буткул она тилидан воз кечилган. Тарқатма материаллар ҳамда иллюстрациялардан фойдаланилган. Грамматик минимум индуктив (олдин нутқда ифодаланади, сўнгра қоида тушунтирилади) усулда ўргатилган. Ушбу метод воситасида *эгалланган малакалар* қуйидагича бўлган: ўқиш, гапириш ҳамда тинглаб тушуниш комплекс ўқитилган; конкрект лисоний бирликларни ўргатиш расмлар, демонстратив буюмлар орқали амалга оширилган; она тилидан фойдаланмасдан, тил материали демонстрация қилинган; талаффузни ўргатишга кенг эътибор қаратилган; ёзувни ривожлантириш алоҳида инобатга олинган; ўрганилаётган тил соҳиблари яшаш тарзи ҳақида ўқувчига янги маълумотлар берилган, кундалик лексик бирликларни қўллаш орқали нутқий ситуатив гаплар тузиш ўргатилган.

3. Оғзаки нутқ ёндашуви ёки ситуатив тил ўргатиш методи (SLLM). Бу метод асосчилари Гаролд Палмер, сўнгра уни С.Торнбери қайта ишлаган. Сўз таркибига, сўзларни тизимли турли гапларда қўллашга эътибор қаратилган. Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи, инглиз тилини хорижий тил мақомида мустақил эгаллаш билан шуғулланган. Бу метод воситасида *эгалланган малакалар:* тил ўқитишда оғзаки нутқни ривожлантириш инобатга олинган; тил материали ёзма эмас, балки оғзаки ҳамда тил бирликлари турли ситуатив ҳолатларда ўргатилади; лексик ҳамда грамматик бирликлар мустаҳкам ўргатилгандан сўнг ўқиш, ёзув таништирилади; индуктив ёндашув асосида грамматика ўқитилади; дарс жараёнида, дарсдан ташқари турли ҳаётий вазиятларда коммуникацияни амалга оширишга киришилади.

*4. Аудио-лингвал ёки оғзаки нутққа асосланган метод (ALM).*1945 йилда бу метод Мичиган университети амалий тилшуноси Чарлес Фриз томонидан таклиф қилинган, ғарбда баъзан Мичиган метод деб ҳам аталган. Ушбу методда грамматик қоидалар ўргатишга вақт сарфланмаган. Мазкур метод воситасида *эгалланган малакалар:* нутқий вазиятларни ўргатиш турли табиий контекстларда амалга оширилади; ўқитувчи асосий субъект ҳисобланади;

инглиз тилини ўрганишда масалан, турли диалоглар ва вазиятларни ўқитувчи ўқиб беради ёки сўзлаб беради, сўнгра ўқувчилар жўр бўлиб қайтаришади; лисоний бирликлар тўғри талаффуз қилишга ўргатилади; ўқитувчи фаол субъект вазифасини бажаради ҳамда ўқувчиларни тез-тез рағбатлантириб боради.

5. Сокин ўргатиш методи (SWM). Бу методга 1960 йилларда Галиб Каттегно томонидан асос солинган. Турли рангли фигуралар, ҳар хил товушларни ифодалаган. Ўқувчилар турли харфлар ёки рангли фигуралар ёрдамида ўзлари сўзларни талаффуз қилганлар, хилма-хил гаплар тузганлар. Бу метод воситасида *эгалланган малакалар:* конструктивизм ғоясига таянилади; ўқувчилар хотирани мустаҳкамлаган тарзда гаплар тузадилар; гуруҳ бўлиб тил ўрганишга қизиқиш ортади; инглиз тилини қандай даражада ўрганганлигини назорат қилишга қулай; нутқ фаолиятининг барча турлари – интегратив мустаҳкамланади.

6. Мотор/жисмоний ҳаракатлар ёрдамида жавоб бериш методи (TPRM). Ушбу метод Жон Ашер томонидан таклиф қилинган. Асосан, кичик ёшдаги ўқувчиларга хорижий тилларни ўргатишда маъқул. Бу метод воситасида *эгалланган малакалар:* ўқитувчини тинглаш орқали жисмоний ҳаракатлар ёрдамида тил материали эгаллашга киришилади. Масалан, инглиз тилида ўрганган сўзларни, сўз бирикмаларини нон вербал ифодалай оладилар; ўқитувчи ёрдамида ўрганилган лисоний бирликларни жўр бўлиб такрорлайдилар.

7. Жамоавий тил ўрганиш методи (CLLM) (гуманистик усул деб номланади). Чарлес А.Каррен томонидан татбиқ қилинган бу метод, асосан, ёши катталарга чет тил ўргатишда маъқул бўлган. Тил ўрганувчилар ҳар хил кичик гуруҳларда фаолият олиб боришган. Ўқувчиларни турли кичик гуруҳларга ажратиб, хорижий тилни ўргатиш амалга оширилган. Ушбу метод воситасида *эгалланган малакалар:* ўқитувчи дарс жараёнида маслаҳатчи, ўқувчига эса мижоз сифатида қаралади; дарслик орқали тил материали ўрганишга аҳамият берилмайди; дарс жараёнида ўқувчилар ўзларининг она

тилисидан фойдаланади; ўқитувчи уларнинг фикрларини инглиз тилига таржима қилади; улар ўқитувчининг нутқини мобил телефонлари ёки аудио тасмага ёзиб олишади, сўнгра ўқитувчи ёрдамида фикрларини умумлаштириб жўр бўлиб такрорлашади.

8. Дисуггестопидия методи (DeSM) Жоржи Лозанов томонидан таклиф қилинган бўлиб, мусиқа остида жонли ҳаракатлар ёрдамида образли инглиз тили ўрганилади. Ушбу метод воситасида *эгалланган билимлар:* ўқитувчи ўқувчиларга инглиз тилида сўзларни, гапларни ўргатиш жараёнида турли ҳаракатлар ёрдамида кўрсатиб беради; ўқувчилар ўқитувчини ҳаракатлари билан инглиз тилини жўр бўлиб айтиб ўрганади; инглиз тилини ўрганиш қизиқарли жараёнга айланади.

Бугунги кунга келиб, деярли барча таълим муассасаларида коммуникатив метод кенг қўлланилаётганлигидан; мазкур метод ғарб мамлакатларида ёндашув тарзида талқин этилаётганлигидан мутахассис олимлар хабардор. Айни вақтда Ўзбекистон шароитида таълимнинг турли босқичларида хилма-хил методлардан фойдаланиб, инглиз тили ўқитилмоқда. Масалан, Аудио-лингвал, Аудио-визуал (Audio-lingual and Audio-visual), Жисмоний харакатлар ёрдамида жавоб бериш (TPR), Коммуникатив тил ўқитиш (CLT), компетенцияларга асосланиб тил ўқитиш (Competence-Based Teaching), жамоавий тил ўқитиш (Cooperative Language Teaching), аниқ мазмунга асосланган таълим (Content-Based Education), вазифаларга асосланган ўқитиш (Task-Based Teaching) оммалашган.

Олиб борилган тадқиқотимиз натижаларининг кўрсатишича, педагогика олий таълим муассасаларининг “Инглиз тили” йўналишида мазкур тилни ўқитишда белгиланган компетенцияларни ривожланлантириш учун ушбу методлар орқали қўшимча технологияларни қўллашга эҳтиёж сезилди.

Ривожланаётган Ўзбекистон шароитида барча соҳаларга “рақамли иқтисодиёт” атамаси кириб келмоқда. Зеро, биз жамиятимизни дунё ҳамжамияти билан интеграцияга киришиш ҳақида гапирар эканмиз, бу борада трансформация қилинган, яъни янгиланган сунъий ақл ва когнитив

интеллектуал технологиялар (Artificial Intelligennce technologies) жадал тараққий топаяпти. Мазкур турдаги технологияларни инглиз тилини ўқитишда қўллаш кун сайин ойдинлашмоқда ва такомиллашиб бораяпти. Ушбу долзарб масалани чет тил ўқув предмети ривожи билан тасаввур қилсак, амалдаги инглиз тилини ўқитиш жараёнини автоматлаштириш ҳамда таълим олувчиларни ўз навбатида замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиб, инглиз тилини ўрганишга тайёрлаш зарур. Шу нуқтаи назардан чет тил ўқув предмети ахборот коммуникацион технологиялар билан бирга ҳамоҳанг ўргатилмоқда. Шу ерда янги тармоқ **лингвотехнология** – тил ўқитиш технологияси фанини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур фан ҳам чет тилни белгиланган талаблар асосида ўқитишда беқиёс ҳисса қўша оляпти, деб бемалол айтиш мумкин.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантиришда **лисоний машқлар** тизими муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Машқлар ҳақида фикр юритилганида, унинг шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи турлари[124] оммалашганлигини қайд этиш зарур.

Машқ тизимининг таснифи борасида олиб борилган тадқиқотлардан унинг икки қисмдан – тил материали (лексика, грамматика, талаффуз) машқлари ва нутқ фаолияти турлари(гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув)га оид машқ турларидан иборатлиги аниқланган. Талабалар чет тилда ўз фикрини баён этиш ва ўзгалар фикрини идрок этиб тушуниш учун чет тил материалига оид билимларни ўзлаштирган бўлиши талаб этилади, бунинг учун эса чет тил ўргатиш жараёнида тилга оид машқлар бажариши лозим топилади.

Э.Т.Эркаев диссертацион тадқиқотида тил материалига доир машқлар ўз навбатида, рецептив ва репродуктив тил материалига оид машқларга

[124] Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Т.: 2012. –Б.429

бўлинишини таъкидлайди[125]. Мазкур олим рецептив тил материалига оид машқлар ўзга шахс нутқини идрок этиб тушуниш (ўқиш ва тинглаб тушуниш)да, репродуктив тил материалига оид машқлар эса чет тилда фикр баён этиш(гапириш ва ёзув)да қўлланишини уқтириб, бундай машқлардан қуйидаги намуналарни кўрсатиб ўтган: муаллим чет тилда айтаётган ҳаракатни бажариш машқи; янги сўзни мавзуга оид бошқа сўзлар билан тинглаганда, таниб олиш машқи; айтилган сўзларни мавзуларга тегишлисини топиш машқи; икки жумлада айтилган маънодош сўзларни она тилида фарқлаш машқи; эшитилган сўзларни сўз туркумларига ажратиш машқи; сўзларни алфавит тартибида ёзиш машқи; гапларда кўп маъноли сўзларни таниб олиш машқи; она тили ва чет тилда бир ўзакли сўзларнинг маъносини луғатдан текшириб кўриш машқи; сўз иштирокида ясалган бирикмаларни топишмашқи; матнда белгиланган ажратиб кўрсатилган сўзларни она тилига ўгириш машқи; берилган таянч сўзлар иштирокида ёзма-оғзаки фикр баён этиш машқи; матндаги бўш жойларни тўлдириш машқи; нутқий вазиятда грамматик ҳодисани эркин қўллаш машқи; қийин грамматик ҳодисани ўз ичига олган жумла (абзац)ни таржима қилиш машқи; товушлар бирикмасини қайтариш (сўз боши, охирида ва ичида) машқи; унлилар (ундошлар) оппозициясини айтиш. Олдин унлиларни (ундошларни) алоҳида сўнгра сўзларни айтиш ва бошқалар.

Нутқ фаолиятига оид машқларни ўзлаштириш деганда, кичик ҳажмдаги содда (сўз, сўз бирикмаси, гап) бирликлардан тортиб йирик мураккаб матнларгача бўлган ҳодисаларни ўз ичига оладиган машқлар бажариш жараёни тушунилади. Нутқ фаолиятига оид машқлар ҳам икки гуруҳдан иборатлиги методик адабиётларда баён қилинган: тайёрлов ва нутқ машқлари. Тайёрлов машқларида тил материалига оид кўникмаларни шакллантириш назарда тутилади, тил ҳодисаларининг шаклий (формал), маъновий (семантик), қўлланиш (функционал) томонлари ўрганилади.

[125]Эркаев Э.Т. Бўлажак чет тил муаллими таълимида қўлланадиган таржима машқларининг лингводидактик таснифи. - Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.:2008.

Тайёрлов машқлари нутқий фаолиятнинг дастлабки босқичи бўлиб, тил ҳодисаларига оид кўникмаларни шакллантиришга қаратилган машқлардир.

Э.Т.Эркаевнинг таъкидлашича, нутқ машқлари коммуникатив (мулоқот) вазифасини бажариб тил ҳодисаларини эркин қўллаш, нутқ фаолиятига оид малакаларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлади. Олим ўзининг диссертация тадқиқотида тилга оид машқлардан қуйидаги намуналарни келтиради: таниш ўзаклардан ясалган янги сўзларни тинглаш ва таржима қилиш; тайёр жумлаларни тинглаш ва қандай нутқ вазиятида қўлланишини айтиб бериш; икки-уч марта қисқа жумлаларни тинглаш ва улардан гап тузиш; диалогнинг бошланишини эшитиш, жуфт бўлиб уни давом этириш; якка нутқ шаклидаги матнни тинглаб ёки ўқиб жуфтнутққа айлантириш; якканутқ матнини ролларга кириб айтиш; матн мазмунини қисқача ва ўз сўзи билан гапириб бериш; ҳикоянинг энг муҳим жойини аниқлаш ва асослаш; матн мазмуни билан танишиш; матн мазмунини навбатма-навбат айтиш; тушунганликни текшириш учун матннинг айрим жойларини ёки тўлиқ ёзма таржима қилиш; савол-жавоб машқини бажариш; сўз бирикмаларини ўқиш; микроматнни ўқиш; фалон товушни ифодаловчи ҳарфларни ёзиш; матнни кўчириб, ундаги товуш ва ҳарф миқдори мос келмайдиган сўзларнинг тагига чизиш; ўхшаш морфемали сўзларни матндан кўчириш; фалон товушни ўз ичига оладиган сўзларни (қирқма алфавитдан фойдаланиб) тузиш[126].

Чет тилда машқлар оғзаки ва ёзма усулда бажарилади. Оғзаки машқ диалог ва монолог машқларига, оғзаки бажариладиган лексик, грамматик, талаффуз машқларига бўлинади. Ёзма машқлар эса фикрни ёзувда ифода этишни ва ёзишни ўргатишга бағишланади.

Барча илмий манбалар, дарслик ва ўқув қўлланмалардаги берилган тавсифидан аниқланадики, машқлар тизимининг мазмун-моҳияти қуйидаги умумлашмани чиқаришга имкон беради: тил материали бўйича яъни

[126] Эркаев Э.Т. Бўлажак чет тил муаллими таълимида қўлланадиган таржима машқларининг лингводидактик таснифи. - Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.:2008.–11-б.

(грамматика, лексика, талаффуз) ҳамда нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув) машқлари.

Чет тилда нутқий малакаларни эгаллаш таълимдан кўзланадиган мақсад бўлиши билан бирга ўрганилаётган тил янги ва фойдали ахборотолиш-етказиш воситаси мақомини ҳам олади. Талаба фақат мулоқотдош сифатида эмас, балки ахборот соҳиби мақомида ўрганилаётган тилдан фойдаланади. Мазкур тилни амалий ўрганиш чоғида 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт таълими йўналишидаги талаба лингвистик билимлар тўплаш билан эмас, балки нутқий ва маданий малакалари (компетенцияси)ни ошириш билан машғул бўлади. Демак, коммуникатив фаолият кўрсатиш, шахсга йўналтирилган, компетенцияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида чет тил ўрганилади.

1.3. Компетентли чет тил ўқитувчиларини тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари ва илмий тадқиқотлар таҳлили

Тадқиқотимизнинг ушбу фаслида қўйилган вазифаларига методологик асос бўлиб хизмат қиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва илмий манбаларни қуйидагича гуруҳлаштирамиз:

1. *Таълим самарадорлигини таъминлаш, таълим менежменти, рақобатбардош, компетентли ўқитувчи тайёрлашга дахлдор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар.* Улар қамрови ва қўлланилишига қўра икки хил:

а) ЮНЕСКО халқаро ҳужжатлари: “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати (1995); “Европа минтақасида олий таълимга тааллуқли малакаларни тан олиш тўғрисида”ги Конвенция (1997); “Европа Иттифоқи Кенгашининг тавсиялари” (1998); “XXI асрнинг олий таълими” (1998) Бутунжаҳон декларацияси; CEFR (Common European Framework of Reerence for Language) халқаро Европа стандарти ва бошқалар.

б) республика миқёсидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил ПҚ 1875-сон,

“Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил ПҚ-1971-сон,“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил ПФ-4947-сон, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 2017 йил ПҚ-2919-сон, Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 124-сон, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил ПФ–5847-сон, “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил ПҚ-4699-сон, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил ПҚ-4623-сон, “Рақамли Ўзбекистон – 30” дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил ПФ – 6079-сон, “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил ПФ 6097-сон, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2021 йил ПФ-6155-сон, 2021 йил ПҚ – 5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ва қарорлари шулар жумласига киради.

2. Фалсафанинг билиш тўғрисидаги диалектик қонунияти, шахс ривожланиши – билиш объектига оид тадқиқотлар. Бу ўринда хорижлик олимлардан А.А.Бадалев, Н.В.Гришина, Ю.Н.Емельянов, Ю.Ф.Майсурадзе, шунингдек, республикамиздаги К.Рисқулова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари назарда тутилаяпти, уларда қўйилган муаммонинг фалсафий, педагогик, психологик ва социолингвистик жиҳатлари ўрганилган.

3. Мустақил республикамиз олимларининг таълим сифатини таъминлаш, компетентли ўқитувчи кадрлар тайёрлаш муаммоларига оид илмий-тадқиқотлари. Бундай хилдаги ишларни икки қисмга ажратиш мумкин:

а) бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг педагогик муаммолари ўрганилган илмий ишлар (Ш.Р.Ахлиддинов, У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Жўраев, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ш.С.Шарипов, Н.Ж.Исоқулова, З.К.Исмоилова, Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, М.Б.Ўрозова, Э.Р.Юзликаева, К.Рисқулова, Г.А.Асилова, Ж.А.Ҳамидов ва бошқалар);

б) қўйилган муаммонинг дидактик жиҳатлари ўрганилган илмий ишлар (А.Абдуазизов, Л.Т.Аҳмедова, Г.Бакиева, Ж.Жалолов, Г.Маҳкамова, А.Т.Сатторов, Ў.Ҳ.Ҳошимов, Д.У.Ҳошимова, М.М.Ўтаев ва бошқалар).

Хорижий тиллар, хусусан, компетентли инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга оид илмий ишларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

а) инглиз тили ўқитувчилари касбий компонентлигининг ижтимоий-маданий, ўқув-билиш, ахборот олиш, коммуникатив, интегратив, контекстуал, мослашувчанлик каби муаммоларига бағишланган тадқиқотлар (Р.С.Арефъев, Н.И.Аршинова, С.А.Баландин, С.Н.Белаконь, Л.А.Борходаев, Т.И.Густомясова, И.А.Зимяя, О.Ю.Пестрецова, М.В.Селиверстова, Н.А.Сухова, О.И.Халупо, Е.И.Шеваршинова ва бошқалар);

б) бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетенциясини шакллантиришга оид тадқиқотлар (хорижлик олимлардан Н.А.Беленюк, В.И.Беликов, Н.Ж.Дагбаева, С.Р.Дортман, В.И.Захарова, Л.Ф.Зуева, Л.П.Крысин, Е.С.Нечаева, Л.П.Павлова, Ф.И.Шарков, А.Д.Швейцер, шунингдек, республикамиздаги К.Рисқулова, З.К.Исмоилова, Қ.Л.Нишонов, Б.Х.Раҳимов, М.Б.Ўрозова, Д.О.Ҳикматиллаев, С.А.Зияева ва бошқалар);

в) бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясини шакллантиришга бағишланган илмий ишлар. (Тадқиқотимиз мавзусига дахлдор илмий ишлар таҳлил давомида бериб борилганлиги боис бу ўринда уларнинг номлари қайд этилмади: таъкид бизники – У.У.Ж.).

Кўрамизки, бўлажак чет тили ўқитувчиларининг компетенцияси ва компетентлигини шакллантириш муаммоси билан боғлиқ турли хил соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган, лекин ҳозирги глобаллашув шароити талаблари ва “рақамли таълим муҳити” асосида, халқаро таълим стандартларига мос равишда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик (лексик, нутқ, фразеологик, грамматик) компетентлигини шакллантириш тизими миллий педагогикамизда махсус тадқиқ этилмаган.

Шу боисдан, ушбу ўринда даставвал халқаро аҳамият касб этган хуқуқий-меъёрий ҳужжатларидаги ишимизга дахлдор жиҳатларга муаллифлик ёндашуви асосида эътиборни қаратамиз:

ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари орасида Балонья декларациясининг[127] ўрни алоҳида. Европа ОТМ ўқитувчилари ва тайёрланадиган бўлажак ўқитувчилар компетентлиги стандарти саналган мазкур декларациянинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат: а) Европа ягона олий таълим тизимини вужудга келтириш, жаҳонда Европа олий таълим тизимини фаоллаштириш; б) Европанинг барча олий таълим муассасаларига киришга кенг йўл очиш; в) Европа олий таълим тизимининг сифати ва мавқеини янада ошириш; г) ўқитувчилар ва талабалар мобиллигини ривожлантириш; д) Болонья декларациясига аъзо давлатлар ОТТда барча академик даражалар ва бошқа ихтисосликларни меҳнат бозори талаблари асосида бир хил шакллантириш ҳисобига битирувчиларни муваффақиятли иш билан таъминлашни йўлга қўйиш.

Болонья декларациясининг Ўзбекистондаги инглиз тили таълими сифатини оширишдаги таъсирини К.Рисқулова диссертацион тадқиқотида қуйидаги тарзда изоҳлайди: а) декларация талабларига асосан жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош бўлган инглиз тилидан ўқитувчи кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш; б) Европа таълим тизимидаги икки поғонали ўқитиш

[127] 1999 йил 19 июнда 29 та Европа давлатлари имзолаган Болонья декларацияси

билан Ўзбекистон ОТМ даги икки поғонали ўқитиш жараёни сифат ва самарадорлигини оширишда ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш орқали халқаро меъёрларга мос компетентли ўқитувчи кадрлар тайёрлашга эришиш; в) Европа ОТМ мазмунини қиёсий ўрганиш орқали Ўзбекистонда инглиз тили ўқитувчилари тайёрлаш самарадорлигини такомиллаштириб бориш; г) трансмиллий таълим стандартлари талаблари, халқаро илғор тажриба асосида Ўзбекистонда Давлат таълим стандартлари мазмунини, ўқув фанлари мазмунини, компетентли кадрлар тайёрлаш сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш[128].

Халқаро миқёсдаги иккинчи муҳим меъёрий ҳужжат – CEFR (Common European Framework of Reerence for Language)[129] бўлиб, у Европа стандарти чет тиллари ўқитувчилари ва бўлажак мутахассислар компетентлигини шакллантириш ҳамда баҳолашда муҳим роль ўйнайди. Чет тилларни ўқитишда кадрлар салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўз фанини чуқур биладиган, изланувчан, тажрибали ўқитувчиларгина яхши таълим беради ва таълим-тарбия жараёнини бошқара олади.

CEFR Европа стандартининг мамлакатимиздаги инглиз тили таълимининг сифатини оширишдаги таъсири, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетентлигини шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлаш лозим. Унинг муайян ўқув дастурларни тузиш ва мос материалларни танлаш; тегишли ўқув-услубий қўлланма ва дарсликлари яратиш; баҳолашни жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш, хусусан, ўқитувчи томонидан баҳолаш (ассисмент тури, мазмуни, критерияси) ва ўз-ўзини баҳолаш; энг муҳими, талабаларнинг мотивациясини ошириш (бунда “қила оламан” деган иборанинг қўлланилиши ёрдам беради) ва дарсни самарали лойҳалаштириш каби қатор ижобий афзалликлари мавжуд. Қолаверса, CEFR Европа стандарти тил ўрганувчиларни 6 та даражага бўлган

[128]Рисқулова К. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими. – ДД. – Т., 2017. – 9 б.
[129] www.coe/lang- CEFR

ҳолда тасниф этади ва тил ўрганувчи ҳар бир даражада тилнинг 4 кўникмаси (ўқиш, тинглаш, гапириш ва ёзиш) бўйича компетентцияси мезонларини белгилаб беради.

Европа кенгаши томонидан 1996 йилда қабул қилинган ҳужжатга, яъни "Замонавий тиллар: ўқиш, ўқитиш, баҳолаш. Бутун Европа компетенцияси"га кўракоммуникатив компетенция уч гуруҳ компетенциядан иборат: лингвистик, социолингвистик ва прагматик. Ҳар бир гуруҳ компетенциялари билим, малака ва ноу-хаудан иборат[130]. Умумевропа кенгаши 2018, 2020 йилларда ҳам мазкур ҳужжатларнинг кенгайтирилган вариантини муҳокама қилган ва лингвистик компетенцияга алоҳида ўрин ажратган.

Республика миқёсидаги муҳим аҳамият касб этган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар орасида Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарор[131]муҳим илмий-амалий методологик асосга эга. Чунки мазкур қарорда кўрсатилган талабларга биноан олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанларнинг мазмунини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш мақсадида соҳа бўйича ДТС ишлаб чиқилди[132]. Мазкур ДТСнинг характерли жиҳати шундан иборатки, унда чет тили бўйича барча даражалар учун битирувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малака талаблари ҳамда таълим мазмуни белгилаб берилган. Асос қилиб умумевропа халқаро стандарти даражалари, яъни CEFR – чет тиллар бўйича умумевропа тавсиялари мазмуни, чет тилларни интегратив ёндашув асосида ўрганишда халқаро стандартларда кўзда тутилган 4 та кўникма – чет тилида ўқиш, ёзиш, эшитиш ва гапириш даражалари олинган.

---

[130] Modern languages: learning, teaching, assessment: acommon European framework of reference. Strasburg, 1996. 260 p.

[131] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарор, 2013 йил 3 май; http://uzswlu.uz/media/a6a90167-3f20-0825-2f2b-c5d09d0e9ad3.pdf http://uzswlu.uz.

[132] Олий таълим Давлат стандарти. 5111400 – Хорижий тилла (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргаргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар. Расмий нашр. – Тошкент.- 2018.

Ҳозирги даврда “хорижий тилларни пухта ўзлаштирилган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни кўллаш кўникмаларига эга[133] профессонал педагогик кадрлар таёйрлаш”, шунингдек, “олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагогик кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш”[134] вазифалари устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Методологик аҳамиятга эга бўлган мазкур қарорда уқтирилишича, энг сўнгги йилларда мамлакатда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик ходимлари нуфузини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда мамлакатимиз таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятда ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада ошириш, таълим олувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон “янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан

[133] Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. https://uza.uz.
[134] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27-февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон қарори

соҳаларини”[135] янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат бўлди:

– мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларни тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари, уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш;

– педагогик ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, малака ошириш тизимини “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида такомиллаштириб бориш[136].

Ҳаракатлар стратегиясининг 2021 йилга мўлжалланган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди. Унда илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим ташкилотларида физика ва **чет тиллари фанлари**нинг ўқитиш методикасини қайта кўриб чиқиш, амалий ва инновацион лойиҳалар танловларини ташкиллаштириш, соҳадаги илмий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш; мазкур фанлар бўйича узлуксиз таълим сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича янги авлод, шу жумладан, электрон дарслик ва ўқув курсларини яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув дастурларида амалий ва интерфаол машғулотларининг улушини кўпайтириш каби вазифаларни назарда тутувчи комплекс дастурлар ишлаб чиқиш белгиланган. Шунингдек, мазкур дастурда хорижий тилларни ўрганиш учун кенгроқ имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформаларини яратиш вазифасини амалга ошириш ҳам белгиланган[137].

---

[135] "Дуал таълим принципларини жорий этиш" ўқув-услубий мажмуа https://videouroki.net.

[136] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожининг жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил ПФ – 6097-сонли фармони. www.lex.uz.

[137] Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 3 февраль 2021 йилдаги ПФ - 6155 сонли фармони. www.lex.uz.

Мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 19-майдаги ПҚ-5117 сонли қарорига кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ташкил этилди ва унинг олтитта устувор вазифаси белгиланди. Шунингдек, хорижий тилларга ўқитишнинг сифатини ошириш мақсадида 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб туман ва шаҳарлардаги умумий ўрта таълим мактаблари негизида хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган 207 та мактаблар ташкил этиш, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши натижаларга эришган мактабларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини тавсия этилди. Ушбу қарорда қайд этилишича, хорижий тилларни ўқитиш соҳасига малакали кадрларни жалб қилиш ва соҳа мутахассисларининг салоҳиятини ошириш мақсадида 2021-2022 ўқув йилида хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларига қабул параметрлари 2 бароварга, давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари эса 3 баробарга ошириш; 2021-2023 ўқув йилидан бошлаб, хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган олий таълим муассасалари битирувчилари томонидан давлат аттестация имтиҳонларини топшириш билан бир қаторда ушбу таълим муассасалари ҳисобидан миллий ёки унга тенглаштирилган бошқа етакчи халқаро баҳолаш тизимлари орқали уларнинг билимлари даражасини аниқлаш амалиётини йўлга қўйиш; шунингдек, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликларига ҳамда олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига танловларда миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этиши тартибини жорий этиш белгиланди[138].

[138] Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 19-майдаги ПҚ-5117 сонли қарори. www.lex.uz.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашнинг педагогик муаммоларига бағишланган илмий ишларнинг қисқача шарҳларига тўхталадиган бўлсак, дастлаб хорижлик Н.А.Беленюкнинг диссертацион тадқиқотини алоҳида таъкидлашни лозим топдик. Чунки унда эгаллаш лозим бўлган методологик билим, кўникма ва малакалар бўлажак инглиз тили ўқитувчилари компетентлигининг индикаторлари белгиланган. Уларга кўра мазкур соҳа талабалари, энг аввало, чет тилини ўрганиш ва ўқитиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни, тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқинини, тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитларини, инглиз тилини ўрганиш грамматикасининг аҳамиятини, тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурсларни; тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини *билиши керак.*

Шунингдек, мазкур олимнинг таъкидлашича, “инглиз тили ва адабиёти” йўналиш талабалари: а) мавзуга оид турли коммуникатив топшириқлар воситасида тил кўникмаларини ривожлантириш; б) тил ўқитишдаги турли ёндашувлар (коммуникатив ёндашув, ҳаракатли ўйинлар орқали ёндашув) асосида тил ўргатилаётган ва ўрганилаётган шароитни оптимал белгилай олиш; в) чет тилларни ўрганиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш; интернет сайтларидан ўз соҳасига оид материалларни танлаб олиш ва таҳлил қила олиш; г) чет тилидаги соҳага оид ва оммабоп матнларни таҳлил қилиш; чет тилидаги матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, яъни суҳбатдошига ўз фикрини чет тилида баён эта олиш, диалогик ва монологик нутқ ёрдамида сўзлашиш ҳамда ёзма мулоқотга киришиш; д) луғатлардан самарали фойдалана олиш, уларни хорижий тилда амалга ошириш; раҳбарлик фаолиятга оид матнларни ўқиш, тушуна олиш, оғзаки баён этиш; е) она тили ва чет тилида сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида инглиз тилида гапира олиш;

хорижий ҳамкорлар билан чет тилида мулоқот қилиш *кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак*”[139].

Тадқиқотимизнинг ушбу фаслида қўйилган муаммолар бўйича қўлга киритилган барча илмий-методик манбаларни ўрганиш шуни тасдиқлайдики, жуда кўпчилик методист олимларнинг илмий тадқиқотлари ўқитувчи компетенцияси ва унга қўйиладиган дидактик талаблар, ушбу атаманинг мазмун-моҳияти, таркибий қисмлари, шаклланиш босқичлари, лингводидактик хусусиятларига бағишланган. Нафақат ўқитувчи компетенциясини шакллантириш ва такомиллаштириш муаммоси, балки ёндош мавзулар йўналишида бир қатор илмий ишлар қилинганлигига амин бўлдик. Бу ўринда тадқиқотимиз объектига дахлдор айрим йўналишларни қайд қиламиз. Жумладан: *а)коммуникатив компетенция* (Н.Н.Доловова, Я.В.Тараскина, О.И.Халупо, И.В.Алехина, Р.С.Арефьев, Т.П.Попова, С.А.Строкова ва бошқалар); *б) лингвистик компетенция* (Н.И.Аршинова, И.Бризе, И.Е.Зуева, Г.А.Кручина ва бошқалар); *в) лексик компетенция* (А.Шамов, А.Е.Сиземина, А.А.Фетисова, С.В.Козлов, К.В.Александров, И.Бризе, И.Е.Зуева, Г.А.Кручина, P.Bogards, A.Hunt, D.Beglar, B.Laufer, J.H.Hulstjn ва бошқалар); *г) грамматик компетенция* (И.Л.Бим, М.Н.Вятютнев, Н.Д.Гальскова, Р.К.Миньяр-Белоручев, А.Н.Щукин, С.Брамфит ва бошқалар); *д) нутқий компетенция* (И.А.Шаршов, Л.Н.Макарова, С.Смирнов ва бошқалар); *е) фразеологик компетенция* (Н.В.Баграмова, Н.В.Джура, Т.Н.Федуленкова, Н.В.Клюжева ва бошқалар).

Шунингдек, ўқувчи ва талабаларга инглиз тилини ўргатишда медиа тестларидан фойдаланиш (Е.И.Шеваршинова, Т.Г.Доброслонская ва бошқалар); матнларни аутенлик ўқиш юзасидан чет тилларни ўрганиш (Н.В.Барышников, Т.В.Ежова ва ҳ.к.), педагогик йўналишдаги талабаларнинг чет тилидаги оғзаки нутқ орқали компетентликни шакллантириш

[139] Беленюк Н.А. Формирование социолингвистической компетенции студентов младших курсов технического вуза в процессе обучения устному общению: английский язык, базовый курс: Дис. ... канд. пед. наук. -Томск, 2007. - 170 с.

(И.А.Исенко) каби тадқиқотлар ҳам шулар жумласига киради. Булардан ташқари яна хорижий тадқиқотчиларнинг асарларида медиа таълими, медиа саводхонликни шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинган. Хусусан, илмий адабиётларда медиа таълими ва ахборот маданияти хусусиятлари R. Aufderheide, P. Greenway, A. Silverblatt, W.J. Potter, R.Hobbs, Т.Н.Ле-Ван, Н.П. Рыжих, А.В.Федоров, В.Л.Колесниченко асарларида; медиасаводхонликнинг таркибий ва мазмун хусусиятлари ҳамда медиа компетенцияси ва уни шакллантириш усуллари P.Gilster, R.Kubey, Н.Ю.Хлызова; Е.В.Мурюкина, Е.А.Столбникова, Н.В.Чичерина, Д.В.Залагаев, П.С.Котляр ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим: миллий педагогикамизда ҳам бўлажак чет тили ўқитувчиларини касбга тайёрлашнинг педагогик ва лингводидактик хусусиятлари очиб берилган ўндан ортиқ диссертациялар ёзилган ва ҳимоя қилинган (Н.И.Муртазаева, Э.Т.Эркаев, Т.К.Сатторов, Г.Т.Маҳкамова, К.Рисқулова, У.Жуманазаров, С.А.Зияева, Ф.Б.Азизова, М.Гулямова, М.Рўзметова кабилар). Таъкидланганлардан ташқари, яна педагогика фанида медиатаълим, талабалар ва бўлажак ўқитувчилар ўртасида медиа маданиятини ривожлантириш, компютер технологияларидан фойдаланиш усуллари, шунингдек медиа компетенциясини шакллантириш масалаларини Б.Э.Қаршиев, Ш.Н.Тайлақова, Н.Р.Рустамова, С.И.Кулмаматов, С.С.Бабаджанов, И.М.Расуловлар тадқиқ этишган.

Методист олим Т.К.Сатторов ўзининг тадқиқотларида чет тилини ўқитиш жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбга йўналтиришнинг бир қатор лисоний омилларини ишлаб чиқади ва уларни қуйидаги таклифлари билан изоҳлашга ҳаракат қилади: а) талабаларни назарий ва амалий тайёргарлигидаги узилиш осон бартараф қилинади; б) бўлажак чет тили муаллимига бериладиган билим, кўникма ва малакаларни яхлит ўзлаштиришга йўл очилади, бу ўз навбатида муаллим педагогик маҳоратини оширишга ёрдам беради; в) социолингвистик-педагогик мақсадга мувофиқ

равишда олий таълимдаги чет тилини ўргатувчи ўқув предметларининг мақсад ҳамда вазифаларига аниқлик киритишга имкон беради; г) муаллимнинг педагогик эҳтиёжини қондира оладиган таълим мазмунини оқилона ташкил қилишга мўлжалланади; д) муаллим шахсининг социолингвистик ҳислатлари ва зарурий лингво-методик кўникма ва малакаларини шакллантиришга шароит яратилади; е) талаба ўзини муаллим сифатида ҳис этиши ва ўзлигини англашга йўл очилади; ё) талабанинг мустақил таълим олиши ва ўз-ўзини тарбиялашга эътибор кучаяди; ж) талабадаги умуман ўқишга бўлган ва касбига оид мотивациясини кучайтиришга ижобий таъсир кўрсатади; з) ўз-ўзини назорат қилиш ва камчиликларини тузатиб боришга ўргатилади; и) билим, кўникма ва малакаларини ижодий ўзлаштириш орқали талабалар ақлий тарбия оладилар ва ҳоказо[140].

Т.К.Сатторов биринчилардан бўлиб, чет тили материалининг ўзлаштириш учун амалиётда бўлган қийинчиликларни аниқлаш ўзига хос методика эканлигини ва у уч босқичдан иборатлигини кўрсатиб берди:

биринчи босқич – "майдон" қийинчиликларини аниқлаш. Тиллараро қиёслаш методи асосида чет тили ҳодисаларининг ўқувчиларнинг она тили ҳодисаларидан фарқ қилувчи ва ўхшаш томонлари, тил ички таққослаш методи асосида ўрганилаётган тил ҳодисаларининг бир-бирига ўхшаш томонлари муайянлаштирилади;

иккинчи босқич – "доира" қийинчиликларини аниқлаш, ўқувчиларнинг хорижий нутқини кузатиш, магнит тасмасига ёзиб махсус ўрганиш, суҳбат, тест ўтказиш йўллари билан уларнинг нутқида содир бўлувчи хатолар рўйхатга олиш, уларнинг табиатини ўрганиш ва махсус мезонларга кўра типларга ажратиш. Мазкур олим томонидан нутқда содир бўлувчи хатоларни қуйидаги мезонларга кўра гуруҳларга ажратилади: 1) тил аспектлари: (грамматик, фонетик ва лексик хатолар); 2) тил материалининг параметрлари (функционал, структуравий, семантик); 3) турғунлик даражаси (турғун,

[140] Саттаров Т.К. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. -Т., 2003.

беқарор, тасодифий); 4) нутқий алоқага аҳамияти (нутқий алоқани амалга оширишда тўсқинлик қиладиган ва нутқий алоқани амалга оширишда тўсқинлик қилмайдиган лисоний ҳодиса);

учинчи босқич – тиллараро ва тил ички қиёслаш натижаларини ва рўйхатга олинган хатоларини психологик, психолингвистик, дидактик, методик қонун-қоидалар асосида изоҳлаш, ҳар бир қийинчилик "нуқта"сининг олдини олиш, бартараф этишга йўналтирилган методик тадбир тузиш[141].

Т.К.Саттаров бўлажак ўқитувчилар методик малакаларини шакллантириш бўйича таклиф этган методика қуйидаги босқичлардан иборат:

1.Аниқ мутахассислик (масалан, чет тили) муаллими педагогик фаолияти структураси ва мазмунини назарий таҳлил қилиш: а) жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ушбу ўқув предметининг роли ва ўрнини ўрганиш; б) ушбу соҳадаги концепциялар, ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари, илғор тажрибани ўрганиш; в) ушбу ихтисос муаллими педагогик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

2.Ўқув предметини эгаллаш бўйича ўқувчилар ўқув фаолиятини ўрганиш: а) ўқув-тарбия жараёнида педагогик фаолиятни кузатиш; б) муаллимлар педагогик фаолиятига оид ва ўқув-тарбиявий жараёнга оид масалаларни илғор муаллимлар билан муҳокама қилиш; в) илғор муаллимларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш; г) бўлажак педагоглар ўқув фаолиятини кузатиш; д) талабаларнинг социолингвистик-педагогик тайёргарлигини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнини ўрганиш; е) амалиётчи талабаларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш; ё) мактаб ва олий ўқув юртидаги ўз иш тажрибамизни умумлаштириш.

3.Бўлажак муаллим социолингвистик малакаларини танлаш методикасини ишлаб чиқиш: а) танлашга илмий ёндашиш; б) танлаш

[141] Саттаров Т. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. – Т., 2003. – 21 б.

манбаининг таъриф-тавсифини бериш; в) танлаш бирлигини аниқлаш; г) танлашга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш; д) танлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

4. Бўлажак муаллим (талаба)нинг социолингвистик малакаларини бевосита танлаш ва уларнинг амалиётга мос келишини эксперимент орқали текшириб кўриш[142].

Методист олим Э.Т.Эркаевнинг диссертацион тадқиқоти[143] ҳам бўлажак чет тили муаллими таълимида қўлланиладиган таржима машқларининг лингводидактик таснифига бағишланган. Муаллиф дастлаб таълимда машқ тушунчасининг методик тавсифи, таржима машқларини бажаришнинг лингводидактик аҳамияти, чет тил таълимида таржима машқларини ўргатиш масалалари, кўп тиллилик шароитида таржима машқларидан фойдаланиш муаммоларини ёритишга ҳаракат қилган. Мазкур олим таржима билан боғлиқ лингвометодик категориялар тавсифи масаласини ёритишда қўйилган илмий муаммоларнинг методик таҳлили, методик усул ва восита тушунчаларининг лингводидактик тавсифи, шунингдек, таржима машқларининг лингводидактик таснифи каби қатор бир-бирига ёндош ва бири иккинчисини тўлдирадиган муаммоларни ўрганганлиги билан диққатга молик.

Ёш тадқиқотчи Н.А.Абдуқодированинг диссертациясида[144] инглиз тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантириш (B2) муаммоси ўрганилган ва унда бир қатор вазифалар қўйилган: чет тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда медиатаълимнинг хорижий тажрибасини ўрганиш ва медиасаводхонликнинг таркибий қисмларини модификация қилиш; касбий таълимнинг миллий контекстида ўрганилаётган тилда медиасаводхонликни ўқитиш услубий тизимининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш; нофилологик ОТМлари бошланғич курс талабаларининг дарсларида

[142] Саттаров Т. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. -Т., 2003. – 215 б.

[143]Эркаев Э.Т. Бўлажак чет тил муаллими таълимида қўлланадиган таржима машқларининг лингводидактик таснифи. - НД – Т.:2008

[144] Абдуқодирова Н.А. Инглиз тили дарсларида медиа саводхонликни шакллантириш (B2). - Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори ((PhD)) диссертацияси. – Жиззах, 2021. -129 б.

медиасаводхонликни шакллантиришнинг услубий асослари ва самарали воситаларини аниқлаш; нофилологик ОТМларининг 1-2 курс талабалари ўртасида медиасаводхонликни шакллантиришнинг интегратив моделини ва уни инглиз тили дарсларида самарали амалга оширишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш; яратилган дидактик воситаларни нофилологик ОТМларининг 1-2 курсларида инглиз тилини ўқитиш амалиётида синаб кўриш ва самарадорлигини баҳолаш.

Бизнинг бу ўриндаги имкониятимиз чегараланганлиги учун бўлажак чет тиллари ўқитувчиларини касбга тайёрлашнинг лингводидактик хусусиятларини очиб берган учта диссертацион тадқиқотни муаллифлик ёндашув асосида назардан ўтказдик. Энди айни масаланинг педагогик жиҳати ўрганилган иккита диссертацион ишни ҳам кўриб чиқишни лозим топдик. Улардан бири К.Рисқулованинг “Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими” номли докторлик диссертацияси бўлиб, унда қуйидаги вазифалар қўйилган ва муваффақиятли ҳал қилинган: “компетентлик”, “социолингвистик компетентлик” каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятини муаллифлик ёндашуви асосида илмий-педагогик жиҳатдан асослаш, “Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетенцияси” типологиясини аниқлаш;бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантиришнинг инновацион технологияларини аниқлаш, “Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш” андозасини яратиш; мустақил таълим жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини шакллантиришнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш; талаба касбий компетентлиги сифат шкаласи дастури, бўлажак инглиз тили ўқитувчиси портфолиоси, “Замонавий социолингвистика” тўгараги, инглиз тили ўқитувчилари профессиограммасини (касбий портрети) яратиш, социолингвистик компетентлигини шакллантириш даражасини белгиловчи индикаторларни аниқлаш;олий таълим муассасасалари (ОТМ) инглиз тили

ўқитувчилари, “раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш”[145] тизими мазмунини Британия Кенгаши тажрибалари асосида такомиллаштириш[146].

Бўлажак чет тиллари ўқитувчиларини касбга тайёрлашнинг педагогик хусусиятларини очиб беришга хизмат қиладиган иккинчи тадқиқот – ушбу сатрлар муаллифининг дастлабки босқичдаги диссертацион ишидир[147]. Тадқиқотнинг асосий мақсади таълимни ахборотлаштириш жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган.

М.Ш.Рўзметованинг диссертацион тадқиқоти[148] умумий ўрта таълим 5-7 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда лингвистик ва социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришга бағишланган. Унда қуйидаги масалалар ўрганилган ва тадқиқ этилган:

умумтаълим мактабларининг 5-7-синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишнинг рецептив нутқ – тинглаб тушуниш ва ўқиб тушуниш, продуктив нутқ – гапириш ва ёзиш каби технологиялари кўрсаткичлари воситасида баҳолашнинг III даражали юқори, ўрта, қуйи мезонлари ишлаб чиқилган;

ўқувчиларга дарсликларда мавжуд ўқув мавзулари орқали инглиз тилини ўқитишда ўқитувчилар китобига киритилмаган қўшимча “Define It, Drawing Dictation (Playful Pictures), Run to the Board, Memory Story, Board Race, Pictuanary Race, Lip Reading, Opinion/Running Dictations, Word by Word Story, Sleep and Wake Up, Critical thinking” каби интерактив усуллардан оқилона фойдаланган тарзда, лингвистик ҳамда социолингвистик компетенциялар ривожлантирилган;

---

[145] http://uzswlu.uz/media/a6a90167-3f20-0825-2f2b-c5d09d0e9ad3.pdf. http://uzswlu.uz.

[146] Рисқулова К. “Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими”. – ДД. – Т., 2017. – 9 б.

[147] Жуманазаров У.У. Таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2019.

[148] Рўзметова М.Ш. Умумий ўрта таълим 5-7 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантириш технологиялари. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2021.

товуш, видео, графика, матнлар, анимациялар каби мультимедиал таълим ресурслари ўқувчи фаолияти ва ўқитувчи бошқаруви алгоритимлари билан уйғунлашган ҳолда ривожлантирилган;

7 синфлар учун “Teens’ English 7” дарслик мажмуасига қўшимча ўқувчилар мотивациясини ривожлантириш, мустақил машғулотларни кўпайтириш, грамматик минимум материалларини тушунтиришда алгоритмик усулдан фойдаланиш, иллюстратив матн орқали сўзлар рўйхатини бериш, лисоний бирликларни тўғри танлаш, матнлар мазмунини тушуниш, мантиқий ва танқидий фикрлаш каби методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз: хорижий илмий-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаларининг тасдиқлашича, ҳамдўстлик мамлакатлари, айниқса, Россия миллий педагогикасида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга оид ўндан ортиқ диссертацион ишлар қилинган. Хусусан, мазкур соҳа ўқитувчиларининг нутқ, лексик, фразеологик, грамматик, коммуникатив, социолингвистик каби қатор компетенциялари махсус ўрганилган. Айни ҳолни миллий педагогикамизга нисбат қилиб кузатсак, фақатгина бармоқ билан санайдиган даражадаги, жуда кам миқдордаги илмий ишлар мавжудлигига иқрор бўламиз. Ушбу бўшлиқни муайян маънода тўлдириш мақсадида биз *“Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик компетенциясини ривожлантириш”* муаммосини ҳал қилишга уриндик.

Боб бўйича хулосалар

1. Якунланган бобда компетенция, компетентлик, компетенцияли ёндашув тушунчалари хусусида жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар олимларининг фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Чет тили таълим тизимида компетенция ва компетентлик назарияси пухта ишланганлиги,кўплаб диссертациялар ҳимоя қилинган, юзлаб монографик тадқиқотлар ва методик

қўлланмалар яратилганлиги аниқланди. Буларнинг ҳаммаси мазкур тадқиқотга назарий асос бўлиб хизмат қилди.

2. Чет тил таълимида компетенция, компетентлик ва таълимни рақамлаштириш муҳитини ўрганиш, унинг методологик ва илмий-назарий асосларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, тегишли илмий хулоса ва тавсиялар асосида олға сурилган назарий ғояларни амалиётга татбиқ этиш натижалари ҳозирги замон талабларига мос инглиз тили ва адабиёти ўқитувчисини тайёрлашга хизмат қилди.

3. Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясини ривожлантириш масаласининг методологик асосини фалсафанинг билиш тўғрисидаги диалектик қонунияти, шахс ривожланиши – билиш субъекти эканлиги, таълим самарадорлигини таъминлаш, таълим менежменти, рақобатбардош, компетентли ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидаги ғоялар олимларнинг ўқитувчи компетенцияси ҳақидаги илмий-назарий қарашларининг моҳияти ташкил этади.

4. CEFR (Common European Framework of Reerence for Language) Европа стандарти республикамиз олий таълим педагогика муассасаларидаги бўлажак инглиз тили ўқитувчилари компетентлигини шакллантириш ва баҳолашда, уларнинг касбий фаолиятга тайёрлаш, лингвистик компетенциясини ривожлантиришда муҳим меъёрий-ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилди.

5. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида халқаро малака талабларига таяниш, илғор тажрибаларни ўрганиш, мутахассис олимлар томонидан олға сурилган илмий-назарий ғоялардан самарали фойдаланиш рақобатбардош ва компетентли чет тил ўқитувчилар тайёрлашнинг муҳим воситаси эканлигияна бир бор тасдиқланди.

6. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик жиҳатлари мазмунини давр талаблари асосида ўқув жараёнига татбиқ этишда,уларнинг лингвистик компетенциясини ривожлантиришда

халқаро ва маҳаллий педагог, психолог, методист, лингвист ва бошқа мутахассис олимларнинг назарий ғоялари ва фикр-мулоҳазаларига таянилди.

7. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясини ривожлантиришнинг самарадорлиги мавжуд умумкасбий компетенцияси турлари мазмун-моҳиятини чуқур билиш асосида лингвистик (нутқ, лексик, фразеологик, грамматик) компетенция тизими типологиясига амал қилишга боғлиқлигини тасдиқлади.

II БОБ. ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МУҲИТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

2.1. Рақамли таълимнинг структураси, моделлари ва истиқболлари

Ҳозирги пайтда жаҳоннинг глобаллашуви шароитида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг асосий воситаларига электрон педагогикага дахлдор компьютер, сканер, видеокўз, видеокамера, LCD, интерактив электрон доска, факс-модем, телефон, электрон почта воситалари, интернет ва мобиль алоқа, маълумотлар омборини бошқариш, сунъий интеллект тизимлари[149]ни киритиш мумкин. Уларнинг ичида замонавий компьютерлар ахборот ва коммуникация технологияларининг марказида турувчи, энг муҳим вазифаларини бажарувчи электрон ускуна саналади.

Сўнгги пайтларда замонавий компьютерлардан жаҳон таълим тизимида бир қатор йўналишларда, хусусан, муайян муаммоли илмий ўрганиш ва ўқитишнинг техник воситалари сифатида; таълимни рақамлаштиришда бошқаришда ва илмий-педагогик изланишларни олиб боришда кенг фойдаланилмоқда. Ўқув-тарбиявий жараёнда ҳам замонавий компьютерлардан мақсадли ва режали тартибда, яъни, пассив қўллаш орқали (компьютер оддий ҳисоблагич каби); реактив мулоқот орқали (компьютер имтиҳон олувчи сифатида); фаол мулоқот орқали (компьютер талабага муайян топшириқлар бериш, ҳисоботлар қабул қилиш ва фанлардан синов-имтиҳонлар олишда); интерфаол мулоқот орқали (талаба билан мулоқот қилишда,яъни компьютер сунъий интеллект сифатида) фойдаланиб келинмоқда[150]. Кўрамизки, пассив, реактив, фаол ва интерфаол мулоқотлар орқали муайян муаммоларнинг ечимини топишда ва уларни муваффақиятли ҳал қилишда замонавий компьютерлардан мақсадли фойдаланиш кўзланган мақсадга эришишга олиб келаётганлиги жаҳон таълим тизимида ўз тасдиғини топди.

[149] https://www.tmetod.uz/wpcontent/uploads/umk/3.1.-Elektronpedagogika-OUM-2017.pdf. https://tmetod.uz
[150] https://www.tmetod.uz/wpcontent/uploads/umk/3.1.-Elektronpedagogika-OUM-2017.pdf. https://tmetod.uz

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг таълим тизимига татбиқ этилиши бир қатор мақсадли вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Хусусан, фан соҳаларини мукаммал ахборотлаштиришга, ўқув жараёнларини сифат жиҳатидан интеллектуаллаштириш, интеграция жараёнларини янада чуқурлаштиришга, таълим тизимини бошқариш механизмлари ва уларнинг интратузилмасини такомиллаштиришга олиб келади. Қисқача қилиб айтганда, **таълимни рақамлаштириш муҳити**ни яратиб, жаҳон андозаларига мос **рақамли таълим** босқичини жадаллаштиришга имконият очиб беради.

Тадқиқотимизнинг ушбу фаслида қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, таъкидламоқчимиз: таълимни рақамлаштириш муҳитида замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари асосида педагогик таълим жараёнларини ташкил этиш яна бир қатор ўта муҳим вазифаларнинг бажарилишига замин тайёрлайди.Назаримизда, улар: *биринчидан*, электрон адабиётларни яратувчи ва масофавий ўқув курсларни ташкил этувчи жамоага педагоглар, компьютер дастурчилари ва тегишли мутахассисларнинг бирлашувини; *иккинчидан*, педагоглар ўртасидаги бажариладиган вазифаларнинг тўғри, шаффоф ва адолатли тақсимланишини; *учинчидан*, таълим жараёнини мақсадли ва режали ташкил этишни,энг муҳими, педагогик фаолиятнинг самарадорлик даражасини ташхислашни тақозо қилади.

Таълимни рақамлаштириш муҳитини амалга оширишда замонавий ахборот ва коммуникацион технологияларнинг таълим жараёнларига муваффақиятли жорий этилиши натижасидаги **кўзланган мақсад** қуйидаги ҳолатларда юқори самарадорликка эришишга олиб келади, деб ҳисоблаймиз: талабаларнинг касбий билимларни чуқур эгаллашларига; ўрганилаётган ўқув фанларини рақамли моделлаштириш орқали уларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштиришларига; ўқув жараёнининг истиқболли режа асосида фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши натижасида таълим олувчининг мустақил фаолиятининг мазмун жиҳатидан кенгайишига; ўқиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштириш мақсадида интерактив

мулоқот имкониятларининг жорий этилишига; талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашлари учун сунъий интеллект тизим имкониятларидан фойдаланишларига; энг муҳими, ахборот жамиятнингфаол вакили сифатида унда энг сўнгги замонавий ахборотниолиш ва бера олиш маданиятининг шаклланишига; компьютер технологиялари воситасида ўрганилаётган соҳа ўқув билимларини бемалол тақдим этиш, охир-оқибатда, талабаларни фан асосларига қизиқиш ва касбий интеллектуаликни оширишга олиб келишига сабаб бўлади.[151].

Ҳозирги кундаги ривожланган мамлакатлар илм-фанида "рақамли иқтисодиёт" атамасига берилган кўплаб таърифлар ва изоҳлар учрагани каби *"рақамли таълим"* атамаси ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Шу билан бирга ушбу атама билан боғлиқ айрим тушунчалар ҳам мавжуд ва улар кундалик амалиётда фаол қўлланилмоқда: *"рақамли таълим муҳити", "электрон таълим", "мобиль таълим", "таълимни рақамлаштириш"* каби. Назаримизда, уларнинг барчаси мазмун-моҳиятига кўра, бир-бирига яқин, бири иккинчисини тўлдирадиган, бири иккинчисининг ўрнида фаол қўлланиши мумкин бўлган синоним сўзлар саналади. Таъкидланаётган тушунчаларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирги кунда миллий тилимизнинг луғат бойлигидаги фаол сўзлар қаторидан муносиб жой олишга улгурди.

"Рақамли таълим" деганда нимани тушунамиз? *"Таълимни рақамлаштириш"* деганда-чи? Уларнинг бир-биридан фарқи борми? Қайси бирлари дастлабки босқич ҳисобланади? Ушбу ўринда муаллифлик ёндашувидаги мулоҳазаларимизни қисқача тарзда беришга ҳаракат қилдик.

Назаримизда, "*рақамли таълим* – янги-янги технологиялар, платформалар ва интерфаол таълим методларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни бугунги ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд кундалик таълим мазмунини ўзгартириш, мутлақо янги таълим тизимига кўчириш", – деган тушунчаларни ифодалайди. Яна бошқача тарзда ифодалайдиган бўлсак: *"Рақамли"*

[151] Абдупаттоев М. Таълим тизимида оммавий очиқ онлайн курслар. – Фарғона, 2019. – 3-5-бетлар; https://www.tmetod.uz/wpcontent/uploads/umk/3.1.-Elektronpedagogika-OUM-2017.pdf. https://tmetod.uz

(электрон) таълим бу – ахборот, жумладан, персонал ахборотдан фойдаланиш ҳисобига таълим иштирокчилари (“таълим олувчилар” ва “таълим берувчилар)нинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш, унинг ўзига хос хусусиятини ифодаловчи янгича таълимдир. Бу жараённи бирданига амалга ошириб бўлмайди, дастлаб бу борада тегишли муҳит яратилади ва сўнгра белгиланган вазифалар босқичма-босқич бажарилади, қачонки, жамиятда муайян муҳит яратилсагина, у тўлиқ амалга ошсагина таълимда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланганлигини, жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган миллий кадрлар етиштириш имкониятини таъминлайдиган инфратузилма эканлигини кўрсатади.

Ҳар бир ривожланган демократик жамиятда иқтисодиётни рақамлаштириш зарурияти қанчалик муҳим бўлгани каби таълимни ҳам рақамлаштириш объектив ва муқаррар жараён сифатида қаралмоғи лозим.

Умуман, жамиятга рақамлаштириш жараёнининг пайдо бўлиши сабабларини бир гуруҳ олимлар хилма-хил тарзда изоҳлашади: инсоният глобал ўзгаришлар даврига қадам қўйган сари ҳаёт фаолиятининг энг муҳим соҳалари, хусусан, иқтисодиёт, таълим, бошқарув, фан ва хавфсизлик мутлақоянгича шакл ва мазмунга эга бўлади. Натижада, ижтимоий ўзаро муносабатларнинг янги-янги ўзгаришларига сабаб бўлади. Бугунги кундаги энг фаол рақамли технологияларнинг кундалик ҳаётимизга кириб келиши янги босқични бошлаб беради. Бу жараён энг аввало, микро электроника, ахборот технологиялари ва замонавий телекоммуникациялар соҳаларидаги ютуқлар билан белгиланади. Демак, бугунги кундаги рақамлаштириш жараёни объектив, зарурият ва муқаррар жараён бўлиб, уни шиддат билан бораётган бугунги кунда тўхтатиш мумкин эмас[152].

Иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, рақамлаштириш натижасида содир бўладиган энг жиддий хавф-хатарлардан бири ўрта ва паст малакали

[152]http://el.tfi.uz/images/Raqamli_iqtisod--2019-_.pdf. http://el.tfi.uz.

ихтисосликлар орасида оммавий ишсизлик кучайиб кетади. Бунга сабаб ўрта синф вакиллари кескин камайиб кетиши туфайли шу иш ўринлари автоматлаштирилади ва роботлар билан алмаштирилади. Фаол, маълумотли, меҳнатга лаёқатли аҳолининг етарли даражада юқори турмуш тарзига ўрганиб қолган сезиларли қисми ўз иш ўрнини йўқотади[153].

*Рақамли ўзгартириш нима дегани?*Интернет маълумотларига кўра, *рақамли ўзгартириш* бу – янги ахборот технологияларининг ривожланиши ва бутун дунё бўйлаб тарқалишидан иборат[154]. Аслида, рақамли ўзгартириш натижасида бир хил маънога эга бўлган иккита атама пайдо бўлган: биринчиси – "*рақамли*" кўринишга келтириш ("оцифовка") ва иккинчиси – *рақамлаштириш* (цифровизация). Муайян ахборотларни жисмоний воситалардан рақамли воситага ўтказишни рақамли кўринишга келтириш, деб аташ мумкин. Масалан, таълимни рақамлаштириш муҳитидаги электрон китоблар, электрон дарсликлар муайян фанга дахлдор видеодарслар ва видеолавҳалар, муайян суратнинг рақамли нусхасини яратиш, бирор расмий ҳужжатнинг электрон нусхаси ва бошқалар рақамли кўринишга келтириш ҳолатига яққол мисол бўла олади. Булардаги ахборот қурилишида бирор бир ўзгариш содир бўлмайди, танланган ахборот аслида қандай бўлса, шундайлигича сақланиб қолади, у фақат электрон шаклга эга бўлади, холос.

Энди иккинчи атаманинг моҳиятини изоҳлаймиз: *рақамлаштириш* бу - рақамли шаклда бирор бир янги маҳсулот яратишдан иборатдир. Масалан, янги мультипликацияли динамик ўқув курси ёки муайян ҳужжатни шарҳлашдан интерактив тизимни рақамлаштиришга мисол қилса бўлади. Рақамлаштириш асосида яратилган бирор бир маҳсулотни унинг сифатини йўқотмасдан туриб жисмоний воситаларга ўтказишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Демак, рақамлаштириш бу – ҳамма жойда кузатиладиган реал воқеликдир.

[153] Гулямов С. С., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Рақамли иқтисодиёт, ўқув қўлланма – Тошкент, 2020. – 30-б.
[154]http://el.tfi.uz/images/Raqamli_iqtisod--2019-_.pdf. http://el.tfi.uz.

Энди *“таълимни рақамлаштириш”* тушунчасининг ифодасини аниқлашга уриниб кўрамиз. Мамлакатимизда бугунги давр таълим тизимини рақамлаштириш муҳити эндигина бошланди, ҳозирги вақтда унинг дастлабки босқичи давом этаяпти, холос. Лекин таълим муассасаларида одатий дарсликларнинг рақамли нусхаларини яратиш, ҳужжатлар айланмасини рақамлаштириш ва юқори тезликда интернетга уланишни таъминлаш билан *“таълим тизимини рақамлаштириш”* муҳитининг босқичини бирданига тугатиб, иккинчи босқичга, яъни, *“рақамли таълим”* муҳитига сакраб ўтиб бўлмайди, деган фикрдамиз. Бу ўринда энг муҳим, глобал муаммо борки, у *“рақамли саводхонлик”*ни шакллантириш ва ривожлантириш масаласи бугунги жамият олдида, кўп сонли аҳоли олдида, биз учун муҳим бўлган “таълим олувчилар” ва “таълим берувчилар” олдида кўндаланг бўлиб турибди.

Жаҳон педагогик таълимида *рақамли саводхонлик* ривожланишининг турли мезонлари мавжудлиги қайд этилган. Масалан, Генри Дженкинснинг ҳисоблашича, *“рақамли саводхонлик”* компьютер билан «темир» каби ишлаш, яъни инсон ва рақамли техника ўртасидаги ўзаро алоқа қандай рўй беришини тушуниш керак, рақамли ахборот тузилиши ва тарқатилишини тушуниш, масалан, ДТ билан ишлай олиш, тармоқ жамияти тузилиши ва ижтимоий медиа хусусиятларини тушунишни ўз ичига олиши керак. Дуг Белшоу рақамли саводхонликнинг саккизта омилини ажратиб кўрсатади, хусусан, уларнинг орасида интернет-муҳитнинг маданият контекстини тушуниш, онлайн-жамиятларда мулоқот қила олиш, контент яратиш ва тарқатиш, мустақил ривожланиш учун рақамли технологиялардан фойдалана олиш омиллари ҳозирги вақтда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб турибди.

“Рақамли саводхонлик” турли концепцияларининг муаллифлари бир нарсада фикрларини бир жойдан чиқарди: фақат рақамли воқеликнинг қандай тузилганини тушуниш инсонга "ахборот шовқинини" назорат қилишни ва рақамли технологиялар билан ривожланишни стресс эмас, балки ривожланиш манбасига айлантиришга ўргатиши мумкин.

Рақамли технологиялар таълим тизимига кириб, ўқитиш жараènини янги материал ўзлаштириш жараёнида ҳам, индивидуал натижаларни бошқариш босқичида ҳам индивидуаллаштиришга имкон беради. Бунинг учун *«Мобил электрон мактаб»*– ўқитувчилар, талабалар ва ота-оналар учун ўқув контенти, баҳолаш ва қайтувчан локал тизимлари билан ижтимоий тармоқни ифодалайдиган таълим жараёнини ўқитиш ва методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизими каби лойиҳалар имконият яратади.

Рақамли технологиялар аралаш таълимни ривожлантириш, барча учун бир хил ўқув режаси ва бир хил ўзлаштириш вақти билан синф-дарс тизими чекловларини бартараф қилиш учун воситалар тақдим этади. Тўғри, оммавий мактабда бу имкониятлар жуда кам учрайди[155].

Бугунги кунда шу нарса ойдинлашдики, рақамли иқтисодиёт янги Ўзбекистоннинг меҳнат бозорини тубдан ўзгартириб юбораяпти, кундалик ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида замонавий компьютер ва рақамли технологияларнинг роли ниҳоятда устунлик қилмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий соҳаларидаги бу тарздаги янгича ўзгаришлар таълим соҳасида ҳам янгича шакллантириш ва ривожлантириш учун катта имкониятлар яратиб бераяпти, бир сўз билан ифодаласак, бугунги давр янгича таълим тизимига ўтишга тақозо қилмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган узлуксиз таълим компенциясидаги кўзда тутилган ва бажаришга мўлжалланган вазифалар ҳаётий мезон бўлишига эришиш учун, энг аввало, рақамли саводхонликни ва онлайн таълим тизимини ривожлантириш орқали жамиятнинг таълимга бўлган муносабатини ўзгартириш зарур, янада очиқроқ айтганда, дастлабки босқичда зудлик билан *“таълимни рақамлаштириш”* тизимига ўтишни ва сўнгра *“рақамли таълим муҳити”*ни яратишни талаб қилмоқда. Агарда биринчи вазифа таълимда онлайн платформаларни, дастурий таъминотни, контентни рақамлаштиришни

[155] Гулямов С. С., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Рақамли иқтисодиёт, ўқув қўлланма – Тошкент, 2020. – 233-234-б.

ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлса, иккинчи вазифа – инсонни ички ўрганишга интилишни кучайтириш ва такомиллаштириш саналади. Сўнгги йиллардаги кундалик тажрибаларнинг тасдиқлашича, ҳозирги ёшларнинг аксарият қисми замонавий компьютер, мобиль ва электрон технологиялардан яхши хабардор бўлганлиги боис уларда янги-янги ахборот технологияларини ўрганишга қизиқиб қарайдилар. Жамиятнинг катта ёшдаги аъзоларининг кўпчилигида бугунги кунда ички эҳтиёж – хоҳиш-истак етишмаяпти, оқибатда улар бундай янгиликларга яхши муносабатда қарамайдилар. Бунинг асл сабаби уларда рақамли саводхонлик – компьютер саводхонлигининг жуда паст даражада, қониқарсиз аҳволда эканлиги билан боғлиқ, дейиш мумкин.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятдаги рақамли иқтисодиёт бугунги таълим тизимидан алоҳида жараёнларни *“рақамлаштириш”*ни эмас, балки мутлақо янги-янги мақсадлар қўядиган, таълим жараёни структураси ва мазмунини тубдан ўзгартирадиган мажмуавий ёндашувни талаб қилмоқда. Натижада, бугунги ҳаётга янги ахборот технологияларининг шиддат билан кириб келиши ва уларни *“таълим технологиялари билан бирлаштирилиши”* таълим соҳасида туб ўзгаришлар олиб келганлигини кўрсатаяпти. Буни қуйидаги омиллар орқали изоҳлаш мумкин бўлади:

Биринчидан, таълимда ахборот технологияларини жалб қилиш асосида ўқитиш воситалари: Blackboard, онлайн-курслар, симуляторлар, тренажерлар, онлайн-оламлар ва бошқалар қўллана бошлади.

Иккинчидан, ахборот технологиялари таълимни индивидуаллаштирди, бунда ўқиш жараёни ва мазмуни “таълим олувчилар” сўровларига ва уларнинг индивидуал хусусиятларига, хусусан, ўқиш тезлиги, ўқиш шаклини афзал кўриши ва бошқалар” оммалаштирилади.

Учинчидан, таълимда ўрганилаётган тегишли фанларни самарали ва ҳар томонлама ўзлаштиришга имкон берадиган ўқитишнинг ўйин шакллари фаол жорий қилина бошлади.

Тўртинчидан, таълим, айниқса, ОТМ талабалари ва катта ёшдагилар учун янада предметли ва амалиётга йўналтирилган бўлиб бормоқда; таълим марказига стартап, бизнес-лойиҳа, бизнес-режа каби лойиҳалар қўйилмоқда[156].

Кўрамизки, таълимдаги бундай янгича ўзгаришлар бугунги ва келажак авлодга бутун ҳаёти давомида ҳамроҳлик қиладиган узлуксиз жараён ҳисобланади. Миллий таълимдаги ушбу ўзгаришлар ахборот жамияти ва рақамли иқдисодиёт туфайли вужудга келган *"таълимни рақамлаштириш муҳити"*нинг бошланиши билан бевосита боғлиқ жараён, дейиш мумкин.

Миллий таълимни янада такомиллаштиришда иштирок қиладиган фаол таълим технологиялари ва уларнинг структурасидаги моделларини аниқлаб олиш ниҳоятда долзарб масалалар ҳисобланади. Биз назарда тутаётган таълим технологиялари, асосан, қуйидаги структурадан иборат: а) анъанавий таълим; б) электрон (масофавий) таълим; в) мобиль таълим; г) аралаш таълим. Улар орасида электрон ва мобиль таълим жаҳон миқёсида кенг масштабда тарқалган ва ҳозирги вақтда фаол қўлланилмоқда. Шу боисдан тадқиқотимизнинг ушбу фаслида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантиришда *"рақамли таълим"*нинг етакчи тармоғи бўлган электрон таълимнинг ўзига хос афзалликлари, моделлари ва оммавий очиқ онлайн курслар, шунингдек, мобиль таълим технологияларининг функционал вазифалари ҳақида муаллифлик ёндашуви асосида қисқача тўхталишни лозим топдик.

Жахон миқёсидаги ривожланган мамлакатларнинг "рақамли таълим"муҳитида электрон таълим платформаларидан фойдаланиш тобора кўчайиб бормоқда. Ушбу мулоҳазани миллий таълим тизимига ҳам нисбат бериш мумкинки, ҳатто "электрон таълим"га тегишли шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Биргина мисол: таълим соҳасида "электрон таълим" тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250

[156] Гулямов С. С., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Рақамли иқтисодиёт, ўқув қўлланма –Тошкент,2020. –235-б.

миллиард сўм[157] йўналтирилишини муҳтарам давлат раҳбаримиз таъкидладилар. Электрон таълимни шакллантиришда қуйидаги босқичларнинг ҳар бири алоҳида ўринга эга: а) CD-ROM да юкланган медиа курслар; б) профессор-ўқитувчилар иштирокидаги масофавий ўқитиш; в) махсус интерфаол дастурлардан фойдаланган ҳолда электрон таълимнинг ўзи, масалан, электрон дарсликлар; г) оммавий очиқ онлайн курслари шулар жумласидандир.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантиришда электрон таълим анъанавий таълимга нисбатан қулай афзалликларга эга эканлиги билан фарқланишини қуйидаги омилларда кўрамиз:

а)"кириш эркинлиги" – "таълим олувчи" ва "таълим берувчи" деярли ҳамма жойда, истаган вақтда таълим олиши мумкин. Ҳар бир талаба муайян иш ўрнидан ажралмаган ҳолда ҳам таълим олиши мумкин. Лекин электрон таълимнинг барча функциялари интернет орқали амалга оширилмайди.

б) таълимнинг мослашувчанлиги – "таълим олувчи" ўқув жараёнини ўзининг имкониятлари ва эҳтиёжларига тўлиқ мослаштириб, ўзи танлаган соҳадаги ўқув материалларининг давомийлиги ва кетма-кетлигини танлайди.

в) замон билан ҳамнафас бўлиш қобилияти – электрон таълим фойдаланувчилари, яъни "таълим олувчилар" ва "таълим берувчилар" янги-янги замонавий технологиялар ва муайян стандартларга мувофиқ билим ва кўникмаларини узлуксиз равишда ривожлантириб, янада такомиллаштириб борадилар. Электрон курслар мазмуни, шунингдек, ўқув материалларни ўз вақтида ва самарали янгилашга имконият беради.

г) таълим олиш учун кенг имкониятлар - ўқитиш мазмуни, муайян таълим муассасасидаги ўқитиш сифатига боғлиқ бўлмайди. "Таълим олувчи" ва

[157]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 30.12.2020. – www. review.uz.

“таълим берувчи” ўзлари ҳоҳлаган таълим муассасидаги илғор ўқитиш материалларига мурожаат қилиши ва фойдаланиши мумкин.

д) *билимларни баҳолаш мезонларини аниқлаш имконияти* – электрон таълим олувчи ўқув жараёнида “таълим олувчилар”нинг ўзлаштириб олган билимлари натижаларини муайян мезонлар асосида баҳолаш имконияти мавжуд.

Ҳозирги вақтда дунё ҳамжамиятида, хусусан, ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти ва таълимида электрон таълимнинг синоними сифатида қўлланилаётган масофавий таълим тизими жадал ривожланмоқда: хилма-хил функцияларга эга бўлган янги масофали таълим платформалари тобора кучайиб кетмоқда, улар орасида *“коробкали”, “блокчайн”* ва*“булутли”* платформалар етакчилик қилмоқда. Умуман, электрон таълим учун платформани танлашнинг асосий мезонларини аниқлашда, соҳа талабаларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш учун қуйидагиларни кўрсатиш ва эслатиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Функционаллик. Бу платформада керакли созламалар мавжудлигини англатади, улар орасида чатлар, форумлар, курсларни бошқариш, соҳа талабалари фаолиятини таҳлил қилиш ва бошқалар етакчилик қилади.

- *Барқарорлик*, яъни фойдаланувчи фаолияти даражасига қараб турли хил иш режимлари ва юклардаги ишларнинг барқарорлиги даражаси.

- *Фойдаланиш қулайлиги.* Таълим жараёни сифатига таъсир кўрсатадиган энг муҳим омиллардан бири.

- *Оддийлиги ва қулайлиги.* Таркибни бошқариш ва янгилашнинг қулайлиги ва оддийлиги.

- *Қиймати*. Платформани сотиб олиш нархи ва кейинги жараёнларда ишлатилишига боғлиқ бўлади.

- *Қамраб олиши.* Тизим мослашувчан ва тингловчилар сонининг кўпайиши ҳамда янги дастур ва курслар қўшилиши билан кенгайиши керак.

- *Мультимедияли***.** Тизимлар нафақат матн ва график файлларни, балки видео, аудио, 3D графикаларни ва ҳоказоларни ўқитиш воситаси сифатида фойдаланиш қобилиятини таъминлаши керак.

- *Техник ёрдам сифати.*«The Future of Work: Jobs and skills in 2030» 100 маърузасида қайд этилишича: «Технологиялар ва фанларнинг яқинлашуви муҳандислар, биологлар, биомуҳандислар ва АКТ соҳасидаги мутахассислар[158] каби юқори малакали мутахассислар кўп профилли гуруҳларга эҳтиёж кучаяди.

Ижтимоий тармоқлардаги маълумотларга кўра, интернет технологиясини қўллашга мўлжалланган электрон масофавий ўқитиш жараёни "жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига"[159] мансуб бир қатор вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Биз назарда тутаётган моделлар қуйидагиларни ташкил этади:

1. Бирламчи (ягоналик) модели. Масофали ўқитиш жараёнида қатнашувчи «масофали» таълим олувчилар билан ишлаш учун мўлжалланган бу моделга таълимнинг кундузги шакли қатнашмайди ва ўқитиш масофали амалга оширилади. Ҳудудий марказларда ташкил этилган ўқитишда бу модел бўйича "таълим олувчилар" профессор-ўқитувчилардан тегишли маслаҳатлар олиши ёки бирор синов-имтиҳон топширишлари мумкин. Ушбу модел асосида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларда профессор-ўқитувчи ва талабаларга жуда катта қамровдаги имкониятлар яратилади, яъни "ўқув фаолиятининг шакл ва услубларини танлашда катта эркинлик берилади"[160]. Шу боисдан уларда муайян вақт ва ўқув жадвалларига қатъий чегаралар қўйилмайди. Айни шу жиҳатига кўра ушбу модел *"таълимни рақамлаштириш муҳити"*да ҳам, *"рақамли таълим"*да ҳам масофавий таълимни *ривожлантиришга* муайян даражада хизмат қилади.

[158] http://el.tfi.uz/images/Raqamli_iqtisod--2019-_.pdf.http://el.tfi.uz
[159] https://www.tmetod.uz/wpcontent/uploads/umk/3.1.-Elektronpedagogika-OUM-2017.pdf. https://tmetod.uz
[160] https://www.tmetod.uz/wpcontent/uploads/umk/3.1.-Elektronpedagogika-OUM-2017.pdf. https://tmetod.uz

2. Ягоналик моделида ўқитиш. Дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, масофавий таълимни ривожлантиришга хизмат қиладиган ушбу усул фақатгина Очиқ университетларда, хусусан, Буюк Британиянинг Очиқ университети да ташкил этилган[161].

3. Иккиланганлик модели. Ушбу модел бўйича муайян таълим муасасасининг кундузги ва қисман сиртқи шакллардаги талабалар ҳам масофали таълим дастури асосида ўқитилади, уларнинг ҳар иккаласида ҳам ўқув жадваллари, ўқитишнинг ҳилма-хил дастурлари, олинадиган ёки топшириладиган имтиҳонлари ва баҳолаш мезонлари деярли бир хил бўлади[162]. Бундай модел Австралиянинг янги Англия университетида ташкил этилган[163].

4. Аралаш модел. Бу моделда ишлаётган олий таълим муассасаси талабаларни масофали ўқитишда хилма-хил шаклларнинг интеграциясини ҳисобга олади. Аниқроғи, кундузги шаклда ўқиётган таълим олувчилар масофавий ўқитишга дахлдор курсларининг дастурларида[164] ёки муайян олийгоҳ профессор-ўқитувчиси дарс бераётган кундузги бўлим курслари билан қисман ўқийдилар. Ушбу моделда виртуал семинарлар, тақдимотлар, маъруза кўринишидаги алоҳида ўқув машғулотларнинг муайян шаклларининг интеграцияси бўлиши мумкин. Интеграллашган бундай курслар Янги Зеландиядаги Массей университетида ташкил этилган[165].

5. Консорциум. Икки олий таълим бирлашмасидан иборат бўлиб, “улар ўқув материаллари билан алмашадилар ёки баъзи вазифаларни бўлишиб”[166] олиб, масофавий таълим асосида талабаларни ўқитадилар. Канададаги Очиқ ўқув Агентлиги консорциумга мисол бўлиши мумкин[167]. Янги Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш типдаги ўқиш шакли ташкил этилган. Масалан,

---

[161] http://www.open.ac.uk (United Kingdom Open University)
[162] https://www.tmetod.uz/wpcontent/uploads/umk/3.1.-Elektronpedagogika-OUM-2017.pdf. https://tmetod.uz
[163] http://www.une.edu.au (University of New England, Australia)
[164] https://www.tmetod.uz/wpcontent/uploads/umk/3.1.-Elektronpedagogika-OUM-2017.pdf. https://tmetod.uz
[165] http://www.massey.ac.nz (Massey University, New Zealand)
[166] http://tmatm.uz/site/wpcontent/uploads/2015/09/MASOFAVIJTALIM-VA-UNI-TASHKIL_ETISH_ASOSLARI.pdf. http://tmatm.uz.
[167] http://www.ola.bc.ca (Open Learning Agency, Canada)

республикамиздаги айрим етакчи олий ўқув юртлари билан Россия, Италия, Англия, АҚШ олий ўқув юртларининг таълим бирлашмаларида ўзаро меморандиум тузилган, икки олий таълим асосдаги ўқув материаллари билан алмашишиб, масофавий таълим йўлга қўйилган.

6. Валидация. Бош олийгоҳ (бирор ўқув юрти) ва унга тегишли ҳудудлардаги кўп сонли филиаллари орасидаги муносабатлар[168] валидация модели асосида ташкил этилади. Бундай типдаги ўқиш жараёни республикамизда ҳам ташкил этилган. Масалан, ЎзМУ, СамДУ, ТошДПУ ва бошқаларнинг вилоятлардаги филиалларишулар жумласидандир.

7. Узоқлашган аудиториялар. Бу моделда бирор олий таълим муассасасида олиб борилаётган ўқув машғулотлари ва курслари, масалан, маърузалар ёки семинарлар таълим олувчилар йиғиладиган ва узоқлаштирилган ўқув аудиторияларга синхроник телекўрсатув, видео анжуман радиоэшиттириш кўринишида телекоммуникация каналларидан узатилади[169]. Бирор таниқли ёки етакчи профессор-ўқитувчининг бир вақтнинг ўзида кўп сонли талабаларнинг катта аудиторияси билан ишлаши ҳам мумкин. Жаҳон таълимида бу модел бўйича АҚШнинг Висконсин (Wisconsin University, USA) ва Хитойнинг марказий радио ва телеведение университетларида (China Central Radio and TV University) масофали ўқитиш таълими ташкил этилганлигини[170] қайд этиш мумкин.

8. Лойиҳалар. Бундай лойиҳалар давлат миқёсидаги инновацион таълим ёки фундаменталилмий-тадқиқот дастури доирасида кенг қамровли педагогик ишларни ва мақсадли режаларни амалга ошириш учун мўлжалланган масофавий таълим ўқитиш моделидан ташкил топиши мумкин.Уларда асосий эътибор муайян ўқув материалларини ишлаб чиқувчи ва тавсия берувчи мутахассис ходимлар, масофавий таълим курсларни олиб борувчи профессор-ўқитувчилар ва етакчи олимлар гуруҳи тўпланадиган илмий-методик марказга

[168] https://www.tmetod.uz/wpcontent/uploads/umk/3.1.-Elektronpedagogika-OUM-2017.pdf. https://tmetod.uz
[169] http://tmatm.uz/site/wpcontent/uploads/2015/09/masofavijtalim-va-uni-tashkil-tishasoslari.pdf http://tmatm.uz
[170] https://www.tmetod.uz/wpcontent/uploads/umk/3.1.-Elektronpedagogika-OUM-2017.pdf. https://tmetod.uz; http://tmatm.uz/site/wpcontent/uploads/2015/09/masofavijtalim-va-uni-tashkil-tishasoslari.pdf http://tmatm.uz

қаратилади. Бундай етакчи ва бош илмий-услубий марказда ишлаб чиқиладиган масофали курслар аудиториясига узатилади. Бундай типдаги ўқитиш услублари вақтинчалик,қисқа муддатли бўлиб ҳисобланиб, лойиҳада мўлжалланган ишлар бажарилгандан сўнг тугатилади[171].

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалар асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетентциясини ривожлантириш мақсадида уларга электрон (масофавий) таълим жараёнини қуйидаги босқичларга ажратиб амалга оширишни тавсия қиламиз: а) таҳлил босқичи; б) лойиҳалаштириш босқичи; в) таълимга жорий қилиш босқичи; г) ўқув контентини яратиш босқичи; д) ишга тушириш босқичи; е) ривожлантириш ва такомиллаштириш босқичи; ё) амалиётда муваффақиятли қўллаш босқичи.

Электрон ўқитишнинг замонавий муҳитида синхрон ва асинхрон ўқитиш етакчилик қилади. Ҳар иккаласининг ҳам ўзига хос афзаллиги ва камчиликлари мавжуд.Булар эса соҳа талабалари учун мос келадиган метод маълум даражада ахборотни ўзида мужассам қиладиган усулга боғлиқ бўлади. Айни ҳолни ҳисобга олиб, уларга қисқача тавсиф берамиз.

Синхрон ўқитиш. Синхрон ўқитишга мисол қилиб онлайн чат ва видеоконференцияни келтиришимиз мумкин. Реал вақт режимида ишлайдиган, хабарлар жуда тез алмашинадиган ўқитишнинг исталган инструменти профессор-ўқитувчиларга саволларни 27 аш у 27 а 27 талабаларга жавоб бериш имкониятини тез, яъни синхрон амалга ошириш имконини беради. Талабаларнинг синхрон ўқитиш курсларида иштирок этиш давомида машғулотларда бошқа талабалар ва ўқитувчилар билан биргаликда ишлаш имконига эга бўлишади. Синхрон ўқитишнинг асосий афзаллиги бу бутун ўқитиш давомида бошқа инсонлар билан мулоқотга кириша олиш имкониятига эга бўлганлиги сабабли ўзларини ажралиб қолгандек ҳис қилмасликлари ҳисобланади. Бироқ синхрон ўқитиш вақтга нисбатан қатъий белгиланмаган, талабалар реал вақт режимида ўқитишнинг жонли сессиясида

[171] Гулямов С. С., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Рақамли иқтисодиёт, ўқув қўлланма –Тошкент,2020. –235-б.; http://tmatm.uz/site/wpcontent/uploads/2015/09/masofavijtalim-va-uni-tashkil-etishasoslari.pdfhttp://tmatm.uz

ёки онлайн курсида иштирок этиши учун муайян вақтни белгилашлари керак бўлади. Бу усул қатъий 27аш у 27 а эга бўлганлар учун ҳар жиҳатдан яхши деб ҳисобланмайди[172].

Асинхрон ўқитиш. Асинхрон ўқитиш, бошқа томондан, талаба ёки ўқитувчи иштирок этмаган ҳолатда ҳам амалга оширилиши мумкин. Талабаларга веб, электрон почта ва хабарлар орқали етказиладиган, бирлашма форумларда жўнатиладиган курс ишлари ва хабарлар асинхрон электрон ўқитишга мисол бўлади. Ушбу ҳолатларда, қоидага кўра, талабалар машқларни ўзлари бажаришлари ва машғулот ўтказилишини таъминлаб туриш учун инструмент сифатида Интернетдан фойдаланишлари мумкин. Талаба низолар келиб чиқишидан хавотирланмаган ҳолда, машғулотларни ўз имкониятлари доирасида бажариш билан ўқув режага риоя қилиши мумкин. Бу усул ўқув режада машғулотларнинг турли режаларини мустақил тарзда ўрганишни афзал кўрадиган фойдаланувчилар учун яхши ҳисобланади. Шу билан бирга, курс ишларини мустақил бажара олиш учун мотивация етишмайдиганлар учун асинхрон ўқитишга нисбатан фойда олинмаслигини аниқлашлари мумкин. Асинхрон ўқитиш реал интерактив таълим муҳити бўлмаганлиги сабабли ўзларини ажралиб қолгандек ҳис қилишлари мумкин. Электрон ўқитишнинг самарали курслари таркибига асинхрон ва синхрон ўқитиш тадбирлари кириши керак. Бу талабаларга ва ўқитувчиларга дарс жадвалидан ёки ўқитишнинг энг мақбул методларидан қатъи назар етказишнинг турли форматларидан фойда олиш имкониятини беради. Бундай ёндашув талабаларга зарур бўлганда зудлик билан ёрдам бера олиш, 28 аш у билан бирга ўз ўрганиш темпларида ўқиш имкониятига эга[173].

Бедрал Хан (Badrul H. Khan) томонидан таклиф этилган электрон таълим концепциясида саккизта жиҳат: педагогик, технологик, педагогик интерфейс дизайни, баҳолаш, бошқариш, ресурсларни қўллаб қувватлаш, этик асослар, асбоб ускуналар жиҳати мавжуд (қаранг: иловалар, 2-жадвал). Тизим қулай ва

[172] E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC 2013. P. 42-45
[173] E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC 2013. P. 42-45

батафсил текширувчи рўйхатдан иборат. Ушбу рўйхат ўқув муассасалари таълим технологияларни жорий этишга қанчалик тайёрлигини ёки уларнинг ўсиши учун қандай имкониятлари мавжудлигини мустақил баҳолаш учун инструмент бўлиб хизмат қилади. Ушбу тизим модель бўлиб ҳисобланмайди, чунки бу тизим ўқув муҳити технологияларини ишлаб чиқишнинг муайян жараёнини назарда тутмайди. Бироқ тизим веб ва аралаш ўқитиш негизида ўқитишни ишлаб чиқиш, яратиш, жорий этиш ва баҳолаш масалаларини ҳисобга олади ҳамда қуйидагиларни бошқаришга хизмат қилади: а) таълим технологияларни ва аралаш ўқитиш учун материалларни режалаштириш ва ишлаб чиқиш; б) таълим технологиялари, виртуал ўқитишнинг аралаш ва қулайлик яратилган муҳит учун ресурсларни ташкил этиш; в) корпорация, давлат ва хусусий олий ўқув юртлари, виртуал университетлар ва кибер-мактаблар учун тақсимланган ўқитиш тизимини яратиш; г) таълимни бошқариш тизимини ва муаллифликнинг комплексли (мажмуавий) тизимини ишлаб чиқиш; д) аралаш ўқитишнинг таълим технологиялари, курслари ва дастурларини баҳолаш; е) таълим технологияларини яратиш, ўқитишни бошқариш ва ўқув контентини бошқариш учун инструментлар ва тизимларни баҳолаш.

Оммавий очиқ онлайн курслар. Жаҳон таълим тизимидаохирги бир неча йилларда электрон таълимда янги – оммавий очиқ онлайн курсларини (инглиз тилидан Massive Open Online Courses, MOOC) яратиш тенденцияси пайдо бўлди. Ушбу онлайн курслар сифатли таълимдан инсоннинг яшаш жойи ва унинг мақомидан қатъи назар оммавий фойдалана олиш концепциясига мувофиқ юзага келди. MOOC интернетдан – очиқ фойдалана олишда тингловчиларнинг йирик масштабли интерактив иштирокига тузилган курсдан иборат. «Оммавий очиқ курс» атамаси Брайан Александр ва Дэйв Кормье тадқиқотчиларнинг «Connectivism & Connective knowledge» курси устида олиб борилган ишлар натижасида киритилди. MOOC атамаси тўртта алоқа атамаларининг бош ҳарфлари умумлашмасидан ташкил топган:

- *Massive (оммавий)* – курсда бутун дунёдан иштирокчиларнинг катта сони ўқилишини билдиради;

- *Open (очиқ)* – ҳар бир курс бепул ҳисобланади ва ҳар бир шахс исталган вақтда курсга уланиши мумкин;

- *Online (онлайн)* – барча курслар Интернет тармоғида очиқ фойдалана олиши мумкин. Курсда таълимнинг асинхрон методидан фойдаланиш мумкин, бунда ўқиш учун барча масъулият тингловчилар зиммасида бўлади ва таълимнинг синхрон методида ўқиш жараёни ўқитувчи билан реал вақт режимида амалга оширилади;

- *Course (курс)* – ҳар бир курс ҳар бир иштирокчига мослаштирилган ҳолда ўз қоидаларига, ўз структурасига ва ўз мақсадига эга бўлади.

Ғарбий матбуот биринчи марта 2011 йили МООСга Стэнфорд профессори Себастьян Трун интернет тармоғида ғайритабиий интеллект тўғрисида бепул курсни муваффақиятли ўқиганидан кейин эътибор қаратган. Трун талабалари сафига 190 мамлакатдан 160 минг киши кирди. АҚШдаги университетлар Трун экспериментидан кейин янги тўлқинда ишлаб даромад орттириш мақсадида, кетма-кет МООС курсини яратишда иштирок эта бошлашди. МООС рақамли модага эргашиш эмас, балки таълим жараёнини тузилмавий ўзгартириш белгисига асос бўлади[174].

Шу вақтгача онлайн курслари анъанавий университет курсларига эга «калька» кўринишдан иборат бўлган, яъни инструктор ва иштирокчилар ўртасидаги коммуникацияни, хизматлар учун тўловни, унинг ўрнига малакасини тасдиқлайдиган, курсни ўқиганлиги тўғрисидаги сертификатни таъминлайдиган иштирокчиларнинг кичик сонидан иборат бўлган. Айрим олий ўқув юртлари шунга ўхшаш дастурларда бутун ярим виртуал кампусларни яратишган. Буюк Британия, мисол учун барча ўхшаш курсларни «Лондоннинг очиқ университети» бренди остида бирлаштирди. Ушбу ном остида Лондон иқтисод мактаби каби бутун дунёга маълум университетлар

[174]The pedagogy of the Massive Open Online Course: the UK view. Siân Bayne and Jen Ross, the University of Edinburgh. The Higher Education Academy, 2013.

ишламоқда. Бунда катта бўлмаган иш ҳақига (шунга ўхшаш даражадаги «реал» университетда ўқиш учун бериладиган ҳаққа нисбатан) алоҳида курсда ўқиш, ёки бир неча йил сарфлаб бакалавр ёки магистр даражасини олиш мумкин. Ушбу тизимнинг энг асосий ютуқларидан таълимнинг барча жараёни давомида талаба исталган жойда бўлиши мумкин. Бундай таълим тизими, барча афзалликларига қарамасдан, олий ўқув юртларида мавжуд бўлган таълимнинг онлайн моделини қайта ишлаб чиққан ва шу билан бирга таълим жараёнига иштирокчиларнинг кенг доирасини жалб қилишга мўлжалланганлиги сабабли энг машҳурбўлиб қолган. Охирги йилларда онлайн-таълим қарама-қарши йўналишда ривожлана бошланди. Қолаверса, интернетда феноменал тарзда ривожланиш ва кенг оммага тарқалиш бўйича, одатда, бепул ҳисобланган ва, энг муҳими, ҳақиқатда оммавий бўлган барча учун очиқ ўқув курслари пайдо бўлди.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш жараёнида оммавий онлайн курслари етакчи мавқеига эга бўлиб, уларга қуйидаги атрибутлар хос ва мансуб: оммавийлик ва глобаллик; бепул; дунёнинг барча университетларидан юқори малакали кадрларни жалб қилиш; анъанавий таълимнинг – графика, расм, имтиҳон каби элементларининг мавжудлиги; таълим соҳасининг барча элементлари ўртасида тингловчи – ўқитувчи, тингловчи – тингловчи, ўқитувчи – ўқитувчи каби тескари алоқа учун кўпгина каналларнинг мавжудлиги; курс тугатгандан кейин ахборот Интернет тармоғида қолади ва иштирокчилар билан тўлдирилиб борилади; ўқитувчининг ўрни ўчирилади, ўқитувчи воситачи ёки ҳамкасб бўлиб қолади; оддий электрон мазмундаги материални эмас, балки махсус тайёрланган маърузалардан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди.

Кўпгина МООС курснинг асоси бўлиб бир ёки бир нечта маърузачилар (ёки кадр орқасидаги маърузаси) олиб бориладиган видео маърузалар ҳисобланади. Лекин ҳамма максимал тарзда самарали усул билан билимни жойлаш имконини берадиган махсус технологик платформа ўзгартиради. Ушбу платформаларни махсус компаниялар – ушбу хизматларни (Coursera,

Udacity ва edX) кўрсатишга ихтисослашган таълим контентининг провайдерлари яратишади. Ўз навбатида, фойдаланувчи учун мослаштирилган платформа ноёб маҳсулот сифатида ҳар бири алоҳида МООС курсни ишлаб чиқиш имконини беради. Ушбу курснинг мақсади ва вазифалари кенг қамровли бўлиб, улар, асосан, қуйидагилардан иборат:

а) курсга мувофиқ видео қатор зарур ахборотли слайдлар, ахборот графика, бошқа видеоларга ҳаволалар билан, ва ҳаттоки кўриб чиқилган материални маъруза давомида мустаҳкамлаш учун ёрдам берадиган матнлар форматидаги кичик-имтиҳонлар билан тўлдирилган бўлиши мумкин;

б) ўқувчилар учун мўлжалланган видео одатда 10-15 минут (ҳафтасига тўрттадан саккизтагача) талаба мустақил таҳлил қилиш учун қўшимча материаллар илова қилинади. Бунга газета ва илмий журналларга ёзилган мақолалар, фильмлар, китоблар, фотографиялар, қўшимча маърузалар ва шу кабилар киради;

в) ўрганилганларни маъруза ва топшириқлар тўпланган саҳифага илова қилинган ҳолда чат орқали бошқа талабалар билан муҳокама қилиш мумкин.

г) курс муаллифлари тингловчиларнинг мулоҳазаларини моделлаштиришади ва бошқа талабалар билан биргаликда муҳокамада иштирок этишади.

“Рақамли таълим муҳитида” турли МООС курсларнинг давомийлиги хилма-хилдир (одатда тўртта ва ундан ортиқ ҳафта) – шундай курслар мавжудки, унда қатъий жадвал тузилган, яна шундай курслар борки, унда тингловчилар учун қатъий топшириш муддати белгиланмаган, шунинг учун олти ой давомида ўқиш мумкин.

Бугунги кунда тармоқдаги таълим жараёнига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд бўлганлиги сабабли пайдо бўлган онлайн курсларни ривожлантиришга қаратилган бир нечта йўналишлар мавжуд. Улардан cMOOC, task-based MOOC, xMOOC курсларни мисол келтириш мумкин.

Дунё педагогик таълими ҳамжамиятида чех педагоги Ян Амос Каменский асос солган синф-дарс тизимининг асосий (маъруза, амалий ва лаборатория)

методлари узоқ муддатдаги таълимнинг классик методлари сифатида такомиллаштирилиб келинганлиги ҳақиқат. Лекин асримизнинг бошларида истеъдодли педагоглар томонидан кашф этилган таълимнинг замонавий методлари, масалан, “Лойиҳа методи”, “Кейстехнологиялари”, “Гейнификация” ва “МООС” каби ўндан ортиқ янги-янги методлар бугунги кундаги педагогик кадрлар орасида истиқболли ёндашув сифатида алоҳида эътибор қилинмоқда ва таълимда фаол қўлланилмоқда.

Мобиль таълимнинг бажарган вазифалари, кундалик ҳаётдаги амалий аҳамияти ва бир қатор афзалликлари бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясида ривожлантириш жараёни учун қайдаражада хизмат қилади? – деган савол туғилади. Ушбу муаммога қисқача тўхталамиз.

Таълимни рақамлаштириш муҳитида мобиль таълим имкониятларидан фойдаланиш бир қатор илмий-методик ва ташкилий асосларни ўз ичига олади. Масалан, педагогика олий таълимининг профессор-ўқитувчилари “таълим олувчи”лар учун таълимнинг анъанавий шаклидаги ўқув машғулотларини лойиҳалаштиришда рақамли таълимдаги мобиль технологиялардан фойдаланиш жараёнида хилма-хил ёндошиш мумкин. Хусусан, ўқув жараёнида соҳа талабалари учун мобиль қурилмалардан самарали фойдаланишнинг ***етакчи усуллари*** қуйидагилардан иборат, десак бўлади:

а) муайян мавзу мазмунига дахлдор аудио файллар, видеофильмлар, графика, харита ва тасвирларни намойиш этиш усули;

б) ўқув сайтлари, электрон ва рақамли ресурслар, хилма-хил мазмундаги маълумотномалар, икки ёкки уч тилли луғатларга тезкор киришни таъминлаш усули;

в) рақамли таълим жараёнидаги муайян мулоқотни таъминлаш мақсадида СМС хабарлар, телеграм, Web семинарлар ва бошқалардан фойдаланиш усули каби.

Таълимни рақамлаштириш муҳитига мобиль таълим технологияларини жорий этиш “таълим олувчилар” ва “таълим берувчилар” учун қуйидаги бир ***қатор афзалликларга эга*** эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим:

– ҳоҳлаган вақтда, ихтиёрий жойда ўқиш ва ўрганиш имконияти мавжуд, фақат мобиллик орқали амалга оширилади;

– ўқув материалларини хилма-хил кўринишларда, масалан, аудио, видео, расм, графика каби мультимедик имкониятларга эга визуал тарзда тақдим этиш имконияти мавжудлиги, яъни мультимедияли тарзда амалга ошириш мумкинлиги;

– мобиль таълим кўпинча ўйин шаклида амалга оширилганлиги боис улар геймификацион характерга эгалиги билан ажралиб туриши;

– ўқув жараёни иштирокчилари ўртасида тегишли ахборот алмашувини жадаллаштириш имкониятига эга эканлиги;

– ўқув жараёнига иштирок этишни назорат қилиш ва у орқали мониторинг олиб бориш имкониятининг мавжудлиги;

– “таълим олувчилар”нинг шахсий психологик ва физиологик хусусиятларидан келиб чиқиб, индивидуал ёндашишда мобиль қурилмаларнинг мослашувчанлиги, яъни, индивидуал ёндашувининг етакчилик қилиши.

Бу ўринда шуни ҳисобга олиш зарурки, рақамли таълим муҳитида мобиль қурилмалардан “таълим бериш” ёки “таълим олиш” мақсадларида фойдаланишнинг бир неча ***педагогик омиллари*** ҳам мавжудки, биз уларнинг айримларини қисқача таъкидлашни лозим, деб билдик:

1. Мобиль таълим технологиялари асосида бир қатор умумпедагогик тамойиллар, хусусан, лисоний матнлардан фойдаланишнинг қулайлигива соддалиги, интерактив ҳамда ўз-ўзини бошқариш ва баҳолаш имконини берувчи махсус иловалар ётади. Айни шу омил “таълим олувчилар” учун катта қулайлик туғдиради ва мустақил таълим олиш имкониятини яратади.

2. Мобиль таълим технологияларининг ғоялари таълимнинг барча босқичларида, айниқса, олий таълим муассасаларидаги анъанавий ўқув жараёнида ҳам бирдек қўлланилиши мумкин.

3. Мобиль таълим масофавий ёки корпоратив ўқув курсларига самарали тўлдирувчи вазифасини бажариши мумкин.

Таълимни рақамлаштириш муҳитида ва электрон таълимни ривожлантиришда, биз учун энг муҳими, соҳа талабаларининг лингвистик компетенциясини ривожлантиришда мобиль таълимнинг кундалик ҳаётдаги амалий аҳамияти беқиёс. Мобиль таълим – мобиль ҳисоблаш ва электрон ўқув муҳитларининг кесиш нуқтаси бўлиб, у ҳар қандай жойда рақамли таълим амалиётига олиб келади ва бир қатор ***функционал хусусиятларга эга,*** улардан айримларини қисқача таъкидлаймиз ва таснифлаймиз.

а) мобиль таълимни ўрганишнинг динамиклиги. У моҳиятига кўра эскирган янгиликларни эмас, бугуннинг энг сўнгги янги-янги ахборот материалларини "таълим олувчилар"га тақдим эта олади. Бу таълим орқали талабалар ўзига зарур бўлган маълумотларни қабул қила олади ва бошқа шерикларига улашиши ҳам мумкин. Талабаларни фан ўқитувчилари билан профессионал даражада боғлашга хизмат қилади, шу боисдан мобиль таълимни индивидуал даражада ўрганиш ҳам мумкин. Ҳар бир талабанинг ҳозирги вақтда ўз билими даражасига мос бўлган хилма-хил тарздаги барча материалларни олиш имкониятлари мавжуд, улар менюдан исталган фаолият турини танлай олади.

в) мобиль таълимнинг кўп қирралиги. Талабалар ўзларига тегишли фанлардан назарий ва амалий аҳамиятга эга маълумотни, ўқув усули ёки ўқув жараёнини ташкил этувчи муҳим таълим мутахассисини танлаб олиш имкониятни берадиган кўплаб манбалардан таълим фаолияти учун шуғулланади. Мазкур таълимни ўрганиш агрессив тарзда олдинга силжийдиган таълим жамиятларини яратади. Унинг яна бир кучли томони шундаки, талабаларда тегишли муаммо бўйича муайян фикр-мулоҳазаларни дарҳол шакллантиради, фикрлаш қобилиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Масалан, бирор ихтисосликдан фан машғулотларини олиб борувчи инновацион устоз профессор-ўқитувчи муайян мустақил ишларни бажартириш мақсадида шахсийлаштирилган мобиль веб сайтлар яратиш вазифасини топшириқ сифатида берсалар, талабалар ўзлари ёзиш, таҳрир қилиш, кўриб чиқиш ва нашр этишда иштирок этадиган ахборот материаллари

билан ишлайдилар. Айни ҳол мазкур соҳа талабаларида рақамли таълим муҳитида мустақил ишлашига қизиқишини янада кучайтиради, ўзига хос “янгилик” кашф этишга ҳаракат қилади.

Мобиль таълим ўз вазифасига кўра, талабаларга махсус ўқув машғулотнинг ягона тўғри усулини аниқламайди, балки у мустақил ўрганиш учун бир неча мумкин бўлган усулларни тақдим этиб, муваффақиятга эришиш имконини оширади. Шу сабабли ҳам мобиль таълим аудиториядаги таълимнинг ўрнини боса олмаса-да, унинг бажарган вазифасини муайян фаннинг мустақил таълимини ташкиллаштиришда энг қўл келадиган технология сифатида қараш мумкин.

Янги Ўзбекистон таълимида дастлаб *“таълимни рақамлаштириш муҳити”*ни яратиш ва сўнгра *“рақамли таълим”* босқичини изчиллик билан ривожлантириш, кредит-модулли тизимига босқичма-босқич ўтиш ва ундаги ўқув жараёнини ташкиллаштириш, “таълим олувчи” ва “таълим берувчи”ларнинг ахборот ва компьютер саводхонлигини такомиллаштиришнинг ўрни бениҳоятда катта.

2020-2021 ўқув йилида белгиланган олий таълим муассасаларининг ***Moodle тизимга ўтишдан асосий мақсад*** профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасида таълимга оид хилма-хил электрон ресурсларнинг алмашишини ташкил қилиш, тегишли вазифа ва топшириқларни Moodle тизимига жойлаштириш орқали *мавжуд таълим бериш самарасини оширишдан иборат*.

Moodle тизимида ўқув жараёнини ташкиллаштиришда ундаги қатнашувчиларнинг бир қатор вазифалари борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Биз назарда тутаётган вазифаларни муаллифлик ёндашув асосида қуйидаги тартибда тавсифласак, мақсадга мувофиқ бўлади:

1. *Глобал администраторнинг вазифалари:* мажмуа фаолиятининг умумий назоратини олиб бориш; статистик маълумотларни жамлаш ва вазирлик маъмуриятига тақдим этиш; мажмуа фаолиятини олиб боришда амалий ёрдам кўрсатиш каби.

2. ОТМ администраторининг вазифалари: ОТМда мажмуа фаолиятининг умумий назоратини олиб бориш; статистик маълумотларни жамлаш ва раҳбариятга тақдим этиш; мажмуага бирламчи маълумотлар (факультет, кафедра ва гуруҳлар)ни киритиш; профессор-ўқитувчиларга логин ва калитлар тақдим этиш.

3. *Профессор-ўқитувчиларнинг вазифалари:* фанлар кесимида электрон ресурсларни жойлаштиради; талабаларни тегишли ресурслардан фойдаланиш учун рухсат беради; ресурсларни мунтазам янгилаб боради; тугалланган фанларни базадан ўчириб ташлайди.

4. *Талабаларнинг вазифалари:* мустақил тарзда мажмуа жойлашган веб-сайтда рўйхатдан ўтади; қидирув тизими орқали зарур фан ѐки профессор-ўқитувчини излаб топиб, ресурслардан фойдаланишга рухсат сўрайди; профессор-ўқитувчининг тегишли рухсатидан сўнг очиқ ресурслардан фойдаланиш имкониятга эга бўлади.

ОТМ администратори серверга бирламчи маълумотларни киритиб, профессор-ўқитувчиларга махсус логин ва пароль тарқатади ҳамда ҳисоботларни йиғади. Профессор-ўқитувчи ресурсларни мажмуага жойлаштиради ҳамда талабалардан тушган мурожаатга рухсат беради. Талабалар тегишли рухсат олгандан сўнг, ресурслардан фойдаланишни бошлайдилар.

Таълимда интеграция тамойили халқаро муҳитда рўй берадиган интеграция жараёнлари таъсири остида шаклланади ва улар қуйидагиларга йўналтирилади: таълимнинг шахсий йўналтирилганлиги; умумий предметли структуралар ва фаолият усулларини яратиш; таълимда мотивация мазмун аҳамиятининг устуворлиги; таълимда тизимлилик; ўқитиш жараёнининг муаммоли характери; рефлексив фаолият ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг раҳбарлигида 2021 йил 16 июнь куни “Олий таълим соҳасидаги ислоҳатлар натижадорлиги ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнлари тўғрисида” ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 34-сонли баёни 23-банди ижросини таъминлаш

мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 23-августдаги 372-сонли Олий таълим муассасаларида “Олий таълим жараёнларини бошқариш - HEMIS” ахборот тизимини жорий этиш тўғрисида буйруғининг иловасида мазкур тизимга тегишли маълумотларни киритиш ва шакллантириш тартиби, вазифалар тақсимоти ва маъсул бўлинмалар таркиби белгилаб берилган. Унда республикамиздаги олий таълим муассасаларидаги янгидан ташкил этилган рақамли таълим технологиялари марказига бир қатор вазифаларни бажариш белгиланган. Хусусан, ахборот тизими ўрнатиладиган серверларни ажратиш, серверларда зарурий дастурий воситаларни ҳамда ахборот тизимини ўрнатиш ва созлаш, серверларнинг доимий 27/7 режимида ишлашини ва алоқанинг узлуксизлигини таъминлаш; ахборот тизимининг “Тизим” менюсига таалуқли бўлган тизим фойдаланувчиларни аккаунтлари ва ролларини бошқариш; тизим журналини назорат қилиш, маълумотлар синхронизациясини амалга ошириш, тизим интерфейси таржималарини шакллантириш; тизим кассификаторлари ва архивларини бошқариш; ахборот тизимини техник қўллаб-қувватлаш ва узлуксиз ишлашини, ахборот хавсизлигини таъминлаш, тизимдван фойдаланиш бўйича тренинглар ўтказиш ва маслаҳатлар бериш; вазирлик ахборот тизими администраторлари билан ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш, тизимни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тизимда юзага келадиган камчиликларни биргаликда бартараф этиш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Таълимни рақамлаштириш муҳитини яратиш ва уни такомиллаштириш жараёнида HEMIS ахборот тизимининг ўрни ниҳоятда катта эканлигини ҳозирги амалиёт тасдиқлаяпти. Албатта, бу ўринда тизимга кириш, мутахассисларни шакллантириш, фанлар блокларини киритиш, талабаларнинг баҳолар рўйхатини шакллантириш ҳар бир масъул шахслар ва фанлар бўйича профессор-ўқитувчидан катта масъулиятни талаб этади. Масалан, ўқитувчи фаолиятига қўшимча вазифалар қўшилганлиги учун қуйидагиларни бажариш талаб этилади: тизимнинг фан ресурслари бўлимида ўзига бириктирилган фанлар мавзулари бўйича талабалар мустақил ечиши учун тест масалаларини

шакллантириш; тизимнинг фан топшириқлари бўлимида оралиқ назорат ва жорий назоратларни баҳолаш учун тест топшириқларини шакллантириш; тизимнинг фан топшириқлари бўлимида топшириқлар муддатини ўзгартириш; тизимнинг имтиҳонлар бўлимида тест шаклидаги якуний назорат имтиҳонларини яратиш ва бошқариш каби.

HEMIS ахборот тизимини такомиллаштиришда олий таълим муассасасининг илмий бўлим фаолияти муҳим ўрин тутади. Бунда қуйидагилар бажарилиши кўзда тутилади: хорижий ва маҳаллий илмий лойиҳалар рўйхати, лойиҳа ижрочилари рўйхати, шунингдек, лойиҳанинг йиллик молиялаштириш сўммаларини шакллантириш кабилардан иборат. Мазкур тизимда профессор-ўқитувчилар илмий фаолиятини шакллантирилганда қуйидаги вазифалар амалга оширилади: услубий ишлар рўйхатини шакллантириш; илмий ишлар,интеллектуал мулклар, шунингдек, илмий ахборот тизимларидаги илмий фаоллик маълумотларини шакллантириш кабилар.

Таълимни рақамлаштириш муҳити учун миллий кадрлар тайёрлашнинг замонавий технологияларига қуйидаги омиллар хос: келажак учун очиқлик; инсон томонидан дунѐни ўзлаштиришнинг барча усуллари интеграцияси; дунёнинг очиқлиги, тўлақонлилиги, инсон, табиат ва жамият ўзаро алоқалари ҳақида синергетика тасаввурларини ривожлантириш; бугунги кунда кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнайдиган, лекин ҳеч қачон ўқитувчининг ўрнини боса олмайдиган турли ахборот тизимлари, глобал интернет тармоғи, булут технологияларидан эркин фойдаланиш. Бошқача айтганда, таъкидланаётган ушбу технологиялар ахборотни сақлаш, маълумотларни қайта ишлаш учун виртуал омборни, дунёнинг исталган нуқтасидан ва исталган қурилмадан кириш имкониятини ифодалайди; кадрлар тайёрлаш технологияларининг муайян талабага, муайян талабалар гуруҳига, муайян ўқитувчига шахсий йўналтирилганлиги; кадрлар тайёрлаш технологияларининг ўйин табиати; ўқувчини муҳим вазифага психологик йўналтириш: мустақил ривожланиш, шахсни мулоқотга мослаштириш, шу муносабат билан иқтисодиёт учун

кадрлар тайёрлаш технологиялари доимий ўзгаришлар жараёнида бўлади, доимо янги мақсад ва мўлжаллар шакллантиради; ўқитувчининг роли ўзгариши, хусусан, янгича, ноодатий вазиятларда, тармоқ ўзаро алоқалари шароитларида “таълим олувчилар” билан биргаликдаги ҳаракатларга ўтиш жараёни муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги давр миллий таълимида рақамли технологияларни ўқитиш сифатини сақлаб қолган ҳолда самарали қўллаш учун нималар қилиш керак? Бу борада бир қатор ***таклифларни таъкидлаш лозим***, деб ҳисобладик:

Биринчидан, мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган муаммо сифатида зудлик билан интернет инфратузилмасини яхшилашимиз, мобиль операторлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишимиз ва энг муҳими кўпчилик аҳолининг, айниқса, талаба ёшларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг энг сўнгги ютуқларини ўзлаштиришга шарт-шароитлар ҳамда имтиёзлар яратиб беришимиз лозим. Бу борада, албатта, ҳукуматимиз томонидан дастлабки қадамлар қўйилди, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, ўқув жараёнини ташкил этишда рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва ахборот ресурслари, ўқитиш воситалари ва масофавий ўқитиш технологияларини ривожлантириш, ижодкор ва салоҳиятли талабаларни олий таълим муассасасининг рақамлаштириш лойиҳаларига жалб қилиш билан улар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича ваколатли органларга таклифлар бериш, юқори самарадорликка эга рақамли қурилмалар билан жиҳозланган тузилмалар, ўқув хоналари, лабораториялар, медиастудиялар ва бошқаларни ўз ичига олган илмий ва ўқув-методик марказларни ташкил этиш ҳамда унда орттирилган тажрибани Ўзбекистоннинг барча олий таълим муассасаларида кенг қамровда қўллаш лозимки, бундай долзарб муаммоларни амалга ошириш бугунги давр талабидир.

Учинчидан, бугунги таълим соҳасида замонавий ахборот ва илғор педагогик таълим технологияларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш жараёни билан баробарида бўлғуси педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб ва такомиллаштириб бориш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Тўртинчидан, бугунги давр ўқув жараёнида интерфаол тақдимот тизимларидан самарали фойдаланиш, маъруза ва семинар машғулотлари учун интернет тармоқлари билан боғлиқ ҳолда мақсадли интерфаол ва мультимедиали тақдимотларнинг хилма-хил вариантларини ишлаб чиқиш бўйича амалдаги профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун курсларни ташкил қилиш ва ўтказиш зарур, – деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, реал вақт режимида интерфаол тақдимот тизимлари, видеоконференцалоқа тизимлари, виртуал заллар, электрон ресурслардан фойдаланиб исталган вақтда масофавий ўқитиш жараёнини амалга ошириш имкониятини яратиш.

Олтинчидан, булутли технологиялар, виртуал воқелик, кенгайтирилган воқеликдан фойдаланиш ҳамда дидактик материаллар ва тажриба дизайнларини ишлаб чиқишда 3D принтерини қўллаш, рақамли дидактика ва рақамли таълим моделларини қўллаш, ўқитувчилар ва талабалар учун лойиҳалар, малакавий битирув ишлари, илмий изланишлар ва бошқаларини муҳокама қилиш учун илмий веб-сайтлар ишлаб чиқиш лозим. Шундагина, биз рақамли технологиялардан фойдаланиб бугунги давр таълим сифатини туширмаган ҳолда талаба-ёшларга бугунги кун талаби даражасида билим олишларига эришамиз[175].

Хуллас, бугунги кун ўқитувчисининг обрўси ва унинг фаолиятининг самарадорлиги фақатгина МООС курс мазмунидаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилиятига эмас, балки муайян ўқув материалини тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитишда ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот-

[175] Қаранг: Ҳошимова Д.П., Парпиева Р.А. Замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялари, илмий электрон журнали, №3 май-июнь, 2020 йил, 154-бет.

коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади. Энг муҳими, ахборот, компьютер, медиа, коммуникатив саводхонлигига, технологик инновациялардан фойдаланиш кўникмаларидан қайдаражада фойдаланиши муҳим роль ўйнайди.

2.2. Таълимни рақамлаштириш муҳитида лингвистик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг диагностик мониторинги

Ҳозирги янги Ўзбекистоннинг таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ва шахсий ривожланишига ёрдам берувчи педагогик воситаларни аниқлаш, таълимни рақамлаштириш муҳитини яратиш ва "рақамли таълим"нинг ҳуқуқий асосларини белгилаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммо бўлмоқда. Назаримизда, ушбу ***муаммонинг долзарблиги ва амалга ошириш зарурияти*** қуйидаги омиллар билан белгиланади: *биринчидан*, олинган билимлар замонавий ўқув техника ва технологияларнинг вақт ўтган сайин тез эскириши ва айни пайтда зудлик билан янгиланиб бориши ҳар бир бўлажак ўқитувчи олдида ўз малакасини доимий равишда тинимсиз ошириб бориш, фан, техника, маданият, шунингдек, илғор инновацион таълим технологиялари ва дидактик-педагогик моделлардан самарали фойдаланиш, уларнинг энг сўнгги ютуқларини ўзлаштириб олиш вазифаларини қўймоқда.

Иккинчидан, таълим тизими ривожланган дунёнинг қатор давлатларида бўлгани каби "Келажакнинг рақамли саноатини ёритиш" илмий ғояси, яъни инсон капиталини ривожлантириш даражасини ошириш орқали мамлакатнинг рақамли трансформациясини ишга туширишни, ҳозирги таълим тизимида тезкор суратларда рақамли ўзгартиришларни талаб қилади.

Учинчидан, дунёнинг бошқа жойларида бўлгани каби республикамиз олий таълим муассасалари аудиториялари ва ўқув машғулот хоналари рақамли авлоднинг етти экранли авлодга (телевизор, компьютер, планшет, ilod, таблет,

фраблет, смартфон ва смарт-доскалар) билан жиҳозланганлиги туфайли ўқув жараёнилари мазмунини тубдан ўзгартирди.

Тўртинчидан, олий таълим муассасаларида бундай зич рақамли илмий-ижодий муҳитга эга бўлиш ва у билан доимий ўзаро муносабат натижасида бугунги кун талабаларининг фикрлаши, янги-янги ғояларни кашф этиши ва тегишли ахборотларга ишлов бериш жараёнлари олдинги фикр юритиш ва ахборот жараёнларидан тубдан фарқ қилаётганлиги кундалик ҳаёт кўрсатмоқда. Бошқача қилиб айтганда, шиддат билан кириб келган бугунги рақамли авлод таълим тизимидаги бир неча ўн йиллар мобайнида давом этган анъанавий ўқитиш услубининг эскирганлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Бу ўринда, назаримизда, бир муҳим ҳаётий омилга: таълим тизимида ҳеч қачон ўзгармайдиган асосий манбалар –“таълим олувчи” (талаба) ва “таълим берувчи” (профессор-ўқитувчи)ларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш зарур. Шиддат билан ривожланиб бораётган янги Ўзбекистоннинг ҳозирги таълим тизимида қайд этилган ҳар иккала томонларнинг дунёқарашлари, фикрлаш қобиляти ва амалий иш фаолиятлари мазмунини тубдан ўзгартиришни бугунги кун ҳаётий эҳтиёж сифатида талаб қилмоқда. Хусусан, таҳсил олаётган талаба (бўлғуси ўқитувчи)ни мустақил таълим олишга, билим олиш йўлларини мустақил излашга, ўз касби фаолияти устида тинимсиз ишлаш кўникмаларини шакллантиришга эришмоғимиз зарур. Иккинчи томонда, яъни профессор-ўқитувчи фаолиятида ҳам шу жараёнга параллел равишда янги-янги билимлар, инновацион таълим технологиялари ва дидактик-педагогик моделлар билан рақамли технологиялар асосида қуроллантириб, талабага билим олиш йўлларини ўргатишни йўлга қўйиш зарур. Ҳар икки томон, “таълим олувчи” ва “таълим берувчи” фаолиятига дахлдор бундай вазифалар муваффақиятли амалга оширилсагина, мамлакатимизнинг ҳозирги таълим сифати янги босқичга кўтарилади, энг муҳими, жаҳон педагогик таълими андозалари талабларига тўлиқ мос келади. Айни масала мамлакатимиз таълим тизимида энг оғриқли ва тузатилиши зарур бўлган муаммо саналади.

Албатта, қайд этилган муаммолар, хусусан, таълимни рақамлаштириш муҳитини яратиш, “рақамли таълим”га ўтишга дахлдор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, улардаги бажариладиган вазифалар белгилаб олинди[176].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясинитасдиқлаш тўғрисида”ги[177] фармонда бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Хусусан, “замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш; таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, *“blended learnning”, “flipped” classroom”* технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш; маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек, уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи “E-MINBAR” платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида “булутли технологиялар”дан фойдаланиш”[178] каби долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Таъкидланганлардан ташқари, мазкур фармонда яна қисқа муддатларда бажарилиши лозим бўлган бир қатор долзарб вазифалар ҳам белгилаб берилган. Жумладан, масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи

---

[176] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ - 4699 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ - 5847-сон фармони, “Рақамли Ўзбекистон - 30” дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2020и йил 5 октябрдаги 6079 сонли қарори; Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27 февраль 2020 йилдаги ПҚ - 4623 сонли қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси” (25 ноябрь, 2019 йил) каби.

[177] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони. http://lex.uz

[178] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони. http://lex.uz

электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларни кенгайтириш;миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга жойлаштириш; олий таълим муассасасининг конференция материаллари, битирув малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертацияларидан иборат илмий-техник маълумотлар электрон базасини яратиш, келгусидаги илмий-техник маълумотлар янгилигини таъминлаш мақсадида антиплагиат тизимидан фойдаланишни кенг жорий этиш[179] каби вазифалар шулар жумласидандир.

Президент фармонида яна бир қатор вазифалар, яъни“олий таълим муассасалари педагог ҳодимлари, бакалавриат, магистратура талабалари ва докторантларига оид маълумотларни ўзида акс эттирувчи ва мунтазам янгиланиб борувчи электрон база *(Student Record System)* юритилишини йўлга қўйиш асосида унинг миллий тизимини яратиш; халқаро молия ташкилотлари кўмагида олий таълим соҳасидаги ўқув-услубий, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумотлар, шунингдек, давлат интерактив хизматлар кўрсатишга доир маълумотларни ўзида мужассам этган ва мунтазам янгиланиб турадиган олий таълимнинг ягона ахборот платформаси – “Олий таълим бошқаруви ахбороти тизим”и ишга тушириш, унда вакант ўринларга ўтказилаётган танловларга оид эълонларни ҳамда аризаларни онлайн қабул қилиш имкониятларини назарда тутиш”[180] кабилар ҳам белгилаб берилган.

[179] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони. http://lex.uz

[180] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ - 5847-сон фармони. . http://lex.uz.

“Рақамли Ўзбекистон – 30” дастури ҳам таълим соҳасида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Хусусан, улар:

– таълим поғонасининг бошланғич босқичида ўқувчиларга рақамли технологияларни тақдим этиш орқали рақамли кўникмаларни ўзлаштириш учун имкониятлар яратиш, таҳлилий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, келажакда зарур бўладиган кенг кўламли рақамли транформация шароитида ёшларга билим ва кўникмалар бериш;

– ягона масофавий таълим платформасини келажакда таълимнинг барча йўналишларида татбиқ этиш мақсадида яратиш ва амалга ошириш;

– ўқувчилар учун рақамли технологиялардан фойдаланишнинг умумий даражасини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларининг асосий ўқув дастурларига доимий ўзгартиришлар киритиш;

– технологик касблар ва инновацион фаолият соҳасида ўқишни ташкил этишга қаратилган юқори самарали халқаро амалиётни таълим тизимига жорий этиш;

– ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ йўналишда кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари битирувчилари сонини, ахборот технологиялари соҳасида ўртача даражада компетенцияга эга бўлган ўрта махсус касб-ҳунар таълимнинг муассасалари битирувчиларини ошириш;

– ахборот технологиялари соҳасидаги ташкилотларининг ўқув жараёнларига қатнашишини рағбатлантириш орқали умумтаълим мактабларида информатика фанини ўқитиш методларини такомиллаштириш;

– ғоялар ва янги технологиялар яратишни тарғиб қилувчи республика танловлари ва тадбирларини (хакатонлар, конкурслар, олимпиадалар ва бошқалар) ўтказиш;

– янги қидирув тизимларини яратиш йўналишини ишлаб чиқиш ва аниқлаш, шу жумладан, аудио ва видео материалларини излаш ва аниқлаш учун ечимлар, ахборотни қидириш ва олишда семантикадан фойдаланиш,

машинавий таржима тизимидаги янги технологиялар, шунингдек, машинавий ўқитишнинг янги алгоритмлари ва технологияларини ривожлантириш;

– халқаро йирик корхоналарнинг марказлари билан ҳамкорликда рақамлаштириш йўналишдаги миллий кадрлар малакасини ошириш механизмини татбиқ этиш;

– мактабгача, ўрта ва олий таълим тизими учун электрон таълим ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш[181] каби.

Таълимни рақамлаштириш муҳитининг ҳуқуқий-меъёрий асосларига дахлдор мазкур расмий ҳужжатда олий таълим соҳасида рақамли кўникмаларни ошириш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва ўтказиш мақсадида яна бир қатор тадбирлар амалга оширилиши белгилаб берилган. Хусусан, улар:

– олий таълим муассасаларида тегишли соҳаларда “Интернет буюмлар”, робототехника, сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар, шунингдек, хорижий корхоналарни ушбу соҳага жалб қилишни ташкил қилиш;

– рақамли технологиялар соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва рағбатлантириш, уларнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш;

– катта ҳажмдаги маълумотлар тўпламини таҳлил қилиш ва билимларни тўплаш бўйича, шу жумладан, катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва интеллектуал таҳлил қилишнинг янги усуллари ва алгоритмларини, катта ҳажмдаги маълумотларни тарқатиш учун янги усуллар ва дастурлар, шу билан бирга мураккаб муҳандислик ечимларини башоратли моделлаштириш учун янги усуллар ва дастурий таъминотлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

– хатоларга чидамлилигини ошириш ва тизим элементлари ўртасидаги алмашинув вақтини қисқартириш учун янги юқори даражали ҳисоблаш ва

[181] “Рақамли Ўзбекистон - 30” дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ 6079 сонли қарори

маълумотларни сақлаш тизимларини, шу жумладан, параллел ҳисоблашнинг янги алгоритмларини, янги суперкомпьютер технологиялари ва дастурларини, янги алоқа технологиялари ва ўзаро таъсир протоколларини яратиш, шунингдек, тизим элементлари ўртасидаги алмашинув вақтини қисқартириш, юқори самарали ва ишончли маълумотларни сақлаш тизимлари учун янги дастурлар яратиш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш;

– робототехника комплекслари ва одамлар ўзаро таъсирининг алгоритмларини ишлаб чиқиш, маълумотлар узатиш тармоқлари инфратузилмасини, ўрнатилган сенсорлар ва сенсор тармоқларини такомиллаштириш, шунингдек, “булутли” хизматларини тақдим этишнинг турли хил моделларини амалга ошириш учун дастурий таъминот яратиш бўйича илмий ишларни олиб бориш[182].

Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда ижтимоий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармони эълон қилинди[183] ва белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун давлат дастури ишлаб чиқилди. Фармонда белгиланган вазифалар концепцияси ва мақсади, кўрсаткичлари ва индикаторлари, шу жумладан: а) илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш; б) илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш; в) юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш; г) илм-фанни

[182] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 30” дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ 6079 сонли қарори

[183] ПҚ-4699-сон28.04.2020. Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида https://lex.uz

ривожлантиришнинг замонавий интратузилмасини яратиш; д) илм-фан тараққиётига кўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантириш[184] каби энг долзарб вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси (2019) ҳам муҳим-меъёрий ҳужжат бўлиб, у таълимни рақамлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ камраб олган. Европа Иттифоқи Комиссиясининг Erasmus + дастури "Марказий Осиёда олий таълимини янги технологиялар орқали модернизация қилиш" HiEITec лойиҳасининг ҳамкор университетлар вакиллари билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги[185] ҳамкорлигида тайёрланган мазкур *концепциянинг мақсади* ўқитиш жараёнида инновацион таълим технологиялар ва дидактик моделларни ривожлантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш, шу билан бирга компьютер, ноутбук, планшет, таблет, смартфон ва бошқа исталган охирги қурилмалардан фойдаланган ҳолда, исталган вақтда ва исталган жойда туриб исталган ўқитувчидан ҳар бир киши учун таълим олиш имкониятини *таъминлашдан иборат.*

Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, мазкур концепцияда бир қатор вазифалар белгиланган: а) ўқитувчиларнинг етакчи ролини сақлаб қолиш ва уни кафолатлаш; анъанавий таълимни такомиллаштириш; б) электрон, мобил ва ҳар жойдаги таълимни ривожлантириш; в) ижтимоий рақамли ҳаётда мувафаққияттли ишлаш учун зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлашнинг асосий усули сифатида аралаш ва инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш; г) махсус таълим эҳтиёжларига эга бўлган талабаларни ўқитиш жараёнларида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш; е) халқаро миқёсдаги талабаларни ўқитиш ва жалб қилиш учун инновацион моделлардан фойдаланиш; ё) илмий ёндашувни таълимга жорий

[184] Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"даги 2020 йил 29 октябрдаги ПФ 6079 сонли Фармони

[185] http://tmatm.uz/site/wpcontent/uploads/2015/09/1.2.-Normalar.pdf.http://tmatm.uz; "Дуал таълим принципларини жорий этиш" ўқув-услубий мажмуа https://videouroki.net

этиш; ж) инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни жорий этиш натижаларини таҳлил қилиш; д) олинган натижаларни ва илғор тажрибаларни тарғиб қилиш[186] кабилар шулар жумласига киради.

Булардан ташқари, мазкур концепцияда таълимнинг рақамли трансформациясини бошлаш учун яна бир қатор қўшимча вазифалар ҳам белгилаб олинган:

а) анъанавий таълим соҳасида: интерфаол доска, интерфаол монитордан фойдаланиш; ҳар бир маъруза учун интерфаол, интернет билан боғланган ва мультимедиали тақдимотларни ишлаб чиқиш;

б) синхрон масофавий ўқитиш соҳасида (реал вақтда): видеконференция алоқа тизимидан фойдаланиш; виртуал ўқув хонасидан фойдаланиш;

в) асинхроник масофавий ўқитиш соҳасида (исталган вақтда): онлайн ўқув курсларини яратиш ва нашр этиш; видеомаърузаларни ёзиб олиш ва нашр этиш; “булутли технологиялар”дан фойдаланиш;

г) аралаш таълим соҳасида: энг юқори самарадорликка эришиш учун анънавий ва электрон ўқитиш шаклларини мақбул равишда бирлаштириш.

Кўрамизки, *биринчидан*, рақамли таълим муҳити фаолиятига ўтиш, умуман, таълимнинг рақамли трансформасига даҳлдор барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб олинган вазифаларнинг қамрови жуда кенг, уларнинг ҳаммаси илмий-назарий ва педагогик жиҳатдан асосланган. Таъкидланган ҳужжатларда таълим олувчи ўқувчи ва талаба-ёшларнинг билим даражасини ошириш, мутахассис кадрларнинг муҳити ҳисобланган олий таълим сифатини янада яхшилаш, замонавий талаблар ва жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган янги миллий таълим тизимини яратиш муаммолари ўз ифодасини топган.

Иккинчидан, глобаллашув жараёни кескин ва шиддат билан бораётган бир пайтда таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация ва янги педагогик технологияларини жорий этиш, таълимни бошқаришнинг автоматлаштириш,

[186]Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. – 2019 й. 25 ноябрь.

илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, ёш олимларнинг инновацион фаолиятларини ривожлантириш, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини яратиш, таълимни рақамлаштириш каби қатор бугунги куннинг энг долзарб муаммолари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Шу боисдан бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторида рақамлаштиришнинг истиқболли соҳаларида янги-янги ютуқлар қўлга киритилмоқда, улар оммавий ахборот воситаларида етарлича тарғиб қилинмоқда, турли хил тадбирлар, хусусан, форумлар, семинарлар, конференциялар ва бошқалар орқали қизғин муҳокама ўтказилмоқда. Энг муҳими, фуқароларнинг рақамли иқтисодиёт соҳасида билим даражасини ошириш, мустақил баҳолаш, шу жумладан, бошланғич таълим даражасини бепул баҳолаш, онлайн ресурсларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун *“Бир миллион дастурчи”* лойиҳасини амалга ошириш тадбирлари режалаштирилди ва амалга оширилди.

Мамлакат миқёсида “рақамли иқтисодиёт” кўникмаларини амалга ошириш жараёни ҳозирги таълим тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатаяпти. Хусусан, таълим тизимига ҳар бир таълим даражаси учун рақамли иқтисодиётнинг асосий ваколатларига қўйиладиган талабларнинг шаклланиши ва жорий этилиши, яъни ваколатлар моделини ҳисобга олган ҳолда уларнинг узлуксизлигини таъминлаш; барча ҳудудларда рақамли кўникмалар даражасидаги бўшлиқни бартараф этиш, таълим соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш каби қатор амалий тадбирларнинг амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бунда энг аввало, қуйидаги жиҳатлар: *а) ахборот саводхонлиги,* яъни муайян қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни топиш қобилияти; *б) компьютер саводхонлиги,* яъни рақамли қурилмалар билан ишлаш қобилияти; *в) медиасаводхонлиги,* яъни оммавий ахборот воситаларини танқидий ўрганиш имконияти; *г) коммуникатив саводхонлик* яъни замонавий рақамли алоқа воситаларидан фойдаланиш

қобилияти; *д) технологик инновациялар,* яъни янги технологияларга ижодий муносабатни шакллантириш эътиборга олинади.

Фикримизча, бугунги кунда ахборот ва коммуникацион технологияларга асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали ҳозирги таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур. Бу – давр талаби. Чунки таълим жараёнида муайян илмий тадқиқотга асосланган ёндашувдан самарали фойдаланилсагина, илмий тадқиқотнинг мақсади амалга оширилади, энг муҳими, талабаларнинг бу борадаги кўникмаларини ривожлантириш, IT – компетенцияга асосланган ижодий қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш имконияти туғилади.

Ҳозирги таълим тизимидаги ахборот ва коммуникацион технологиялар педагогик таълимга эндигина кириб келаётган рақамли авлод учун мутахассислик фанларининг маъруза ва семинар машғулотларини тегишли маълумотларга бой ва интерактив қилиб амалга ошириш воситаси вазифасини бажаради. Лекин бу ўринда шуни унутмаслик зарурки, олий таълимнинг профессор-ўқитувчилари талабаларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган интерфаол ўқув жараёнида асосий ролни сақлаб қоладики, айнан бу ҳолатни ҳеч ким ва ҳеч қачон инкор эта олмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда профессор-ўқитувчи ва мураббийларга алоҳида эътибор берилаётган бир пайтда ва бундан кейин ҳам ўқитувчининг жамиятдаги обрўйи ва унинг педагогик фаолиятининг самарадорлиги фақатгина муайян фан мазмунидаги билимлар даражаси, унинг педагогик қобилиятига эмас, балки ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини амалиётда қўллаш даражасига, аниқроғи, ***компьютер саводхонлигига*** боғлиқ бўлишини талаб қилмоқда. Янада очиқроқ айтганда, рақамли асрнинг бугунги кундаги ҳаётимизга рақамли таълим янги ҳодиса сифатида кириб келмоқда, жамиятимиздаги ҳозирги янги жараёнлар таълим парадигмасини бутунлай ўзгартиришни тақозо қилмоқда. Бунинг асосий сабаби шуки, ахборот ва коммуникация технологияларини

ўзлаштириб олган, аниқрроғи, ахборот, компьютер, медиа ва коммуникатив саводхонликларга эга бўлган ҳозирги кун талабалари узоқ йиллар давомида сақланиб келаётган анъанавий услубда ўқув машғулотларига қатнашишни ҳоҳламайдилар. Жонли, юзма-юз ҳолда ўқув машғулотларини олиб бориш кўникмаларига ўрганган олий таълимнинг профессор-ўқитувчилари ҳам анъанавий услубда ўқитишни хоҳласаларда, лекин улар ҳам талабалар сингари ахборот, компьютер, медиа, коммуникатив саводхонликка эга бўлишлари, бўлажак рақамли таълим тизимида фаоллик кўрсатишлари зарур. Бу давр ва ҳаёт талаби.

Таълимни рақамлаштириш муҳитини яратиш ва такомиллаштиришда бўлажак ***инглиз тили ўқитувчиларининг медиасаводхонлигини ўстириш*** масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда инглиз ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўргатиш, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида медиатаълимнинг ўзига хос хусусиятлари, медиасаводхонликни шакллантириш воситалари ва усулларини ўрганиш таълим жараёнида медиатехнологиялар ва медиаматнлардан фойдаланиш ўта муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Чет тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантириш муаммоси асосан медиаматнларни танқидий қайта ишлаш ва медиасаводхонликни ёки медиа-компетенцияни шакллантириш, яъни, филологик ва нофилологик ОТМлар талабалари томонидан медиаматнлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳал қилинади. Шу билан бирга, медиасаводхонликни ўқитиш бўйича ижобий хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатдики, медиасаводхонлик турли хил ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, ҳар хил турдаги медиа маҳсулотларни тушуниш ва

тайёрлашни таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларининг лингвистик ва жанр хусусиятларини ўргатишни ўз ичига олади[187].

Бу ўринда гап *“рақамли таълим”* муҳити ҳақида борар экан, унда энг аввало, “Хорижий тил ва адабиёти” (*инглиз тили)* йўналишдаги профессор-ўқитувчиларнинг етакчи ролини бутунлай ҳаётда сақлаб қолиш ва анъанавий таълимни такомиллаштириш бўйича қуйидаги ***омилларнинг ташхиси ва вазифаларини*** амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– талабалар учун ўқитилаётган фан асослари бўйича қоғоз нусхасида ва интернетда интерфаол мультимедиали кўринишларда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича махсус ўқув-услубий кўрсатмаларни инглиз тилида ишлаб чиқиш ва барча талабаларга етказиш;

– умумий таълим технологиялари орқали ишлаб чиқилган методик кўрсатманинг асосий мавзулари бўйича видео маърузалар учун оммавий виртуал кутубхона ишлаб чиқиш ва уларга соҳа талабаларини фаол жалб этиш;

– юқори самарадорликка эга рақамли қурилмалар билан жиҳозланган тузилмалар, ўқув машғулот хоналари ва лабораториялари, медиастудиялари ва бошқаларни ўз ичига олган *“Рақамли компетенция маркази”*да оммавий очиқ онлайн дарслар ва онлайн тренинглар ўтказиш, ташкил этиш ҳамда орттирилган ижобий тажрибани ҳудудий таълим муассасаларидаги инглиз тили ўқув машғулотларида *қўллаш зарур*.

Педагогика олий ўқув юртларининг *“Хорижий тил ва адабиёти” (инглиз тили)* йўналишларида “замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш”[188], бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ва касбий маҳоратини узлуксиз равишда ривожлантириб боришнинг диагностикасини ишлаб чиқиш зарур. Бу борадаги махсус “Йўл харитаси”га

[187] Абдуқодирова Н.А. Инглиз тили дарсларида медиа саводхонликни шакллантириш (B2). - Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори ((PhD)) диссертацияси. – Жиззах, 2021. -129 б.

[188]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. http://lex.uz

асосланиб, ***қуйидаги вазифаларни кундалик амалиётда бажариш зарур***, деб ҳисоблаймиз:

а) ўқув режасидаги барча назарий ва амалий машғулотларини олиб боришда тақдимот тизимларидан инглиз тилида самарали фойдаланиш;

б) мутахассислик фанларининг маъруза ва семинар машғулотлари учун интернет билан боғлиқ ҳолда интерфаол ва мультимедиали тақдимотларини инглиз тилида ишлаб чиқиш;

в) реал вақт режимида интерфаол тақдимот, видео-конференциал тизимлари ва виртуал заллардан самарали фойдаланиб, масофавий ўқиш жараёнларини инглиз тилида олиб бориш;

г) электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда исталган вақтда масофавий таълим жараёнини матнли-график ёки видео форматда инглиз тилида амалга ошириш;

д) ўқув машғулотларида булутли технологиялар, виртуал ва кенгайтирилган воқеликдан инглиз тилида самарали фойдаланиш;

е) дидактик материаллар ва тажриба дизайнларини ишлаб чиқишда 3 D принтерини қўллаш;

ё) мутахассислик фанларининг маъруза ва семинар ўқув машғулотларида инглиз тилида рақамли дидактика ва рақамли таълим моделларини самарали қўллаш;

ж) *“инглиз тили”* йўналиши профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун мазкур соҳа факультетида илмий-амалий лойиҳалар, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, илмий-тадқиқот изланиш натижалари, масалан, монографик тадқиқот, ўқув қўлланма, рисола, диссертация, илмий мақола, ўқув фанлари бўйича фойдаланишга тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётлар матнлари учун инглиз тилида ***илмий веб-сайт*** ишлаб чиқиш зарур.

з) интерфаол столлар ва интерфаол тақдимот тизимлари, шу жумладан, энг сўнгги русумдаги замонавий ноутбуклар билан жиҳозланган ўқув

хоналарида ўтказиладиган маъруза машғулотларида икки томонлама мулоқотни таъминловчи тизимлардан инглиз тилида фойдаланиш;

и) интерфаол столлар жиҳозланган ўқув хоналарида “маъруза ёки семинар машғулотларини ёзиб олувчи” дастурларидан инглиз тилида самарали фойдаланиш зарур. Ушбу дастур слайдлар, аудио, видео, камера, ўқитувчининг ёзувлари ва интерфаол доска орқали тақдим этилган маъруза материаллари ёки семинар машғулотининг мазмунини ёзиб олишини таъминлайди. Талабалар – бўлғуси инглиз тили ўқитувчилари кейинчалик Интернет, IPod ва iphone орқали яна инглиз тилида фойдаланиш мумкин.

Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш учун электрон ва мобиль ўқув таълимини амалиётда қўллашнинг диагностикасида яна бир қатор долзарб вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш борадаги ***илмий-амалий таклифларимиз*** қуйидагилардан иборат:

– педагогика олий таълимининг виртуал илмий муҳити бўлган электрон платформасини инглиз тилида такомиллаштириш, уларга соҳа профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабаларни фаол жалб этиш;

– рақамли таълим муҳитида ташкил этилган электрон ўқув платформасида “инглиз тили” йўналиши ўқув режасидаги барча умумкасбий ва ихтисослик фанларининг маъруза ва семинар материалларини матнли-график ва видео шаклдаги форматда нашр этиш;

– соҳа йўналиши умумкасбий ва мутахассислик фанлар бўйича талабалар электрон интерфаол мультимедиали ўқув материалларини яратиш ва виртуал *кутубхонада* уларни нашр қилиш;

– олий таълимнинг *“Инглиз тили ва адабиёти”* йўналиши талабалари учун электрон интерфаол мультимедиали ўқув материаллари, вертуал тренажёрлар ва бошқалардан иборат рақамли таълим ресурсларининг миллий фондини инглиз тилида яратиш ва уларга талабаларни оммавий равишда жалб этиш;

– педагогика олий таълимида оммавий очиқ онлайн курс форматида тренинг курсларини инглиз тилида таълим олувчи талабалар учун ҳам, профессор-ўқитувчилар учун ҳам ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жалб этиб, инглиз тилида самарали фойдаланишга эришиш;

– рақамли таълим муҳитида *“Инглиз тили ва адабиёти”* йўналиши талабаларига рақамли авлод учун асосий имкониятларини таъминлайдиган дарслик ва ўқув қўлланмаларни ҳамда ўзлаштирилган материалларни текшириш ва баҳолаш учун интерфаол тестлар ҳамда мавжуд бўлган ва аввал аниқланган билимлардаги муайян бўшлиқлар учун интерфаол воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашга эришиш зарур.

Таълимни рақамлаштириш муҳитида “таълим олувчи” (бўлажак инглиз тили ўқитувчилари) ва “таълим берувчи” (профессор-ўқитувчилар) инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланишда қуйидаги ***педагогик ташхис омилларига*** алоҳида эътибор бериш зарур:

– рақамли таълим тизимида смартфонлардан самарали фойдаланиш ва смартфонларни бўлғуси ўқитувчиларнинг шахсий виртуал ёрдамчисига айлантириш;

– *“*замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш”[189] ва улардан талабалар инглиз тилида самарали фойдалана олишларига эришиш;

– рақамли таълим муҳитида умумкасбий ва ихтисослик фанларининг маъруза ва амалий машғулотлари семинарларини онлайн тарзида кузатиш ҳамда “ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек, уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи *“E-MINBAR”* платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида “булутли технологиялар”[190]дан инглиз тилида самарали фойдаланишга эришиш;

[189]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. http://lex.uz
[190]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. http://lex.uz

– рақамли таълим муҳитида ўйин (геймификация) асосида ўқув жараёнларини ташкил этиш ва инглиз тилининг бўлғуси ўқитувчилари ижодий ва интеллектуал фаоллигини ошириш;

–рақамли таълим муҳитида инглиз тилида таълим бериш ва ўрганиш жараёнлари ўқув "*Iot*" ва "*IoE*" лардан фойдаланиш;

– рақамли таълим муҳитида ўқув машғулотларида роботлардан бошқариш объекти ва ўқитувчининг ёрдамчиси сифатида фойдаланиш;

– рақамли таълимда инглиз тилини ўқитиш таълими жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланиш;

–"устоз-шогирд" тизимига асосланган педагог-талаба муносабатлари орқали электрон ва мобиль таълимнинг бир қисми бўлган ўқув жараёни учун рақамли таълим муҳитини яратиш ва бу орқали анъанавий ўқитиш шаклида ҳам талабалар – бўлғуси инглиз тили ўқитувчилари ўртасида фаол тармоқ орқали жамоавий бўлиб,*ўқиш – ўрганиш – ишлаш* тамойилини шакллантиришга эришиш;

–*"Инглиз тили ва адабиёти"* йўналиши ва ўқув режасидаги мутахассислик фанларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, рақамли "таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий"[191] маҳсулотларидан самарали фойдаланишни ривожлантириш;

– рақамли таълим муҳитида соҳа йўналиши бўйича оммавий очиқ онлайн машғулотларининг мазмун-моҳияти, услубий ва техник хусусиятларини яхшилаш;

– рақамли таълим тизимида илмий-тадқиқот парклари учун инглиз тилида тегишли вебсайтлар ишлаб чиқиш зарур.

Таъкидланганлардан ташқари, рақамли таълим муҳитида инновацион[192] педагогик моделлардан самарали фойдаланиш мақсадида мазкур соҳа вакиллари яна қуйидагиларни: а) анъанавий дидактик моделларни инновацион

[191]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил ПФ-5847-сон "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони. http://lex.uz
[192]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил ПФ-5847-сон "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони. http://lex.uz

моделларга ўзгартириш жараёнида бирламчи манба сифатида инновацион технологиялардан самарали фойдаланишга эришиш; б) “таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш;в) *вебинар, онлайн, “blended learning”, “Flippet classroom”* технологияларини амалиётга”[193] жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Булардан ташқари, рақамли таълим тизимида илмий ёндашувни таълимга жорий этишда бирламчи манба сифатида *Big Data, Blockchain, сунъий интеллект, Data Ssiance* каби рақамлаштиришнинг энг юқори даражасидаги воситалари ҳам таълим жараёнига жорий этилсагина, биз кўзлаган мақсадларга – рақамли таълим муҳитининг ***самарадорлигини*** янада оширишга,бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантиришга эришишимиз мумкин, албатта.

Рақамли таълим муҳитида инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни жорий этиш натижаларини таҳлил қилиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим. Чунки амалга оширилган ишларга дастлаб якун ясаб, уларни қайта кўриб чиққан ҳолда йўл қўйилган камчиликларни тузатишга ва келгусида бажариладиган вазифаларнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқишга имконият яратилади. Айтилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларнинг ҳаммаси бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини жаҳон андозаларига хос ва бугунги кун талабларига мос етук мутахассис сифатида тайёрлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кун мамлакатимиз таълим тизимининг репродуктив ҳолатдан узлуксиз ривожланувчи, очиқ-шаффоф ҳолатга ўтиши ҳам таълим олувчиларни ўз таълимий ва ижтимоий-маданий манфаатларини юзага чиқаришга йўналтириш жараёнлари таълим тизими бош субъектлари -

[193]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.http://lex.uz

“таълим олувчилар” ва “таълим берувчилар”нинг ўз фаолиятига муносабатини ўзгартириш заруриятини тақозо этади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, таълим тизими ривожланган дунёнинг қатор давлатларидаги олий таълим муассасаларида кўпчилик ўқув машғулотлари, масалан, маъруза ва амалий дарслар *Google Classroom* платформасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. Профессор Қ.Омоновнинг ижтимоий тармоқлардаги мақоласида таъкидлашича[194], одатда, кенг омма “*Google*” тизимини, асосан, қидирув ва электрон таржимон сифатида танийди. Бироқ ушбу тизимнинг илм-фан, таълим учун фойдали имкониятлари ниҳоятда кенг. “*Google*” тизими таълимдаги масофа ва макон тушунчасини йўққа чиқаради. Сабаби унинг дастурлари дунёнинг қай чеккасида бўлмасин, талаба ва педагогни бир вақтда ишлаш имкониятини яратади. Бу учун “*gmail*”дан электрон почта очишнинг ўзи кифоя қилади. *“Google classroom”, “Google doc”, “Google disk”* дастурлари бунда ёрдамга келади.

“Google classroom” – дастури синфхона вазифасини бажаради. Бунда педагог талабаларнинг рўйхатини тайёрлаш, тегишли уй вазифасини бериш, топшириқ бажарилиши муддатини белгилаш, баҳолаш, фанга оид қўшимча маълумот бериш, турли хил мавзуга доир баҳслар уюштириш ва талабалар фикрини билишга эришиши мумкин.

“Google doc” дастури талабаларни мақола, курс иши, битирув-малакавий иши, тадқиқот иши, илмий лойиҳа тайёрлашда кўмак беради. Бунда талаба *“Google doc”* дастурида электрон ҳужжат яратади ва илмий раҳбари билан “gmail” орқали алоқага чиқади. Ушбу дастурнинг имконияти шундаки, бир пайтнинг ўзида ҳам талаба, ҳам педагог таҳрир қилиш, қўшимчалар киритиш имкониятига эга бўлади. Ҳаммуаллифликда илмий мақолалар ёзишда ҳам жуда қўл келади. Айниқса, ҳозирги вақтда чет эллик ҳамкорлар билан ёхуд

[194]Омонов Қ. “Рақамли таълим: у нима ва бизга нима беради? – www.uza.uz – 2020.

илмий раҳбар билан бевосита кўришиш имконияти чекланган шароитда бу дастур катта қулайликлар ва афзалликлар яратади.

“Google disk” дастури маълумот сақлаш учун хизмат қилади. Дастур катта ҳажмдаги маълумотни сақлаш имкониятига эга. Бу дастур барчага бирдек қулайлик яратади. Фойдаланувчиларни ёзилган матнларни йўқотиш ва оғир китобларни кўтариб юришдан озод қилади. Кутубхонада ишлаб туриб керакли маълумотлар *“Google disk”*да сақланади ва зарурат туғилганда исталган ердан интернет воситасида юклаб олиш мумкин бўлади. Юқорида келтирилган барча дастурлардан фойдаланилгандан сўнг, талабаларни амалга оширган вазифаларининг натижасини *“E-Portfolio”* саҳифасида кўрсатиш мумкин бўлади.

“E-Portfolio” ҳам “*Google*” имкониятларидан келиб чиққан ҳолда яратилади. “*Google*”да веб-сайт яратиш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у жуда қулай. Ҳозирги информацион технологиялар ривожланиб, жадаллашиб бораётган бир пайтда, таълимни рақамлаштириш трансформацияси муҳитида ҳар бир профессор-ўқитувчи ёки талаба ўзининг ҳар соҳадаги фикрлари, қарашлари ва ютуқларини ўртоқлашиш мақсадида шу турдаги *“E-Portfolio”* яратса, унинг илмий, ижтимоий, фалсафий фаолиятидан барча бирдек баҳраманд бўлиши мумкин, албатта.

Шу ўринда қатор таълимий сайтлар муаллифи Марк Пренскининг *“Digital Natives, Digital Immigrants”* (“Рақамли дунё соҳиблари, рақамли дунё муҳожирлари”) номли мақоласида[195] бугунги кун талабаларига қуйидаги таърифни берганлиги ўз асосига эга, деб ҳисоблаймиз: “Ҳозирда талабаларимиз батамом ўзгарган. Замонавий талабалар эндиликда биз ишлаб чиққан таълим тизимимизга кўра, ўқитиладиган кишилар эмас”. Мақолада бугуннинг талабалари *“Digital Natives”* – “Рақамли дунё соҳиблари”– бугунги кунда компьютер, видео ўйинлари ва интернетнинг рақамли тилида ўз она тилидай сўзлашувчи ёшлар сифатида қаралади. Таълим соҳаси вакиллари

[195] Омонов Қ. “Рақамли таълим: у нима ва бизга нима беради? – www.uza.uz – 2020.

бўлмиш профессор-ўқитувчиларга эса *“Digital Immigrants”* – “рақамли дунё муҳожирлари” – рақамли, электрон дунёга мослашаётган, янги технологияларнинг кўпгина қирраларини энди қабул қилаётган кишилар сифатида баҳо берилади.

Хуллас, замонавий рақамли таълим авлодлари (телевизор, компьютер, планшет, ilod, таблет, фаблет, смартфон ва смарт доскалар) каби электрон қурилмалар орқали ўқув машғулотларини олиб боришда, маъруза, амалий ва семинар дарсларини ўтиш чоғида улардан самарали фойдаланишда педагогика олий таълими профессор-ўқитувчиларининг тегишли малака ва кўникмаларга эга бўлишлари зарурлигини давр талаб этади. Айтилган мулоҳазалар “Инглиз тили ва адабиёти” йўналиши устоз-мураббийлари ва талабаларига ҳам дахлдор.

Боб бўйича хулосалар

1. Рақамли таълим – янги технологиялар, платформалар ва таълим моделларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд таълимни янги тизимга кўчириш жараёнидир, - деган таъриф-қоидани таъкидлашни лозим топдик.

2. Янги Ўзбекистонда таълимни рақамлаштиришмуҳитини яратиш ва унинг фаоллигини бошлаш учун анъанавий, синхроник, асинхроник ва аралаш таълим соҳасидаги бир қатор долзарб вазифаларни бажариш, педагогик кадрлар ишини енгиллаштириш ва уларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланиш учун “рақам ва хавфсиз мактаб”, “онлайн мактаб”, “рақамли олий ўқув юрти”, “рақамли мадраса”, “рақамли кафедра”, “электрон дарслик”, “электрон кундалик” каби тизимларни зудлик билан жорий этиш бугунги давр талабига мос.

3. Оммавий очиқ онлайн курслар жаҳон таълим тизимидагиэлектрон таълимида етакчи мавқеига эга бўлиб, улар сифатли таълимдан инсоннинг яшаш жойи ва унинг мақомидан қатъи назар оммавий фойдалана олиш концепциясига мувофиқ юзага келди. Бўлажак инглиз тили ўқитвчиларининг

лингвистик компетенциясини ривожлантиришда, компетентли чет тили ўқитувчисини тайёрлашда мазкур курснинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

4. Дунё педагогик таълимида таълим олувчиларнинг ахборот саводхонлигини ошириш бўйича олимлар томонидан салмоқли илмий тадқиқотлар яратилган. Айниқса, рақамли таълим доирасида информатика фанига дахлдор Web технологиялар, интернет технологиялар ва Web дастурлаш бўйича муайян мавзуларни ўқитиш самарадорлигини ошириш борасидаги изланишлар эътиборга молик.

5. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантиришда мобиль таълим ўз моҳиятига кўра мобиль ҳисоблаш ва электрон ўқув муҳитларининг кесишган нуқтаси саналади. У ҳар қандай жойда рақамли таълим амалиётига олиб келади ва динамиклик ва кўпқирралилик каби функционал хусусиятларга эга.

6. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантиришда электрон масофавий ўқитиш жараёни етакчи мавқега эга бўлиб, таълимдаги бир қатор моделлар (бирламчи, ягоналик, иккиланганлик, аралаш моделлари, консорциум, валидация, узоқлашган аудиториялар, лойиҳалар) ни ўз ичига олади.

7. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантиришнинг диагностик таҳлилига эътибор қаратиш ва бу борада “Йўл харитаси”даги белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириб бориш мамлакатимизда тайёрланаётган миллий педагогик кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз равишда такомиллаштириб боришга хизмат қилганлигини тадқиқотимиз натижалари тўлиқ тасдиқлади.

III БОБ. ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

3.1. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари касбий компетентлигининг тузилмаси ва малака талаблари

Ўзбекистонда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг педагогик муаммолари Ш.Р.Ахлиддинов[196], У.Ш.Бегимқулов[197], Р.Ҳ.Джураев[198], Н.Ж.Исақулова[199], З.К.Исмоилова[200], Р.Г.Исянов[201], Ж.Ғ.Йўлдошев[202], Н.А.Муслимов[203], М.Б.Уразова[204], Ш.С.Шарипов[205], Э.Р.Юзликаева[206] кабиларнинг тадқиқот ишларида ёритилган.

Бугунги кунда ҳар бир таълим муассасалари ўқитувчи ва мураббийнинг обрўси ва уларнинг педагогик фаолияти, умуман, педагогик кадрлар тайёрлаш муаммоси давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Ўқитувчининг обрўси ва унинг фаолиятининг самарадорлиги фақатгина муайян фан мазмунидаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилияти эмас, “рақамли таълим” муҳитида ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади. Шу боисдан мамлакатимиз раҳбари: “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва тарбия соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда,

---

[196] Ахлиддинов Р.Ш. Умумий ўрта таълим сифатини бошқаришининг ижтимоий-педагогик асослари (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида) пед.фан.док...дисс. Тошкент, 2002. – 338 б.

[197] Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. // пед.фан.докт. илмий дар.учун дисс. -Т.: 2007. - 305 б.

[198] Джўраев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. -Тошкент, 2010. -87 б.

[199] Исакулова Н.Ж. Касб таълими методикаси: ўқув қўлланма. Т.: Фан; 2014. – 200 б.

[200] Исмоилова З.К. Ўқувчи-талабаларнинг социолингвистик-педагогик маданиятини ривожлантириш: Пед. фан. ном.... дис. – Тошкент, ТИҚХМИ, 2000. -130 б.

[201] Исянов Р.Г ва б. Олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш технологиялари. Монография. -Тошкент, 2011. 72 б.

[202] Йўлдошев Ж.Ғ. Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. -Т.: РТМ, 2004. -104.

[203] Муслимов Н.А. Тингловчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш муаммолари. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш мазмуни ва илғор хорижий тажрибалар. Халқаро илмий анжуман материаллари. 14-15 октябрь, -Ташкент, “Sano- standart” nashriyot, 2016.10-12б.

[204] Уразова М.Б. Бўлажак социолингвистик таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. Док.дисс.автор. Тошкент. 2015йил. 10, 17, 21- бетлар.

[205] Шарипов Ш.С. Талабалар ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (меҳнат ва касб таълими факультетлари мисолида): Дисс.... пед.фан.ном. -Т.: 2000.-205 б.

[206] Юзликаева Э.Р. Теория и практика подготовки учителя к диагностической деятельности: Дис. … д-ра. пед. наук. –Тошкент, ТГПУ, 2012. – 284 с.

замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлиши керак,”[207] – деган мулоҳазани таъкидлаганлар.

Бугунги кунда замонавий ўқитувчининг касбий компетентлиги қандай бўлмоғи лозим? Ушбу муаммонинг ечимини топиш учун тадқиқотни олиб бориш жараёнида **замонавий ўқитувчининг касбий компетентлик ваколатлари** тавсифини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик ва уни муаллифлик ёндашуви асосида қуйидагича тизимлаштирдик:

1. Шахсий сифатлар соҳасидаги компетентлик ваколати ўқитувчининг ўқув фаолияти билан самарали шуғуллана оладиган мутахассис сифатида таърифлайдиган муайян хусусиятларини ифодалайди. Кўпинча ўқитувчиларнинг ўзи ва педагогика институтларининг талабалари бундай фазилатлар орасида болаларга бўлган муҳаббат, умумий маданият, ўз ишини ташкил этиш қобилияти, педагогик фаолиятни танлаш учун мотивациянинг ривожланиб бориши ва ривожланишидан далолат беради. Ундаги учта асосий кўрсаткични алоҳида ажратиб кўрсатишни лозим топдик: эмпатия ва социорефлекция, ўзини ўзи ташкил этиш, умумий маданият.

2. Педагогик фаолиятнинг мақсад ҳамда вазифаларини белгилаш соҳасидаги ваколатлар ўқитувчи мақсадларининг ҳар бир босқичини амалга ошириш сифатини ифодалайди, олинган натижаларнинг тасвирини яратади, ўқув жараёни ёки мактабдан ташқари ишларнинг туркумига бўлган талаблар тизимини тушунтиради; натижага эришиш усулининг тавсифи ва унга қўйиладиган талабларнинг изоҳи; талабаларнинг мақсадларни белгилаш бўйича фаолиятини кузатиш ва баҳолашни ўз ичига олади.

3. Талабаларнинг ўқув фаолиятини амалга оширишга ундаш соҳасидаги ваколатлар ўқитувчининг талабаларнинг таълим фаолиятига бўлган қизиқишини шакллантириш каби вазифани бажаришга хизмат қилади. Ҳар қандай фаолиятли шахснинг уни амалга оширишга қизиқиши бўлмаса,

[207] Мирзиёв Ш.М. Ўқитувчилар ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. (Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимидаги нутқидан). - 30 сентябрь, 2020 йил.

натижаси жуда ҳам кам самарали ёки ҳатто самарасиз бўлади. Бу қизиқиш тегишли фаолият учун субъектнинг ижобий таълим мотивациясини шакллантиришда ифодаланади. Биз назарда тутган мотивация – бу тайёр бўлиш, инсоннинг бирор ишни қилишга, фаоллик кўрсатишга интилиши бўлиб, унда мавжуд бўлган барча мотивлар гуруҳлари,масалан, билим олиш, ижтимоий ва истиқболли мотивлар, мотивацияни шакллантириш вазифаси ўқитувчи фаолиятининг умумий тизимининг зарурий таркибий элементи ҳисобланади.

4.Фаолиятнинг ахборот базасини таъминлаш соҳасидаги компетентлик ваколати ўқитувчининг назарий ва услубий саводхонлигини, мавзу бўйича равонлигини, касбий соҳада фаолият тўғрисидаги билимларнинг ҳажмини акс эттиради; касбий зарур маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш қобилияти, педагогик вазиятнинг шартлари, талабаларнинг хусусиятлари, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари, ахборот тизим сифатида педагогик фаолиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Фаолиятнинг ахборот базаси қанчалик адекват, аниқ ва тўлиқ бўлса, профессионал педагогик фаолият ҳам шунчалик самаралироқ амалга оширилади. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида биз назарда тутган педагогик фаолият учта асосий кўрсаткичлар орқали, яъни, ўқитиш усулларига оид компетенция, ўқитиш мавзусидаги компетенция, фаолиятнинг субъектив шароитидаги компетенция орқали намоён бўлишини яна бир бор тасдиқлади.

5.Дастурларни, услубий, дидактик материаллар ва педагогик қарорларни ишлаб чиқишда компетентлик ваколати ўқитувчининг фаолият дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, турли хил педагогик вазиятларда қарорлар қабул қилишга тайёрлигини, ушбу қарорлар ва уларни амалга ошириш оқибатлари учун тўлиқ жавобгарликни англаган ҳолда акс этади. Ушбу компетентлик ўқитишнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ва талабаларнинг ижобий ўқув мотивациясини шакллантиришга имкон беради. Дарслик ва ўқув тўпламларини оқилона танлаш, ўз дидактик ва методик материалларини ишлаб чиқиш педагогик фаолиятнинг ажралмас қисми

ҳисобланади. Ўқитувчилар фаолиятининг асосий натижаси кўп жиҳатдан ўқув дастурини қанчалик малакали амалга оширишлари билан белгиланади, бу эса уларни ўқитиш ва тарбиялашда юқори кўрсаткичларга эришиш имконини беради. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, замонавий ўқитувчи буларни намунавий ўқув дастурларини танлаш ва амалга ошириш қобилиятига эгалигида, ўзларининг дастурий, услубий ва дидактик материалларини ишлаб чиқишида, турли хил педагогик вазиятларда тезкор ва асосли қарорлар қабул қилишида кузатиш мумкинлигини кўрсатди.

6.Педагогик фаолиятни ташкил этиш соҳасидаги компетентликлар ўқитувчининг талабалар билан ўзаро муносабатларни ташкил этиш, улар билан мулоқот қилиш, фаолиятини бошқариш ва натижаларини баҳолаш қобилиятини акс эттиради; дарсларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида, ўқитувчининг синфни (гуруҳни) бошқариш қобилиятида ўзини намоён қилади. Ўқитувчи ҳар бир боланинг ишини ташкил этишига, ишчанлик кайфияти ва ишчи муҳитини яратишга ҳаракат қилади. Буларнинг барчаси ўқувчи (тарбияланувчи)ларнинг қизиқиши, эътиборини, ўқув-билув фаолиятини оширади. Олиб борилган тадқиқот натижалари бундай ёндашув ўқитувчига алоҳида ўқувчилар (тарбияланувчи)га, уларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашувни топиш ва уларни ижобий ифодалашга ёрдам беришини исботлади.

ДТСда олий таълим битирувчилари учун муайян компетенцияларни ишлаб чиқиш ва шакллантиришга қаратилган асосий таълим дастурларининг натижаларига қўйиладиган талаблар мажмуи келтирилган. Янги таълим стандартларига мувофиқ, методист олим И.Г.Третьяк уқтирганидек, янги модулли ўқитиш тизимига ўтиш амалга оширилмоқда, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш тизими такомиллаштирилмоқда, бу педагогик кадрларни олий таълимда тайёрлаш тизимида илмий билимларни чуқурлаштиришни ўз ичига олади; ўрганилаётган психологик-педагогик ва фан блок (туркум)ларининг психологик-педагогик ва илмий-услубий даражасини, шунингдек, асосий

таълим ташкилотларида талабаларнинг бевосита амалий машғулотларини ошириш; педагогик мулоқот маданияти ва ишбилармонлик этикаси; жамоада ишлаш қобилиятини ривожлантириш, корпоратив маданият меъёрларини ўзлаштириш; унинг фаолиятининг воситаси бўлган илмий нутқ услубини ва, шубҳасиз, тадқиқот фаолияти учун усул ва технологияларнинг мавжудлигини ўзлаштириш ҳисобланади[208]. Фақат бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизимидаги бундай янгиликлар билан уларнинг ривожланган касбий компетентлиги ва тегишли хусусий компетентликлар мажмуи мавжуд бўлган ҳолда ўқитувчиларнинг замонавий янги авлодини шакллантиришни ишонч билан ҳаракат қилишимиз мумкин.

Тегишли тадқиқотларни ўрганиш ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни таҳлил этиш натижаларининг кўрсатишича, бўлажак педагогда шаклланадиган касбий компетентликни республикамиздаги педагогика олий таълими мисолида қаралганида, олиб борилган тадқиқотимиз натижаларига кўра, унинг қуйидаги учтаметодологик асослари мавжудлиги аниқланди:

а) муайян мақсад, мазмун, тегишли объект ва педагог меҳнати воситалари ҳақидаги махсус билимлар мажмуасини ўзлаштириш;

б) педагогик фаолиятнинг тайёргарлик, бажарувчанлик ва якуний босқичларида махсус кўникмаларга эга бўлиш;

в) педагогик фаолиятнинг амалга ошириш ва кутилаётган натижаларга эришишга имкон берадиган шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва тавсифини эгаллаш.

Тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида мазкурметодологик асосларга таяниб бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбийкомпетентлигида қуйидаги учта тузилма мавжудлигини аниқладик: а) мазмунли асос (инглиз тилига оид лисоний билимларнинг мавжудлиги); б) технологик асос (инглиз тилини ўқитишда лингводидактик ва лингвометодик усулларига эгалик); в) шахсий асос (шахснинг айрим хусусиятларига эга бўлишлик). Ушбу ўринда

[208] Третьяк И.Г. Профециально-педагогическая компетентность педагога. – Самарский научный вестник. – 2014. №4(9). -130-132 стр.

уларни алоҳида–алоҳида кўздан кечириб тавсифлаймиз,тажриба-синов майдонларида бир неча бор тасдиқланганкузатиш ва фикр-мулоҳазаларни муаллифлик ёндашуви асосида қисқача берамиз.

1.Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий компетентлигининг мазмунли асоси. Бу асос педагогика олий таълим муассасаларида 5111400 - Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича ўқув режасида ўқитиш кўзда тутилган умумкасбий ва ихтисослик фанлари, масалан, “Инглиз тили амалий курси”, “Инглиз тили лексикологияси”, “Инглиз тили ўқитишнинг инновацион-педагогик технологиялари”, “Нутқ малакалари интеграцияси”, “Касбга йўналтирилган инглиз тили”каби фанларни мос қуйи босқич таълим муассасалари (мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар таълими)даги инглиз тили фанлари билан алоқадорликда ўқитишни кўзда тутади. “Инглиз тили” йўналишининг I босқичига хос бу алоқадорликнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, инглиз тили фанининг муайян мақсадга йўналтирилганлиги, уни ўрганиш истиқболларининг таълим олувчилар томонидан махсус ўрганишни таъминлайди ва натижада мазкур фаннинг онгли равишда ўзлаштирилишига имконият беради, албатта.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этмоқчимизки, аслида хорижий тилларни, хусусан, инглиз тилини ўрганиш осон иш эмас: аввало, таълим олувчидан бу борада ўз устида тинимсиз шуғулланишни, қолаверса, муайян кўникма ва малака ҳосил қилишни талаб этади. Айни ҳолат ҳаммага сир эмас. Лекин биз назарда тутаётган фундаментал лингвистик тайёргарлик шу соҳа бўйича мутахассис ўқитувчи тайёрлашнинг мақсади эмас, балки воситаси ва шунинг учун ҳам эгалланаётган касбнинг эҳтиёжларига мослаштирилган бўлиши зарур. Хорижлик олим А.К.Мордкович айни ҳолатни “фундаментал тамойил”,[209]– деб номлаган эди. Бу тамойил нафақат қуйи босқич таълим муссасаларидаги инглиз тили фани ва педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган инглизтили фанлари орасидаги узвийликни,

[209] Мордкович А.Г. Профессионально-педагогическая направленность специальной подготовки учителя математики в педагогическом институте: дисс... д-ра пед.наук. – М.- 1986.

балки олий таълим муассасаларидаги таълим олиш ва бўлажак инглиз тили ўқитувчисида меҳнат фаолияти орасида узвийликни амалга оширади. Бу тамойилни амалга ошириш ОТМ ва қуйи босқич таълим муассасаларидаги инглиз тили фанлари мавзуларнинг ўқув режасида бир-бири билан узвий боғлиқлигининг, у ёки бу мавзу нима учун махсус ва алоҳида ўрганилишини таъминлайди. Қолаверса, мазкур фанларнинг дедуктив тузилишига зарур бўлган мантиқий муаммоларни ва уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатишга имконият яратади.

Тажриба-синов олиб борилган таълим муассасаларида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, бу жараёнда компетентли ёндашув элементларидан етарлича фаол фойдаланилмоқда ва бўлажак инглиз тили ўқитувчиси тайёргарлигининг касбий йўналганлик концепцияси доирасида ривожлантирилмоқда. Хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг касбий–педагогик йўналганлик концепциясида касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган олтита тамойил (фундаменталлик, узлуксизлик, етакчи ғоя, бинарлик, ахборотлаштириш, мажмуавий ёндашув) аниқлаб берилган. Биз тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида мана шу тамойиллар ва бўлажак инглиз тили ўқитувчиси компетентлигининг мазмунини ташкил этувчиси орасидаги боғлиқликнинг қайдаражада эканлигини аниқлаш мақсадида педагогик олий таълимининг “инглиз тили” йўналиши ўқув режасига киритилган “Инглиз тили ўқитишнинг инновацион педагогик технологиялари”, “Нутқ малакалари интеграцияси”. “Тил аспектларини ўргатиш амалиёти компонентлиги”, “Инглиз тили лексикологияси”, “Инглиз тили амалий курси” каби мутахассислик фанлар мисолида кўриб чиқдик. Натижада ҳар бир тамойилнинг фанларни ўқитишдаги ўзига хос мазмун-моҳияти ва амалга ошириш усулларини аниқладик (қаранг: иловалар, 3-жадвал).

2. Инглиз тили ўқитувчиси касбий компетентлигининг технологик асоси. Бу асос унинг махсус методик тайёргарликни, хусусан, инглиз тилини

ўқитишда лингводидактик ва лингвометодик усулларга эга бўлишликни талаб этади, аммо бу асос ўз моҳиятига кўра, хорижий филологик тайёргарликнинг ажралмас қисми саналади. Унга кўра, педагогика олий таълим муассасасида хорижий филология (хусусан, инглиз тили) фанлари мажмуаси таълим олувчида нафақат инглиз тилида кенг дунёқарашга эга бўлишини ва хорижий-филологик маданиятнинг таълим даражасига эришишни таъминлаши, балки шу билан бирга, қуйи таълим муассасалари (мактаб, академик лицей, касб-ҳунар таълими)даги инглиз тили фанларини баён қилиш усуллари, шу ўринда, айниқса, лингводидактик ва лингвометодик усуллари билан таништиришни ҳам таъминлаши зарур.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий компетентлигининг технологик асосининг лингводидактик ва лингвометодик усуллари узлуксизлик характерга эга бўлишни, яъни таълим олувчиларнинг педагогик фаолиятга узлуксиз эришиш жараёнида инглиз тилига дахлдор барча мутахассислик фанлар иштирок этиши лозим. Айни ҳол талабага педагогика олий таълим муассасасида таълим олишнинг дастлабки кунларидан бошлаб, қуйи таълим (мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар таълими) ўқитувчиларининг ўрнига вақтинчалик даврда ўқув машғулотларини олиб бориш ва ўтказиш имкониятини беради. Хусусан, олий таълимнинг ўқув режасига кўра, ўн уч ҳафталик педагогик амалиёт даврида мустақил стажёр мураббий – инглиз тили ўқитувчиси вазифасида ҳам вақтинчалик давр учун ишлаш имкониятини туғдиради. Айни ҳол ўз навбатида касбий тайёргарликнинг ушбу жиҳатида, аниқроғи, педагогик амалиёт даврида белгилаб олинган иш режасидаги вазифаларни тўлиқ бажариш орқали муайян ижодий характер касб этади ва таълим олувчиларда ўз касбига янада қизиқишини уйғотади, муҳаббатини оширади. Биз учун энг муҳими, талаба уларда автоматизм, ижод жараёнини таъминловчи шахсий технологиялар элементлари ва такрорланувчи элементларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Мазкур омиллар ўз навбатида *“мамлакат тараққиёти учун янги ташаббускор ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуалл ва*

маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларни тайёрлаш[210]*”* каби устувор вазифани амалга ошириш имкониятини яратади. Таъкидланганларнинг ҳаммаси бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида ҳам педагогик, ҳам лингвистик компетенцияни ривожлантиришга, қолаверса, замонавий ўқитувчи-мутахассис сифатида тайёрланишига хизмат қилади.

3. Хорижий филологик компетентликнинг шахсий асоси. Бу асос инглиз тили ўқитувчисининг маҳсулдор педагогик фаолияти учун муҳим касбий аҳамиятга эга. Илмий-методик адабиётларда айни масалалар бўйича хилма-хил мулоҳазалар билдирган. Масалан, А.А.Дергач ва Н.В.Кузминалар шахснинг муҳим сифатларини махсус билимлар, қобилиятлар ва кўникмаларни ўзлаштириш, шу билан бирга касбий иш фаолиятга зарур бўлган, самарадорликка эришиш учун керакли бўлган шахснинг психологик ҳусусиятлари сифатида таърифлайди; бундай сифатларга интеллектуал, иродавий,яъни ўз-ўзини бошқариш қобилияти; ташкилий, яъни фаолият механизми каби шахсий хислатларни киритади[211]. И.Д.Пехлицкий ўқитишнинг индивидуал услублари ва компетентлари ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Касбий фаолиятни амалга ошириш учун нафақат шахснинг алоҳида муҳим сифатларининг аниқлик даражаси, балки уларнинг ўзаро боғлиқлиги муҳим, унинг натижасида педагогда коммуникативлик ва ташкилотчилик каби шахсий хислатлар, таълим бериш усулларининг компонентлари шаклланади[212]. Ушбу мулоҳазаларни биз ҳам маъқуллаймиз, лекин уларни бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг лингвистик ва педагогик компетентлигига нисбатан тақдим этилса, муаллиф таъкидлаган ўқитишнинг индивидуал усулини ишлаб чиқмасдан бир қатор педагогик муаммоларни ҳал этишга эҳтиёж сезилади, албатта. Биз бу борадаги

[210] Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан салоҳияти ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисда”ги Фармони.
[211] Дергач А.А., Кузмина Н.В. Акмеология: пути достежения вершин профессионализма // Российская академия управления. – М.- 1993.
[212] Пехлицкий И.Д. Компоненты индивидуального стиля преподования. – Пермь. – 1990.

мулоҳазаларимизни муаллифлик ёндашуви асосида қисқача баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида маънавий комилликка филологик тафаккурлаш ва фикрлашни шакллантиришда мазкур йўналишнинг ўқув режасидаги умумкасбий ва мутахассислик фанларининг аҳамиятикатта. Бу ўринда ***филологик тафаккурлаш ва фикрлаш***нинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у нафақат филологик қобилиятни ривожлантиришга, балки умумпедагогик қобилиятни, инсон онгини ва унинг шахсини бутунлай ривожлантиришга имкон беради. Филологик тафаккурлаш ва фикрлаш педагог нутқига хос бўлган барча сифатларни, масалан, оғзаки нутқ қоидаларига қатъиян риоя қилишлик, яъни лингвистик компетенцияларда орфоэпик ва фонетик меъёрларга бўйсуниш, муайян лисоний таҳлилда мантиқийлик, умумлаштиришга қобилиятлилик, сўзамоллик, яъни нутқда лексик бойлигининг кўп бўлишлиги ва бошқаларни ўзида мужассамлаштиради. Биз томондан олиб борилган тадқиқот натижалари умумкасбий фанлар ёрдамида бундай сифатларнинг ҳаммасини бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида босқичма-босқич шакллантирилсагина кўзланган мақсадамалга ошишини ва бу борада талабаларнинг лингвистик компетенцияси ривожлантирилишини исботлади.

Инглиз тилини ўқитишнинг шахсий асоси ўз мазмун-моҳиятига кўра, унинг ахлоқий жиҳатини ҳам ўз ичига олади. Инглиз тили таълими йўналишидаги мутахассислик фанларни ўрганиш талабанинг тасаввурлари ва илмий изоҳлар орасидаги номутаносибликларни бартараф этиш заруриятини юзага келтиради. Бу нафақат фикрнинг аниқлиги ва мантиқийлигига, балки кўп маънолик, фикрнинг ҳаммага тушунарлилиги, педагогик тамойиллик, ўзга фикрни қабул қилиш, ҳақиқатга ва касбга садоқатлилик, қўйилган мақсадга эришишда қатъийлик, темир интизомлилик, меҳнатсеварлик ва ростгўйлик каби ахлоқий этик ва иродавий сифатларни шакллантиради. Олиб борилган тадқиқот натижалари талабаларнинг маънавий ривожланиши ва инглиз тилини ўрганиши нафақат онгига, балки унинг руҳий кечинмаларига таъсир

қилади, охир-оқибатда мазкур соҳа мутахассиси сифатида шаклланишига хизмат қилди, деган яхлит тўхтамга келишимизга асос бўлди.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси маънавий эстетика ва хорижий филологиянинг ўзаро боғлиқлигини англамасдан комилликка эриша олмайди. Таълим олувчилар ўрганилаётган фаннинг филологик лисоний тизимида, эстетик ҳолатлари ва ички уйғунликни кўришни, гўзаллик ва ҳақиқатнинг бирлигини тушунишни ўргатувчи барча имкониятлардан фойдаланиши зарур. Ҳозирги ДТС талабларига кўра, қуйи таълим муассасаларидаги инглиз тили фани ҳам, педагогика ОТМларида ўқитиладиган инглиз тилига, соҳа йўналишига дахлдор мутахассислик фанлари ҳам юқоридаги эстетик имкониятларга эга. Аммо бу ўринда таъкидлаш лозимки, бошқа лингвистик материалларни узатиш, уларни талабаларга тавсия қилиш, аудиторияда таҳлил қилиш, таржима матнлари устида ишлаш уларни тўғри ёзиш ва талаффуз қилиш, муайян расм-кўргазмани мустақил тасвирлаш ва инглиз тилида шарҳлай олиш, уларни тўлиғича қабул қилиш ва тушуниш эстетикаси каби қатор педагогик-лингвистик омиллар соҳа талабалари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Педагогика олий таълим муассасалари битирувчилари тайёргарлик даражаси бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий-педагогик компетентлигининг мазмуни 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари асосида аниқланади. Мазкур таълим йўналиши битирувчилари касбий-педагогик фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари ягона расмий-меъёрий ҳужжат – ДТС[213]да берилган. Улар қуйидагилардан иборат:

1. *Педагогик фаолиятида:* таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини

[213] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарор, 2018 йил 3 май.

моделлаштириш; яхлит педагогик жараёнининг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, бадиий таълим ва эстетик тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш; бадиий таълим ва эстетик тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;бадиий таълим ва эстетик тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш; бадиий таълим ва эстетик тарбиянинг хилма-хил методларни, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш[214];

2. *Илмий-тадқиқот фаолиятида:* илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги бадиий-эстетик ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;интернет тармоғида бадиий таълим ва эстетек тарбия фанларига дахлдор миллий ва хорижий мамлакатлар илмий-тадқиқотлари”[215] ютуқларини ўрганиш; таълим йўналишларидаги бадиий ва эстетик тарбия фанларга оид илмий тўпламлар ютуқларини ўрганиш;илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш; маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш[216];

3. *Маънавий-маърифий фаолиятида:* маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш; ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва

[214]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарор, 2018 йил 3 май.
[215]http://www.samdu.uz/public/images/.pdf.http://samdu.uz
[216]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарор, 2018 йил 3 май.

технологияларини билиши;глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш; миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш[217];

4. *Ташкилий-бошқарув фаолиятида:* педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш; жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш; бадиий экологик тарбия ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш ва бошқариш; фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш; бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш[218].

Хулоса қилиб айтганда, қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

1) бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияси– бу психологик-педагогик билим соҳасидаги ваколатлар тўпламида ифодаланган яхлит мулки; жамоада ижтимоий ва қадрият вазифаларини бажариш, хатти-ҳаракатларнинг салбий кўринишларини олдини олиш ва бартараф этиш имконини берадиган бўлажак педагогнинг ижтимоий ва қадрият хусусиятларини,шунингдек, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш қобилиятини қамраб олувчи таълим тизимидир.

---

[217] http://www.samdu.uz/public/images/.pdf.http://samdu.uz; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарор, 2018 йил 3 май.

[218] http://www.samdu.uz/public/images/.pdf.http://samdu.uz; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарор, 2018 йил 3 май.

2) бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий компетентлиги учта (мазмунли, технологик ва шахсий) тизимлар асосида ривожлантирилди ва такомиллаштирилди.

3) ДТСда белгилаб берилган барча талаблар мажмуи бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида педагогик, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий фаолиятида замонавий ўқитувчи – мутахассис тайёрланишига етакчи омил сифатида хизмат қилди.

3.2. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида касбий-лингвистик компетентликни ривожлантириш омиллари

Жаҳон таълим тизимида мутахассис кадрларни тайёрлашга, шу жумладан, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоларига бағишланган қатор илмий ишларамалга оширилган, монографик тадқиқотлар эълон қилинган. Россиялик ва МДҲ олимларининг бу борадаги илмий ишлари муҳим аҳамиятга молик. Хусусан, Т.А.Болдова[219], Л.А.Борходоев[220], Ж.М.Блиева[221], Е.П.Герасименко[222], Н.М.Губина[223], Т.И.Густомясова[224], Н.Ж.Дагбаева[225], Т.Г.Добросклонская[226],

[219]Болдова Т.А. Обучение студентов старших курсов иностранному языку на основе использования электронных гипертекстов: Автореф.. док.пед. наук. –М.: НИИ, 2014. -С.14.

[220]Борходоев Л.А. Прагматический текст как средство формирования социокультурной компетенции студентов языкового вуза.: Дис. ... канд.пед.наук. -Улан-Удэ, 2002. - 211 с.

[221]Блиева Ж.М. Психолого-педагогические условия формирования языковой компетенции студентовв учебно-воспитательном процессе вуза.: Дис. ... канд. пед. наук. - Владикавказ, 2007. - 166 с.

[222]Герасименко Е.П. Развитие профессиональной коммуникативной компетентности студентов туристского вузав процессе обучения публичным устным коммуникациям: Дис. ... канд. пед. наук.-Москва, 2004.-182 с.

[223]Губина Н.М. Формирование межкультурной компетенции студентов в процессе обучения деловому английскому языку в элективном спецкурсе: кондидат, -Москва, 2004. – 189с.

[224]Густомясова Т.И. Методика формирования социолингвистической компетенции студентовна материале E-mail-проектов: неязыковой вуз, английский язык: Дис. ... канд. пед. наук. - Волгоград, 2010. -217 с.

[225]Дагбаева Н.Ж. Овчинникова М.Ф. Принципы формирования социолингвистикой компетенции на начальном этапе языкового вуза// Вектор науки ТГУ №1.(8). 2012. Стр. 103-105.

[226]Добросклонская, Т.Г. Теория и методы медиа лингвистики: на материале английского языка: дис. докт.филол.наук. - М.: 2000. -368 с.

С.А.Денисова[227], И.А.Исенко[228], И.В.Клименко[229], Ю.Ю.Ковалева[230], Е.А.Костина[231], М.В.Леушкина[232], Е.С.Нечаева[233], Н.Ф.Радионова, М.В.Кропачева[234], В.В.Сафонова[235], М.П.Трофименко[236], С.И.Шевченко[237] ва бошқаларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда ҳам мазкур муаммоларга бағишланган қатор илмий ишлар қилинган. Хусусан, Г.Х.Бакиева[238],Б.Р.Джўраева[239], Н.М.Мажидов [240], Н.И.Муртозаева[241], Б.Х.Раҳимов [242], С.И.Қулмаматов[243], О.А.Қўйсинов[244] ва бошқаларнинг ишларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

---

[227]Денисова С.А. Методика формирования учебно- познавательного компонента иноязычной коммуникативной компетенции студентов на основе информационных и коммуникационных технологий (Английский язык, направление подготовки «Лингивистика») .: дисс....канд.пед.наук. -Томбов, 2015. -174с.

[228]Исенко И.А. Методика формирования социолингвистической компетенциив устном иноязычном общении студентов языковых факультетов педагогических вузов: на материале испанского языка: Дис. ... канд. пед. наук. -Москва, 2007. - 337 с.

[229]Клименко И.В. Формирование профессиональной компетентности в системе непрерывного педегогического образования. // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2014. - № 3. 116 – б.

[230]Ковалева Ю.Ю. Формирование методической компетенции будущего учителя английского языка как второго иностранного: на базе немецкого языка как первого иностранного: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. -Томск, 2003. -21с.

[231]Костина Е.А. Развитие социокультурного компонента профессиональной компетентности будущего учителяв образовательном процессе вуза: на материалерованного курса «Английский языкиановедение» ... канд. пед. наук. - Новосибирск, 2006. - 214 с.

[232]Леушкина М.В. Речевое общение как основа формирования профессиональной культуры будущего специалиста: В сфере профессиональной коммуникации: Автореф.дис. ... канд.пед.наук.- Ульяновск, 2005. - 26 с.

[233]Нечаева Е.С. Методика формирования социолингвистической компетенции студентов языковых факультетов педагогических вузов на основе социофонетического компонента: на материале английского языка: Диссертация ... кандидата педагогических наук: -Москва, 2010. - 216 с.

[234]Радионова Н.Ф., Кропачева М.В. - Соболевская (СанктПетербург) Зарубежный опыт профессиональной подготовки педагогов к раннему обучению дитей иностранным языкам //ЧЕЛОВЕК И ОБРАЗОВАНИЕ.- №1.-(42). -2015.- С.151.

[235]Сафонова В.В. Социокультурный подход к обучению иностранному языку как специальности: дис. … д-ра пед. наук. -М., 1992. – 528 с.

[236]Трофименко М.П. Формирование социально-коммуникативной компетентност студентов педагогических специальностей вуза в процессе профессиональной подгатовки.кондидат пед.наук. - Нижневартовск, 2013-191с.

[237]Шевченко С.И. Формирование коммуникативной компетенции в чтении на английском языке с применением компьютерных технологий в вузах: Автореф.дис. ... канд.пед.наук. -Киев, 2004. -24с.

[238]Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на материале консанантизма).: автореф. Дисс....канд.пед.наук. -Т.:1987.-21 с.

[239]Джўраева Б.Р. Формирование педагогической культур будущих учителей в процессе обучения дисциплин педагогического цикла. –Тошкент, Фан, 2003. -177 с.

[240]Мажидов Н.М. Психологические аспекты профориентационный работы на профессию учителя (на опыте пед. классов Узбекистана) Автореф. дисс. ... канд. психол. наук. -Т.: 1991.-19 с.

[241] Муртозаева Н.И. Чет тили ўқитиш методикасининг ривожланиш мазмуни: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2009.-159.

[242] Раҳимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида социолингвистик-маданий муносабатларнинг шаклланиши: Пед. фан. ном. ... дис. -Тошкент, 2004 . 161 б.

[243] Қулмаматов С.И. Мустақил таълимни ташкил этишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси: Пед.фан.ном....дис. - Гулистон, ГулДУ, 2008. -122б.

[244] Қўйсинов О.А. Касб таълим йўналиши бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий-методик асослари: Пед.фан.ном....дис.автореф -Т., 2008. -22б.

Янги Ўзбекистон педагогика олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бўлажак ўқитувчилар, шу жумладан, инглиз тили ўқитувчиси бутун ҳаёти давомида мустақил таълим олишга интилувчан, таълимни рақамлаштириш муҳитида янги педагогик технологиялардан ҳабардор бўлган ва улардан бемалол фойдаланиб, шахсан ўзи мустақил ҳолда қарор қабул қиладиган, жаҳон таълими стандартларига тўлиқ жавоб берадиган, ижтимоий ҳаётга ва бўлажак касбий муҳитга мослашувчи, ҳис-ҳаёжонли ҳолатларга доимо тайёр турувчи, аммо улардан тезлик билан моҳирона чиқа оладиган бўлиши лозим. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги давр ва касб талабидир.

Л.М.Митина “педагогик компетентлик” атамасини “предмет ҳақидаги билимлар, ўқитиш методикаси ва дидактикаси, педагогик мулоқот кўникмаси ва малакаси, шунингдек, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини амалга ошириш усуллари ва воситаларининг уйғун бирлашуви”, – деб изоҳлайди ва унинг тузилмасида учта (фаолиятли, коммуникатив ва шахсий) етакчи омиллар мавжудлигини таъкидлайди[245]. Мазкур мулоҳазаларни биз ҳам маъқуллаймиз ва уни назарий асос сифатида қабул қиламиз. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида аниқланган ва тажриба-синов ишларида синаб кўрилганқуйидаги учта омиллар бўлажак инглиз тили ўқитувчиси педагогик компетентлигининг ривожланиш даражасини белгилайди, деб ҳисоблаймиз:

а) фаолиятли ёки махсус компетенция (билим, кўникма, малака ва педагогик амалиётни амалга оширишнинг якка тартибдаги хилма-хил усуллари мажмуи);

б) шахсий ёки касбий компетенция (касбий ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз устида мустақил тинимсиз изланиш ва охир-оқибатда ўз-ўзини амалга оширишга оид билим, кўникма ва малакалар мажмуи);

в) коммуникатив компетенция (педагогик фаолиятни амалга оширишга оид билим, кўникма ва малакалар мажмуи).

[245] Митина Л.М. Психология труда и профессионального развития учителя. - М.: Академия. - 2004. - 320 с.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси лисоний компетенциясининг ривожланишида касбий компетентликнинг фаолиятли ва шахсий тузилмалари устувор эканлигини алоҳида таъкидлаймиз. Қуйида таъкидланган омилларнинг ҳар бирига муаллифлик ёндашуви асосида қисқача тўхталамиз.

1. Инглиз тили ўқитувчисининг фаолиятли компетенцияси. У инглиз тилини мустақил ва алоҳида меҳр билан ҳис этган ҳолда ўрганишга оид билим, кўникма, малака ва индивидуал усулларни эгаллашга йўналтирилган. Фаолиятли компетенция, энг аввало, ўз ичига соҳага оид барча лингвистик билимларни қамраб олади. Талабанинг инглиз тилини мустақил ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда ўрганиш фаолияти тил ўқитишда таълим мазмуни ва предметини ишончли эгаллаш орқали юзага чиқади.

Педагогика олий таълим муассасаларида инглиз тили ўқитиш мазмуни, *биринчидан*, инглиз тили фани ютуқларидан орқада қолмаслиги, *иккинчидан*, жамият эҳтиёжларига мос келиши учун доимо янгиланиб бориши лозим. Ҳозирги вақтда фундаментал ёндашув зарур бўлган мазмунни танлаш муҳим аҳамиятга эга, яъни таълим мазмуни ўз ичига таълим олувчини ривожлантириш, унинг сўровларини қаноатлантириш, ўзини-ўзи мустақил аниқлай олиш учун зарур бўлса, барчасини олиши ва билиши керак. Қолаверса, инглиз тили ўқитиш мазмунини танлаш мезонлари ва белгиларини, аниқроғи, мазкур тилни ўрганиш ва ўргатиш қонуниятларини билиши шарт. Масъулиятни ҳис қилган ҳолда инглиз тилини ўқитишни ташкил этиш, мазмунни дифференциаллашни, уни индивидуаллаштириш ва оптималлаштиришни талаб этади. У шахс тавсифларини уйғотиш ва ривожлантириш учун асосларни ўз ичига олиш керак. *Инглиз тили ўқитиш мазмуни*– бу қотиб қолмаган, балки доимо такомиллашиб борувчи таълим пойдеворидирки, буни дунё мамлакатлари аҳолисининг кўпчилик қисми мазкур тилни давлат тили сифатида қабул қилганлиги, кундалик сўзлашув нутқида ва ўқиш-ўқитиш тизимида фаол қўлланаётганлиги яна бир бор тасдиқлайди.

Фаолиятли компетенция бизнинг нуқтаи назаримизча, предметли компетенцияга нисбатан кенгроқ ҳисобланади. Тушуниш – компетентлик шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Оддий билим – бу ҳали ҳам инсон фаолиятининг асоси бўлиб ҳисобланмайди, чунки у реал вазиятга бу билимнинг мос келишини ҳали билмайди. Билим тушуниш билан бирлашиши лозим, билимни эгаллаш учун уни моҳиятан тушуниш лозим бўлади. Ўқитувчининг вазифаси билимларни тушунишни таъминлаш, бунинг учун эса, у энг аввало, инглиз тилининг ўқитиш методикасига эга бўлиши керак. Ўқитиш мазмуни эса тасвирлаш воситаларидан, яъни ўқитиш методикасидан айри ҳолда эмас, балки уни моҳиятан тушуниш лозим бўлади Демак, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фаолиятли компетенцияларни эгаллаш даражаси мазмун ва ўқитиш методикасини эгаллаш даражаси орқали аниқланади, деган ғояни илгари сурамиз.

Ушбу мулоҳазаларни алоҳида таъкидлашимизнинг муайян асослари бор: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун[246] 2015-2017 йилларда олиб борган илмий тадқиқотларимизни якунлаш мақсадида белгиланган таълим муассасаларида тажриба-синов ишларини ўтказдик. Бунда биз томонимиздан инглиз тили фанида таълим олувчиларнинг билимини баҳолаш, тегишли хулосалар чиқариш мақсадида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга мўлжалланган ихтисослик фанларга дахлдор махсус ўқув курси ташкил этилди. Бу махсус курсда қўйилган мақсадни амалга ошириш учун, энг аввало, методологик ва лингвистик таҳлил ёндашувига алоҳида эътибор қаратилди. Инглиз тилини ўқитишда фаолият методологияси ва лисоний компетенцияларини пухта эгаллаш, уларга дахлдор билимларни пухта ўзлаштириш, билим, кўникма ва малака тизимини инкор этмаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этишда фаол иштирокчи сифатида қатнашдик. Охир-оқибатда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида педагогик

[246] http://tmatm.uz/site/wpcontent/uploads/2015/09/1.2.-Normalar.pdf.http://tmatm.uz

компетентликни ривожлантиришнинг дастлабки омилларидан бири *фаолиятли ёки махсус компетенция* эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдик.

2. *Инглиз тили ўқитувчисининг шахсий ёки касбий компетенцияси.* Бу компетенция соҳа ўқитувчисининг касбий ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўз-ўзини амалга оширишга қобилиятлиликни билдиради. Шахснинг ўзини-ўзи такомиллаштириш ва ўзини-ўзи амалга оширишга эҳтиёжи А.Масловнинг олға сурган ғоясига, яъни шахснинг ўзини-ўзи фаоллаштириш концепциясига мос ҳолда шахснинг олий эҳтиёжи бўлиб ҳисобланади. Шахснинг ўзини-ўзи фаоллаштириши дейилганда, бу ўзини-ўзи амалга оширишга инсоннинг интилиши, ўзининг потенциал имкониятларини амалга оширишга уриниши тушунилади. А.Маслов шахс табиатининг қуйидаги талқинини таклиф этган эди: инсон табиатан яхши ва ўзини-ўзи такомиллаштиришга қобилиятли, одам–онгли ва ақлли яратувчи, инсон моҳиятининг ўзи доимий равишда уни шахсий ўсишга ва ижодкорликка йўналтиради. Унинг фикрига кўра, мустақил фаолликка мойиллик шахсининг моҳиятини ва ўзагини ташкил этади[247].

Касбий фаолиятдаги тажрибаларимиздан келиб чиққан ҳолда, алоҳида таъкидламоқчимиз: бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантириш моделини қуришда ва лингвистик компетенцияни ривожлантиришда тадқиқотимизнинг тажриба-синов ишларида қайта-қайта текширилган қуйидаги ***педагогик омиллар*** ҳал қилувчи роль ўйнади:

а) касбий компетентлик лисоний билимлар инглиз тилини ўқитиш методикаси ва дидактикаси, педагогик мулоқот (кўникма ва малака) маданият, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи такомиллаштириш, ўзини-ўзи аниқлаш усуллари ва воситаларининг уйғунликдаги бирлашмаси сифатида тушунилади;

б) педагогика олий таълими муассасаларида касбий компетентликни шакллантириш инглиз тили ўқитувчиси касбидаги ички ўзининг “мен-

[247] Маслов А. Самоактуализация // Психология личности. - М. - 1982.

ҳақиқий” дан ва “мен-идеал” ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этишга қадар бўлган бир қатор босқичларда амалга оширилади;

в) бўлажак инглиз тили ўқитувчисида касбий компетентликни шакллантириш ўқитишни ташкил этишда эътиборга олиш зарур бўлган ўзаро бир-бири билан боғланган икки, яъни гностик ва амалий босқичлари орқали амалга оширилади;

г) бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий ўзини-ўзи ривожлантириш ижодий моҳиятга эга, шунинг учун ҳам педагогик меҳнат субъекти сифатида талабага борлиқдаги ўзининг имкониятларини эркин танлашни тақдим этувчи ўқув жараёнини ташкил этиш талаб этилади.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг шахсий-касбий компетенциясини шакллантириш контекстида педагогик мулоқотни амалга оширишга хизмат қилувчи нутқий компетенциянинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидламоқчимиз.

Тажриба-синов майдонларида амалга оширилган ишларнинг якуний хулосалари шуни кўрсатадики, педагогика олий ўқув юртлари “инглиз тили” йўналиши битирувчилари ўзларининг муайян вазифаларда ишлаши лозим бўлган касбий фаолиятнинг кўплаб соҳалари инсонга фаол таъсир кўрсатувчи шахслараро педагогик мулоқот билан боғлиқлиги аниқланди. Талабанинг нутқий маданияти, умумий маданияти билан тўлақонли таълим олиш имкониятлари ҳамда маънавий, ижтимоий ва касбий ўсиш истиқболлари ўртасидаги боғлиқлик шубҳа уйғотмайди. Тилшунос А.А.Потебня тўғри таъкидлаганидек, “сўзда инсон қалбига ташқи ва бегона бўлмаган янги дунёни топади, лекин у аллақачон бошқанинг руҳи томонидан қайта ишланган ва ўзлаштиргандир... киши сўз айирбошламай туриб, ҳар хил ташқи қўзғалувчанликда ахлоқан ухлаб қолади”[248].

Бу ўринда алоҳида таъкидлашни истардики, замонавий таълим жараёнининг инсонпарварлиги ва антропоцентризми тил ва нутққа алоҳида

[248] Потебня А.А. Слово и миф. М., 1989. – 17 с.

эътибор беришни назарда тутади, чунки айнан уларда ва фақат улар орқали талаба мутахассис сифатида шаклланиши мумкин. Нутқ нафақат талабанинг кўзгуси, балки унинг фаолиятидаги таркибий қисми бўлиб, унинг шахсий, ментал моҳиятини белгилайди.

Илмий-методик адабиётлардаги методист олимларнинг мулоҳазаларига кўра, педагогика олий ўқув юртларининг замонавий битирувчиси нафақат ўқимишли, мураккаб муаммо вазиятларни таҳлил қилиш ва ҳал қилишга қодир бўлиши, балки уларнинг профессионал ва шахсий ривожланишининг муҳим таркибий қисми бўлган ўз нутқий маданиятига эътибор қаратиши ҳам лозим. Бу меъёр инглиз тили йўналиши битирувчиларига ҳам тааллуқли, деб ҳисоблаймиз.

Методист М.П.Манаенкованинг таъкидлашича, жаҳон таълим тизимининг барча жабҳаларида нутқ компетентлигини шакллантириш зарурати тобора кучайиб бормоқда. Кўп жиҳатдан бундай долзарблик таълим жараёни ва унинг натижасидаги нутқий-фикрлаш фаолиятининг ривожланиши шахснинг муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлаши билан асосланади, қачон у ўз хусусиятлари ва фарқлари билан намоён бўлишга интилганда, жамият томонидан қабул қилиниши зарурлигини кўрсатади[249]. Таъкидлаш лозимки, бу ўринда талабанинг нутқий маданияти, унинг умумий маданияти, тўлақонли таълим олиш имкониятлари ва маънавий, ижтимоий ва касбий ўсиш истиқболлари ўртасидаги алоқадорлик етакчилик қилади.

Жамиятнинг нутқий маданияти билан танишмай туриб, билимли шахсни, хусусан, бўлажак инглиз тили ўқитувчисини мутахассис сифатида шакллантириш мумкин эмас, шунинг учун бугунги кунда гуманитар таълим муҳитини ташкил этувчи барча ўқув фанлари ва машғулотларнинг асосий вазифаси соҳа талабаларида нутқ компетентлигини шакллантиришга қаратилган. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида айни таъкидланаётган муаммонинг педагогика илмида илмий жиҳатдан тадқиқ этилмаганлигини

[249] Манаенкова М.П. Речевая компетенция – зеркало духовной культуры человека // Социально-экономические явления и процессы. Там-бов, 2013. № 5. С. 273-275.

инобатга олдик, шу боисдан бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг нутқ компетенцияси муаммоларига тадқиқотимизнинг учинчи бобида алоҳида фасл ажратдик ва унда тегишли кузатишларимизни беришни лозим топдик.

Хуллас, нутқ компетенцияси бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг асосий шахсий ва касбий компетенцияларидан бири ҳисобланади, шунинг учун уни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари замонавий таълим тизимида, хусусан, олий таълимнинг педагогика йўналишларда ҳам алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

3. Инглиз тили ўқитувчисининг коммуникатив компетенцияси. Э.Г.Азимов ва А.Н.Щукинларнинг фикрича, коммуникатив компетенциячет тили воситасида маиший, ўқув, ишлаб чиқариш ва маданий ҳаётда долзарб бўлган мулоқот масалаларини ҳал қила олиш; тил ва нутқ воситалари ёрдамида мулоқот мақсадларига эришишдир[250]. Ушбу фикрни маъқуллаган ҳолда муаллифлик ёндашуви асосида қуйидагиларни ***таъкидламоқчимиз***: инглиз тили ўқитувчисининг коммуникатив компетенцияси жамиятда инсонлар билан ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили, ўзи яшаётган давлатнинг расмий тили ҳамда хорижий тилларда сўзлашиш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда аниқ ҳамда тушунарли баён қила олиш, саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ҳамда берилган саволларга асосли, тўғри жавоб бериш, мулоқот вазиятига мослаша олиш, мулоқот жараёнида муомала маданиятига амал қилиш, суҳбатдошининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўзининг нуқтаи назарини ҳимоя қила билиш, суҳбатдошини ишонтира олиш, зиддиятли вазиятларда ўзини-ўзи бошқара олиш, муаммо ҳамда келишмовчиликларни ҳал этишда мақбул қарорларни қабул қилиш каби жуда кўп жиҳатларни қамраб олади.

Илмий-назарий ва методик адабиётларда хорижлик олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари хилма-хил эканлигини кузатдик. Ю.Жуков коммуникатив компетентликнинг асосий, муҳим эканлигини кўрсатиш учун

[250] Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам).–Москва: ИКАР, 2009.–210 с.

уни метакомпетентлик ёки “ядро компетентлиги” деб атайди[251]. Бошқа олимларнинг фикрига кўра, компетентликнинг бу тури ижтимоий, касбий, шахслараро компетентликка киради ва уларни бир-бири билан боғлайди. Шу билан бирга, касбий, ижтимоий ва шахслараро компетентлик коммуникатив компетенциянинг компонентлари сифатида талқин қилинади[252]. Биз бу борада коммуникатив компетенциянинг шахснинг атрофдаги олам билан унинг барча жабҳаларида мулоқот қилиш самарадорлигини кўрсатадиган асосий омилларидан бири эканлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлаймиз.

Тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида, энг аввало, бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг лингвистик компетенциясини ривожлантиришда коммуникатив компетенция етакчи омил эканлигини ҳисобга олдик. Унинг компетентлик талабларидан келиб чиққан ҳолда, лисоний ва педагогик-психологик омилларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб, мазкур ***омиллар***ни қуйидагилардан иборат, деб белгиладик: соҳа лексикасини билиш; оғзаки нутқнинг ривожланганлиги (аниқ ва тўғри сўзлаш қоидаларига амал қилиш); ёзма нутқнинг талаб даражада эканлиги; мулоқот этикасига қатъиий риоя қилиш; мулоқот тактикалари ва стратегиясининг пухта эгалланганлиги; мулоқот иштирокчиларининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммоларини билиш; ташқи сигналлар (тана ва юз ҳаракатлари, нутқ оҳанги)ни таҳлил қила олиш қобилияти; низоларнинг олдини олиш; ўзига қатъий ишониш; бошқаларни тинглай олиш; нотиқлик маҳоратини юқори даражада эгаллаш; мунозараларни ташкил қилиш ва олиб бориш малакаларини эгаллаш; кундалик ҳаётда ўзгаларга ҳамдард бўла олиш ва ўзгалар манфаатини англаш.

[251] Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. – М.: Просвещение, 1978.-160с.

[252] Адольф В.А. Теоретическая основы формирования профессиональной компетентности учителя: автореф. дисс. д-ра пед.наук. – М. – 1998. –48 с.; Бочкова Р.В. Компьютерные технологии в профессиональной деятельности работника образования: учеб.пособие. – Саранск. – 2008. – 194 с.; Булавенко О.А. Характеристики компетентности специалиста // Проф. Образование. – 2005. - №4. – С.21; Вербицкий А.А., Ильязова М.Д. Инварианты профессионализма: проблемы формирования. – М.Логос. 2011. – 288 с.

Биз тадқиқот давомида аниқлаган ва тажриба-синов ишларида қайта-қайта синаб кўрган коммуникатив компетенциянинг ушбу компонентлари, асосан, педагогик-психологик жиҳатлар билан тавсифланган бўлиши мумкин, шу билан бирга мазкур компонентлар ушбу компетенциянинг барча соҳаларида бир хил бўлмаслигини тасдиқлайди. Буни инглиз тили ўқитувчисининг лингвистик компетенциясини шакллантириш жараёнида яққол кузатдик ва бунга иқрор бўлдик.

Коммуникатив компетентлик чет тилини, хусусан, инглиз тилини ўрганаётган талабада ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, балки бир қатор билим, кўникма ва малакалар ҳамда уларни қўллай олиш лаёқати кабиларни ўзлаштиришдан ҳосил бўлади. Шунинг учун баъзи илмий-методик адабиётларда коммуникатив компетенциянинг таркиби хилма-хил тарзда кўрсатилади. Жумладан, D.Hymes коммуникатив компетенцияни грамматик, ижтимоий-лингвистик, стратегик ва дискурсив компетенциялардан иборат, – деб билади[253]. Д.Изаренков коммуникатив компетенциянинг элементларини учта асосий қисмга: тил, хусусий ва прагматик компетенцияларга бирлаштиришга ҳаракат қилади. Хорижлик бошқа олимларнинг илмий ишларида ҳам шунга ўхшаш, моҳиятан бир-бирига яқин мулоҳазаларни кузатамиз.

Қатор тадқиқотчилар, хусусан, хорижий тил бўйича Европа стандарти муаллифлари И.А.Зимняя, В.А.Коккотта, М.К.Кабардов ва бошқалар чет тили коммуникатив компетенциясини шаклланган коммуникатив мулоқот фаолиятини амалга ошириш қобилияти сифатида қарайдилар.

Д.Хаймс, И.С.Андерсен, М.Олинак, Элисон д’Англжан, Д.Сэнкоффлар коммуникатив компетенция концептини тилдан фойдаланиш қобилияти сифатида тушунадилар. Е.И.Калмикова уни чет тилида нисбатан эркин мулоқот даражаси сифатида тавсифлайди. Н.Л.Гончарова мулоқот

[253]Hutmacher W. Key competencies for Europe // Report of the Symposium. Berne, Switzerland, 27-30 march 1996. Council for Cultural Cooperation (CDCC) // Secondary Education for Europe. Strasburg. - 1997.

"техникаси"дан фойдалана олиш даражасига муайян нормалар, хулқ-атвор стереотиплари, билим натижасини ўзлаштирганликни ҳам қўшади.

М.Н.Коренова мулоқот жараёнининг барча параметрларини ўрганиб чиқади, И.Л.Бим уни маданиятлараро мулоқотгача кенгайтиради[254]. Инсоннинг маданиятлараро даражада чет тилида мулоқот қилиш қобилиятлари мажмуини Н.Д.Галскова иккиламчи тил шахси деб атайди[255].

Кўрамизки, коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдиради ҳамда яхлит мажмуани ҳосил қилади. Бундай компетенциянинг таркибий қисмлари билим, кўникма ва малакаларни баравар қўллаш орқали эришилади. Биз бу ўринда коммуникатив компетенцияни муаллифлик ёндашуви асосида қуйидагича умумлаштирамиз: *чет тили коммуникатив компетенцияси – бўлажак чет тили ўқитувчисининг турли мулоқот вазиятларида иккиламчи тил шахси сифатида ҳаракат қилиш, яъни ўзаро маданий мулоқотда иштирок этиш қобилияти ва тайёргарлигидир*.

Чет тили коммуникатив компетенциясининг компонент таркиби билан бир қаторда чет тилларни ўқитиш методикасида унинг шаклланиш даражалари ажратиб берилган. Умуман олганда, тадқиқотчилар уларнинг сонини аниқлашда якдил: сони олтита эканлигини таъкидлайдилар.Фақат фарқлар шаклланиш даражаларининг номланишида кузатилади.

Чет тили коммуникатив компетенциясини ўзлаштирганлик даражаларининг энг тўлиқ тавсифи "Бутун Европа компетенциялари"да келтирилган бўлиб, у учта асосий даражани кўзда тутади: А, В ва С, уларнинг ҳар бири паст ва юқори даражаларни ўз ичига олади[256]. Бу талабларнинг афзаллиги чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг ҳар бир даражасида нутқ фаолиятининг барча турларини батафсил кўриб чиқишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, бу талаблар "Бутун Европа

[254] Коренева М. Р. Компенсаторная компетенция как цель обучения в языковом вузе. Улан-Удэ: Изд-во БГУ, 2009. с.9-11.
[255] Гальскова Н. Д. Современная методика обучения иностранным языкам. М.: Аркти-Глосса, 2000. с.65.
[256] Modern languages: learning, teaching, assessment: acommon European framework of reference. Strasburg, 1996. p.23-27.

компетенциялари"да тақдим этилган компетенциянинг уч компонентли моделига мувофиқ ишлаб чиқилган. Бўлажак чет тили ўқитувчиларига қўйиладиган талабларни тузишда ижтимоий-маданий, ижтимоий ва касбий кўникма ва малакалар назарда тутилиши лозим.

Россиялик олим И.Л.Бим хорижий тил факултетида ўқиш натижаси С2 даражасига мос келадиган ўқимишли тил эгаси[257] компетенциясига яқинлашадиган юқори даража бўлади, деб ҳисоблайди. Бироқ чет тили ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиш бўйича услубий тавсиялар В2 ва С1 орасидаги оралиқ даражанинг биринчи малака тоифасини олиш учун етарли эканлигини кўрсатади. С2 даражаси олий малака категория олиш учун зарур[258] эканлигини тавсия этамиз.

Биз назарда тутаётган “инглиз тили” йўналишида ҳам мулоқот нутқсиз амалга ошмагани каби нутқий фаолият турларини коммуникатив компетенциясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу боисдан ҳам ДТСда бўлажак инглиз тили ўқитувчилари, яъни чет тили бўйича С1 даража битирувчиларида нутқий (коммуникатив) компетенция бевосита нутқий фаолиятни қуйидаги амалий воситалар орқали шакллантирилиб ривожлантирилиши қайд этилган.

– ***Тинглаб тушунишда билиш ва бажара олишга қўйиладиган талаблар:*** ўз мутахассислик соҳаларига оид бўлмаган абстракт ва мураккаб мавзулардаги кенг кўламли нутқларнинг айрим жиҳатларини ойдинлаштириб олиш зарурияти туғилса, айниқса, сўзловчининг талаффузи ноаниқ ёки тил диалекти нотаниш бўлган ҳолларда ҳам тушуна олиш; кенг кўламдаги идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини фарқлай олиш ва ижтимоий муҳитга мос тарзда тилнинг ўзгариш хусусиятини тушуна олиш; кенг кўламли нутқларни аниқ тузилмаган ҳолларида ҳам тушуниш ва улардаги очиқ ойдин ва яширин фикрларни ҳам етарли даражада англай олиш; муҳокама ва

[257] Коренева М. Р. Компенсаторная компетенция как цель обучения в языковом вузе. Улан-Удэ: Изд-во БГУ, 2009. с.7

[258] Аттестация учителей иностранных языков общеобразовательных учреждений / под ред. Л.Я.Олиференко. 4-е изд. М.: Айрис-пресс, 2005. с. 6-11.

дебатлардаги асосий ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мулоқотни, мавзулар бирмунча мавҳум ёки нотаниш бўлган ҳолларда ҳам, осонлик билан тушунган равишда кузата олиш; кенг қамровли, тилнинг айрим ностандарт ишлатилиш ҳолларини ҳам ўз ичига олган аудио тасма ва ахборот материалларини тушуна олиш ва сўзловчилар ўртасидаги бирмунча яширин қарашлар ва муносабатлар, кичик деталларнинг муҳим жиҳатларини аниқлай олиш; фильмларни сленг ва идиоматик ибораларнинг ишлатилиш ҳолларининг аксар қисмини тушунган ҳолда кузата олиш; сифат жиҳатидан бирмунча ёмон, овоз эшитилиш ноаниқроқ бўлган оммавий эълонлардан (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар) тегишли маълумот ола билиш[259] ва бошқа талаблар шулар жумласига киради .

Маълумки, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида ижтимоий-сиёсий, оммабоп мазмундаги нутқ ҳамда матнлар, сўзлашув услубидаги нутқни тинглаб тушунишга оид кўникма ва малакалар, асосан, шаклланган бўлади. Чет тили таълимининг мақсадларидан бири ушбу кўникма ва малакаларни соҳавий вазиятларда юзага келадиган нутқ борасида янада ривожлантиришдан иборат.

Ўқишда билиш ва бажара олишга қўйиладиган талаблар:

а) оғзаки мулоқот (диалогик нутқ)да: илмий ва соҳага оид конференция, давра суҳбатлари, мунозара (жонли ёки воситали)ларда мулоқотни бошлаш, олиб бориш ва якунлай билиш; фикрларни аниқ ифодалаган ҳолда муҳокамаларда фаол қатнаша олиш, вазиятга мос тарзда тилни мослаштира олиш; ўз расмий нуқтаи назарини ишонч билан илгари сурган ҳолда қарши томоннинг бир қатор мураккаб савол ва шарҳларига мос равишда равон ва спонтан тарзда жавоб бера олиш; семинар ва муҳокамаларда сўраш, ойдинлик киритиш, нутқни бўлиш ва тўлдириш стратегияларини мос равишда қўллай олиш[260].

[259] Чет тили бўйича C1 даража учун таълим мазмуни- узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти... http://uz.denemetr.com

[260] Чет тили бўйича C1 даража учун таълим мазмуни- узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти... http://uz.denemetr.com

Ушбу кўникма ва малакаларнинг аксарияти содда кўринишда олий таълимдан аввалги таълим босқичларида шаклланади. Бироқ амалда шахсий қарашлари ва фикрларини билдириш, мавзу доирасида мустақил фикрбилдириш малакалари ривожланмаган бўлади. Бу уларни олий таълим босқичида соҳага оид материаллар воситасида шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

б) оғзаки монологик нутқда: соҳага оид мавзулар бўйича презентация ва маърузалар қила олиш; объект, субъект, вазият ва ҳодисаларни батафсил тасвирлай олиш; маъруза, муҳокама ёки мақолага тўғри ва равон тарзда хулоса қила олиш; илмий нуқтаи назар ёки фикрни ривожлантириш, далиллар келтириш орқали асослай олиш[261].

в) ўқиш жараёнида билиш ва бажара олиш талаблари: ўз мутахассислик соҳаларига оид ёки оид бўлмаган кенг кўламли бир мунча узун ва мураккаб матнларни услубий жиҳатлари очиқ ойдин ёки бирмунча яширин баён этилган фикрларни аниқлаган ҳолда тушуна олиш; кичик деталларнинг муҳим жиҳатлари, қарашлар, очиқ ойдин ёки бир мунча яширин баён этилган фикрларни ҳам аниқлай олиш; ўз мутахассислик соҳаларига оид вебсайт ёки журналлардан тегишли тафсилотларни ола билиш[262].

Маълумки, умумтаълим босқичида ўқувчиларга лексик ва синтактик жиҳатдан бирмунча содда матнлар ҳамда материаллар берилиши боис уларда ўқишга оид кўникма ва малакалар, асосан, шаклланган бўлади. Олий таълим босқичида ўқиш учун бериладиган материаллар эса соҳавий хусусиятга эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёзишда билиш ва бажара олишга қўйиладиган талаблар: барча турдаги хатларни ёза билиш; барча турдаги иншоларни ёза билиш; танланган мавзулари бўйича магистрлик илмий ишини ёза олиш; соҳага оид мақолалар

[261]Чет тили бўйича С1 даража учун таълим мазмуни- узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти... http://uz.denemetr.com
[262]Чет тили бўйича С1 даража учун таълим мазмуни- узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти... http://uz.denemetr.com

ёза билиш; соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлилларини ёза олиш; соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш; турли илмий материалларга хулоса ёза олиш; тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларини ёза олиш; грант ва стипендиялар учун таклиф ва аризалар ёза олиш[263].

Ушбу малакаларни шакллантирадиган методик воситалар умумтаълим тизимида жуда кам қўлланишини таъкидлаш лозим. Жумладан, дарсликларда айрим расмий ҳужжатларнинг намуналари берилади, холос. Шу боис бу турдаги малака ва кўникмаларни ривожлантириш бўйича асосий масъулият олий таълимга юклатилади, чунки мазкур компетенциялар бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида ҳосил бўлмаса, мутахассис иш фаолиятининг биринчи куниданоқ муаммолар билан тўқнашади.

Билимлар, кўникмалар, малакалар ва педагогик таълим беришни ижодий амалга ошириш усулларини эгаллаш педагог шахсининг коммуникатив компетентлигига олиб келади. Мазкур компетентлик алоҳида тизим сифатида ўқитувчининг муҳим касбий сифатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Кўпгина илмий-педагогик адабиётларда ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги тузилмасида мотивацион, акмеологик, ахборотли-мазмунли, тезкор-фаолиятли компонентлар етакчи аҳамият касб этиши таъкидланган. Масалан, методист Е.В.Тармаева номзодлик диссертациясида бўлажак ўқитувчида коммуникатив компетентликни шакллантириш жараёни қуйидаги педагогик шароитларга риоя этилгандагина муваффақиятли бўлишини таъкидлайди:

[263]Чет тили бўйича С1 даража учун таълим мазмуни- узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти... http://uz.denemetr.com

а) коммуникатив компетентлик таълим жараёни субъектлари томонидан таълим олувчи билан ўзаро таъсирлашувни амалга оширишга ўқитувчининг тайёргарлиги сифатида тан олинса;

б) ўқитиш жараёни эмпатияли ўқитишда қадриятли йўналтиришларни ривожлантиришга имкон берувчи таълим олувчи ва ўқитувчининг диалогик (мулоқотли) ўзаро таъсирлашуви сифатида ташкил этилса;

в) бўлажак касбий фаолият контекстида таълим олувчи шахсида ижтимоий-қадриятли муносабат шаклланса[264].

Таъкидланганлардан ташқари, бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг лингвистик компетенциясини шакллантириш моделини қуришда педагогик касб хусусиятлари ва инглиз тили ўқитувчиси ихтисослик тавсифига қўйиладиган талабларни ҳам эътиборга олиш зарур. Бундай талаблар 2018 йилда тасдиқланган ДТСда 5111400 – Хорижий тил (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятига қўйиладиган малака талабалари сифатида белгилаб берилган.

Бу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, чет тил ўқитиш таълим жараёнида лисоний билимлар интеграция жараёни “Хорижий тил ва адабиёти” таълим йўналиши ўқув режасида ўқитиш кўзда тутилган турли хил ўқув фанлари (инглиз тили амалий курси, лексикология, мамлакатшунослик, чет тил ўқитиш методикаси, инглиз тили стилистикаси ва матн таҳлили, қиёсий типология ва таржима назарияси, тил аспектлари амалиёти, ўқиш ва ёзиш, тил кўникмалари интеграцияси ва бошқалар) мазмунининг ўзаро таъсирлашуви, ўзаро бир-бирига кириб бориши ва ўзаро бир-бирига алоқаси сифатида қаралади.

Ўқув фанлари интеграцияси муаммоли-қидирув ўқитишни амалга оширишга имкон беради. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисида касбий-педагогик компетентликни шакллантиришда кредит-модулли рейтинг тизими

[264] Тармаева Е.В. Развитие коммуникативной компетентности у будущих учителей: дисс... канд.пед.наук. – Улан-Удэ. - 2007.

самарали ҳисобланади, у ўқитишни индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш, касбий-педагогик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишда талаба шахсининг ички потенциалларини фаоллаштириш учун педагогик кўмакни таъминлашга имкон беради.

Талабаларнинг мустақил ишлари таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришга хизмат қилувчи етакчи омиллардан биридир. У ҳар бир талабанинг ўзига хос ўқув фаолияти бўлиб, лисоний ва дидактик топшириқларни мустақил ва эркин равишда бажаришга, мутахассислик фанларни яхши ўзлаштириб олишга ва ўқиш фаолиятга қизиқтиришга, энг муҳими, танланган соҳа билимларини пухта ва дастур доирасида тўлиқ ўзлаштиришга йўналтирилган. Мутахассислик фанларга тегишли талабаларнинг мустақил ишлари (МФТТМН) мазмун-моҳиятига кўра, мантиқий фиклашни, ижодий фаолликни ва муайян темир интизомни талаб этади; ўқув режасидаги фан материалларини ўзлаштириш орқали касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришда тадкикотчилик ёндашувини таркиб топтиришга имкон берувчи амалий топшириқларни бажариш жараёни билан боғлиқ бўлади.

“Хорижий тиллар” йўналиши ўқув режасига кўра, МФТТМН бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг тўла мустақил фаолият билан биргаликда аудиториядан ташқари бажариладиган профессор-ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишини (ЎРТМН) ҳам ўз ичига олади. Умуман, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришга хизмат қиладиган талабаларнинг мустақил ишлари мазмунини уч гуруҳга ажратишни лозим топдик: *а) мобиль қурилмада* амалга ошириладиган мустақил ишлар; *б) анъанавий шаклда* бажариладиган мустақил ишлар; *в) электрон шаклда* амалга ошадиган мустақил ишлар (қаранг: иловалар, 4 жадвал).

Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришга дахлдор мустақил ишлар натижалари тадқиқотимизда ҳозирги амалдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низом”[265] (9.09.2018 йил, 19-2018 сонли бўйруқ)га асосланилди, ўзлаштирилган баллар алоҳида жадвал асосида кредит балларида ва ҳарфли тизимда баҳоланди (қаранг: иловалар, 5-жадвал).

Тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида профессор-ўқитувчи раҳбарлигидаги инглиз тили йўналиши мутахассислик фанларидаги талабаларининг мустақил ишлари масофавий таълим платформасида рақамли таълимнинг етакчи шаклларини қўллашни лозим топдик ва амалга оширдик (қаранг: иловалар, 6-жадвал).

Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришда ҳилма-хил кўринишдаги назоратлар ҳам муҳим педагогик омиллар бўла олади. Тадқиқотимиз доирасида қўлланилган бундай педагогик омиллар ихтисослик фанлари бўйича босқичма-босқич амалга оширилди (қаранг: иловалар, 7-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

1. Бугунги шиддат билан бораётган ва жуда тез суръатда ўзгараётган ижтимоий-ҳаётий муҳит педагогика олий таълим муассасалари “инглиз тили” йўналиши битирувчиларида компетентлик, ташаббускорлик, таълимда интизомлилик ва ўз устида мунтазам равишда мустақил ишлай олишлик, динамик ва конструктивлик, етакчи хорижий тиллардан бирини, хусусан, инглиз тилини мукаммал билишлик, юқори даражада компьютер саводхонлигини эгаллашлик, жаҳон андозалари асосида таълим олишлик, илғор замонавий педагогик янгиликларга қизиқиш ва уларга интилувчанлик

[265]http://mopqtm.zn.uz

каби педагогик компетенцияга дахлдор шахсий сифатларни ривожлантиришни тақозо этади.

2. Умумкасбий ва мутахассислик фанларга дахлдор мустақил таълим материалларидан: уйга бажаришга берилган вазифалар, ўз-ўзини баҳолаш учун (ёзма назорат топшириқлари, ёзма ва электрон тестлар, имтиҳон билетлари), шунингдек, дайжестлар, кўп сўраладиган савол-жавоблар банки (*FAQ*), ўргатувчи дастурлар, масофавий таълим платформаси ва форумлар бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришга ва такомиллаштиришга хизмат қиладиган етакчи омиллар саналади.

3. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида педагогик компетенцияни шакллантирувчи омиллар шахсий йўналтирилган ёндашувни, уни индивидуаллаштиришни, дифференциаллаштиришни, гуманитарлаштириш ва фундаменталлаштиришни тавсифлайди. Фаолиятли, шахсий ва коммуникатив компетенциялар мажмуасини ўзлаштириш бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида касбий-педагогик компетентликнинг шаклланиши ва ривожланишининг оптимал даражасини таъминлайди.

4. Чет тили коммуникатив компетенциянинг ривожланишида лингвистик компетенциянинг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Инглиз тили таълимида лингвистик компетенция бир қатор **вазифа ва малакаларга**, хусусан,нутқда кундалик ҳаётда кўп қўлланадиган ижтимоий мавзуларга оид сўз ва ибораларни, тилнинг миллий маданий лексикасини, маънодош, шаклдош сўзларни, касб-ҳунарга оид атамаларни, ўқув дастуридаги нутқий мавзуларга оид фаол лексикани билиш ҳамда оғзаки ва ёзма нутқда уларни тўғри қўллаш малакаларидан иборат бўлади. Демак, айтилган мулоҳазаларга асосланиб, *лингвистик компетенциянинг асосий мақсади* тил материали, хусусан, фонетика, фразеология, лексика, грамматикага дахлдор барча лисоний билимлар ва нутқ фаолияти турларига тегишли тинглаш, гапириш,

ўқиш ва ёзиш бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутади[266], деган илмий-услубий ғояни илгари сурамиз.

3.3. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетентлигини умумкасбий фанлар мажмуи орқали ривожланлантириш

Сўнгги йиллардаги жаҳон таълим тизимидаги таҳлилларнинг кўрсатишича, амалиётда ўқув режа дастурларини такомиллаштириш ҳар доим ҳам ўқув жараёнининг самарасини оширишга ёрдам беравермайди. Реал амалий фаолият талабларидан ажралган ҳолда ўқув жараёнида расмий ёндашув бўлғуси ўқитувчи касбий компетентлигининг ривожланишида бирмунча ҳалақит бераяпти. Методист И.Т.Липатникова, “Ҳозирги замон мактаби педагогика олий таълим муассасидан пайдо бўлган муаммоларини ҳал этиш йўлларини танқидий баҳолаш ва топиш, таълим тизимидаги аниқ ҳолатни таҳлил қилиш, ўз фаолиятини одеактив ўрганиш, ахборот коммуникация технологиялари воситаларини қўллаш, улардан тегишли ахборотларни топиш, қўллаш ва танлашни билишга қодир ўқитувчи кутилмоқда[267],– деган ҳақли мулоҳазани таъкидлайди. Бу мулоҳаза мамлакатимизнинг миллий таълимт йўналишларига ҳам дахлдор, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаатномасида “Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим”[268]лиги алоҳида таъкидланди. Ушбу методологик кўрсатмага асосланган ҳолда илмий тадқиқотимизга бевосита дахлдор бўлган “таълим олувчилар”нинг касбий маҳоратини янада оширишни ҳал этиш

[266] 124-сон 08.05.2013. Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида https://lex.uz

[267]Липатникова И.Г. Деятельностное модульное обучение студентов педагогических вузов в условиях рефлексивной деятельности // Вестник Томского госпед университета. – 2006. –Вып. 3(54). – С.65-69.

[268] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 30.12.2020. – www. review.uz.

усулларидан бири – бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида касбий йўналганликни амалга оширишни қайд этамиз. Бизнинг бу борадаги ***нуқтаи назаримиз*** муаллифлик ёндашув нуқтаи назаридан қуйидагилардан иборат:

а) “инглиз тили” йўналиши талабаларининг бўлажак касбий фаолиятини аниқлаш учун тегишли шарт–шароитлар яратиш;

б) соҳа талабаларининг бўлажак педагогик касбида муваффақиятга эга бўлиши учун зарур шахсий сифатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш;

в) ҳар бир талабада мавжуд касбий аҳамиятга эга бўлган сифатларнинг ривожланиш даражасини аниқлаш ва янги тартибдаги таълим “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш.

Қайд этилган таклифларни тавсия этаётганимизнинг бирламчи асоси шундан иборатки, ҳозирги педагогика олий таълим муассасаларининг тизимида битирувчиларнинг маълумоти сифатининг асосий кўрсаткичи унинг касбий компетентлигидан иборатлиги билан белгиланади ва тавсифланади. Тадқиқотимиз объектига бевосита суяниб таъкидлайдиган бўлсак, инглиз тили ўқитувчисининг касбий компетентлиги юқорида кўриб чиққанимиздек, учта асосдан, яъни: мазмунли, технологик ва шахсий компетентлардан иборат. “Инглиз тили” таълими йўналиши ўқув режасида ўқитиш кўзда тутилган умумкасбий ва ихтисослик фанлари шу соҳа бўлажак ўқитувчиларини тайёрлашда ҳамда уларда касбий компетентликни шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки бу фанлар мажмуи бўлажак инглиз тили ўқитувчиси маҳоратининг шаклланишига ва умумий педагогик маданиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу ўринда айтилаётган мулоҳазаларни ойдинлаштириш мақсадида дастлаб ДТСда белгилаб берилган ўқув-режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талабларга эътибор қаратамиз.

5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги ***умумкасбий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар*** қуйидагилардан иборат:

– математик ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлар ўртасида илмий назарий боғлиқни таъминлаши;

– ихтисослик “фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши”[269];

– таълим олувчиларнинг умумкасбий маданияти ва интеллектини ривожлантириши;

– умумкасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши ҳамда муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;

– касбий фаолиятнинг илмий соҳадаги ўзгаришларни англаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ хулосалар қабул қилиш, кўникма ва малакаларини шакллантириши;

– замонавий таълим ва инновацион технологияларни ҳисобга олган ҳолда касбий ўз-ўзини ривожлантириш йўналишларини белгилаб бериши;

– бирламчи манбалар асосида касбий билимларни ривожлантириш, касбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши;

– “моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши”[270];

– психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, ҳиссий ҳолатлар, индивидуал-хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда бўлажак педагог мутахассислар томонидан психик тараққиёт қонуниятлари, даврлари, механизмлари, омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги замонавий илмий билимнинг ўзгартирилишини ташкил этиши;

[269] http://tmatm.uz/site/wpcontent/uploads/2015/09/1.2.-Normalar.pdf. http://tmatm.uz
[270] http://tmatm.uz/site/wpcontent/uploads/2015/09/1.2.-Normalar.pdf. http://tmatm.uz

– психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш;

– бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогика фанининг назарий-тарихий асослари ва ўқитувчи маҳоратига доир билимлар билан қуроллантириш, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим-тарбия жараёнини[271] оқилона ташкил этиш, педагогик меросдан самарали фойдаланиш, реал таълим амалиётида юксак педагогик маҳорат ва ўқитувчи нутқи маданиятини намоён эта олишга ўргатиш;

– талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш;

– ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонуният ва тамойиллари билан таништириш;

– миллий ва жаҳон педагогик фикрлари тараққиёти билан таништириш ҳамда педагогик меросдан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

– глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва ҳудудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиб бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштириш;

– талабаларни ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун-моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, оғзаки ва ёзма нутқ

[271] https://static.tuit.uz//uploads/files/w/r/591c3149ad5ef.pdf.https://static.tuit.uz

маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштиришларига *эришиш лозим.*

5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги ***ихтисослик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар*** қуйидагилардан иборат:бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти[272] кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши; ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши; касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий-маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ҳаракатларнинг репродуктив ва ижодий усулларини шакллантириш; муҳим касбий сифатларни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириши;аниқ педагогик вазиятда маълум масалаларни ажратиб олиш ва уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик тафаккурни ривожлантириши;талабанинг муайян магистуратура мутахассислиги бўйича “келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлиши”га кўмаклашишни *таъминлаши лозим*[273].

Бу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда буюртмачиларнинг талаблари эътиборга олинади.

5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги ***қўшимча фанлар блокига қўйиладиган умумий***

[272] http://tmatm.uz/site/wpcontent/uploads/2015/09/1.2.-Normalar.pdf.http://tmatm.uz
[273] http://tmatm.uz/site/wpcontent/uploads/2015/09/1.2.-Normalar.pdf.http://tmatm.uz

талаблар қуйидагилардан иборат: талабаларнинг бакалавриат таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши; меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши; жамиятни педагогиказициялаш шароитида педагогик профилактикани ташкил этиш ва амалга ошириш малакасини таркиб топтириши; касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши; "таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурлари"нинг мослашувчанлигини *таъминланиши лозим*[274].

Бу ўринда яна шуни қайд этмоқчимизки, муайян таълим йўналиши, хусусан, инглиз тили таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, ихтисослик бўйича илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этадиган махсус курслар ҳамда семинарлар, шунингдек, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади. Шундай қилиб, махсус курслар ва семинарлар, шунингдек, танлов фанлари ҳам умумкасбий ва ихтисослик фанлари қаторида шу соҳа бўлажак ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларда касбий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга муайян даражада хизмат қилади.

Предметли тайёргарликнинг касбий йўналтирилганлигини ошириш асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш, назаримизда, таълим жараёнига касбий фаолият элементларини, касбий тажрибаларини киритиш, ўқитиш усуллари ва шаклларини ўргатиш йўли билан ҳал қилиши ҳам мумкин.

[274] BIM — Markazlarhttp://mopkqtm.zn.uz

Ушбу фикр-мулоҳазаларни яна бир бор амалиётда тасдиқлаш учун ва олиб борилган тадқиқотимизга асос сифатида инглиз тили таълими йўналишида ўқитиладиган *“Инглиз тилининг амалий курси”* фани мисолида кўриб чиқдик. Ушбу курснинг бўлажак ўқитувчиларда рефлексив предметли фаолият асосида репродуктив ва локал–моделлаштирувчи амалий билимларни, хусусан, лингвистик компетенцияларга дахлдор мажмуавий билим-маълумотларни шакллантириш, ўқув ва касбий-педагогик фаолият мотивларини ривожлантириш каби қатор истиқболли мақсадлар бўлажак педагогнинг компетентлигига бевосита дахлдор ҳисобланади. Бу мақсадларни босқичма–босқич амалга оширишда мазкур **фаннинг қуйидаги вазифаларига** бевосита таянилди:

а) бўлажак инглиз тили ўқитувчисида фан дастури асосида касбий-педагогик сифатларни таркиб топтириш;

б) талабаларда *“Инглиз тилининг амалий курси”* фанининг асосий тушунчаларини, лингвистик компетенцияларга дахлдор барча маълумотлар ҳақидаги тасаввурни шакллантириш ва мустаҳкамлаш; фаннинг илмий-назарий ва методик асосларини пухта эгаллашга эришиш;

в) талабаларда инглиз тилидаги ўқув материалини танлаш, баён қилиш усуллари ва ўқув машғулотларини ташкил этиш шаклларини мустақил ажрата олиш кўникмаларини, уларда мустақил таҳлил қила олиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш;

г) талабаларда фан дастури асосида тавсия этилган ўқув материалини ўқитишнинг турли усуллари орқали инглиз тилидаги ҳар хил тақдимотларини ташкил эта олиш қобилиятини ривожлантириш;

д) бўлажак ўқитувчининг тадқиқотчилик-ижодкорлик қобилиятларини таълим жараёнига фаол кирита олиш йўли билан касбий-педагогик компетенциясини ривожлантириш.

Кўрамизки, мазкур фаннинг мақсадидан келиб чиқадиган вазифалар муваффақиятли амалга оширилсагина, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида касбий компетентлик шакллантирилади,бошқа мутахассислик фанлар орқали

босқичма-босқич такомиллаштирилади ва уларнинг лингвистик компетенцияси ривожлантирилади, деган тўхтамга келдик. Олиб борилган жараёнида тегишли таҳлиллар асосида *“Инглиз тилининг амалий курси”* фани дастурида ўн битта дидактик тамойиллар ўз ифодасини топганлигини аниқладик ва уни амалиётга тавсия этдик (қаранг: иловалар, 8-жадвал).

Ўқитиш тамойилларига мос равишда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув материаллари мазмуни таълим йўналишидаги мутахассислик фанлар бўйича билимлар тўпламидан иборат. Мазкур фанлар мазмуни ўқув ахбороти учун уч босқичда ўзлаштириш тавсия этилди. Ҳар бир босқич ўқув материали ичида мутахассислик фанларнинг мазмун-моҳияти чуқурлигига, муайян қийинчилигига мос фаолият турларини аниқлашга хизмат қилади. Тадқиқот давомида бу борадаги махсус кузатишларимиз умумлаштирилди, мазкур фанлар алоҳида тузилмавий таркибни ўз ичига қамраб олганлиги кузатилди ва улар амалиётга тавсия этилди (қаранг: иловалар, 9-жадвал).

Биз таклиф этаётган ***тавсия ва мулоҳазалар*** инглиз тили йўналиши бўйича мутахассислик фанларнинг мазмуни нафақат ўқитишнинг предметли йўналтирилганлигини, балки талаба шахси ривожланиши учун қулай касбий – педагогик шароитлар яратишга мўлжалланганлигини назарда тутади. Лекин бу ерда, назаримизда, қуйидаги ***педагогик омиллар*** тақдим этилсагина, мўлжалланган мақсадга эришилади, деб ҳисоблаймиз: а) муайян институт ёки факультетда талабанинг таълим олишига алоҳида эътиборни кучайтириш, унинг кундалик меҳнати мазмуни, ўз олдига қўйган мақсади, шахсий тажрибасига мурожаат ва уларнинг узлуксиз назорати; б) талабанинг ўқув ва касбий фаолиятига шахсийлик мазмунини бериш, интеллектуал иқтидорини ошириш; в) ўқитишнинг ривожлантиришга эмас, балки талабаларда ўз касбига шахсий қарашларини ишлаб чиқишга мўлжалланганлиги.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, мутахассислик фанлардаги тегишли мавзуларда, хусусан, тадқиқотимиз объектига дахлдор лингвистик компетенциялар элементлари мавжуд бўлган лингвистик матнлар ва тавсия

этилган умумназарий ҳамда илмий-методик адабиётлар устида ишлашда, аниқ шароитларда фойдаланиш мумкин бўлган воситаларнинг тайёрловчи имкониятларини қўллаш таклиф этилади. Бундай шароитларга ўқув материали мазмуни, ўқув фаолияти ва ўқув жараёни иштирокчилари орасида юзага келаётган ўзаро муносабатларни ташкил этишни киритиш мумкин. Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришга бевосита ҳизмат қиладиган умумкасбий ва ихтисослик фанлар мазмунига, касбий ва эҳтиёжлар ҳамда мотивларнинг, шу жумладан, қобилиятлар ва касбий кўникмалар уйғонишнинг объектив имкониятлари киритилган. Айни ҳолни 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар) бўйича бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларида яққол кўрамиз. Ушбу меъёрий ҳужжатда инглиз тили йўналиши бўлажак ўқитувчилари бир қатор малака талабларини эгаллаш билан бирга муайян қобилиятларга эга бўлишлари кераклиги алоҳида таъкидланган. Булардан ташқари, педагогика олий таълим муассасалари инглиз тили йўналишига ўқув режа фанлари блокларидан, ҳусусан, тадқиқотимиз объектига дахлдор умумкасбий ва ихтисослик фанлари блокига умумий талабаларни амалга ошириши кўзда тутилганки, уларнинг ҳаммаси ДТСда (2018) кўрсатиб берилган.

Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида ихтисослик фанлар мажмуи (маъруза, амалий ва мустақил таълим машғулотлари)да ўқув материалларини самарали ўзлаштиришлари учун қўлланилган график органайзерлар ва интерфаол ўқитиш усуллари бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришда муҳим роль ўйнаганлиги аниқланди (қаранг: иловалар, 10-жадвал).

Умумкасбий ва ихтисослик фанларнинг амалий машғулотларида фаол қўлланган интерфаол ўқитиш усуллари (Activity) бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришга бевосита хизмат қилди. Энг муҳими, бу усуллар талабаларда янги педагогик жамоада ишлаш, касбга оид мустақил ва танқидий фикрлаш, мулоқот

маданияти ва тегишли илмий-амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантирди.

Инглиз тилини ўқитиш тажрибаларидаги натижалар шуни кўрсатадики, касбий компетентлик ва касбий фаолиятга шакллантириш учун ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро таъсири ва мулоқотига асосланган турли усуллар муҳим аҳамиятга эга. Инглиз тили фанига дахлдор барча ихтисослик фанларни ўқитиш жараёнида талабаларни касбий фаолиятга эга бўлишни уйғотишда жамоа ичидаги қуйидаги муносабат ҳам алоҳида таъсир қилиши аниқланди: а) таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги педагогик фаолиятни ривожлантириш ва "йўл харитаси" бўйича белгиланган вазифаларни бажариш бўйича жамоали ишни ташкил этиш; б) факультет ёки босқич (гуруҳ) жамоаси берилган муайян топшириқлар натижаларини ўз вақтида муҳокамадан ўтказиш ва тегишли хулосалар чиқариш; в) талабалар фаолиятида ҳамкорликда ишлашнинг турли шакллари мослигини қўллаш.

Тадқиқотишларини олиб бориш ва талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш жараёнида ***қуйидаги ҳолатлар*** аниқланди:

а) аудитория машғулотларида таҳлил қилинадиган ўқув материали ёки тавсия этилган лингвистик матннинг талаб даражада эмаслигиги; уларнинг вазирлик томонидан тасдиқланган фан дастуридаги адабиётга мос келмаслиги ёки бошқа йўналишга мос яратилган ўқув адабиётларидан фойдаланиб келиши;

б) ўқитувчининг юқори даражага эга бўлмаган компетентлиги, унинг касбий фаолиятга дахлдор саволларга ўз меъёрида тушунча бера олмаслиги, ўқитаётган фанига ва ишига (касбига) қизиқмаслиги, лоқайдлиги;

в) ўқув машғулотларидаги бир хил усулларининг узлуксиз равишда такрорланиши ва талабаларнинг зерикарли бўлишлигига олиб келадиган муҳит;

г) амалий машғулотларда ва мустақил ишлашга берилаётган топшириқларнинг бир хиллиги ёки мазмун-моҳияти жиҳатидан фарқланмаслиги;

д) талаба билимини баҳолашнинг ўз вақтида бажарилмаслиги, рағбатлантиришнинг кўзга ташланмаслиги, норасмиятчиликнинг устунлиги;

е) баъзи профессор-ўқитувчининг талабаларга нисбатан ёлғон муносабатда бўлишлиги, ўз устида мунтазам ишламаслиги, дангасалиги ва шогирдларига мутлоқ эътиборсизлиги;

ё) ўқув таълим жараёнларининг деярлик барча бўғинларида коррупциянинг баъзан учраб туриши (масалан, оралиқ ва якуний назоратларда, курс ишлари, бакалавр битирув ишини бажариш ва қабул қилишда, китоб ёки илмий мақолаларни нашр этишда илмий раҳбар ўзини муаллиф сифатида қўшиш каби) ёки объектив-субъектив сабаблар билан таълим муассасаси раҳбарияти, факультет деканати, кафедра профессор-ўқитувчилари ёки ота-оналарнинг талаба баҳоси учун ҳар хил мурожаатлар (илтимослар)нинг содир бўлиши.

Булардан ташқари, бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий фаолиятга тайёргарлигини самаралироқ шакллантириш мақсадида умумкасбий ва ихтисослик фанлари талаблари асосида бўлажак фаолиятини таҳлил қилиш ва махсус “йўл харита”сидаги режаларни шакллантиришга етакловчи топшириқлардан иборат бўлиши керак . Шу билан бирга мазкур ***педагогик жараён*** қуйидагиларни ҳам назарда тутади:

а) талабаларнинг бу борадаги мустақиллигини юзага келтирувчи муайян шароитларни яратиб бериш (масалан, тавсия этилган манбаларни қидириш ҳолати, мустақил ёндошилганларни ўз вақтини рағбатлантириб бориш каби);

б) талабаларга педагогик ижодкорликнинг реал манбаларини қўллашни билишга ўргатиш;

в) шахсий тажрибага эга бўлиш, мустақил иш сифатида берилган топшириқларни бажарганларини танқидий қайта кўриб чиқиш, мунтазам ҳисобга олиш, йўл қўйилган хатоларни таҳлил қилиш ва ўз вақтида тузатиш;

г) ўқув жараёнига талабаларнинг ўқув фаолияти асосли йўналтирилган билим, малака ва кўникмаларни, ўқиш ва амалий аҳамиятга эга бўлишга йўналтирилган махсус элементларни киритиш;

д) талабаларнинг ўқув фаолияти ташкил этиладиган усулларнинг яхлит тизимини қўллаш.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини компетентли ўқитиш тажрибаси унинг ёрдамида анъанавий ўқитишда эришилиши қийин бўлган лингвистик компетенцияга даҳлдор матнлар, тегишли манбалар ва адабиётлар мазмунини етарлича самарали ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бунда асосан қуйидаги муаммоларга алоҳида эътибор қилинса,кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади: а) билимлар касбий мотив ва қизиқишларни шакллантириш; б) нафақат табиат ва жамиятни бутунлай тушунишни, балки ўзини ҳам, оламда ўз ўрнини англашни ҳам тушунишдан иборат, педагогнинг тизимли фикрлашини тарбиялаш; в) касбий фаолият ва унинг катта бўлимлари ҳақида яхлит тасаввурни бериш.

Таъкидланган фикр-мулоҳазалар қуйидаги ҳулосаларни чиқариш имкониятини берди:

1) таълимни рақамлаштириш муҳитида талабаларни ўқитишда касбий-педагогик асосларини ривожлантириш томонга аҳамиятли ўзгариш бўлди, яъни уларда лингвистик компетентлик янада ривожлантирилди;

2) талабаларнинг билимларида инглиз тилига дахлдор ихтисослик фанларини ўқитиш усулига ўқитишнинг дастлабки босқичида мавжуд бўлган муаммоларни аҳамиятли даражада уйғотишга эришилди;

3) инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашнинг барча босқичларида рефлекцияни қўллаш талабаларда бўлажак касбий-педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини, касбий аҳамиятли сифатлар характерини ва ҳар бирида бу сифатларнинг ривожланиш даражасини англаш имконини берди.

Боб бўйича хулосалар

1. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда компетентликнинг учта (асосли, шахсий, технологик) тузилмаси мавжудлиги аниқланди.

2. Тадқиқотда таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий-педагогик компетентлигининг мазмунли ташкил этувчилари ва ихтисослик фанлари орасида тамойиллар (фундаменталлик, бинарлик, илғор ғоя таъминоти, узлуксизлик, ахборотлаштириш, компетентлик ёндашув)ёритилди.

3. “Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш”[275], бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини узлуксиз равишда ривожлантириб бориш учун “Ўқув йўл харитаси” тузилди, таълимни рақамлаштириш муҳитини бошлаш учун белгиланган долзарб вазифалар амалиётга татбиқ этилди.

4. “Таълим олувчилар” ва “таълим берувчилар” инновацион таълим технологияларидан ва халқаро миқёсдаги кенг қўлланадиган замонавий дастурий маҳсулотлардан самарали фойдаланишдаги омиллартаълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари касбий-лингвистик комтетентлигини ривожлантиришга ва таълим сифатини оширишга хизмат қилди.

5. Талабаларнинг мустақил ишлари таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантирувчи муҳим омил бўлди. У мантиқий фикрлашни, ижодий фаолликни ва муайян темир интизомни талаб этади; ўқув режасидаги фан материалларини ўзлаштириш орқали соҳа талабаларида тадқиқотчилик ёндашувини таркиб топтиришга хизмат қилди.

[275] ПФ-5847-сон08.10.2019. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида http://lex.uz

6. “Инглиз тили амалий курси”нинг бир қатор дидактик тамойиллари, хусусан, мажмуавий ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш тамойили; илмий, тартиблилик, кетма-кетлик, тизимлилик, фанларо боғланиш, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, ҳаётга боғлаб ўқитиш тамойиллари, шунингдек, касбий-педагогик йўналтирилган, кўргазмалилик, тушунарлилик,ўқитишни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш тамойиллари бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилди.

7. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, умумкасбий ва ихтисослик фанларининг асосий тузилмавий таркиби уч хил (асосий, чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган) босқичларини ташкил этди. Улар мавзуларга дахлдор лингвистик матнлар таҳлили; лингвистик машқлар ва топшириқлар; хорижий филологиянинг устунлик қилувчи тури; ўқув жараёнини бошқариш; дастлабки, ижро ва маҳорат босқичлари; шунингдек, ўқитувчи (олий маълумотли мутахассис) фаолияти каби қатор бо сқичли кўрсаткичлардан ташкил топди.

8. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг педагогик компетентлигини шакллантиришда ихтисослик фанлари мажмуи ўқув материалларини самарали ўзлаштиришлари учун қўлланилган график органайзер ва интерфаол ўқитиш усулларининг ўрни алоҳида мавқега эга эканлиги аниқланди.

9. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантирувчи омиллар ва ихтисослик фанлари орқали шакллантириладиган омиллар асосий таянч манба сифатида таълим олувчиларнинг лингвистик компетенциясини такомиллаштиришга хизмат қилди.

IV БОБ. ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МУҲИТИДАБЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИРИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАРКИБИЙ АСОСЛАРИ

4.1. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лексик компетентликнинг ривожлантириш босқичлари, даражалари, усул ва воситалари

Лексик компетенция ва унинг шаклланиш жараёни кўплаб хорижлик олимларнинг, хусусан, P.Bogarads, A.Hunt, D.Beglar, B.Laufer, J.H.Hulstijn,шунингдек, мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидаги А.Шамов, А.Е.Сиземина, А.А.Фетисова, С.В.Козлов, К.В.Александров, И.Бризе, И.Е.Зуева, Г.А.Кручинина ва бошқаларнинг тадқиқотларида муайян даражада ўрганилган, лексиканинг коммуникатив алоқа воситаси сифатидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Белоруссиялик Н.Е.Лаптеванинг диссертациясида талабаларнинг чет тилида ККни шакллантиришда сўз заҳираси ҳажмининг роли, ушбу жараёнда лексика тизимлигининг яширин табиати, сўзнинг кўп жиҳатлиги, унинг маъновий муносабатларининг кўплиги, лингвомаданий жамиятнинг миллий ўзига хослигини белгиловчи тилдан ташқари фаолият билан бевосита боғлиқлигига дахлдор муаммолар махсус ўрганилган[276].

Баъзи илмий манбаларда таъкидланишича, лексика тушунчасида муайян тил бойлигидаги сўзларнинг жамланмаси ва лексик бирликларни бирлаштириш вазифаси бўйича уларга ўхшаш сўзлар тушунилади. Кейингиси барқарор сўз бирикмалари ёки предмет, ҳодиса, уларнинг белгиларини рақамлаштиришга қодир бошқа тил бирликларини акс эттиради. Масалан, *das*

[276] Лаптева Н.Е. Формирование речевого лексикоческого навыка на основе дифференцированного использования знаний (немиский язык, неязыковый вуз): дисс. ... канд.пед.наук.:– Минск, 2004. – с.4.

Wirschafis system - “иқтисодий қурилиш”, *aufeingene Fausthandel t*-“иродаси билан ҳаракат қилиш”, *schwarzer Markt* - “қора бозор”[277] ва ҳ.к.

“Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш баҳолаш” номли илмий ишда лексик компетенция “тилнинг луғавий таркиби, билими, жумладан, лексик ва грамматик элементлари ҳамда улардан нутқда фойдаланиш қобилияти”[278], деган тушунча билан изоҳланган.

А.Н.Шамов лексик компетенцияни “инсоннинг сўз контекстуал маъносини аниқлаш, унинг маъно ҳажмини икки тилда таққослаш, сўз маъносининг тузилишини аниқлаш, сўз маъносида миллий ўзига хослигини белгилаш”[279] сифатида таърифлайди.

А.Е.Сиземинанинг фикрича, “лексик компетенция кўп босқичли тизимли таълимни акс эттиради; лексик билим, кўникма ва малакага, шунингдек, шахсий тил ва нутқ тажрибасига эга бўлган талаба шахсий сифатларининг мураккаб таъсири билан боғлиқ”[280] ҳолда шаклланади.

А.А.Фетисова ўз тадқиқотида лексик компетенцияни эгалланган билим, кўникма ва малака, тил ва нутқ тажрибасига асосланган “...қобилият ва тайёрлик, тилнинг стилистик ва ижтимоий-маданий нормаларига мувофиқ, шахслараро ва маданиятлараро чет тилида мулоқот қилиш”[281] сифатида ўрганиб чиққан.

И.П.Короткова лексик компетенцияга батафсил таъриф беради: “Оғзаки ва ёзма матнда лексик бирликларни ажратиш, ўқув вазифасига мувофиқ матн материаллари билан ишлаш, коммуникация жараёнида ўрганилган лексикани

---

[277] Стародубцева О. Г. Лексическая компетенция как языковая основа профессионально-коммуникативной компетенции студентов неязыкового вуза // Бюллетень сибирской медицины, 2013. - Т. 12. - № 3. - С. 127-131.
[278] Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка : монография. - Страсбург; М.: Моск. гос. лингв. ун-т, 2001-2003.-259 с.
[279] Шамов А.Н. Формирование лексической компетенции как основополагающая цель в обучении иностранному языку // Языки и культуры народов мира в лингводидактической парадигме: Лемпертовские чтения - IX: сб. ст. по матер. меж- дунар. науч.-метод. симпозиума, 30-31 мая 2007 г. - Пятигорск, 2007. - С. 386-391.
[280] Сиземина А. Е. Методика развития лингвистической компетенции студентов лингвистического вуза на основе формирования мотивационной базы обучающихся:автореф. дис. ... канд. пед. наук - Н. Новгород, 2009. - 84 с.
[281] Фетисова А.А. Методика управления фактором непроизвольности в процессе развития иноязычной лексической компетенции студентов: Ікурс, языковой педагогический вуз :дис. ... канд. пед. наук: Москва, 2010. - 186 с.

қўлламоқ, оддий, сўз ҳосил қилувчи элементларини ажратиш, ўқиш ва аудиторияга эшиттириш жараёнида мураккаб матн вазиятларида тилнинг интернационал ва мураккаб сўзлар терминларидан фойдаланиш қобилияти, бу эса нутқий фаолиятнинг барча турларини муваффақиятли эгаллашни таъминлаш имконини беради[282].

Келтирилган мулоҳазаларга ва олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб, мазкур компетенцияга қуйидагича таъриф билан ифодалашни лозим топдик:*лексик компетенция - бир қатор коммуникация учун зарур билимлар, кўникмалар ва малака мажмуи; конкрет фаолиятни амалга оширишда зарур бўлган шахсият хусусиятлари; шахснинг турли вазифаларни бажариш қобилияти, яъни муаммоларнинг ҳал қилиш йўлларини билиш, тажриба ва муайян фаолиятда мақсадларга эришиш қобилиятини ўз ичига олган мураккаб таркибий тузилишга эга бўлган таълим тизимидир*.

Демак, мазкур компетенцияникуйидагича шарҳласак мақсадга мувофиқ бўлади: ***лексик компетенция*** – бу коммуникациянинг ажралмас қисми ва лингвистик компетенциянинг таркиби бўлиб, унинг шаклланиши якунланган жараён сифатида давом этади, унда шартли равишда бир неча даражаларни ажратиш мумкин. Лексик компетенциянинг шаклланиш ва ривожлантириш даражаси деганда, биз талабаларнинг хорижий сўзларни ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини тушунамиз, чунки улар эгаллаган билимлар ва тегишли кўникмалар асосида нутқда амалий фойдаланишади.

Илмий-методик адабиётларда лексик компетенциянинг мазмун-моҳияти ва таркибига оид асосли илмий мулоҳазалар, амалий таклиф ва тавсиялар анчагина. Биз бу ўринда А.М.Шамов, Г.А.Кручинина, Е.В.Ятаева, Е.И.Пассов, С.А.Трофименко ва бошқа методист олимларнинг илмий ишларини назарда тутамиз. Лексик компетенция мазмун-моҳиятига кўра, бир қатор

[282] Короткова И. П. Методика формирования лексической компетенции младших школьников посредством английского фольклора :автореф. дис. ... канд. пед. наук:; МГГУ им. М. А. Шолохова - Москва, 2012. - 26 с.

компонентлардан ташкил топган. А.Н.Шамов лексик компетенциянинг бундай компонентларини қуйидаги тарзда белгилайди: 1) мотивацион компонент; 2) билим олиш учун хизмат қиладиган компонент; 3) амалий; хулқ-атвор тавсифлайдиган компонент. Мазкур олимнинг бу мулоҳазасини биз ҳам маъқуллаймиз. Лекин бу ўринда ҳар бир компонентнинг ўзига хос, бир-бирига такрорланмас муайян вазифалари борлигини ҳам таъкидлаймиз.

Лексик компетенция тузилмасида белоруссиялик олима Г.А.Кручинина қуйидаги таркибий қисмларни аниқлайди: 1) лексик билим (ЛБ); 2) лексик кўникма ва қобилият; 3) лексик қобилият, яъни сўзларнинг маъносини прогноз қилиш, сўзнинг муҳимлигини тахмин қилиш, таснифлаш ва концепциялаш; 4) тил ва нутқ тажрибаси; 5) ўқувчиларнинг шахсий сифатлари[283].

Россиялик методист Е.В.Ятаева диссертациясида лексик компетенциянинг компонентларини санаб ўтади ва уларни изчил кетма-кетлик ҳолда илмий жиҳатдан асослаб беради: 1) когнитив; 2) оператив-фаолият; 3) муҳимлилик-мотивацион[284].

Баъзи нуфузли манбаларда мазкур компетенция бешта компонентга бўлиниб тасниф этилган: а) лингвистик компонент (лексик бирлик, уларнинг тузилиши, маъноси, морфологик ва синтактик аҳамияти, одатий қўлланиладиган контексларни оғзаки ва ёзма билиш); б) дискурсив компонент (сўз бирикмаларини, дискурс қоидаларига мувофиқ мантиқий-семантик боғлиқлик билан ҳосил бўлувчи бошқа лексик бирликлар билан бирга билиш); в) референт компонент (аввалги тажриба ва талабаларнинг стереотипик ижтимоий хулқ-атворига мос келадиган, лексик бирликлар кетма-кетлиги даражасида фикрларни уқишга, англашга имкон берадиган дунё предметлари нисбатини билиш); г) ижтимоий-маданий компонент (сўзнинг стилистик аҳамиятини, маданий юк, уларни мулоқот параметрларидан келиб чиқиб қўллаш шартларини билиш); д) стратегик компонент (мулоқотда

[283] Трафименко С.А. Структура и содержание лексической компетенции. // Иностранные языки: инновации, перспективы исследования и преподавания : материалы II Междунар. науч.-практ. конф., Минск, 21–22 марта 2019 г. / Белорус. гос. ун-т ; Минск : БГУ, 2019. – С. 165-173.

[284] Ятаева Е.В. Учебный глоссарий как средство развития учебной иноязычнолексической компетенции в профессиональном языковом образовании :дис. . канд. пед. наук - Екатеринбург , 2007. - 282 с.

қийинчиликларнинг олдини олиш учун ассоциатив занжирлар билан боғлиқ сўзларни қандай қўллашни билиш, шунингдек, контекстуал тахмин ёки сўз маъносининг тахминий таҳрири ёрдамида сўзларни билмасликни бартараф этиш)[285].

Е.В.Ятаеванинг аниқлашича, *л*ексик компетенциянинг операцион-фаолият компоненти фанларнинг билими ва кўникмасини, шахсий чет тилидаги лексик бирликларни (ЛБ) ва мотивацион йўналишда, фойдаланиш ва назорат-баҳолаш даражасида, лексик материаллар устида ишлаш жараёнида ўқув ва билим олиш фаолияти усулларига эга бўлишни ўз ичига олади. Лексик компетенциянинг қадрият-мотивация компоненти ўзига мақсад, эҳтиёж, талаба олган билим ва кўникмаларини ақлан ва саводхонлик билан қўллашга имкон берадиган қадриятларни чет тили лексикасини билиш, талаба учун янги бўлган вазиятларга эгаллаган малака ва тажрибасини кўчириш, ўзининг ўқиш ва билим олиш фааолияти натижаларини баҳолашда фаоллик, ташаббускорлик ҳамда мустақиллигини намоён этишни қамраб олади[286].

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида хорижий илмий-методик адабиётлардаги лексик компетенциянинг таркибига кирувчи хилма-хил компонентлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни синчиклаб ўрганиб,уларни умумлаштирдик: муайян вазифасига кўра бир-биридан фарқлашини аниқлаб, қуйидаги **турларини** тавсия этишни ва қисқача тавсифлашни лозим топдик:

1) лексик компетенциянинг когнитив компоненти. У лексик билим билан ифодаланади. Лексик билим деганда маълум тилдаги лексик бирликни қамраб олиш, муайян лексикосемантик вариантнинг маъносини билиш, сўз шакли,хусусан, фонетик, график, грамматик, морфологик, сўз қуриш, лексик, семантик, тилнинг синтактик қатламларини билиш тушунилади;

2) лексик компетенциянинг операцион-фаолият компоненти. Мазкур компонент ўзаро алоқа воситаси сифатида коммуникатив таркибнинг

[285] Словарь социолингвистических терминов - М . : Ин-т языкознания РАН, 2006. - 312 с.
[286] Ятаева Е. В. Учебный глоссарий как средство развития учебной иноязычнолексической компетенции в профессиональном языковом образовании :дис. . канд. пед. наук - Екатеринбург , 2007. - с.34

мазмунини етказишга тайёр бўлган ва унда тилнинг лексик меъёрларига мувофиқ сўзларни етказиш қобилияти ва кўникмалари мавжудлигини ифодалайди;

3) лексик компетенциянинг самарали-амалий ёки процессуал компоненти сўз устида муайян ҳаракатларни ўз ичига олган сўзни ўзлаштириш стратегиясини ўз ичига олади. Бу стратегиялар иккинчи даражали тилшунослик шахсиятининг моделини, она тили бўлмаган ва маданият тизимини ўзлаштириш моделини акс эттиради. Ушбу стратегиялар мазмун-моҳиятига кўра,қуйидаги вазифаларни бажаради: семантик, лингвистик тизимлаштирувчи, когнитив-концептуал (лингвистик ва маданий), кенг ижтимоий-маданий контекстда маъноларни доимий равишда қидириш; тил воситаларини танлаш ва тўплаш, тил базасини кенгайтириш, ўрганилаётган тилни тартибланган, шахсиятли тизимга тўплаш, уни доимий равишда ўз тилидан фойдаланиб тўлдириш ва янгилаш; тил ва нутқ тажрибаси, шу жумладан, она тилида тегишли тушунчалар тизимини, она тили маданиятига кириб боришни, маданиятлараро мулоқот даражасида миллий ва маданий ўзига хосликни англашни таъминлайди.

4) лексик компетенциянинг ижтимоий-маданий компоненти. Бу компонент ўз вазифасига кўра, сўз бирикмалари ёки лексик бирликларнинг маданий хилма-хиллигини билиш, расмий ва норасмий услубнинг лексик намуналарига эга бўлишни назарда тутади.

5) лексик компетенциянинг рефлекцив компоненти. Бу компонент ўз вазифасига кўра, муайян тилни мустақил ўрганиш шароитида тил воситаларини ўзлаштириш, мустақил ўқитиш ва нутқ амалиётини таъминлаш, турли хил нутқ алоқа ҳолатларига қўшилиш ва хилма хил лисоний вазифаларни бажариш воситаси сифатида ўрганилаётган тилни қўллашни таъминлайдиган махсус-амалий стратегияларни ўз ичига олади. Рефлексив компонент ўз-ўзини назорат қилиш билан боғлиқ бўлиб, унда биз унинг фаолияти ва мустақиллигининг намоён бўлиши билан боғлиқ шахсият сифатини назарда тутамиз.

Қайд этилган кузатишлар асосида ва олиб борилган тадқиқот натижаларига таяниб, лексик компонентликнинг ***умумий мазмуни ва мундарижаси***ни муаллифлик ёндашуви асосида аниқладик ва уни амалиётга тавсия этдик (қаранг: иловалар, 11-жадвал).

Тадқиқотимиз доирасида лексик компетенция тушунчаси ва унинг компонентларини таҳлил қилиш натижасидан олинган хулосаларга таяниб, биз дастлаб лексик компетенцияни эгаллаган ЛБ асосида ва мос келувчи когнитив фаолиятини амалга оширишда самарали усулларидан фойдаландик. Сўнггра ЛБни тушуниш, коммуникатив фикрларга мос мақсад ва вазиятда қўллашни ҳисобга олган ҳолда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида шаклланган лексик кўникма қобилияти ва тайёргарлиги сифатида ўрганишни мақсад қилиб олдик. Шундай қилиб, тадқиқотни олиб бориш жараёнида компетентликнинг***таркибий қисмлар***ини аниқладик ва улар қуйидагилардан иборат бўлди: 1) лексик билимлар, 2) лексик кўникмалар ва уларни қўллаш тажрибаси; 3) билиш фаолияти тажрибаси; 4) билиш фаолиятини амалга ошириш йўллари (қаранг: иловалар, 12-жадвал).

Лексик компетенциянинг аниқланган таркибий қисмлари билимларни қўллаш бўйича билим ва тажриба ҳисобланади. ЛБ ва когнитив фаолиятни амалга ошириш усуллари билишни қамраб олган билим, билимларни амалиётда қўллаш тажрибаси орқали амалга оширилади. ЛБ мос равишда лексик кўникма асосида, когнитив фаолиятни амалга ошириш усуллари эса ушбу усулларни қўллаш, яъни когнитив фаолият тажрибаси жараёнида амалга оширилади, деган ғояни илгари сурамиз.

Бу ўринда шуни яна алоҳида таъкидлаш лозимки, лингвистик билимлар (фонетик, лексик, морфологик, синтактик, этимологик билим ва бошқалар) ўзларига тегишли бир-бирида такрорланмайдиган муайян вазифаларига эга. Масалан, фонетик билим товуш ва график шаклини билишини қамраб олади; морфологик билим турланиш, кўплик сонининг ҳосил бўлиши, тусланиш, бошқарув ва бошқаларни ифодалайди; лексик бирлик сўз ҳосил қилиш қоидаларини билиш; мос келиши (синтактик қўллаш); алоҳида сўзларнинг

этимологияси, келиб чиқишини билиш; турли тилларда ҳар хил ифодаланадиган тушунча ва маъноларни билиш каби. Буларнинг барчаси соҳа талабалари лингвистик компетенциясининг ўзак масалалари саналади.

Юқорида қайд этилганидек, лексик компетенцияга бирламчи манба сифатида лексик бирлик асос ҳисобланади ва бу борадаги малакани қўллаш жараёнида бажариладиган ҳаракатларга кўра, нутқий лексик малака ва рецептив лексик малака сифатида биз тадқиқ қилаётгансоҳа талабаларида лексик компетенцияни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини амалга оширади. Е.И.Пассовнинг фикрича, оғзаки лексик малака "ғояга мос ЛБни танлашда синтезланган ҳаракат ва унинг ушбу ЛБни вазиятга қараб қўллашни таъминловчи малака параметрларида бажариладиган бошқа тўғри сўзнинг бирлаштирилиши"дан[287] иборат.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида соҳа талабалари лингвистик компетенциясига дахлдор бўлган муаммо - оғзаки лексик маҳоратнингқандай ***вазифаларга*** асосланганлигини аниқлашни мақсад қилиб олдик ва олинган натижалар қуйидагича бўлди: а) коммуникатив мақсадга мувофиқ сўз / иборани тўғри танлаш; б) синтагма ва гапларда сўзларни тўғри бирлаштириш; в) лексик-семантик ва лексик-тематик бирикмаларга эга бўлиш; г) янги сўзларнинг илгари ўрганилганлар билан бирикиши; д)синоним / антоним қатордан керакли сўзни танлаш; е) муқобил вариантни алмаштириш каби.

Рецептив лексик маҳорат деганда Е.Ю.Папина фикрича, лексик бирликнинг график ёки фонетик ёки танлаб олиш ва сўз шаклини унинг маъноси билан боғлаш учун синтезланган ҳаракат тушунилади[288]. Бу мулоҳазани муайян маънода маъқуллаймиз. Лекин шу ўринда, рецептив лексик маҳорат хилма-хил лисоний вазифаларни бажаришга асосланишини

[287] Пассов Е.И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению - - 2-е изд. - М. : Просвещение, 1991. - 223 с.

[288] Трафименко С.А. Структура и содержание лексической компетенции. // Иностранные языки: инновации, перспективы исследования и преподавания : материалы II Междунар. науч.-практ. конф., Минск, 21–22 марта 2019 г. / Белорус. гос. ун-т ; Минск : БГУ, 2019. – С. 165-173.

ҳам қайд этиш лозим. Олиб борилган тадқиқотимизда қўлга киритилган лингвистик асосларга таяниб таъкидласак, бундай ***вазифалар*** қуйидагилардан иборат: а) сўзнинг товуш / визуал тасвирини семантика билан боғлаш; б) оғзаки ва ёзма нутқда илгари ўрганилган сўзлардан сўзни таниб олиш ва тушуниш; в) контекст ёрдамида сўзнинг маъносини аниқлаш ёки сўз шаклланиши таҳлили; г) товуш ва имлода ўхшаш сўзларни бир-биридан фарқлаш; д)янги ёки илгари ўрганилган лексик материал билан нутқ фаолиятини прогноз қилиш каби.

Илмий-методик адабиётларда соҳа талабаларининг лингвистик компетенциясига дахлдор бир қатор муаммолар, хусусан, нутқ ва рецептив кўникмаларнинг лингвистик табиати, шаклланиш босқичлари ҳам белгилаб берилганлигини кузатамиз. Масалан, Е.И.Пассов нутқ лексик кўникмасини шакллантиришнинг олтита босқичини белгилайди: 1) сўзни унинг фаолияти жараёнида идрок этиш; сўзнинг товуш тасвирида ҳосил қилиниши; 2) сўзнинг маъносини англаш; 3) сўзни изоляция қилинган шаклда ёки жумла матнида тақлид қилиш; 4) сўз билан белгиланган объектларни мустақил номлашга қаратилган белгилар; 5) комбинация, яъни, сўз янги муносабатларга киради[289].

И.Н.Дмитрусенконинг аниқлашича, рецептив лексик кўникманинг шаклланиши 5 босқичдан иборат: 1) визуал ёки товуш тасвирини хариталаш ва унинг қиймати; 2) турли шаклларда тақдим этилган, ўрганилган сўзларни аниқлаш ва тушуниш (қўлёзма матн, босма матн, аудио матн); 3) чет тилининг сўз ҳосил қилиш тизимидан фойдаланиш ва нотаниш сўзларни семантизация қилиш бўйича ҳаракатлар учун индикатив асос; 4) матнда тематик, семантик ва структур алоқаларни ўрнатиш орқали сўзнинг семантик маъносини батафсил баён қилиш; 5) нотаниш сўзнинг маъносини аниқлаш учун матннинг лексик ва тематик хусусиятларини танлаш[290].

---

[289] Пассов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению - М. : Рус. яз., 1989. - 276 с.

[290] Трафименко С.А. Структура и содержание лексической компетенции. // Иностранные языки: инновации, перспективы исследования и преподавания : материалы II Междунар. науч.-практ. конф., Минск, 21–22 марта 2019 г. / Белорус. гос. ун-т ; Минск : БГУ, 2019. – С. 165-173.

Нутқ маҳорати, хусусан, лексика автоматлашган, барқарор, мослашувчан ва "онглилик" каби сифатларга эга бўлса, уни шаклланган, деб ҳисоблаш мумкин. Автоматлаштириш тезликни, иқтисод, нутқ ҳаракатининг силлиқлигини, юкламанинг паст даражасини, уланишга тайёрлигини таъминлайди. Барқарорлик она тилига аралашиш каби ҳар қандай таъсирга қарши иммунитет сифатида қаралади.

Нутқ маҳоратига хос сифатлардан яна бири – мослашувчанликни икки йўл билан ўрганиб чиқиш мумкин: а) янги вазиятлар билан шуғулланиш қобилияти сифатида; б) янги нутқий материал устида ишлаш қобилияти сифатида. Бу сифатлар маҳоратга нисбатан айтилмайди, балки автоматлаштириш ва барқарорликни яратиш жараёнида, маълум машқларни бажариш орқали ҳосил бўлади.

"Онг" малакани бажаришни англашдан иборат, лекин шу билан бирга у ҳаракатни бажаришнинг автоматиклиги билан бевосита боғлиқ, яъни маҳорат "автоматизм ва онгнинг бирлиги"дир[291].

Е.И.Пассов томонидан билдирилган ушбу мулоҳазаларга ўхшаш фикрларни А.Н.Шамов ҳам таъкидлайди: яъни, у рецептив лексик маҳорат сифатларига автоматлашганлик, барқарорлик, мослашувчанлик ва англашни киритади[292]. Олимнинг бу борадаги таклифларини биз ҳам маъқуллаганимиз боис, бу ўринда уларнинг ҳар бирига муаллифлик ёндашуви асосида қисқача тавсиф беришни лозим топдик.

Рецептив лексик маҳорат учун автоматизация деганда, нутқда сўзни тўлиқ билиш ва тушуниш, таққослаш операцияларини босқичма-босқич қисқартириш ва сўзнинг қиймати ва маъноси ҳақида тезкор қарор қабул қилиш сифатида тушунилади. *Лексик маҳоратнинг барқарорлиги* бузилмаслик, турли хил таъсирларга қарши туриш қобилиятида намоён бўлади.Рецептив лексик

[291] Пассов Е. И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. - М. : Просвещение, 1991. – с. 28-29.

[292] Шамов А.Н. Формирование лексической компетенции как основополагающая цель в обучении иностранному языку // Языки и культуры народов мира в лингводидактической парадигме: Лемпертовские чтения - IX: сб. ст. по матер. меж- дунар. науч.-метод. симпозиума, 30-31 мая 2007 г. / Пятигор. гос. лингв. ун-т ; Пятигорск, 2007. - С. 386-391.

маҳорат учун мослашувчанлик турли матнларда ва комбинацияларда янги сўзларни тезда тан олишни англатади.

Фалсафанинг билиш тўғрисидаги диалектик қонунияти, муайян шахснинг ривожланишида билиш категорияси тадқиқотимизга методологик асос эканлигини ишимизнинг биринчи бобида қайд этилганди. Айни муаммога дахлдор яна бир жиҳатга қисқача эътиборимизни жалб этдик, улар, асосан, қуйидагилардан иборат бўлди:

Билиш фаолияти усуллари деганда муайян ахборотни қайта ишлаш учун қўлланиладиган метод ва усуллар ҳамда талабалар томонидан амалиётда қўлланиладиган тил когнитив стратегиялари тушунилади. Г.Азимов, А.Н.Шукин тилни ўрганиш стратегиясини "талабаларнинг тил тизими ва нутқ маҳорати ҳамда кўникмалари ҳақида билимларни тушуниш, эслаб қолиш ва улардан фойдаланиш учун ишлатиладиган интеллектуал техника ва саъй-ҳаракатларнинг комбинацияси"[293], – дея таърифлашган. Мазкур муаллифлар тил стратегияларини, кўникмаларни бошқарадиган, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирадиган жараёнлар, деб билишади. Тадқиқотимиз давомида фаол қўлланилган тил стратегияси атамасида интеллектуал ҳаракатлар кетма-кетлиги ёки лексик бирликларни эгаллаш бўйича муваффақиятли ҳал қилишга йўналтирилган ягона ҳаракатни бажариш вазифасини ифодаловчи тушунча ётади. Баъзи методист олимларнинг таъкидлаганидек, когнитив билиш жараёнларни оптималлаштириш "сўз бирикмаларини ёки лексик бирликларни ўрганиш стратегияси"ни ўзлаштиришга ёрдам беради. Уларга тилнинг қуйидаги ***стратегияларини*** киради:

а) луғатни мустақил кенгайтириш стратегиялар, масалан, флэш-карточка усули ёки электрон иловалардан фойдаланиш;

б) луғатга бирламчи ишлов бериш ва қайта ишлаш стратегиялари, масалан, сўзлар гуруҳини ҳосил қилиш, мнемо-техник усулларини ташкил

[293] Азимов Э. Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам) - М . : ИКАР, 2009. -с.342

этиш; вақтинчалик, макон, визуал ва ҳоказоларни шакллантириш, сўз билан боғлиқ бирикмаларни ясаш;

в) коммуникатив лексик стратегиялар, яъни, коммуникатив фикрни тайёрлашга йўналтирилган лексик стратегиялар, масалан, мавзу жиҳатдан ёки вазият юзасидан сўзларни гуруҳлаш, қисқа матнлар режасини тузиш, оғзаки ёки ёзма фикрни баён қилиш учун калит сўзларни аниқлаш, маъруза учун конспект матнини тайёрлаш;

г) коммуникация жараёнидаги бевосита қўлланиладиган лексик стратегиялар, масалан, муайян сўзнинг маъносини тушунтириш, бир-бирига ўтиши, соддалаштириш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг когнитив билиш фаолиятининг моҳияти ва лексикани ўрганишдаги стратегиялари ҳақида гап борар экан, бу ўринда ***баъзи мулоҳазаларни*** ҳам қайд этиш лозим, деб ҳисобладик. Бирор нимани билишга ва тушунишга ёрдам берадиган ёки инсон бирор аниқ хулоса ёки қарорга келадиган, фикрлаб, мушоҳада қилиб тушуниладиган когнитив фаолият тажрибаси эслаб қолишнинг оқилона техникасидан кўп маротаба фойдаланишга сабаб бўлади; шунингдек, оғзаки ва рецептив лексик маҳоратни ҳамда ўрганилаётган лексик бирликларни қайта тузиш ва структуралаш бўйича шартларни шакллантиришда когнитив билиш жараёнларни ривожлантириш, хусусан, идрок, эътибор, билимларни ифодалаш қобилияти, хотира, фикрлаш ва ҳоказо учун муайян шароит яратишни назарда тутади.

Бу ўринда яна шуни таъкидламоқчимизки, инглиз тилини ўқитишнинг замонавий мақсади нафақат тил ва нутқ кўникмаларини шакллантириш билан чекланмаган. Компетентликка асосланган ёндашув мазмун-моҳиятига кўра, мазкур тил уни ўрганувчилар учун ўқув-билиш мақсадининг прагматик таркибий қисмини кенгайтиради. Бошқача қилиб айтганда, инглиз тилини ўрганиш жараёнида соҳа талабалари ўзларининг коммуникатив қобилиятларини ривожлантирадилар, бу орқали қолган асосий (ўқитишнинг профил босқичида) ва турли соҳаларда ижтимоий фаолият муаммоларини ҳал қилиш учун касбий ваколатларнинг энг муҳим асослари шакллантирилади.

Соҳа талабалари учун лексик компетенция чет тилдаги коммуникатив компетенция билан бевосита чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг таркибий қисми сифатида хизмат қилади ва айни пайтда, унинг барча ваколатларига сезиларли таъсир кўрсатади. Лексик компетенция лингвистик компетенциянинг бир қисми сифатида қуйидаги бир қатор лисоний вазифаларни ўз ичига олади: 1) тилнинг лексик таркибини билиш, масалан, фразеологик бирликлар, индивидуал сўзлар каби. 2) тил бирликлари, хусусан, синонимия - антонимия, мослик ва бошқалар ўртасидаги умумий тил контекстида сўзнинг маъносини аниқлаш. 3) матн билан ишлашда сўз бирикмаларидан фойдаланиш қобилиятини ўстириш; коммуникатив вазифани ҳисобга олган ҳолда жумлалар тузилишига ёрдам бериш. Шу боисдан ҳам, лексик компетенция фонетик ва грамматик компетенциянинг шаклланиши билан бевосита чамбарчас боғлиқ бўлган, бир-бирига алоқадор лисоний ҳодисадир.

Лексик компетенцияни шакллантириш соҳа талабаларининг лексик кўникмаларини шакллантиришга бевосита боғлиқдир. Айрим ишларда лексик маҳорат “лексик бирликни мақсадга мувофиқ равишда танлаб олиш ва уни бошқа бирликлар билан самарали нутқда (нутқ ва ёзиш) ва автоматлаштирилган ҳислар ва рецептив нутқнинг (тинглаш ва ўқиш) маъно билан боғлаш учун автоматлаштирилган ҳаракат”[294], деб таърифланади.

Таълим олувчиларнинг лексик кўникмалари муайян тамойилларга мувофиқ босқичма-босқич тарзда шаклланади. Масалан, И.Л.Бим, Н.Д.Гальсковой, Н.И.Гез ва бошқаларнинг илмий ишларида лексик кўникмаларнинг шаклланишида муҳим лисоний омил ҳисобланган бир қатор тамойиллар ҳақида методологик фикр-мулоҳазалар билдирилган. Биз уларни назарий асос сифатида умумлаштирдик, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лексик кўникмаларни шакллантиришда фаол иштирок этадиган ***6 та тамойилларни*** энг муҳим ва асосийлари, деб ҳисобладик: а) сўз ва нутқ фаолиятини ўрганишнинг бирлиги тамойили; б) интегративлик тамойили;

[294] Говядова О.Н. Вопрос компетентностного подхода в обучения иностронному языку / Образовательный процесс: поиск эффективных форм и механизмов. - КГМУ. – 2017. –С.155-158.

аник шартлилик тамойили; в) лексикани ўрганиш мазмунидаги ақлий (ментал) компонентларни текшириш тамойили; г) ҳақиқий мулоқот шароитларига имкон қадар яқин бўлган муаммоли вазиятларни ҳал қилиш тамойили; д) жамоавий ҳамкорлик тамойили; е) таълим ва аудиториянинг дидактик-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили[295].

Тадқиқотимизда Н.А.Шамовнинг илмий ишларидаги мулоҳазаларига таяндик ва жаҳон методикасида лексик кўникмаларни шакллантиришнинг умумқабул қилинган босқичлариниасос сифатидақабул қилдик. Улар қуйидагилардан иборат бўлди:

а) лексик кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг биринчи босқичи сўз ҳақидаги сезги маълумотларини олишдан бошланади, яъни: сўзни идрок етиш, унинг тасвирини таниб олиш ва фарқлаш. Кейин эслаб қолиш жараёни – сўзларни ва уларнинг алоқаларини хотирада сақлаш бўйича когнитив ҳаракат билан боғлиқ. Лекин эслаб қолиш жараёни фақат онгли бўлиши керак, яъни ўрганувчилар лексик бирликларнинг маъноларини ва тушунчаларини англаши, уларни механик равишда ёдламасликлари керак бўлади.

Методист А.Э.Алиеванинг берган таклифига кўра, лексик кўникмаларни шакллантиришнинг биринчи босқичи мактабда, лицейда, коллежда ўқиётган ўқувчиларнинг ўқув фаолияти даврига тўғри келади. Унда оддий умумтаълим компетенциялари шаклланади, масалан: ўқиган ёки эшитган матннинг асосий мазмунини ёритиб бера оладилар; тест мазмунини қисмларга ажратадилар; олинган маълумотларни таҳлил қиладилар ва умумлаштирадилар; матн бўйича ўз фикрини билдира оладилар ва саволларга жавоб берадилар; топшириқларни бажаришда синфдошлари билан биргаликда ишлайдилар; синфдошлари фаолиятини баҳолай оладилар. Мактабда ўқиш учун матнлар

[295] Мезинина Н.В. Компетентностный подход в подготовке обучающихся к даче ОГЭ по английскому языку - Педагогические и социологичиские аспекты образования Материалы Международной научно-практичиской конференции. – М., 2018. – С.212-213.

одатда дастурга мувофиқ танланади, ўқувчиларга қийин бўлмаслиги ва қулай бўлиши керак[296].

б) лексик кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг иккинчи босқичи сўз билан амалий ҳаракатлар, янги сўз бирикмаларидан фойдаланиш қобилиятини босқичма-босқич ривожлантириш, уни эслаб қолиш, узоқ муддатли хотира даражасига таржима қилиш учун "шаблонга кўра" такрорий машқларни ўз ичига олади.

в) лексик кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг учинчи босқичи лексик кўникмаларни шакллантиришга асосланган, яъни билимларни ижодий қўллаш босқичи, янги шароитларда лексик ҳаракатларни ишлаб чиқиш, бошқача айтганда – бу лексик ижод, бу иборанинг ўзига хослиги ва мустақиллиги, фикрнинг янгилиги билан ажралиб туради.

Лексик кўникмаларни ривожлантиришнинг иккинчи ва учинчи босқичлари олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Унда компетентлик ёндашувида инглиз тили ўқитувчиси талабаларни катта ҳажмдаги маълумотларни ўзлаштиришга, муҳим тушунча ва атамаларни билишга, таҳлил қила олишга, ўз фикрларини билдиришга, таққослашга, умумлаштиришга тайёрлаши керак. Умумий маданий, қадрият – семантик, ижтимоий ва меҳнат қобилиятлари талабаларни тарбиялашда алоҳида эътибор берилади. Ўқув машғулотларида инновацион ёндашувларни амалга ошириш учун ахборот – коммуникация технологиялари ва интерфаол ўқитиш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Уларни қўллаш талабаларнинг билиш қобилиятларини ривожлантиришга, берилган вазифаларни ҳал қилишга, керакли маълумотларни ажратишга ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

А.Э.Алиеванинг фикрига кўра, "компетентликка асосланган ёндашувда интернетдаги лингвистик ва минтақавий матнлар билан ишлаш ҳам муҳимдир. Бу талабаларга сайтлар билан мустақил ишлаш, керакли маълумотларни

[296] Алиева А.Э. Компетентностный подход при работе с текстом на занятих по английскому языку// Достежения науки и образования. – 2018. - № 1 (23). – с.73.

топиш, инглиз тилида сўзлашувчи давлатлар ва дунёнинг бошқа мамлакатлари тўғрисидаги маълумотларни таққослаш ва қиёслаш имконини беради. Бу ишни уй шароитида ўқиш ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин. Уйдаги ўқиш дарсларининг мақсади: бошқа халқларнинг маданияти, санъати ва ҳаёти, инсониятнинг илмий ва маданий ютуқлари билан танишиш; луғат бойлигидаги сўзларнинг фаол ва пассив сўз бирикмаларини бойитиш; ўқиш билан танишиш маҳоратига эга бўлиш; нутқ қобилиятини ривожлантириш"[297] дан иборат бўлмоғи лозим.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари мутахассислик соҳаси тилини ўрганишда компонентликка асосланган ёндашув турли йўллар билан амалга ошириши мумкин. Инновацион технологияларнинг асоси ўқув жараёнини тўғри режалаштириш ва ташкил этиш бўлиб, талабалар фаолиятига, уларнинг фаол мустақил ва билиш фаолиятига алоҳида аҳамият қаратилади. Шунинг учун талабаларнинг ўқув ва оригинал матнлар билан мустақил ишлашига алоҳида эътибор бериш керак. Буларнинг барчаси муаммоли топшириқлар устида ишлаш, ноаниқ вазиятлардан чиқиш, керакли маълумотларни мустақил топиш қобилиятларини ривожлантиради. Ўқув ва асл матнлар устида ишлаш жараёнида турли хил иш шакллар ва усуллари қўлланади, шунда баъзи талабалар матнга асосланиб, керакли матнни топиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, схема, жадвал, диаграмма ва бошқаларни тузиш учун етарли кўникмаларга эга эмаслиги аниқланади, ушбу муаммоларни матн устида ишлашда компетенцияларни шакллантириш орқали ҳал қилиш мумкин[298].

Чет тили лексик компетентлигини шакллантиришда айрим тадқиқотчилар (А.Е.Сиземина, А.Н.Шамов, О.Г.Стародубцева ва бошқалар) шартли равишда бир неча даражаларни ажратадилар, улар соҳа талабаларининг чет тили лексикасини нутқ фаолиятида амалий фойдаланиш билан боғлиқ коммуникатив муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини

[297] Алиева А.Э. Развитие языковой компетенции в процесси обучения чтению. // Наука, образование и культура. №6 (21), 2017.–с. 53-55..
[298] Алиева А.Э. Домашние чтение на уроках английского языка. // Наука, образование и культура. №5 (23), 2016. – с 118-119.

шакллантириш жараёнини эгалланган билим, кўникма ва малакалар асосида ўрганиб чиқадилар. Биз ҳам уларни синчиклаб ўргандик, таҳлил қилдик ва умумлаштирдик. Охир-оқибатда илмий тадқиқот давомида соҳа талабалари лексик компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ***тўртта даражаси*** мавжуд ва улар икки ўқув йилида амалга оширилади, деган хулосага келдик. Биз аниқлаган ва таклиф қилаётган даражалар мазмуни қуйидагилардан иборат бўлди:

а) лексик компетентликни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг биринчи босқич даражаси А.Н.Шамовнинг фикрига кўра, турли коммуникатив контекстларда (оғзаки ва ёзма) лексик бирликларнинг ишлашини эмпирик билим – кузатишларни тўплаш билан бошланади[299]. Бу босқичда янги лексиканинг тақдимоти ва семантизацияси ташкил этилади: талабалар лексик бирликнинг товуш ва график тасвири ҳақида тасаввурга эга бўладилар ва чет тилдаги сўз ва унинг маъноси ўртасида боғланишлар ҳосил бўлади. Талабалар келтирилган коммуникатив вазиятларда лексик бирликларни аниқлаш кўникмаларини эгаллайдилар;

б) лексик компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг иккинчи босқич даражаси талабаларнинг ўрганилаётган лексик бирликлардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, лексик бирликлар ва уларнинг маъноси ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатишни ўз ичига олади. Бу босқичда ўрганилаётган лексикаларнинг нутқий тренинги маълум коммуникатив мазмундаги сўзлардан фойдаланишнинг бирламчи кўникмаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу даражада таклиф этилаётган лингвистик машқларнинг коммуникатив замини ўрганилаётган лексик бирликларнинг қўлланиш доирасини изчил очиб беради, уларнинг коммуникатив имкониятларини кўрсатиб беради;

[299] Шамов А.Н. Лексические навыки устной речи и чтения – основа семантической компетенции обучаемых // Иностранные языки в школе. 2007. № 4. С. 19–21.

в) лексик компетентликни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг учинчи босқич даражаси ўрганилаётган тилнинг лексик тизими ҳақидаги назарий билимларни эгаллаш, яъни талабаларнинг лингвистик тажрибасини кенгайтириш билан боғлиқ. Бу даража талабаларда сўзнинг шакли, тузилиши ва маъно хусусиятларини белгилаш, кучли оғзаки ва семантик боғланишларни яратишга ҳисса қўшиш кўникмаларини шакллантиришни ўз ичига олади. Бу даражада ўрганилаётган тилнинг формал томони ўзлаштирилади, бу соҳа талабаларининг хорижий филологик дунёқарашини ривожланишига ёрдам беради;

г) лексик компетентликнинг якуний – тўртинчи босқич такомиллашганлик даражаси лексик бирликлардан турли коммуникатив вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланиш қобилиятини ривожлантиришни ўз ичига олади, яъни соҳа талабаларидан илгари ўзлаштирилган ёки ўрганилган тил воситаларидан ва индивидуал нутқ тажрибасидан самарали фойдаланишни талаб қилади. Бу компетентлик даражаси вазифаси чет тили лексикаси билан амалий ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, зарурий тил билими, нутқ малакаси ва қобилиятидан самарали фойдаланишни назарда тутади, мулоқот шартларига мувофиқ турли коммуникатив вазифаларни ҳал этишга қаратилади.

Педагогика олий таълим муассасаларида ўқув режадаги фанлараро боғланишлар тегишли компетентликни шакллантириш самарадорлигининг шарти сифатида муҳим меъёр ҳисобланади. Масалан, *“хорижий тиллар”* йўналишидаги талабалар учун чет тил профессионал лексик компетентлиги таълим жараёнида шаклланувчи билим, кўникма ва лаёқатларнинг мажмуини ўзлаштиришни назарда тутади. Бунда аввалги фикрлаш фаолияти асосида оғзаки нутқий жараёнда фаоллашувчи лексикадан фойдаланишда намоён бўлади, маълум фан аспектларига, хусусан, мазкур йўналишнинг ўқув режасидаги “Инглиз тилининг амалий курси”, “Инглиз тили ўқитиш қиёсий методикаси”, “Касбга йўналтирилган инглиз тили” каби мутахассисликка оид билимларни ифодалашга мустаҳкам вербал-семантик алоқаларнинг

шаклланишига сабаб бўлади, бу талабаларда ассоциатив-фикрий фаолиятнинг темпорал аспектдаги натижасини кўрсатади.

Хорижий (инглиз) тилдаги касбий лексик компетентликни ўқув-илмий фаолият субъектига эга бўлган муайян сифат тизимида талқин қилиш билан бу компетентликни талабалар билими ва тажрибасини ташкил этишнинг касбий ва коммуникатив компетентликнинг прогрессив шакллантирувчи махсус турини таъминлайдиган ресурс сифатида аниқлаш мумкин. Бу сифат профессионал йўналтирилган интеллектда, касбий тил билимларини жалб қилиш ва ўзаро боғлаш, оғзаки ўзаро таъсир жараёнида таркиб-тўлдирувчи оғзаки тузилмаларни амалга ошириш учун тегишли кўникма ва малакалардан фойдаланишда намоён бўлади. Методист олима О.Г.Стародубцева шу муносабат билан тегишли таъсир омили билан шартланган фанлараро муносабатлар контекстида хорижий тил лексик компетентлигини таркибий қисми бўлган лексик кўникма ва лаёқатнинг ассоциатив комплекси сифатида алоҳида ажратиш кераклигини уқтиради[300].

Ушбу мулоҳазага муаллифлик ёндашуви асосида ўзимизнинг муносабатимизни билдирамиз. Назаримизда, лексик кўникмаларнинг мураккаб ассоциативлик сифати талабаларнинг нутқий ва когнитив тажрибасида мавжуд бўлган семантик уюшмаларни ўқув-билиш фаолиятининг бу шароитларига фикрий ассоциатияларни кўчиришга асосланган ва фанлараро боғлиқлик асосида шаклланган лексик кўникмаларнинг ўзига хос фарқли хусусияти саналади. Мураккаб ассоциативлик устувор лисоний хусусият сифатида соҳа талабаларининг онгида муайян қоиданинг аниқ мавжудлигини ва қийинчилик туғилганда ушбу қоидага мурожаат қилиш қобилиятини назарда тутадиган тушунча каби лексик кўникмаларнинг бундай хусусиятларини мустаҳкамлашда самарали намоён бўлади. Айни чоғда керакли операцияларни бажаришда барқарорликни талаб этади. Бу эса нутқий фикрлаш фаолияти ва вербал

[300] Стародубцева О.Г. Лексическая компетенция как язқковая основа профиссионально-комуникативной компетенции студентов неязыкового вуза // Бюллетень сибирской медицины, 2013. том12, 3, с. 127-131

стимуллар (лисоний бирлик)га психофизиологик реакциялар орқали амалга ошириладиган мураккаб функционал тузилмалар сифатида намоён бўлади. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида бундай кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг бир қатор шартлари мавжуд: ўхшатиш ва таққослаш механизми, ихтиёрсиз эсда қолдириш, талабалар миясида намуна олишнинг мунтазамлиги, эшитув, кўргазмали ва мотор образлари бирикмаси орқали ўзлаштиришнинг мураккаблиги, мазмунли тақлид ва бошқалар.

Чет тил касбий лексик компетентлигини шакллантириш соҳа талабаларининг тил тайёргарлиги сифатини оширишнинг муҳим омиллардан биридир. Чунки касб-ҳунар лексикаси нутқий фаолиятнинг ҳам экспрессив, ҳам рецептив турларининг асосий таркибий қисми саналади, агар талабалар уларни пухта ўзлаштирган бўлса ёки, энг муҳими, касб-ҳунарга йўналтирилган лексик материални ўзлаштиришга ўрганган ва касбий ҳамкорликнинг турли вазиятларида самарали фойдаланиши мумкин бўлса, унда соҳа талабаларининг нутқ фаолиятининг барча турларида лексик билим ва кўникмаларни чуқур ўзлаштирганлигига муайян даражада ишонч ҳосил қилиш мумкин бўлади.

Хуллас, олий таълим муассасаси *“Инглиз тили йўналиши”* талабаларида лексик компетентликни шакллантиришга эришиш учун таълим жараёнида унинг шаклланишининг тегишли босқичлари кетма-кетлигини таъминлаш зарур. Чет тил материалининг лингвистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиладиган фанлараро алоқалар воситасида, махсус “Йўл харитаси”даги режага мувофиқ лексик материални ўзлаштиришни ташкил этиш ишларини муваффақиятли амалга ошириш керак.

Лексика соҳасидаги мустаҳкам билим ва кўникмаларсиз ўқиш, гапириш ёки эшитиш орқали тушуниш қобилиятини муваффақиятли ривожлантириш мумкин эмас, чунки унинг ёрдамида муайян ахборотни ўзига қабул қилиш ва бошқаларга узатиш жараёни содир бўлади. Шу сабабли ҳам чет (инглиз) тили машғулотларида лексика устида ишлашга алоҳида эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш жоизки, лексика устида ишлаётганда талаба нафақат ўзининг муайян сўз бойликларидан тўғри ва ситуацион фойдаланишга тайёр бўлиши керак. Шу ўринда, хусусан, унинг мулоқот давомида ва машқлар бажариш вақтида, шунингдек, турли хилдаги луғатлар билан ишлаш вақтида ҳам бартараф этилиши мумкин бўлган билим эгаллашдаги муаммолар билан ишлашга тайёрлаш зарурияти туғилади. Қайд этиш керакки, инглиз тилини ўрганиш чоғида талабаларда лексикани ўрганиш шу лексикани ўзлаштириш керак, деган дастлабки таассурот шаклланиши ёки улар сўз бойлиги муайян сўзларнинг ўзаро боғланиши ва сўзларни қўллаш кўпинча муайян лексик бирликдан фойдаланишни талаб қилади, деган фикрга келишлари мумкин. Шунинг учун ҳам талабаларнинг сўз бойлигини дастлабки босқичидаёқ тўғри ўзлаштиришга тайёрлаш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Талабаларнинг лексик компетентлигини шакллантириш жараёнида сўзларни яхши ўзлаштириш, яъни маълум педагогик тамойиллар асосида қурилиши лозим бўлган узлуксиз амалиётини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда лексик компетентликни шакллантиришга оид лингвистик машқлар нафақат рецептив, балки подуктив режада ҳам мавжуд мулоқотни амалга ошириш учун хизмат қилувчи лексик бирликларни ясашга қаратилганлиги мақсад қилиб олинади. Шундай қилиб, лексик компетентликни шакллантириш учун турли усул ва методлардан фойдаланиш талабаларнинг муайян сўзнинг мазмуни, маъносини англаш ёки ифодалаш учун аввал маълум мулоқот вазиятларда қўлга киритилган сўзларни хотирадан чиқариб олиш имконини беради.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лексик компетентлигини шакллантиришнинг усул ва методларини аниқлаш масаласига эътиборни қаратдик. Бизнинг бу борадаги илмий кузатишларимиз “Инглиз тилининг амалий курси” ва бошқа қатор фанлари асосида олиб борилди (қаранг: иловалар,13-жадвал).

Хуллас, инглиз тили машғулотларида лексик компетентликни ривожлантиришнинг самарали усул вавоситаларидан фойдаланиш билим

сифатини ошириш ва ўзлаштиришнинг яхшиланишига олиб келди, бўлажак мутахассиснинг мотивациясини ва билим қизиқишларини оширишга, лингвистик (лексик) компетенциясини ривожлантириб, такомиллаштиришга катта амалий имконият берди.

4.2. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фразеологик компетенцияни ривожлантириш босқичлари, модели, восита ва усуллари

"*Фразеологик компетенция*" атамасида коммуникатив компетенцияларнинг муайян бир қисми ва нутқий мулоқотнинг турли вазиятларида лисоний, нутқий ва ижтимоий-маданий компетенцияларни амалга ошириш лаёқати тушунчаси ифодаланади. Бу эса хорижий тилдаги фразеологик бирликларни тушуниш ва нутқда қўллашнинг ўрганилаётган тилнинг лингвистикаси, регионал географияси (мамлакатшунослик), социолингвистикаси ва маданиятшунослигида билимлардан фойдалана олиш қобилияти билан биргаликдаги адекват вазиятларини кўзда тутади[301]. Фразеологик бирлик айрим хорижлик олимлар (масалан, Н.И.Гез, Н.В.Баграмова ва бошқалар) томонидан турғун контекстуал бирлик сифатида талқин қилинади. Ҳатто хорижий тил таълимида фразеологик компетенцияларнинг вужудга келиш жараёнидаги бошқа иккинчи (масалан, япон) тили билан қиёслаб, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олиш кераклигини таъкидлайдилар: 1. Ўқитишнинг давомийлик муддати; 2. Ўқитиш интенсивлиги; 3. Ўргатиладиган соҳаларнинг миқдори; 4. Таҳсил сўнгида ўзлаштириш даражаси[302]. Олимлар (Н.В.Баграмов, Н.В.Жура) хорижий тилни ўқитишнинг санаб ўтилган ушбу жиҳатларни инобатга олиб, фразеологик компетенцияларнинг шаклланиш босқичларидаги таълим

[301]Байрамова Л.К. Фразеология и перевод// Фразеология и синтаксис. – Казань.1982. – 42с.

[302]Баграмова Н.В., Джура Н.В. Специфика обучения фразеологии второго иностранного языкана примере обучения японскому языку студентов-бакалавров // Филологические науки. Вопросы теории и практики.Тамбов: Грамота, 2017. № 3(69): в 3-х ч. Ч. 3. С. 197-199; Байрамова Л.К. Фразеология и перевод/ Фразеология и синтаксис. – Казань.1982. – 42с.; Гез Н.И. История зарубежной методики преподавания иностранных языков: учеб.пособие для студ. лингв. ун-тов ифак. ин. яз. высш. пед. заведений. -М.: 2008.-256с.

принципларини ажратишни таъкидлайдилар ва бу борадаги мулоҳазаларини[303] илмий жамоатчиликка тавсия этадилар. Унга кўра, фразеологик компетенциянинг шаклланиш босқичлари қуйидагича: а) ўқув материалини танлаб олиш босқичи; б) фразеологик бирликларнинг семантизиацияси босқичи; в) мустаҳкамлаш босқичи; тузатиш ва назорат қилиш босқичи.

Хориж олимларининг фразеологик компетенциянинг ривожланиш босқичлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини муайян маънода қувватлаймиз. Айни чоғда, биз ҳам тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида мазкур компетенциянинг шаклланиш босқичларини аниқлаб олдик (қаранг: иловалар, 14-жадвал).

Албатта, ўқитувчиларининг биз аниқланган ва тавсия этган фразеологик компетенциянинг шаклланиш босқичларини бўлажак инглиз тили ўқитувчиси билиши ва амалий фаолиятида бажара олишида улар олдига бир қатор касбий-педагогик талаблар қўйилади. Муаллифлик ёндашуви асосида тавсифланган бундай талабларнинг энг асосийлари ўқув жараёнида ва тажриба-синов ишларида ўзини мутлоқ оқлади (қаранг: иловалар,15-жадвал).

Фразеологик компетенциялар номенклатурасини аниқлаш, уларни шакллантириш ва ривожлантириш ишларини ташкил этиш компетенциявий ёндашувга йўналтирилган таълим натижаларининг янги парадигмаларига боғлиқ. ОТМ учун ишлаб чиқилган амалдаги янги давлат таълим стандартлари матнида умумкасбий компетенциялар орасида фразеологик компетенциялар алоҳида кўрсатилмаган. Фақатгина 12 та лингвистик компетенциялар ифода этилган бўлиб, уларнинг ярми умумтаълим мактабларда ривожлантирилиши мўлжалланган компетенциялар турига киритиш мумкин: хусусан, синтактик алоқа, гап турларини идентификациялай олиш; сўз маъноси турини белгилай олиш; сўз тузилиши ва сўз ясаш моделини таҳлил қила олиш. ОТМ “чет тил бўйича С1 даража битирувчилари тайёргарлиги даражасига қўйиладиган

[303]Баграмова Н.В., Джура Н.В. Специфика обучения фразеологии второго иностранного языкана примере обучения японскому языку студентов-бакалавров // Филологические науки. Вопросы теории ипрактики.Тамбов: Грамота, 2017. № 3(69): в 3-х ч. Ч. 3. С. 197-198.

талаблар”[304]да 3 та, яъни, лингвистик, нутқий, тил (лексик, фонетик ва грамматик) компетенцияларини кўрсатиш мумкин, холос.

ОТМ тажрибаси ва синов майдонларида олиб борилган тадқиқотимиз натижалари бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида феълли фразеология талаблари бўйича фразеологик компетенциясини шакллантириш учун бой тил материаллари мавжудлигини кўрсатди, чунки феъл, энг аввало, ҳар қандай дискурсда, гапда асосий компонент ҳисобланади. Фразеологияни ўрганиш соҳасида лингвистик компетенция инглиз тилининг фразеологик тизимдаги материалларни пухта ўзлаштиришга замин яратади, ушбу ҳолатда иборалар ёки фразеологик чатишма, фразеологик бирликлар ва фразеологик бирикмалар, турли тил даражаларидаги морфологиядан синтаксисгача, шунингдек, умумлингвистик ва стилистик шарҳлашгача усуллари билан ўзлаштиришга хизмат қилади. Инглиз тил кўлами лингвистик атамаларда таснифланиши мумкин бўлган бир қатор зарурий фразеологик компетенцияларни ўзлаштириш ва ривожлантиришга мўлжалланган. Биз томонимиздан аниқланган ва илмий жамоатчиликка тавсия этган, яъни бўлажак инглиз тили ўқитувчилари фразологик компетенциясини шакллантиришнинг лисоний манбалари таснифи қуйидагича: а) таркибли фразеологик компетенциялар; б) семантик-фразеологик компетенциялар; в) стилистик-фразеологик компетенциялар; г) функционал-фразеологик компетенциялар. Олиб борган тадқиқотимизнинг натижалари шуни тасдиқлайдики, талабалар муайян лисоний маълумотларни тўлиқ ўзлаштиради ва касбий фаолиятида фразеологик компетенция шакллантирилади, бу борада, муайян билим, кўникма ва малака ҳосил қилинади.

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида амалга ошириладиган фразеологик компетенцияни шакллантириш бўйича билимларни ўзлаштиришнинг учта асосий даражалари белгиланган: таништирув, репродуктив ва продуктив[305].

[304] Чет тили бўйича С1 даража учунтаълим мазмуни- Узлуксиз таълимтизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти...http://uz.denemetr.com

[305]Федуленкова Т.Н., Клюжева Н.В.Поуровневое формирование фразеологических компетенций на основе фразеологизмов с компонентом make..// Филология –С.126.

5111400 – Хорижий тиллар йўналиши ўқув режасидаги машғулотларда бўлажак инглиз тили ўқитувчилари фразеологик компетенциясини шакллантиришга мўлжалланганлигини инобатга олиб, тадқиқотда қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, олиб борилган ишлар инновацион ёндашув асосида амалга оширилди. Бунда биз тадқиқотнинг стратегик босқичли алгоритмини аниқлаб олдик. Муаллифлик ёндашуви асосида бу босқичларнинг мазмун-моҳиятини ифодалаймиз.

Фразеологик компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришнинг I-босқичи (ОТМнинг 1-ўқув йилида). ДТС ва жаҳон методикаларига таяниб ОЎЮда ўқув режасига кўра, лексик-грамматик амалиёт курсида инглиз тилини бошланғич даражада ўрганишни ташкил этишда, энг аввало, талабалар эътиборини инглиз тилидаги фразаларда сўз тартибини тузишга ва ФБ тузилишини ўрганиш заруриятига қаратилди. Чунки чет тили ўқитиш методикасида таъкидланганидек, “ФБ тузилишининг аҳамиятлилик даражасини ўрганмасдан, уларнинг семантикасини тушуниш қийин”[306]. Шунга кўра, биз ФБнинг *make* компоненти билан боғлиқ дастлабки таҳлилларимизни амалга оширдик. Бу ўз навбатида ФБ тузилиши ҳақидаги тушунчани бўлажак инглиз тили ўқитувчисида шакллантириш лозимлиги ва мазкур тилда фразеологизмларининг кўпроқ тарқалганини аниқлаш имконини берди. 350 та *make* компонентли ФБни таҳлил қилиш бўйича берилган ўқув топшириқни бажаришда ҳар бир талаба уларнинг грамматик тузилишини аниқлади, натижада инглиз тилида ФБ тузилишининг энг кўп тарқалган қатори белгиланди ва фразеология соҳасида моделлаштиришнинг биринчи босқичи ҳақидаги тушунчага эга бўлди. Бу босқич мазмун-моҳиятига кўра, қуйидаги моделлардан таркиб топди:

1-таркибли модель: V + Adj – икки компонентли, феъл-адъектив ФБни бирлаштирувчи таркибли модель: *make good* - яхшиламоқ, тўламоқ, бажармоқ;

[306]Ляховицкий М.В. Методика преподавания иностранных языков: Учебное пособие. –М.: Высшая школа, 1981. –105 с.

make clear – кўрсатмоқ, тушунтирмоқ; *make hot* – иситмоқ, қиздирмоқ; *make merry* – хурсандчилик қилмоқ; *make ready* – тайёр бўлмоқ, нимагадир тайёрланмоқ;*make certain* – маҳкамлаш, мустаҳкамламоқ, тасдиқламоқ, ишонч ҳосил қилмоқ; *make fast* – бириктирмоқ, маҳкам боғламоқ ва бошқалар;

2-таркибли модель: V + θ + prep + θ – икки альтернативли, уч компонентли таркибли модель: *make/fashion/form/produce smth from smth яратмоқ*, нимадандир ниманидир ишлаб чиқармоқ, *make/change smb/smth into someone, smth* – айлантирмоқ, кимнидир/ниманидир, кимдадир/нимададир ўзгартирмоқ; *make smth of smb – кимнидир қайта тарбияламоқ*; *make smth of smth – нимадандир кичик фойда олмоқ*;

3-таркибли модель: V + (d) + N + Prep + q – битта альтернативли, уч компонентли таркибли модель. Бу модель тилнинг фразеологик сатҳида бирлик ва кўпликда намоён бўлиши мумкинлиги ҳам аниқланди:

а) бирликда субстантив компонент билан: *make hay of smth* – ниманидир бузмоқ; *make use of smth* – нимадандир фойдаланмоқ; *make sense of smth* – ниманидир тушунмоқ; *make love to smb* – меҳр бермоқ, кимгадир ғамхўрлик қилмоқ; *make room for smb* – қисилмоқ, кимгадир жой бўшатмоқ; *make mincemeat of smth* – нимталаб ташламоқ, йўқотмоқ; *make provision against smth* – нимагадир қарши эҳтиёткорлик чораларини кўрмоқ;

б) кўпликда субстантив компонентлар билан: *make arrangements for smth* – ниманидир ташкиллаштирмоқ; *make demands on smth* – кутмоқ, ёрдамга умид қилмоқ; *make amends to smb* – кимгадир зарарни тўламоқ; *make cracks about smth* – кулмоқ, кимнидир, ниманидир устидан қотмоқ; *make eyes at someone* – кимнидир кўз ўнгида қурмоқ; *make overtures to smb* – ким биландир муносабат ўрнатишга ҳаракат қилмоқ; *make approaches to smb* – кимгадир ёндашувларни излаш.

Фразеологик компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришнинг II-босқичи (ОТМнинг 2-ўқув йилида). ОТМ нинг навбатдаги ўқув йилида инглиз тилини ўқитишнинг кейинги босқичи учун чет тилда назарий курслар ўқитилади, хусусан, *“Инглиз тили лексикологияси курси”*да бошланғич

фразеология ҳақидаги маълумотлар ўргатилади. Ушбу босқичда бўлажак инглиз тили ўқитувчилари ФБ вариантлари унинг айнанлигидан бири эканлиги ҳақидаги мухтасар хулосага келиб, I босқичдаги эгаллаган билимлари билан ўз фаолиятида фразеологик компетенциясини шакллантириш учун барқарор фразаларнинг турли шаклдаги лексик вариантларини аниқлаш бўйича тегишли лисоний топшириқлар олишди, соҳага оид уч юздан ортиқ тест вариантлари устида ишлади, тегишли мавзулар асосида муайян мустақил ишларни бажаришди. Натижада бўлажак инглиз тили ўқитувчилар ФБнинг феълли вариантлари ҳақида қуйидаги лисоний маълумотларга эга бўлишди.

а) ФБнинг феълли вариантлари: *make (или call) white black (тж. turn white into black)* – оқни қора демоқ, ниманидир аниқлигига қарамай тасдиқламоқ, *make/ follow/take a beeline for smth* – тўғри йўлдан бормоқ, қисқа йўлдан бормоқ, тўғрига; *make/cry/play havoc with smth* – бузмоқ, тартибсизлик қилмоқ, вайрон қилмоқ;

б) ФБнинг субстантив вариантлари: *make a bolt/dash for smth* – ўзини отмоқ, югуриб кетмоқ, кимгадир ўзини отмоқ; *make a mockery/travesty of smth* – масхара қилмоқ, кимнидир устидан калака қилмоқ; *make fun/mock/sport at smth* – кимнидир устидан қотмоқ, кимнидир устидан кулмоқ;

в) ФБнинг комплекс вариантлари: *make smb's hair curl (curl smb's hair) – сўзлашув*. Кимнидир жаҳлини чиқармоқ, изтиробга солиш, кимнидир қўрқитмоқ; *make (kick up или raise) a (big) stink (about smth) – разг.-фам.* тўполон қилмоқ, шовқинли жанжал қилмоқ (ниманидир сабаб қилмоқ).

Ўқитишнинг иккинчи босқичида фразеологик компонентларга дахлдор назарий маълумотлар орқали бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мазкур компетенциясини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллаганлигини аниқладик. Бундай маълумотлар қуйидагилардан иборат бўлди:

а) ФБ компонентларининг константбоғлиқлигига кўра, яъни, ФБда кузатиладиган ўзгармас компонентлар билан: *make the whole world kin* – бутун

дунёни бирлаштирмоқ; *make the sparks fly* – тезлик билан ишламоқ, осмон қизиб кетади; *make a mountain out of a molehill* – пашшадан фил ясамоқ каби;

б) ФБ компонентларининг константвариантли боғлиқлигига кўра,яъниФБда кузатиладиган, ҳеч бўлмаганда, битта вариантсиз маҳраж лексемани сақлаб қолишда компонентлар вариантини бериши билан, яъни: *make or break (make or mar)* – улуғламоқ ёки ҳалок қилмоқ, ёки пан, ёки пропан; *make (или to cut) a long story short* – яъни, *be made (become) one* – уйланмоқ, турмуш қурмоқ каби;

в) ФБ компонентларининг константўзгарган боғлиқлиги, ФБда кузатиладиган компонентлар вариантлилигига эга бўлмаган ва олмошлар алмашиши учун таркибида ўзгарган элементларнинг норматив киритилишига имкон берган компетенциялар орқали, яъни: *make smb free of one's house* – кимнидир самимий кутиб олмоқ; *make smb open his eyes* – ҳайратлантирмоқ, кимнидир ҳайрон қолдирмоқ; *make shipwreck of smth* – ниманидир йўқ қилмоқ, нимагадир зарба бермоқ; *make sense of smth* – маънони тушунмоқ, ниманидир фарқига бормоқ; *make smb's gorge rise* – кимдандир жирканмоқ, нафратланмоқ каби;

г) ФБ компонентларининг константвариантли ўзгарувчан боғлиқликда, яъни ФБда кузатиладиган, компонентлар вариантлилигини олмошлар билан алмаштиришда битта лексик вариантни сақлаб қолган ҳолда ўзгарган элементларни киритиш орқали: *make semblance of smth (тж. put on a semblance of smth)* – ниқоб тақмоқ, ...дек кўрсатмоқ; *make (или run) rings (a)round smb* – бировдан баланд келмоқ каби.

Педагогик олий таълим муассасалари "хорижий тиллар" йўналиши ўқув режаларига киритилган *"Замонавий инглиз тили лексикологияси"* курси дастурида, одатда, фразеологиянинг асосий масалалари узвийлик тамойили асосида босқичма-босқич ўрганилади, шунинг учун ушбу босқичда бўлажак инглиз тили ўқитувчилари ФБни ўрганишда уларнинг семантизациясига алоҳида эътибор қаратдик, фразеологизмнинг ***бир маъноли ва кўп маъноли*** намуналарини қўшиб ўрганиш мақсадга мувофиқ, – деб ҳисобладик.

а) бир маъноли фразеологизмлар. Бундай ФБ инглиз тилида кўпроқ қисмни ташкил этади. Масалан:*make a practice of smth* – мунтазам, узлуксиз равишда нима биландир банд бўлмоқ, ўзини намуна қилиб кўрсатмоқ; *make a mystery of smth* – нимаданидир махфий сақламоқ, ниманидир яширмоқ; *make a bid for smth* – нимагадир ҳаракат қилмоқ, нимагадир пултикмоқ; *make a trade of smth* – ниманидир алмаштирмоқ;

*б) make феъли билан тузилган кўп маъноли ФБ.*Уларнинг лисоний намуналари инглиз тилида сони кўп эмас.Масалан: *make an impression on smb* – 1) кимдадир таассурот уйғотмоқ, нима ҳақидадир таассурот қолдиришга имкон бермоқ, 2) таъсир кўрсатмоқ, кимнидир ниманидир билишга мажбурламоқ; *make good* – 1) асосламоқ, исботламоқ, тасдиқламоқ, 2) ўрнини тўлдирмоқ, зарарни қопламоқ, компенсация тўлаш*(йўқотилган нарсага)*, 3) амалга оширмоқ; бажармоқ *(ваъда)*, сўзида турмоқ, 4) омадга эришиш, улгурмоқ каби.

Фразеологик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг III босқичи (ОТМнинг 3-4-ўқув йилида). Фразеология ҳақидаги назарий маълумотларни учинчи босқичда *“Инглиз фразеологияси бўйича махсус курс”* дарсларида батафсил ўрганиш бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг ушбу соҳадаги компетенциялар қаторини шакллантириш имконини беради, деб ҳисобладик. Тадқиқотда қўйилган мақсад-вазифадан келиб чиққан ҳолда, муаллифлик ёндашуви асосида ушбу компетенциянинг босқичма-босқич ***таснифини*** ҳам аниқлаб олдик. Бу тасниф таркиби қуйидаги тартибда белгиланди:

1. ФБ компонентлари аҳамиятини қайта тушуниш тавсифи босқичи. Бу босқич икки хил ҳолатда намоён бўлади: а) ФБни тўлиқ тушуниш: *make (both или two) ends meet* – қарзларсиз яшаш, охирига етказмоқ; *make (или turn) the air blue* – тортишмоқ, сўкинмоқ; *make (kick up или raise) a dust* – шовқин кўтармоқ, тўполон қилмоқ, қичқирмоқ, жанжал қилмоқ; *make a pile* – орттирмоқ, ҳолатга кирмоқ; *make out one’s case* – ҳақлигини исботламоқ, ишонтирувчи асослар келтирмоқ, қарашларини асосламоқ каби; б) ФБни қисман тушуниш: *make a*

difficulty (difficulties) – қийинчиликларни тасаввур қилиш; *make a poor first at (или of) smth – разг.омадсиз ҳаракат қилмоқ*, ниманидир уддасидан чиқолмаслик, ниманидир бажара олмаслик; *make an idol of smb (ёки smth)* – кимнидир улуғламоқ, кимнидир кумир қилмоқ*; make a martyr of oneself* – воз кечмоқ, қизиқишларидан воз кечмоқ, азоб чеккандек кўриниш; *make a convenience of smb* – қизиқишлари учун кимдандир виждонсизларча фойдаланиш; *make friends (with smb)* – дўстлашмоқ (ким биландир), дўстлик муносабатларини ўрнатиш, дўстларга эга бўлмоқ каби.

2. Фразеологизмларни тушуниш механизмлари босқичи. Бу босқич ўз навбатида уч хил ҳолатда намоён бўлади: а) метафора орқали: *make an idol of smb (или smth)* – кимнидир улуғламоқ, кимнидир кўмир сифатида тан олмоқ; *make an honest woman (out) of smb* – «кимнидир ҳақиқатпарвар аёл қилмоқ», енгилтабиат аёлга уйланмоқ; гуноҳларни беркитмоқ, яъни жазманга уйланмоқ, ишқий алоқани никоҳдан ўтиб қонунийлаштириш каби; б) метонимия орқали: *make a day of it – разг. Кун давомида қандайдир иш билан банд бўлмоқ*, кун давомида ниманидир қойиллатиш (*изоҳ:* кўнгилхушлик) каби; в) гипербола орқали: *make the dust fly* – тез ва чаққон ҳаракат қилмоқ, шиддат билан ишлаш каби.

3. ФБнинг ички шакли шаффофлиги босқичи. Бу босқич муайян матнда икки хил ҳолатда намоён бўлади: а) асосланган ФБ: *make a stranger of smb* – совуқ, ким биландир илтифотсиз муносабатда бўлиш, бегонага муомала қилгандек гапириш, *make (earn или turn) an honest penny* – меҳнат қилиб пул топмоқ; *make smb's heart leap out of his mouth (bring smb's heart into his mouth)* – ўлим билан кимнидир қўрқитмоқ, жони чиқмоқ; *make up for lost time* – йўқотилган нарсаларни ўрнини тўлдирмоқ, йўқотилган вақт; б) асосланмаган ФБ: *make up leeway* (*маъноси. мор.* шамолга учирмоқ) – қийин ҳолатдан чиқмоқ, йўқотилган нарсани бой бермоқ, тикламоқ; *make a silk purse out of a sow's ear* (*маъноси.* йўқдан бор қилмоқ) – кимнидир қайта тарбияламоқ, кимнидир инсон қиёфасига келтирмоқ; *make bricks without straw*– мураккаб вазифа билан шуғулланмоқ.

4. Стилистик бўёқдорликка хос ФБ компетенциялари босқичи. Бу босқич матнда хилма-хил ҳолатларданамоён бўлади. Масалан: *make a bag – ов.* Кўп қушларни ўлдириш, кўп балиқ тутмоқ; *make a muff of smth – сўз.* Хато отмоқ, нишонга теккиза олмаслик, ниманидир бой бермоқ; *make a streak for smth – амер ;*. Нимагадир омадли йўналмоқ, *make (австрал. throw) eyes at smb (амер. give smb the big eye)* – кимгадир қош қоқмоқ, кўзи билан ўқ отмоқ, *make a muck of smth* –ифлос қилмоқ, ниманидир расво қилмоқ; *make a Federal (или federal) case out of smth – амер. сўз*. ишни бузмоқ; *make a leg – оғз.*эгилиб таъзим қилмоқ; *make like – амер. жарг*. Ўзини кўрсатмоқ (кимгадир *make the eagle scream (fly the eagle) – амер. сўз.* ватанпараварлик қилмоқ ва бошқалар.

5. ФБ вазифалари. Инглиз тилидаги ФБнинг вазифалари икки хил: а) гапдаги вазифалари (эга, кесим, тўлдирувчи ва бошқалар); б) феълли ФБнинг лисоний тизимдаги вазифалари (номинатив, когнитив, прагматик ва бошқалар).

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик билимларни ўзлаштириш ва бу борадаги касбий қобилиятларини ривожлантиришда ФБлардан амалиётда фойдаланиш индивидуал таълим йўналиши ва бошқа лойиҳавий, моделлаштириш ва бир қатор тадқиқот усуллари, хусусан, ўйин технологиялари, хилма-хил мустақил-ижодий вазифалар, фаол, контекстли муаммоли таълим, шунингдек, тажриба асосида инновацион фаолиятни ташкил этиш самарали натижалар берди. Шакллантирилган мазкур компетенцияларни мустаҳкамлаш ва компетенция малакасини текшириш ўқув амалиёти, коллоквиум, тест синови, индивидуал ижодий вазифа, педагогик амалиёт асосида амалга оширилди.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, педагогика олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишда инглиз тили феълли фразелогиясининг янги, босқичли алгоритми асосида талабаларда касбий фаолиятлари учун ўта муҳим кўникмалар ҳосил бўлди. Бунда 30га яқин фразеологик компетенцияларни ўргатиш имконияти яратилди. Талабалар билан амалий ишлаш натижасида таклиф этилаётган, феълли фразеология ва

инглиз тили учун релевант ҳисобланадиган фразеологик компетенция бўйича алгоритмнинг универсаллиги ҳақида яхлит хулосага келиш натижаси бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фразеологик компетенцияни шакллантириш учун илмий-методик асос бўла олди.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фразеологик компетенцияни шакллантиришда *“фразео-материал”* атамасига эътибор қаратиш лозим. Фикримизча, бу атамада фразеологик компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган, фразеологик бирликлар иштирок этган, мураккаблиги жиҳатидан хилма-хил мазмун-моҳиятга эга бўлган машқлар, тестлар, ўйинлар ва лисоний матнлар мажмуи тушунчаси ётади. Бу борадаги кузатишларимизни ойдинлаштириш мақсадида биргина фразеологик машқлар тизимини кўриб чиқдик. Бу тизим бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фразеологизмларни яхши билиб олишларида, матн билан ишлаш, тўғри таржима вариантини топа билишига, энг муҳими, уларда фразеологик компетенцияни шакллантиришга ёрдам берди. Фразеологик машқлар мазмун-моҳиятига кўра ФБни ўрганилаётган тил синонимлари ёрдамида тушуниш ва таърифлашга оид, матн (диалог)да ФБни аввал ёзма, кейин оғзаки кўринишда аниқловчи, ФБни бир неча бор такрорлаш ва нутқда мустаҳкамлашга оид, нутқда мустақил қўллашга қаратилган, ФБ қўлланган алоҳида жумлаларни оғзаки таржима қилишга оид, таркибида ФБ бўлган матнни таржима қилишга қаратилган машқлар тизимидир. Барча лексик-фразеологик ва грамматик-фразеологик машқлар мажмуи бўлажак инглиз тили ўқитувчиларига матндан ФБларни ажратиб олиш; фразеологизмларнинг нутқий вазифаларини таҳлил қила билиш; миллий-маданий тафовутларни аниқлаш; уларни нутқда эркин қўллай ола билишга ёрдам берди.

Кўпинча бу соҳа талабалари учун фразеологизмларни фақат қуруқ ёдлаш шунчаки зерикарли ёки қизиқарли бўлмаслиги мумкин. Бунинг учун, энг аввало, талабаларда фразеологик материалларга катта қизиқиш уйғотиш талаб этилади. Талабаларга уларга тавсия этилган ва мустақил ўқишга берилган илмий-бадиий адабиётлардан мисоллар келтириш, таржима хусусиятларига

урғу бериш орқали қизиқиш уйғотиш ва уларнинг дарсларда фаоллашувига эришиш мумкин.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида инглиз тилида талабалар нутқини фаоллаштириш масаласига эътибор қаратдик ва қуйидаги топшириқларни ишлаб чиқиб, ўзлаштиришлари учун тавсия қилдик: а) берилган ибораларни қатнаштириб мустақил гаплар тузиш; б) берилган сўз бирикмаларининг она тилидаги муқобилларини ёдга олиш ва фразеология образли тизимининг миллий ўзига хослигига эътибор қаратиш; в) ФБнинг синонимик қатордаги умумий маъносини аниқлаш; г) ибораларни қўллаш мумкин бўлган вазиятларни санаб кўрсатиш; д) ўзининг ва атрофидаги кишиларнинг хулқи, характерини ибора ёрдамида тавсифлаш каби.

Тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида ва тажриба-синов ишларидаги фразеологик компетенциясини шакллантиришга бағишланган ўқув машғулотларида хорижий методист олимларнинг[307] ва шунингдек, республикамиздаги баъзи методистларнинг[308] ўқув қўлланмаларида берилган машқлар тизимидаги намуналардан самарали фойдаландик.

Булардан ташқари, 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти таълими йўналиши талабаларининг фразеологик компетенциясини шакллантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларида тайёрлов, нутқ, таржима ва бошқа қатор фразеологик машқлар туридан ҳам самарали фойдаланилди (қаранг: иловалар, 16-жадвал).

Таржима машқларига дахлдор лисоний намуналарнинг таҳлили шуни кўрсатадики, каттагина ва ранг-баранг фразео-материалда таълим олувчи бўлажак инглиз тили ўқитувчиларига, *биринчидан*, тавсия этилган кўп сонли мисолларда фразеологик бирликларнинг матндаги ўрнини аниқлаш, бу жараённинг умумий қонуниятларини белгилаш, *иккинчидан*, уларни нутқда қўллаш ва таржима қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш имконини берди.

[307]Jennifer Seidl. English Idioms Exercises on Idioms. – USA: Thompson, 1992. – 294 p.; Harry Collis “101 American English Idioms: Understanding and Speaking English Like an American”. – USA: PASSPORT BOOKS, 1987. –111p; Jon Wright. Idioms organizer. – USA: Thompson, 1992. – 234 p.

[308]Азизова Ф. Инглиз тили фразеологизмларни ўргатиш методикаси. -Тошкент, 2011.-72 б.

Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, талабаларнинг фразеологик компетенцияси соҳасидаги кенг қамровли билим, малака ва кўникмаларини ҳосил қилишга амалий ёрдам беради.

Лисоний ўйин-топшириқлар инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини шакллантиришнинг навбатдаги омили саналади. И.А.Зимнянинг тадқиқотларида[309] таъкидланишича, лисоний ўйинлар коммуникатив характерда ва касбга йўналтирилган бўлиши лозим. Ўйин, шубҳасиз, мотивацияни ҳаракатга келтиради, ўқитиш жараёнини фаоллаштиради, энг муҳими, талабани эркин фикрлашга ундайди.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини шакллантиришга бевосита хизмат қилган, тажриба-синов майдонларида фаол қўлланилган лингвистик ўйинлардан ҳам самарали фойдаландик (қаранг: иловалар, 17-жадвал).

Ушбу илмий тадқиқотни олиб бориш жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантиришда таълимни рақамлаштириш муҳитининг ўрни алоҳида муҳим аҳамият касб этишини кузатдик, шу боисдан ҳам методикадаги И.Г.Захарова[310], В.П.Беспалько[311], С.Н.Поздняков[312], И.Г.Овчинникова[313], Е.К.Ханнер ва А.П.Шестаков[314] ларнинг илгари сурган ғояларига суяндик. Лекин бу ўринда шуни таъкидлашни жоиз деб билдик: бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик материалларни ўзлаштириш фаолиятида компьютер технологиясининг педагогик имкониятлари ниҳоят даражада устунлиги ва улардан таълимда самарасиз фойдаланиш ўртасидаги зиддиятларнинг

[309]Зимняя И.А. Ключовые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании // Ректор вуза. - 2005. - № 6. - С. 13-29; Зимняя И.А.Ключевые компетенции – новая парагдима результата образования // Высш. Образование сегодня. 2003, №5. С.34-42.

[310]Захарова И.Г. Модель поэтапного формирования социальной компетенции у будущих инженеров // Инновации в образовании. - 2008. - № 12. - С. 25-32.

[311]Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. - М.: ИРПО. - 1995. - 336 с.

[312]Поздняков С.Н. Конструктирование общих информационных образовательных пространств. // IX конференция – выставка «Информационные технологии в образовании». - Москва. - 1999.

[313]Овчинникова И.Г. ИКТ для учителя-словесника. - Пермь. - 2006.

[314]Хеннер Е.К., Шестаков А.П. Информационно-коммуникационная компетентность учителя: структура, требования и система измерения // Информатика и образование. - 2004. - №12. - С. 5-10.

мавжудлигини аниқлашга эришганлигимизни олдинги тадқиқотимизда[315] кузатган эдик.

Сўнгги олиб борилган тадқиқотимизда айтилган мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосалар чиқаришга имконият яратилди:

1. Фразеологик компетенция муайян шаклланиш ва ривожлантириш босқичларга, ўзига хос модели ва таснифига эга. Буларнинг ҳаммасини бўлажак инглиз тили ўқитувчиси пухта ва изчил,давомли тарзда эгалласагина, уларнинг касбий фаолиятида лингвистик компетенциянинг мустақил тармоғи сифатида фразеологик компетенция ривожлантирилиши исботланди.

2. Фразеологик компетенцияни ривожлантириш босқичларида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг тегишли билимларни билиши, эгаллаши ва уларни амалиётда бажара олиши шарт бўлган бир қатор касбий-педагогик, интеллектуал-лаёқат талаблар қўйилиши аниқланди. Бундай талаблар ўз навбатида соҳа бакалавр талабасининг етук рақобатбардош мутахассис бўлиб етишишига замин тайёрлай олади.

3. Инглиз тилига хос фразео-материал ушбу компетенцияни ривожлантиришга йўналтирилган, ФБ иштирок этган ўқув материаллар тўпламидир. Фразео-материал мазмунини танлашда ушбу тилда сўзлашувчилар учун кўп ҳолларда аниқ-равшан бўлиши табиий бир ҳол, бироқ ўзга тилда сўзлашувчилар учун жиддий қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларда ФБларнинг шакл, мазмун ва қўлланиш хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

4. Кейинги босқичдаги кузатишларга кўра, фразео-материалларнинг тадқиқот объекти инглиз тилининг фразеологик микротизими ва унинг қонуниятларига бевосита боғлиқдир. Лекин ҳозирги вақтгача фразеологик бирликларга доир қонуниятлар жаҳон методикасида тўлалигича очилмаганлиги, фразеологик даража ва фразеологик маъно тушунчалари

[315] Жуманазаров У.У. Таълимни ахборотлштириш шароитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2019.

етарлича асосланмаганлиги, айниқса, қўшма сўз ва фразеологик бирлик ўртасидаги лисоний чегара, фразеология ва фразеоматика ўртасидаги фарқ аниқланмаганлиги маълум бўлди. Тил таълимидаги бундай долзарб илмий-методик муаммолар келгуси тадқиқотларда ўз ечимини кутмоқда.

4.3. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари грамматик компетенциясининг таркиби, ривожлантириш босқичлари ва мезонлари

Жаҳон педагогик таълимида грамматикани ўқитиш, грамматик қобилият ва компетенцияларга дахлдор муаммоларга бағишланган кўпгина илмий ишлар амалга оширилган. Хусусан, Z.Akbari[316], R.Andrews, C.Torgerson, S.Beverton, A.Freeman, T.Locke, G.Low, D.Zhu[317], K.Araki[318], N.Chomsky[319], M.S.Effendi, U.Rokhyati, R U.A.achman, A.D.Rakhmawati, D.Pertiwi[320], T.S.Farrell, P.C.P.Lim[321], C.Gascoigne[322], F.Heidari, S.A.Alavi[323], Y.H.Huang[324], S.Jones, D.Myhill, T.Bailey[325], F.Karimkhani[326], Y.F.Liao[327], A.L.López[328], K.V.N.K.Murthy, G.L.Krishna, K.Dasaradhi[329], D.A.Myhill, S.M.Jones, H.Lines,

[316] Akbari Z. The role of grammar in second language reading comprehension: Iranian ESP context. Procedia-Social and Behavioral Sciences, 98, 2014, 122-126.
[317] Andrews R., Torgerson C., Beverton S., Freeman A., Locke T., Low G., Zhu D. The effect of grammar teaching on writing development. British Educational Research Journal, 32(1), 2006, 39-55.
[318] Araki K.. Does Teaching Grammar Really Hinder Students' Speaking Abilities? US-China Education Review, 5(6), 2015, 400-408.
[319] Chomsky N. Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, Massachusetts: The MIT Press, 1965; Chomsky N. Language and mind. 3rd ed. Cambridge: Cambridge University Press, 2006.
[320] Effendi M.S., Rokhyati U., Rachman U.A., Rakhmawati A.D., Pertiwi D. A Study on Grammar Teaching at an English Education Department in an EFL Context. International Journal on Studies in English Language and Literature (IJSELL), 5 (1), 2017, 42-46.
[321] Farrell T.S., Lim P.C.P. Conceptions of Grammar Teaching: A Case Study of Teachers' Beliefs and Classroom Practices. TESL-EJ, 9(2), 2005, 1-13.
[322] Gascoigne C. Toward an understanding of the relationship between L2 reading comprehension and grammatical competence. The Reading Matrix, 5(2), 2005, 1-14.
[323] Heidari F., Alavi S.A. Knowledge of Grammar, Oral Communication Strategies, and oral Fluency: A Study of Iranian EFL Learners. Iranian Journal of Applied Language Studies, 7(1), 2015, 83-104.
[324] Huang Y.H. Does EFL Students' Grammatical Ability Account for Writing Ability? A Case Study. Chia Nan Annual Bulletin, 37, 2011, 500-515.
[325] Jones S., Myhill D., Bailey T. Grammar for writing? An investigation of the effects of contextualised grammar teaching on students' writing. Reading and Writing, 26(8), 2013, 1241-1263.
[326]Karimkhani F. The relationship between EFL learners' writing performance with their grammar knowledge, writing strategy use and self-esteem. Advances in Asian Social Sciences (AASS), 7(2), 2016, 1189-1196.
[327] Liao Y.F. Investigating the construct validity of the grammar and vocabulary section and the listening section of the ECCE: Lexico-grammatical ability as a predictor of L2 listening ability. Spaan fellow, 1001, 37, 2007, 37-116
[328] López A.L. To what extent does grammar knowledge account for competence in FL reading comprehension in university students. RESLA, 21,2008, 181-200.
[329] Murthy K..V.N.K., Krishna G.L., Dasaradhi K.. Syntactic Awareness and Reading Ability. AGU International Journal of Research in Social Sciences & Humanities, 5, 2017, 533-539.

A.Watson[330], A.Pazaver, H.Wang[331], S.Phipps, S. Borg[332], P.Rajabi, E.Dezhkam[333], W.A.Taha, A.K.Reishaan[334], Yoon S., Hoshi K., Zhao H.[335], Young R.F.[336] ва бошқаларнинг инглиз тилидаги илмий мулоҳазалари шулар жумласидандир.

Илмий-методик адабиётларда грамматик компетенцияҳақида хилма-хил тарзда: бир-бирига жуда яқин ва бири иккинчисини тўлдирадиган таърифларнинг мавжудлигини кузатдик. Хорижий тилни билиш даражасининг Европа тизимига кўра, грамматик компетенция – бу тилнинг грамматик воситаларини билиш ва улардан фойдаланиш қобилиятидир. Фикримизча, таълим компетенциясининг барча хусусиятларини ушбу таъриф ўзида акс эттирмайди. Биз бу ўринда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган самарали фаолиятни амалга ошириш қобилиятини назарда тутаяпмиз, холос. Яна бир ўринда М.Канейл ва М.Свайннинг маълумот беришича, "грамматик компетенция" лексик бирликлар ва морфология қоидалари, синтаксис, гапнинг семантикаси ва фонологиясини билишни ўз ичига олади[337]. Ушбу таърифга муаллифлик ёндашуви асосида қисқача муносабат билдирамиз: унда фақат турли хил қоидалар тўғрисида маълумотлар эслатиб ўтилган, улар ўз-ўзидан кўникма ва қобилиятларсиз талабаларга чет тилида нутқ фаолиятини олиб бориш имкониятини беролмайди. Бундан ташқари, лексик бирликларни билиш грамматик компетенциянинг асоси ва объекти эмас. Ҳар иккаласининг мақсадлари, таркиби ва тузилиши, методлари, бошқа-бошқа бўлганлиги учун ҳам биз томонимиздан олиб борилган мазкур тадқиқотда лингвистик

[330] Myhill D.A., Jones S.M., Lines H., Watson, A. Re-thinking grammar: the impact of embedded grammar teaching on students' writing and students' metalinguistic understanding. Research Papers in Education, 27 (2), 2012, 139-166.
[331] Pazaver A., Wang H. Asian students' perceptions of grammar teaching in the ESL classroom. The International Journal of Language Society and Culture, 2009, 27, 27-35.
[332] Phipps S., Borg S. Exploring tensions between teachers' grammar teaching beliefs and practices. System, 37(3), 2009, 380-390.
[333] Rajabi P., Dezhkam E. The effect of explicit grammar instruction on improving writing accuracy of Iranian EFL learners. Journal of ELT and Applied Linguistics (JELTAL), 2(1), 2014, 61-76.
[334] Taha W.A., Reishaan A.K.. The Relationship between Competence and Performance: Towards a Comprehensive TG Grammar. Adab al-kufa journal, 1(2), 2008, 35-59.
[335] Yoon S., Hoshi K., Zhao H. The Evolution of Asian ESL Students' Perceptions of Grammar: Case Studies of 9 Learners. Carleton Papers in Applied Language Studies, 2004, 117-152.
[336] Young R.F. 'Interactional competence in language learning, teaching, and testing', in E. Hinkel (Ed.), Handbook of research in second language teaching and learning. London & New York: Routledge, 2011, 426-443.
[337] Canale M., Swain M. Theoretical Bases of Communicative Approaches to Second Language Teaching and Testing. IIAppliedLinguistics, 1980. Vol. 1, № 1.

компетенцияларнинг таркиби сифатида лексик ва грамматик компетенциялар алоҳида муаммолар сифатида ажратилиб текширилди, ҳар иккаласида аниқланган ва тажриба-синов майдонларида тасдиқланган бир қатор ғоялар ҳам алоҳида-алоҳида берилди.

Европа Кенгашининг ҳужжатларига кўра, грамматик компетенция деганда “тилнинг грамматик элементларини билиш ва уларни нутқда қўллаш қобилияти” тушунилади. Грамматик компетенция маълум бир маънони тушуниш ва ифодалаш қобилиятини ўз ичига олади, уни муайян тил қоидаларига биноан тузилган иборалар ва жумлалар шаклида расмийлаштиради (ёдланган намуналарни механик такрорлашдан фарқли ўлароқ)”[338]. Грамматик компетенцияни бундай тушуниш унинг таркибидаги қуйидаги қисмларнинг мавжудлигини назарда тутади:

а) лексик бирликларни мазмунли нутқ сўзлашувига айлантирадиган грамматик қоидаларни билиш;

б) грамматик воситалар билан ишлаш қобилияти ва кўникмалари, коммуникатив масалаларни хал қилиш учун турли хил мулоқот вазиятларида чет тилидаги нутқ фаолиятида грамматик ҳодисаларни етарли даражада ишлатиш;

в) маълум бир маънони тушуниш ва ифодалаш қобилияти ва тайёрлиги, унинг нутқий ифодасини оғзаки ва ёзма шаклда, муайян тил қоидаларига биноан тузилганлиги[339].

Жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар олимларининг хулосаларига кўра, грамматик компетенциянинг тузилиши учта: назарий, лингвистик ва нутқ таркибий қисмларидан ташкил топган. БироқРоссия ва МДҲдаги бир қатор тадқиқотчилар, масалан, Л.К.Бобожанова, Р.А.Будагов, Г.В.Елизарова, Л.И.Карпова, Н.А.Кафтайлова, М.В.Лебедева, С.Г.Тер-Минасова, Т.К.Цветкова ва бошқалар ижтимоий-маданий (социокултурологик)

[338] Общеевропейкие компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка/ Департамент по языковой политике, Страсбург. М.: МГЛУ, 2005.-107-108

[339] Рябцева О.М.Формирование грамматической составляющей иноязычной компетенции // Изв.Юж. фед. ун-татехническкие науки. 2010. №10.Т. 11. 116 с.

тузилмани грамматик компетенция таркибига киритиш зарурлигини таъкидлайдилар. Лингвокултурологик ёндашувнинг ҳолатидан келиб чиқиб, лингводидактиклар грамматик жиҳат ва тилини ўрганиладиган мамлакат маданияти ўртасидаги боғлиқликнинг муҳимлигини таъкидлашади, улар нафақат когнитив асосни яратишга ҳисса қўшибгина қолмай, балки талабалар онгида турли хил лингвомаданий ташувчилар дунёси тасаввурни шакллантиради, менталитет тафовутлари туфайли юзага келадиган хатоларни камайтиради, деган илмий ғояни илгари сурадилар. Методист И.В.Чернецкаянинг таъкидлаганидек, ушбу ёндашув контекстида грамматик компетенциянинг ижтимоий-маданий таркибий қисми, энг аввало, бу ўрганувчиларнинг муайян коммуникатив таркибни мулоқотнинг ижтимоий-маданий контекстига етарлича етказиш учун мулоқот жараёнида турли хил грамматик воситаларни фарқлаш қобилияти ва хоҳишидан иборатдир[340].

Юқорида айтилган чет (инглиз) тили коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми сифатида грамматик компетенциянинг муҳим хусусияти тушунчаси бизга грамматик компетенцияни “оғзаки ва ёзма шаклларда нутқ сўзини тушуниш ва тузиш қобилияти, билиш, таҳлил қилиш ва тушуниш кўникмалари, чет эл маданий тушунчаларни она тилда ўхшаш тушунчалар ва уларнинг ифода воситалари билан таққослаш жараёнида талқин қилиш, грамматик воситалар билан ишлаш кўникмалари, уларни маданиятлараро мулоқот жараёнида коммуникатив муаммоларни қўллаш қобилияти бўйича таққослаш”[341]ни аниқлашга имкон беради.

Грамматик компетенцияга берилган юқоридаги барча таърифлар бир тарафдан таълим компетенцияси тушунчасининг асосий таърифини тўлиқ ифодалаб бера олмайди, бошқа томондан, унинг тузилиши ва мазмун-моҳиятини турлича изоҳлайди. Гарчи олимларнинг ушбу муаммони турли

[340] Чернецкая И.В. Профессионально-направленное обучение грамматике английского языка студентов старших курсов филологических факультетов педагогических вузов (английский язык как вторая специальность): дис. … канд. пед. наук. СПб., 2001. – с.43.

[341] Кашенкова И.С. Роль грамматической компетенции при определении целей обучения грамматической стороне иноязычной речи специалистов-международников // Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2013. № 8(26): в 2 ч. ч. I. С. 80–83.

нуктаи назардан ўрганиб ва “грамматик компетенция” атамасини изоҳлашга ноаниқлик билан қарашларига қарамасдан, биз кўплаб методистларнинг тегишли мулоҳазаларини умумлаштиришга ва “грамматик компетенция” тушунчаси, унинг таркибий қисми ва мазмунини аниқлашга ҳаракат қилдик ва тажриба-синов ишларида тасдиқланган муайян мулоҳазаларни таъкидлашни лозим топдик.

Назаримизда, грамматик компетенция – бу аслида лингвистик компетенциясининг ажралмас қисми, у, ўз навбатида, чет тилининг коммуникатив компетенциясининг таркибий қисми сифатида методикада тан олинган. Грамматик компетенция чет тили коммуникатив компетенциянинг субкомпетенцияларидан бири бўлиб, *бир томондан,* грамматик ҳодисалар ва улар ифода этадиган тушунчалар ўртасида ўрнатилган алоқалар ва қонуниятларни назарда тутса, *иккинчи томондан,* она тили ва ўрганилаётган хорижий тил ўртасидаги ўзаро боғлиқ имкониятлар бўлиб, унда грамматик муносабатлар ушбу тил жамиятлари – вакилларининг когнитив, концептуал дунёқарашини билдиради. Шу нуқтаи назардан, кўплаб тадқиқотчилар чет тилларни ўқитишдаги коммуникатив-когнитив ёндашув нуқтаи назаридан грамматик компетенцияни ўрганиб чиқмоқдалар; бунда улар грамматик компетенциянинг асоси иккита асосий механизм турларига асосланади: *биринчиси*, коммуникатив, яъни чет тилида нутқни моҳирона эгаллашга ҳисса қўшадиган, *иккинчиси,* когнитив, яъни концептуал жараёнини рағбатлантирадиган, натижада, талаба онгида хорижий тил тушунчаларини шакллантиришга хизмат қиладиган механизм туридир.

Грамматик компетенцияни аниқ ва тўлиқ таърифлаш учун, назаримизда, энг аввало, чет тилидаги нутқ фаолиятининг грамматик томонини ўргатиш жараёнида талабалар нимани эгаллашлари кераклигини, бошқача қилиб айтганда, нутқнинг грамматик томонини ўргатишнинг мазмуни нимада эканлигини ойдинлаштириб олиш мақсадга мувофиқ.

Ф.Н.Шамов нутқнинг грамматик томонини ўқитиш мазмуни бўйича “улар грамматик кўникмаларнинг ривожланиши натижасида юзага келадиган

ҳамма нарсани тушунадилар”, деган фикрни билдиради ва чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитиш таркибидаги учта, яъни лингвистик, психологик ва услубий компетентни ажратиб кўрсатади[342]. Ушбу илмий қарашни биз ҳам маъқуллаган ҳолда ҳар бир компонент ичида чет тилининг грамматик томонини ўқитиш мазмунини қисқача кўриб чиқдик. Шу боисдан тадқиқотни олиб бориш жараёнида аниқланган ва тажриба-синов ишларини бажаришда тасдиқланган баъзи бир кузатишларимизни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Улар қуйидагилардан иборат:

а) чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитиш мазмунининг лингвистик компонент таркиби биринчидан, ҳам морфологик, ҳам синтактик нуқтаи назаридан муайян бир тўпламни, хусусан, грамматик шакллар, бирлаштириш қоидаларини ўз ичига олган грамматик ҳодисаларни ўз ичига олади. Иккинчидан, грамматик ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда оғзаки ва ёзма мулоқотда маълумотларни амалга ошириш кетма-кетлигини тасвифловчи грамматик ҳодисаларнинг маълум бир рўйхатидан ташкил топган грамматик қоидаларни ҳам қамраб олади. Н.Д.Гальскова, Н.И.Гезлар тўғри қайд этганидек, грамматик қоидаларда грамматик ҳодисанинг расмий хусусиятлари, унинг маъноси, яъни, семантик хусусиятлари, нутқ контекстидаги вазифалар ва улардан фойдаланиш хусусиятлари ҳақида маълумотлар мавжуд[343].

Лингвистик компенентнинг барча қисмлари грамматик билимларни ўз ичига олади, бу чет тилини ўрганаётган соҳа талабасига грамматик ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ тушуниш ва грамматик материални ассимиляция қилиш, нутқий вазиятни ишлаб чиқишда онгли равишда ҳаракат қилиш имконини беради.

б) *чет тилидаги нутқнинг грамматик томонидан ўқитиш мазмунининг психологик таркибий қисми* фонетик ва лексик кўникмалар билан бир қаторда,

[342] Методика преподавания иностранных языков: общий курс: учеб. Пособие. 2-е изд.,перераб. И.доп. М.: АСТ МОСКВА: Восток –Запад, 2008. –90 б.
[343] Гальскова Н. Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам: Лингводидактика и методика: Учеб.пособие. - «Академия», 2004,-313б.

чет тилидаги нутқ фаолиятини амалга ошириш қобилятига асосланадиган самарали ва рецептик грамматик кўникмаларни ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, А.Н.Шамановнинг белгилаб берган омиллардан бири – талабаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини ҳам ўз ичига олади. Бу эса нутқнинг ушбу томонини эгаллашга турки берадики, келажакда талабанинг нутқ фаолиятига аҳамият бериш ва семантик йўналишни кўрсатишга имкон беради, шу билан бирга чет тилида мулоқот қилишга ундайди[344]. Муаллифнинг бу фикрини қўллаб-қувватлаб, муаллифлик ёндашуви асосида уни мантиқий давом эттирганимиз ҳолда, чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўзлаштириш учун ўқув фаолиятининг иштирокчилари сифатида талабаларнинг субъектив хусусиятларини ҳам киритиш лозим. Талабанинг субъектив хусусиятлари ҳақида гапирганда, биз "режалаштириш, ўз фаолиятини ташкил этиш, тўлиқ ўзлаштириш, мулоқот қилиш ва ўз фаолияти натижалари учун жавобгар бўлиш қобилиятларини ўргатиш зарурлиги"ни[345] тушунамиз. Шу билан бирга, талабаларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва субъектив хусусиятлари нутқ фаолияти содир бўлган ижтимоий жиҳатдан аниқланган вазиятларнинг аксидир. Шу муносабат билан уларни хорижий тил нутқининг грамматик томонини ўқитиш мазмунининг психологик таркибий қисмига киритиш мақсадига мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

Бу борадаги илмий-амалий кузатишларимизни янада ойдинлаштириш мақсадида самарали ва рецептив грамматик кўникмаларни ўз ичига оладиган, чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитиш мазмунининг психологик таркиби ҳақидаги кузатишларимизни батафсилроқ тўхталишни лозим топдик. Е.Н.Пассовнинг таъкидлашича, грамматик маҳорат деганда, оғзаки нутқдаги грамматик ҳодисаларни тўғри, коммуникатив асосли, автоматлаштирилган вазиятда фойдаланиш тушунилади[346]. Мазкур олимнинг бошқа ишларида ҳар

[344]Методика преподавания иностранных языков: общий курс: учеб. Пособие. 2-е изд.- М.: АСТ МОСКВА: Восток –Запад, 2008. –90 б.
[345] Зимняя И.А. Педагогическая психология. Учебник для вузов. - М.: Издательская корпорация «Логос», 1999. 185 б.
[346] Пассов Е.Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. М.: Русский Язык, 1989.- 66 б.

бир грамматик маҳорат алоҳида, нисбатан мустақил операциялардан синтез қилинган бутун бир йўлакдаги ҳаракат сифатида ўрганилган. Б операцияларнинг бажарган вазифалари хилма-хил. Хусусан, *1) танлов операциясида* муайян вазиятда суҳбатдошнинг нутқий мақсадига мос келадиган синтактик моделини танлаши асос қилиб олинади *2) расмийлаштириш операциясида* танланган синтактик моделни берилган тил меъёрлари ва муайян вақт параметрларига мувофиқ тўлдирадиган нутқ бирликларининг морфологик тузилиши асос сифатида қабул бўлади; *3) баҳолаш операциясида* синтактик моделни танлашнинг етарлилигини ва нутқ бирлигини морфологик тузилишининг тўғрилигини баҳолаш[347] тизими асос бўлади.

Биз назарда тутаётган лисоний асослар нутқ фаолиятининг муваффақиятини юзага чиқаради, бошқача қилиб айтганда, биз тўхталаётган грамматик ҳаракатлар талаба грамматик маҳоратининг шаклланишини таъминлайди. Талабанинг грамматик маҳоратига келсак, Е.И.Пассов фикрига кўра, улар “автоматлаштириш, барқарорлик, мослашувчанлик каби фазилатларга эга бўлиши керак”[348].

Агар нутқ ҳаракатларини амалга ошириш пайтида маърузачининг диққатини у қандай бажарилаётганига эмас, балки ҳаракатнинг ўзига қаратилса, маҳорат автоматлаштирилган ҳисобланади, ҳаракатлар автоматик равишда амалга оширилади, бу унинг маълум тезлиги, яхлитлиги ва равонлигини таъминлайди.

Грамматик ҳодиса нутқ таркибида ва унинг бошқа грамматик ҳодисалар билан “тўқнашуви” пайтида нутқ ҳаракати тўғри бажарилиши учун маҳорат барқарор бўлиши керак. Ниҳоят маҳорат мослашувчанлик бирлашиши, яъни эски материал асосида янги вазият билан шуғулланиш, янги нутқ материаллари асосида ишлашга кўникма шаклланиши керак. Етарли даражада

[347] Пассов Е.И. Условно-речевые упражнения для формирования грамматических навыков. - М.: просвещение, 1978. -6 б.
[348] Пассов Е.И. Условно-речевые упражнения для формирования грамматических навыков. - М.: просвещение, 1978. -7-8 б.

вазиятлар ва уларнинг ўзгарувчанлиги мослашувчанликни шакллантиришга ёрдам беради. Агар грамматик маҳоратлар ушбу хусусиятларга эга бўлсагина, улар талаба учун асосий йўналиш бўлган унумдорлик, динамик ва саводхонлик хусусиятлари билан нутқ қобилиятини таъминлай оладилар.

в) чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитиш мазмунидаги услубий компонент талабаларнинг мустақил ишлаш кўникмалари ва грамматик материаллар устида ишлашнинг барча босқичларида бошқа талабалар билан ўзаро муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантиришни таъминлайди.

Ушбу ўринда тадқиқотни олиб бориш жараёнида аниқланган ва тажриба-синов майдонларида қайта-қайта тасдиқланган, биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва илмий жамоатчиликка тавсия этилаётган ҳар бир босқичнинг ўз мақсад-вазифаси, талабани мутахассис педагог сифатида шакллантириш ҳақида фикр юритмоқчимиз. Энг муҳими, бу босқичларнинг бўлажак инглиз тили ўқитувчилари грамматик компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштиришдаги ўрни ҳақида қисқача тўхталишни лозим топдик.

1. Танишиш ва дастлабки босқичида методистлар таъкидлаганидек, янги грамматикматериаллар киритилади, унинг расмий хусусиятлари, мазмуни, нутқ контекстидаги вазифаси ва фойдаланиш хусусиятлари аниқланади, тушуниш ва бирламчи консолидация назорати таъминланади[349]. Бошқача қилиб айтганда, танишиш босқичида талабалар чет тилидаги нутқнинг грамматик томони таркибидаги лингвистик компонент бўйича иш олиб боришади. Талабалар қоидалари билан танишганда, назарий маълумотларни ёзма равишда оладилар. Муҳокама ва чуқур таҳлилдан сўнг қоидалар амалиётга жорий этилади, таҳлилий машқларда қўлланилади. Кўриниб турибдики, педагогик университети ва институтларнинг “хорижий филология (инглиз тили ва адабиёти)” йўналишида грамматик материални ўрганишнинг дедуктив усули устунлик қилади: қоидадан бошлаб фойдаланиш ва

[349] Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам: Лингводидактика и методика: Учеб.пособиея. М.: Издательскийцентр «Академия», 2004,-312б.

мустаҳкамлашга бўлган фаолиятга қадар. Бундан ташқари, ўқув-амалий машғулотларда барча турдаги машқларни бажариш жараёнида талабалар ўз хатосини тушуниш ёки бошқа грамматик ҳодисани ишлатишда йўл қуйилган хатоларни бошқаларга тушунтириш учун доимий равишда қоидаларга мурожаат қилишлари керак.

2. Грамматик кўникмаларни ривожлантириш босқичида талабалар ўрганилаётган ҳодисани, унинг ишлаши учун хос бўлган вазиятларда, баённинг етарлича грамматик шаклланишини талаб қиладиган алоқа шароитларини ўзгартириб, нисбатан аниқ такрорлаш қобилиятини ривожлантиради. Бунинг учун методист Е.И.Пассивнинг таклифига кўра, "амалий машғулотларда ҳар хил шартли нутқ машқлари қўлланилади: тақлид қилувчи, ўрнини босувчи, трансформацион ва репродуктив"[350] каби.

3. Грамматик маҳоратни такомиллаштириш босқичида нутқ шароитларига мувофиқ равишда фаоллаштирилган грамматик ҳодиса қўлланилади. Ф.Ш.Мустафинанинг фикрига кўра[351], коммуникацион вазиятларда диалогик ва монологик баёнотлар қисми сифатида ўқув жараёнидаги суҳбатда янги грамматик тузилмани фаоллаштириш орқали грамматик маҳоратни такомиллаштириш; тайёрланган нутқда ҳар хил грамматик тузилмалардан фойдаланиш; ўзлаштирилган грамматик материални янги вазиятларга киритиш; грамматик тузилмаларнинг узилишларсиз қарама-қаршилиги ва бошқалар тавсия этилади.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида қўлга киритилган натижаларига таяниб таъкидламоқчимиз: юқоридаги айтилганларнинг ҳаммаси соҳа талабларининг чет тилидаги нутқнинг грамматик томонини ўқитишнинг барча босқичларида кўп миқдордаги ўқув фаолияти ва ўзаро муносабатларни ўзлаштиришлари зарурлигини кўрсатди. Фақат бир ҳолатда талабалар

[350] Пассов Е.И. Условно-речевые упражнения для формирования грамматических навыков. М.: Просвещение, 1978. -6 б.
[351] Мустафина Ф.Ш. Методика преводавания иностранных языков. Уфа, 2004. 65 б.

мустақил равишда ҳаракат қилишлари мумкин, яъни нутқнинг грамматик томонини ўзлаштиришда автоном бўладилар, холос.

Грамматик материаллар устида талабаларнинг мустақил ишлашини режалаштириш, белгиланган вазифани бажариш ва ўзини ўзи бошқариш ҳатти-ҳаракатларини пухта ўзлаштириш мақсадида ўқув жараёнининг барча босқичларида, яъни мотивацион-йўналтирилган, ижро ва бошқарув-баҳолаш ишларида фаол қатнашадилар. С.С.Куклина илгари сурган ғояга кўра, ўқув жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ўзаро алоқада бўлган талабалар қуйидаги ҳамкорлик турларига жалб қилинади: кўрсатманинг мақсадлари, вазифалари ва натижаларини ҳисобга олган ҳолда режалаштиришнинг ўзаро таъсири, яъни режалаштириш, бажариш ва бошқаришнинг ўзаро таъсирини пухта ўзлаштиришдан иборат[352]. Буларнинг ҳаммаси мазмун-моҳиятига кўра, талабаларнинг грамматик билим, кўникма ва қобилиятлар устида ишлаш усулини ташкил этади, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳодисадир.

Ушбу компонент вазифасига кўра, талабага бир томондан, нутқ ишларини ўрганишда мустақил равишда ишлашга, олинган билимларга, шаклланган кўникмаларга ва эришилган нутқ тажрибасига таянишига; иккинчи томондан, чет тилида нутқ фаолиятини амалга ошириш жараёнида бошқа талабалар билан ўзаро коммуникатив мулоқотда бўлишига имкон беради.

Юқорида таъкидланган ўқув компетенциясининг таърифини асос қилиб олиб, нутқнинг грамматик томонини ўқитиш ҳисобга олган ҳолда, биз грамматик компетенцияни талабаларнинг турли хил ижтимоий вазиятларда, хусусан, чет тили нутқ фаолиятини амалга ошириш учун тушуниш ва грамматик жиҳатдан сўзларни тўғри тузиш қобилияти ва истаги сифатида кўриб чиқишни таклиф қиламиз. Бу таклиф ўз моҳиятига кўра, грамматик билимлар, кўникма ва қобилиятларга, шунингдек, улар билан ишлаш усулларига асосланади. Уларни талабалар чет тилини ўрганиш объекти

[352] Куклина С.С.Коллективная учебная деятелъность как организационная форма овладения иноязычным общением. Киров: Изд-во ВятГГУ, 2007. С. 21

сифатида ўрганишлари керак. Бизнинг назаримизда, ушбу педагогик ҳодисани педагогика университетлари ва институтларининг хорижий тиллар мутахассислиги 1-курс талабаларига дарс беришда катта аҳамият бериладиган чет тил коммуникатив компетенцияси (ЧТКК)нинг асосий камчиликларидан бири сифатида фойдаланилса, мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биз энди тадқиқотимизнинг ушбу фаслида қуйилган мақсаддан келиб чиқиб, яна муҳим бир илмий-методик масалага тўхталамиз. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисида коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми сифатида грамматик компетентликни шакллантириш босқичлари масаласини аниқлаб олишга эътиборни қаратамиз.

Грамматик компетенциянинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни таркибий асоси чет (инглиз) тилининг амалий грамматикаси саналади, унда грамматик ҳодисаларни коммуникатив бирликни шакллантириш вазифалари билан биргаликда тавсифлайди. Грамматик компетенцияни шакллантириш иш методи педагогика олий ўқув юртларининг ҳорижий филология факультети (йўналиши)да чет тилини ўқитишнинг анъанавий ва муқобил усулларини бирлаштириш орқали амалга оширилади. Албатта, ҳар иккаласининг хам ўз вазифалари ва мақсадлари бор. Масалан, анъанавий ўқитиш усуллари инглиз тили грамматик материалини сунъий нутқ ўрганиш вазиятлари орқали ўрганишни таъминлайди. Ўқитишнинг алтернатив усулларига интенсив амалий машғулотлар, муаммоли ўқитиш, лойиҳа усули, коммуникатив вазиятларни моделлаштириш, мунозара (дискуссия) ва ўйин усуллари, замонавий ахборот технологиялари ва бошқаларни киритишни таҳлил ва тавсия этамиз.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг чет тили коммуникатив компетенциясининг таркибий қисми сифатида грамматик компетенцияни шакллантиришнинг процессуал модели босқичларини белгилаб олишга ҳаракат қилдик. Тадқиқот давомида аниқланган ва тажриба-синов ишларида тасдиқланган бу модел босқичлари қуйидагилардан иборат бўлди: а) тақдимот ва грамматик материални

бирламчи мустаҳкамлаш; б) грамматик кўникмаларни шакллантириш ва автоматлаштириш; в) коммуникатив амалиёти; г) грамматик компетенция даражасини назорат қилиш ва рефлексия.

Тадқиқотни аниқлаш жараёнида ушбу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос лингвопедагогик хусусиятларга эгалиги, ҳар бирида муайян қўйилган мақсад ҳамда вазифаларни амалга ошириш учун турли хил методлар, усуллар ва воситалар қўлланилиши аниқланди. Шу боисданқуйида уларнинг ҳар бирини муаллифлик ёндашуви асосида алоҳида-алоҳида тавсифлаб чиқишни лозим топдик.

1. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида грамматик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг биринчи босқичи. Бу босқичдагиасосий дастлабки вазифа сифатида грамматик компетенциянинг билим таркибий қисмини ривожлантиришга, яъни чет тилида нутқни тўғри тузиш учун мўлжалланган грамматик қоидалар бўйича билимларни ўзлаштиришга ва турли хил коммуникатив вазиятларда чет тили грамматик кўникмаларини шакллантириш учун ***индикатор асос*** яратишга қаратилди. Ушбу босқичда янги грамматик материалнинг тақдимоти ўтказилди, унинг лисоний хусусиятлари ва мазмуни очиб берилди, талабалар эътиборини одатий нутқ контекстида ўрганилаётган грамматик структуранинг ишлашига қаратилди. Янги грамматик материаллар билан танишиш ўқув-нутқий вазиятларда (кўргазма (визуал), чет тилидаги контекст, ролли ўйин, таржима тил воситалари ва бошқалар талабаларнинг лингвистик муваффақияти даражасига қараб индукция ёки дедукция методлари орқали амалга оширилди. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида бу босқичга таъкидланган мақсад ҳамда вазифаларни амалга ошириш билан чекланиб қолмаслик зарур, деб ҳисобладик.

Ушбу босқичнинг *иккинчи грамматик вазифаси*ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим: яъни талаба ўрганилаётган грамматик материални лингвистик тахлилий машқларда бирламчи манба сифатида мустаҳкамлашга хизмат қилиши вазифасидир. Бундай машқларнинг муваффақиятли бажарилиши учун

талаба олдига қуйидаги бир қатор грамматик вазифалар берилса ва уларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинса, талабада грамматик компетенциянинг биринчи босқичи шаклланади, деб ҳисобладик. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида аниқланган ва тажриба-синов ишларида қўлланилган грамматик вазифалардан айрим намуналарни бу ўринда келтиришни лозим топдик:

а) тақдим этилган вазиятларни таққосланг ва грамматик шаклларнинг маъносида умумийлик ва фарқларни топинг;

б) қуйидаги жумлаларда грамматик ҳодисанинг шаклларини кўрсатинг;

в) гапнинг таркибидаги грамматик шаклларнинг вазифаларини айтинг;

г) қуйидаги гапларда грамматик тузилишларнинг ишлатилишини тушунтиринг ва уларни ўзбек тилига таржима қилинг;

д) берилган бир нечта маълумотлардан тегишли грамматик шаклни танланг;

е) қуйидаги мисолларни таҳлил қилинг ва грамматик ҳодисани қўллаш қоидасини асосланг каби.

Олиб борилган тадқиқот натижалари ушбу турдаги лингвистик машқлар талабаларнинг аналитик фикрлашларини ривожлантирганлигини, бунинг учун энг муҳими, қўйилган мақсаддан келиб чиқиб умумлаштириш ва тиллараро трансференция қилиш қобилияти ва тайёргарлигини оширишга ёрдам берганлигини тасдиқлади.

2. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисида грамматик компетентни шакллантириш ва ривожлантиришнинг иккинчи босқичи. Бу босқичда талаба ўрганилаётган грамматик структурани унинг фаолияти учун хос бўлган нутқ вазиятларида бошқаради. Ушбу босқичда назарий билимларни амалий чет тили фаолиятига ўтказиш, грамматик кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш талаб қиладиган мулоқот шароитларига қараб ўзгартириш, фикрнинг грамматик бўёғининг адекватлигини талаб қилади. Белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун тадқиқотимиз давомида ва тажриба-синов ишларида биз томонимиздан тузилган лисоний машқ турларидан, хусусан, имитацион, алмаштирувчи (захира) ва трансформацион

машқлардан фойдаландик, бажаришга тавсия этилган намунавий топшириқларнинг шартлари ишлаб чиқилди ва уларни ўқув амалиётда қўлланилишини тавсия қилдик. Улар қуйидагича бўлди:

*Имитацион машқлари*да бажаришга тавсия этилган намунавий топшириқларнинг шартлари:

а) суҳандон ортидан жумлаларни ўқинг;

б) хор занжир тарзида жумлаларни ўқинг;

в) грамматик шаклни белгилаб, қуйидаги жумлаларни қайта ёзинг ва каби.

*Алмаштириш (захира) машқлари*да бажаришга тавсия этилган намунавий топшириқларнинг шартлари:

а) алмаштириш (заҳира) жадвали ёрдамида гаплар тузинг;

б) берилган сўзлардан гаплар тузинг;

в) намуна бўйича гаплар тузинг;

г) жадвал ёрдамида гаплар тузинг;

д) аналог бўйича диалог тузинг;

е) саволларга намуналар бўйича жавоб беринг каби.

*Трансформацион машқлари*да бажаришга тавсия этилган намунавий топшириқларнинг шартлари:

а) иккита содда гапдан мураккаб гап тузинг;

б) гапларни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинг;

в) жавоблардан фойдаланиб, диалогнинг бошланғич жумлаларини беринг;

г) ўрганилган грамматик структура ёрдамида матнни гапириб беринг;

д) диалог / полилог мазмунини грамматик шаклда фойдаланган ҳолда монологик шаклда етказинг ва бошқалар.

Хулоса шуки,қўйилган мақсад ва вазифалар, тавсия этилган лингвистик машқларнинг амалиётда бажарилиши талабанинг лингвистик компонентлигини шакллантиришга замин тайёрлайди, муайян маънода асос сифатида хизмат қилади.

3. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисида грамматик компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришнинг коммуникатив амалиёти босқичи. Бу босқичнинг мақсади ишлаб чиқариш ва рецептив хорижий тилнинг грамматик кўникмаларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, илгари босқичларда шаклланганларини мумкин бўлса тузатиш, коррекция қилиш, грамматик кўникмалардан грамматик қобилиятларга ўтишдан иборат. Ушбу босқичда нутқ ҳолатига қараб фаоллаштирилган грамматик ҳодисани ишлатиш учун коммуникатив вазифалар устунлик қилади. Айтилаётган мулоҳазаларимизнидалиллаш мақсадида биз таъкидлаётган намунавий топшириқларнинг баъзи намуналари шартларини қуйида келтирамиз ва улар соҳа талабаларининг грамматик компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилганлигини таъкидлаймиз:

а) ҳикояни ўқинг ва диалог тарзда саҳналаштиринг;

б) интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда, чет эллик меҳмонлар учун шаҳар / музейга сиртдан (виртуал) экскурсия ташкил этинг;

в) томоша қилинган фильмнинг бош қаҳрамонларининг ҳаракатларига шарҳ беринг;

г) ҳикояни тингланг ва тушунтиринг, нега...?;

д) ушбу грамматик шакллардан фойдаланиб, ҳикоянинг хулосасини тузинг ва бошқалар.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига таяниб айтмоқчимизки, коммуникатив амалиёт босқичи талабага ўрганилаётган грамматик материални тизимлаштиришга ёрдам берди, самарали ва рецептив грамматик кўникма ва қобилиятларни ривожлантиришга имконият яратди. Ушбу компетенцияни ривожлантириш коммуникатив вазифалар, шу жумладан, реал мулоқот элементлари ва ижодий шаклдаги вазифалар билан таъминланди. Буларнинг ҳаммаси бўлажак инглиз тили ўқитувчисида грамматик компонентликни шакллантиришга, энг муҳими, лингвистик компетенцияни ривожлантиришга муайян даражада замин тайёрлади.

4. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида грамматик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг назорат қилиш босқичи. Бу босқич талабаларнинг грамматик компетенциянинг шаклланиш даражаси тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишни, шунингдек, ўзлаштирилган грамматик материални ўзларининг баҳолаш натижаларини ўз ичига олди. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида энг ишончли натижаларга эришиш учун мураккаблигига кўра, назоратнинг хилма-хил даражадаги вазифалар: тестлар, мунозаралар, гуруҳ баҳслари, расмий ва ролли ўйинлар, лойиҳаларни тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилди ва улар амалиётда қўлланилди, талабаларнинг грамматик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш даражасини ҳисобга олган ҳолда назоратга дифференциал ёндашишга имкон берди. Тадқиқотнинг тажриба-синов майдонларида қўлланилган назорат вазифаларига оид топшириқлардан баъзи намуналар келтирамиз:

а) феълнинг замон шаклини қўллаш учун машқ тузинг;

б) қуйидаги гапларда феълнинг тўғри шаклини танланг;

в) грамматикани энг яхши билиш бўйича танлов уюштиринг;

г) грамматик викторина учун саволлар тузинг;

д) компьютердаги *Power Point* дастуридан фойдаланган ҳолда грамматикага оид тақдимотни тайёрланг;

е) ўрганилган грамматик материал бўйича тест тайёрланг ва ўтказинг. Хатоларни тузатинг ва шарҳланг;

ё) слайдлардан фойдаланиб, грамматик шаклни тасвирлаш учун грамматик жадвал – диаграмма тайёрланг ва бошқалар.

Тадқиқот давомида ва тажриба-синов ишларида назорат вазифаларнинг бажарилишидаги барча ижобий натижалар чет (инглиз) тилининг грамматик жаҳатларини ўқитишнинг ушбу босқичида соҳа талабаларининг грамматик материални муваффақиятли ўзлаштирганлигини ва шаклланган грамматик компетенциясининг ривожланганлигини тасдиқлади. Яна шуниси муҳимки, салбий натижаларни таҳлил ва талқин қилиш ишлари талабаларнинг

грамматик компетенциясини ривожлантиришдаги бўшлиқларни аниқлаш, талабалар грамматик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш даражасига мослаштирган ҳолда вазифалар тизимининг мазмун-моҳиятини тузатиш имконини берди, алоҳида “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишимизга сабаб бўлди.

Хуллас, олиб борилган тадқиқотда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг грамматик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни биз томондан ишлаб чиқилган ва амалиётда синаб кўрилган босқичларнинг кетма-кетлигида янада долзарблашди. Ҳар бир кейинги босқичнинг мазмун-моҳияти, қўйилган мақсад ва вазифаси грамматик компетенциянинг шаклланиш ва ривожлантириш даражасини, талабанинг ўқув ва когнитив жараёнда коммуникатив фаолияти ортиб бораётган ҳолатини ифодалай берди. Таъкидланган босқичларнинг ҳар бирида қўйилган вазифалар бир-бири билан узвий чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни ўқитиш босқичига ва грамматик компетенцияни шакллантириш даражасига қараб параллел равишда қўллаш имкониятини таъминлади.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчисида грамматик компетентликнинг шакллантириш ва ривожлантириш кўрсаткичларининг аниқлаб олиш учун бу борада хорижий илмий-методик адабиётлар ўрганиб чиқилди[353], улардаги тегишли фикр-мулоҳазалар назарий асос сифатида танлаб олинди ва умумлаштирилди. Натижада тадқиқот давомида қўлга киритилган материалларга таяниб, соҳа талабаларининг грамматик компетенциясининг ривожлантириш кўрсаткичларини ***4 та мезон***дан иборат, деб белгиладик.

1. Когнитив мезон. Бу мезонграмматик билимлар мажмуини ўз ичига қамраб олади.

[353]Гитман Е.К., Долматова Н.С. Модель формирования иноязычной коммуникативной компетенции студентов на основе блочно-модульной технологии (Электрон ресурс) // Фундаментальные исследования. 2014. № 12-4.

2. Операцион-фаолият мезон. Бу мезонграмматик кўникма ва қобилиятлар гуруҳини ҳамда касбий йўналтирилган чет тилида нутқ фаолиятини амалга оширишга тайёргарликни ўз ичига олади.

3. Мотивацион мезон. Ушбу мезончет тилининг грамматик жиҳатини ўзлаштиришга бўлган мотивацион эҳтиёжнинг ўсишини кўрсатади.

4. Рефлексив мезон. Бу мезонталабанинг ўқув жараёнида ўзининг таълим, билим, когнитив ва коммуникатив фаолиятини ҳамда шахсий фазилатларига баҳо беришни назарда тутади.

Бундай даражадаги тавсифларни бошқа илмий-методик адабиётларда ҳам хилма-хил вариантларда учраши мумкин. Лекин уларнинг хаммаси бир-бирини муайян маънода тўлдиради ёки бири иккинчисини такрорлайди. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, тўртта мезонлар билан чегараландик ва тадқиқотни олиб бориш жараёнида уларга асосландик (қаранг: иловалар, 19-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

а) бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг чет тили коммуникатив компетенциясининг таркибий қисми сифатида грамматик компетенция муайян грамматик билимлар, кўникмалар, қобилиятлар ва коммуникатив ҳамда касбий вазифаларни ҳал қилиш учун етарли даражада, ўқув амалиётида самарали фойдаланишга тайёр бўлган мураккаб интегратив таълимдир;

б) биз томонимиздан ишлаб чиқилган, тадқиқот давомидаги тажриба-синов ишларида тасдиқланган бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг грамматик компетентлигини шакллантиришнинг босқичма-босқич технологияси ўзини мутлоқ оқлади. Унинг когнитив, фаоллиги, мотивацион ва рефлексив кўрсаткичлари турли лингвомаданий тушуниш ва идрок этишга қаратилган дидактик-методик стратегияларни шакллантиришга асос бўла олади;

в) тавсия этилган босқичларнинг кетма-кетлиги ва уларнинг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифалари соҳа талабаларининг грамматик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш даражасининг талаб

даражада бўлишига, талабанинг чет тилидаги коммуникатив ва бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий фаолиятидаги ролини оширишга етакчи омил сифатида хизмат қилди.

4.4. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида нутқ компетенциясини ривожлантириш омиллари ва коммуникатив вазифалари

Энг ривожланган мамлакатлар таълим тизимида оғзаки мулоқот ва нутқ, нутқ компетентлиги ва компетенцияси, нутқ ўстириш муаммоларига бағишланган бир қатор илмий ишлар қилинган, бу борада, муайян фикр-мулоҳазалар айтилган ва тегишли тавсиялар берилган. Буларни J.W.Chesebro, J.C.McCroskey, D.F.Atwater, R.M.Bahrenfuss, G.Cawelti, J.L.Gaudino, H.Hodges[354], A.M.Barraja-Rohan[355], J.K.Hall[356], F.Heidari, S.A.Alavi[357], Huang C.P.[358], K.Mokhtari, H.B.Thompson[359], R.Oliver, Y.Haig, J.Rochecouste[360], K.Sadeghi, M.Azad Mousavi, S.Javidi[361], M.Saville-Troike [362],Tracy K., Robles J.S.[363],Wahyuni D., Ihsan D., Hayati R. [364], R.F.Young[365] ва бошқаларнинг ишларида кузатамиз.

---

[354]Chesebro J.W., McCroskey J.C., Atwater D.F., Bahrenfuss R.M., Cawelti G., Gaudino J.L., H.Hodges. Communication apprehension and self-perceived communication competence of at-risk students. Communication Education, 41(4), 1992, 345-360.

[355] Barraja-Rohan A.M. Using conversation analysis in the second language classroom to teach interactional competence. Language Teaching Research, 15(4), 2011, 479-507.

[356] Hall J.K.. 'A prosaics of interaction: The development of interactional competence in another language', in E. Hinkel (Ed.), Culture in second language teaching and learning. New York: Cambridge University Press,1999, 137-151.

[357] Heidari F., Alavi S.A. Knowledge of Grammar, Oral Communication Strategies, and oral Fluency: A Study of Iranian EFL Learners. Iranian Journal of Applied Language Studies, 7(1), 2015, 83-104.

[358] Huang C.P. Exploring factors affecting the use of oral communication strategies. Long Hua Technology University Journal,30, 2010, 85-104.

[359] Mokhtari K., Thompson H.B. How problems of reading fluency and comprehension are related to difficulties in syntactic awareness skills among fifth graders. Literacy Research and Instruction, 46(1), 2006, 73-94.

[360] Oliver R., Haig Y., Rochecouste, J. Communicative competence in oral language assessment. Language and education, 19(3), 2005, 212-222.

[361] Sadeghi K., Azad Mousavi M., Javidi S. Relationship Between EFL Learners' Self-Perceived Communication Competence and Their Task-Based and Task-Free Self-Assessment of Speaking. Research in Applied Linguistics, 8(2), 2017, 31-50.

[362] Saville-Troike M. The Ethnography of Communication: An Introduction. 3 rd ed. Oxford: Black well Publishing Ltd, 2003

[363] Tracy K., Robles J.S. Everyday talk: Building and reflecting identities.2nd ed. New York: Guilford Press., 2013

[364] Wahyuni D., Ihsan D., Hayati R. Linguistic Competence and Speaking Performance of English Education Study Program Students of Sriwijaya University. Journal of English Literacy Education, 20151(2), 83-92.

[365] Young R. F. Learning to talk the talk and walk the walk: interactional competence in academic spoken English. Ibérica, 25, 2013, 15–38.

Сўнгги йилларда Россия ва МДҲ олимлари томонидан ҳам жаҳон олий таълимининг замонавий таълим парадигмасида компетентлик ёндашуви мазмунида бўлажак ўқитувчиларнинг нутқ компетентлигини шакллантиришга катта аҳамият берилаяпти. И.А.Шаршов, Л.Н.Макарова, С.Смирнов ва бошқаларнинг фикрига кўра, замонавий олий таълим муассасалари битирувчиси нафақат ўқимишли, мураккаб муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва ҳал қила олиши, балки ўз касбий ва шахсий ривожланишининг муҳим таркибий қисми бўлган ўз нутқ маданиятига ҳам эътибор бериши керак[366]. Ушбу мулоҳаза педагогика олий таълим муассасаларининг хорижий тил (инглиз тили) йўналиши битирувчиларига ҳам тегишли.

Илмий-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни тасдиқлайдики, жаҳон методикасида чет тил таълими учта таркибий қисмни ўз ичига олган: а) тил (лингвистик) компетенцияни шакллантириш, яъни, тилни илмий билиш; б) нутқ компетенцияси, яъни муайян тилнинг вазифавий параметрлари – регистрларини билиш; в) коммуникатив компетенция, яънимулоқотнинг турли соҳаларида муваффақиятли мулоқот учун барча оғзаки ва оғзаки бўлмаган воситадан самарали фойдаланиш қобилияти.

Нутқ компетентлигининг таркибий ва мазмуний хусусиятларига қизиқишимиз, деб таъкидлайди М.П.Манаенкова, – биз ўрганаётган компетенция лингвистик таълимнинг таркибий қисмлари орасида алоҳида ўрин тутиши билан боғлиқ: бу тил белгилар ва рамзлар тизими (тил компетенцияси) ва муваффақиятли мулоқот (коммуникатив компетенция) сифатида муҳим бўғин ҳисобланади)[367]. Кўрамизки, нутқ компетентлигига дахлдор нутқ компетенцияси методикада, хусусан, филология соҳасидаги тил таълимида ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

[366] Шаршов И. А., Макарова Л. Н. Проблемные аспекты повышения квалификации научно-педагогических кадров // Вестник Тамбовского университета. Серия Гуманитарные науки. Тамбов, 2010. № 10. С. 7-11.; Смирнов С. Болонский процесс:перспективы развития в России // Высшее образование в России. 2004. № 1. С. 43-51.

[367] Манаенкова М.П. Речевая компетентность выпускника вуза – основа его успешной социализации // Социально-экономические явления и процессы. Тамбов, 2013. № 9. С. 156-158.

Э.Г.Азимов ва А.Н.Щукшинларнинг таъкидланишича, "нутқ компетенцияси коммуникатив компетенция таркибига киради. Бу тил орқали фикрларни шакллантириш ва таърифлаш усулларига эга бўлиш, нутқни идрок этиш ва шакллантириш жараёнида бундай усуллардан фойдаланиш қобилиятини англатади. Бироқ, тил компетенцияси каби нутқ компетенцияси ҳам ўз-ўзидан тугамайди, балки коммуникатив компетенция йўлидаги оралиқ бўғин ҳисобланади. Ўрганилаётган тил меъёрларига, узусларга ва ушбу тил маданияти анъаналарига мувофиқ алоқа жараёнида ўзаро боғлиқлик муаммоларини ҳал қилиш учун зарур ва етарли миқдорда ўзлаштирилиши керак"[368]. Ўқитишнинг турли даражалари ва босқичлари учун нутқ компетентлигининг мазмун-моҳиятигатегишли меъёрий ҳужжатларда, хусусан, Давлат таълим стандартларида белгилаб берилганлигидан соҳа мутахассислари ва илмий жамоатчилик яхши хабардор.

Илмий адабиётлардаги мулоҳазаларнинг энг катта қисми биз ўрганаётган нутқ компетенциясига дахлдорлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Тилшуносликда нутқ компетенцияси деганда, А.Н.Ксефонтова фикрича, ҳаётий муҳим бўлган мулоқот соҳалари ва жанрларида нутқ фаолиятининг барча турлари бўйича асосий кўникма ва малакаларга эга бўлиш даражаси тушунилади[369]. Кўпгина тилшунос олимлар ва методистлар нутқ қобилиятини ҳар хил турдаги мунозараларни яратиш ва тушуниш қобилияти, деб билишади ва шунинг учун нутқ компетенциясини "дискурсив" номи билан аташади.

Нутқ компетенциясининг феноменаллиги унинг фанлараро хусусиятининг динамикасини белгилайди: "нутқ компетенцияси" тушунчаси тилшунослик фани доирасидан ташқарига чиқади ва психология ва педагогиканинг концептуал аппаратларига қатъий киради. Нутқ фаолияти компетенцияси собиқ иттифоқ ва жаҳон илмига дастлаб Л.С.Виготский томонидан киритилган ва асосланган. Унинг бу борадаги ғоялари ўзи яратган

[368] Азимов Э. Г., Щукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). М., 2009. С. 240.
[369] Ксенофонтова А. Н. Система обучению педагогов конструированию речевой деятельности. Оренбург, 2001. С. 46.

илмий мактаб аъзоларидан Л.И.Божович, П.Я.Гальперин, А.Н.Леонтьев, А.Р.Луриялар томонидан ривожлантирилган. Л.С.Вигоцкий нутқни мулоқот, сўз ва тушуниш воситаси сифатида инсон фаолиятининг ҳаракати, деб ҳисоблайди. Нутқ фаолиятида у инсоннинг ижтимоий шаклланиши имкониятини ва унинг барча билимларни эгаллаш кучларини кўрди[370].

Баъзи методик ишларда, хусусан, биз назарда тутаётган М.Кабардов, Е.В.Арцишевская, А.Н.Леонтовларнинг илмий ишларида нутқ компетенцияси икки маънода талқин қилинган: *биринчиси*, бегоналарни тушуниш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малака, шунингдек, майдон, соҳалар, мулоқот вазиятларига мос келадиган нутқ хатти-ҳаракатларининг ўзига хос дастурларини яратиш ва тил тизими, унинг функциялари, тузилиши, кўникмалари ҳақидаги билимларнинг мажмуаси сифатида; *иккинчиси* имло, тиниш ва нутқ саводхонлигига эришиш учун тил воситаларидан меъёрий фойдаланиш кўникмалари[371].

Чет тили ўқитувчисининг нутқ компетенциясини махсус ўрганишга бағишланган Л.В.Казанцеванинг докторлик диссертациясида нутқ компетентлиги чет тили дарси муаммоларининг оптимал ечимини кўрсатиш учун ўқитувчининг билими, малакаси ва ваколатларини назарда тутади. Тадқиқотчи нутқий компетенция тушунчасида унинг қуйидаги хусусиятларини жамлайди: сенсорика билан кўрсатилган, сенсор тажриба ва ҳаракатларни белгилашда ифодаланадиган ғоялар; фаолият тажрибасини белгилашда ифодаланадиган концептуал тажриба. Чет тили ўқитувчисининг касбий ваколатларидаги нутқ компетенциясининг ўрнини аниқлашда, Л.В.Казанцева нутқ компетенциясини "айсберг" деб атаб, аниқ метафорадан фойдаланади.Нутқ компетенцияси нафақат касбий ваколатларнинг "сирт қисми", балки касбий фикрлаш, ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларини

[370] Манаенкова М.П. Речевая компетентность личности:содержание и структура. - Социально-экономические явления и процессы. - Т. 9. № 10, 2014. – с.223-231.
[371] Кабардов М.К., Арцишевская Е.В. Типы языковых и коммуникативных способностей и компетенции // Вопросы психологии. 1996. № 1. С. 34-42; Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. М., 1975.

бошқаришнинг чуқур соҳаси ҳисобланади[372], деган илмий ғояни илгари суради.

Одиллик билан таъкидлаш лозимки, махсус тадқиқотларда нутқ компетентлиги тушунчаси доираси ҳар доим ҳам тўғри белгиланмаган. Масалан, С.Н.Митина бўлажак ўқитувчининг нутқ қобилиятини шакллантириш муаммосини тадқиқ қилишда шахсий коммуникатив маҳоратдан ташқари, таҳлил қилинадиган тушунчага тилшуносликнинг асосий тушунчаларини билишни ҳам киритади[373]. Олимларнинг ишларида таҳлил қилиш нуқтаи назардан тил таълимининг асосий компетенциялари: тил (лингвистик) компетенцияси, нутқ компетенцияси ва коммуникатив компетенциясининг талқинларида айрим чалкашликлар ва муаммоларни аралаштириб юбориш ҳолатлари кузатилади.

Илмий-методик ишлар таҳлилининг кўрсатишича, чет тилини, хусусан, инглиз тилини ўрганишни ташкил этиш жараёнига нисбатан нутқ компетентлиги ёки бошқа атамалар бўйича нутқ компетентлигини шакллантириш муаммоси кўпроқ ўрганиб чиқилган, шунингдек, мутахассис олимларнинг бу борада тегишли фикр-мулоҳазалари мавжуд, деган хулосага келишимизга имкон берди.

Лингвистик методистларнинг мулоҳазаларида биз нутқ компетенциясига берилган турли хил таърифларни учратдик. Анъанавий тилшунослик доирасида нутқ компетенцияси тор маънода, яъни: морфология, стилистика, риторика ва прагматика соҳасида нутқ фаолиятида янгиланган билим ва кўникмалар йиғиндиси сифатида талқин қилинишини кузатдик. Агарда ёзма нутқ график белгилар ёрдамида, оғзаки нутқни кодлаш жараёни (яъни иккиламчи кодлаш жараёни) бўлса, бу ўринда, оғзаки ва ёзма нутқни ифодалаш имкониятини ҳисобга олсак, ёзма матнларда ифодаланилган нутқ компетентлиги, шунингдек, имло ва тиниш белгиларидан фойдаланиш сифати

[372] Казанцева Л. В. Речевая компетенция учителя иностранного языка: автореф. дис. … д-ра. пед. наук. Тамбов, 2001.
[373] Митина С.Н. Проектирование в формировании речевой компетенции будущего учителя // Высшая школа. 2004. № 5. С. 32-35.

ҳам аниқланади, – деб ҳисоблаймиз. Шунга қарамай, имло ва тиниш белгилар нутқнинг шаклланишини ифодалаб беради ва шунинг учун муайян даражада иккиламчи бўлиб, улар тилни структуравий тизим сифатида ўрганиш билан боғлиқ бўлган тилшунослик компетенцияси соҳасига дахлдордир.

Тегишли илмий-методик адабиётлар билан танишиш натижасида нутқ компетентлигининг оқилона, мазмун-моҳияти ва функционал вазифаларини тўлиқ қамраб олган таърифи Е.В.Сойфер томонидан берилганлигини кузатдик: "Нутқ компетенцияси, бошқача айтганда, дискурсив, турли хил нутқ турларини яратиш ва тушуниш қобилияти билан боғлиқ". Бундан ташқари, дискурс "мулоқотнинг иштирокчилари (ва уларнинг хусусиятлари), шунингдек, хабарни ишлаб чиқариш ва идрок этиш жараёни тўғрисида тушунча берадиган ижтимоий контекстни ўз ичига олган мураккаб коммуникатив ҳодиса"[374] сифатида тушунилади.

Дискурсларда яъни нутқ компетенциясида муайян шахс тўпланган субъектив мазмунни амалга оширади, таҳлил қилади ва рефлекс натижаларини таржима қилади, ўзини ва шахсий тажрибасини тартибга солади. Шу боисдан нутқ компетенцияси айрим манбаларда *"дискурсив компетенция"* деб ҳам аталади. Бу таърифлар нутқ компетентлигининг асосий хусусияти-субъект-шахсий хусусиятни аниқ кўрсатиб беради, у моҳиятан компетенция таркибида биз аниқлаган ва назарда тутган шахсий компонентнинг амал қилишини тасдиқлайди. Нутқ компетенцияси муайян ижтимоий шароитларда инсоннинг тил қобилиятини фаоаллаштириш асосида шаклланади: нутқ компетенциясининг бир хил контекстуал, ижтимоий табиати, барча тадқиқотчилар томонидан компетенциялар категориясининг кенг семантик майдонида фаоллиги таъкидланган.

Шундай қилиб, нутқ компетенцияси қурилишида муҳим таркибий қисм мавжудлигига шубҳа йўқ. Л.И.Кирилина нутқ компетентлилигини мақсад, соҳа, мулоқот вазиятига мос нутқ хулқ-атворининг ўз дастурларини яратиш

[374] Сойфер Э.В. Создание и восприятие дискурса в условиях управляемого общения на иностранном языке // Казанская лингвистическая школа: традиции и современность. Казань, 2003. С.70-75.

учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуи қамраб олишини таъкидлаган ҳолда, нутқ компетенциясининг шаклланишидаги қуйидаги лисоний омилларни ажратиб кўрсатади: а) нутқ тилшунослигининг асосий тушунчалари – услублар, нутқ турлари, тавсифнинг тузилиши, мулоҳаза, ривоят, матндаги сўзлар ва жумлаларни боғлаш усулларини билиш; б) матнни таҳлил қилиш маҳорати ва малакаси; в) мулоқот кўникмалари –адресат ва услубни ҳисобга олган ҳолда мулоқотнинг турли соҳалари ва вазиятларига нисбатан нутқий мулоқот кўникма ва малакалари[375].

Т.В.Шмелеванинг фикрича, нутқ маҳорати, нутқнинг барча турларининг асосий кўникмалари ва малакаларига эга бўлиш даражаси, маълум бир ёш учун ҳаётий муҳим, балки параметрлар контекстида ифодаланиши мумкин бўлган мулоқот соҳаси ва жанрларида фаолият кўникмаларини кўрсатади. Биз ўрганган методик адабиётларда, нутқ компетентлик таърифларининг юқоридаги таҳлили шуни кўрсатадики, "нутқ компетенцияси" тушунчаси турли мазмунлар билан бир-бирини тўлдиради. Шубҳасиз, бу компетенция ўзига хос хусусиятларга эга, уларнинг баъзилари тил билими ёки коммуникатив компетенцияга тааллуқли бўлиши мумкин, биз назарда тутаётган компетенция лингвистиканинг ўзига хос хусусиятини акс эттиради. Айни ҳолдан филолог тилшунос олимлар яхши хабардордир.

Н.Н.Романова ва А.В.Филиппованинг тўғри қайд этишича, нутқ маҳорати тушунчасида, "ушбу тилда нутқнинг эркин амалий мулоқот, ҳам диалог шаклида, ҳам монолог шаклида тўғри, равон ва динамик гапира олишимиз, эшитиладиган ва ўқиладиган нутқни яхши тушунишимиз, шу жумладан, ҳар қандай функционал услубда нутқни ишлаб чиқариш ва тушуна олиш лозим. Нутқ компетенцияси тил компетенция, нутқнинг кенг амалиёти, турли жанрдаги ўқиш адабиётларининг катта ҳажми билан боғлиқ ва коммуникатив компетенцияни аниқлайди[376]. Шуни алоҳида таъкидлаш лозим: тил ва

[375] Кирилина Л. И. Современные технологии обучения русскому языку как средство повышения каче-ства образования в условиях модернизации и профессиональная компетентность учителя // Современные наукоемкие технологии. 2005. № 6. С. 82-88.

[376] Романова Н. Н., Филиппов А. В. Словарь. Культура речевого общения: этика, прагматика, психология. М., 2010. С. 174.

коммуникатив компетентликдан фарқли равишда нутқ компетентлиги дискурсив хусусиятга эга бўлиб, касб талабларига йўналтирилган талабаларнинг оғзаки ҳатти-ҳаракати сифатини акс эттиради.

Тадқиқотимизга дахлдор нутқий компетенцияси бу нутқ хатти-ҳаракатларини белгилайдиган ва қобилиятлар тўпламига асосланган мураккаб лисоний ҳодисаларни ўз ичига олади.Бу борадаги олиб борилган тадқиқот натижалари нутқ компетенциясининг қуйидаги ***тўртта омиллар*** орқали юзага чиқишини тасдиқлади: а) суҳбатдошнинг ниятларини “тинглаш”; б) конструктив мақсадлар тўғрилигини идрок этиш; в) коммуникациянинг конструктив стратегиясини дастурлай олиш; г) мунозара (баҳс эмас) доирасида мулоқотни бошқариш.

И.А.Зимняя нутқ қобилиятига дахлдор компонентликнинг учта асосий гуруҳини аниқлайди: а) шахс, ҳаёт субъекти сифатида ўзига тегишли бўлган ваколатлар; б) инсоннинг бошқа одамлар билан ўзаро муносабати билан боғлиқ ваколатлар; в) инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган компетенциялар, унинг барча турлари ва шаклларида намоён бўлади. Ушбу учала компетенция гуруҳлари нутқ қобилиятига асосланганлиги аниқ. Бу қобилият жуда ҳам ноёб ҳодиса бўлганлиги учун турли хил тадқиқотчилар таснифида баъзи мулоҳазаларнинг билдирилишига сабаб бўлган. Масалан, бу А.К.Маркова ўзининг “Касбий психология” номли асарида таъкидлаган касбий компетенциянинг тўртта (махсус, ижтимоий, шахсий ва индивидуал) турига киритади. Биз ўрганадиган компетентлик тури Л.М.Митина томонидан аниқланган педагогик компетенция (фаолият ва мулоқот)нинг қуйи тузилмаларида муҳим аҳамиятга эга[377].

Нутқ компетентлигининг феноменал табиати, тавсифи ва унинг вазифаларини аниқлаш масаласи ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади. Тил таълимида дастлаб А.Н.Ксенофонтова ўз кузатишларини илмий жамоатчиликка тавсия этган эди. Шундан сўнг М.П.Манаенкова ҳам нутқ

[377] Митина Л.М. Психология профессионального развития учителя. М., 1998.

компетенциясининг қуйидаги вазифаларини ажратганлигини кузатдик: билим эгаллаш (ифодалаш), ахборот (хабар, ифода), коммуникатив (таъсир), рағбатлантирувчи (мотивацион)[378].

Тил таълимида олимлар томонидан тан олинган А.Н.Ксенофонтова ва М.П.Манаековаларнинг илмий мулоҳазаларини назарий асос сифатида қабул қиламиз. Шу билан бирга реал жараёнда барча вазифалар ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига ўтиши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда, муаллифлик ёндашуви асосида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталамиз.

а) нутқ компетентлигининг билимни эгаллаш вазифаси, бир томондан, тафаккур воситаси, иккинчи томондан, ақлий фаолият маҳсули бўлганлиги учун, айниқса, тафаккур билан инсоннинг юксак ақлий вазифаларини амалга оширишда нутқнинг роли билан чамбарчас боғлиқ. Нутқ ўқув фаолиятида асосий восита бўлиб, ўқитувчига уни синфда ҳам, мактабдан ташқарида ҳам ташкил этиш ва амалга ошириш имконини беради.

б) нутқ компетентлигининг информацион вазифаси таълим жараёнида ахборотни узатиш ва бериш (билим олиш, ўзлаштириш кўникмалари) ва педагогик жараённинг муваффақияти учун қулай муҳит яратиш билан боғлиқ. Нутқ фаолиятининг ахборот вазифаси нутқ компетентлигининг ахборот вазифасини ҳам ўз ичига олади, бу эса талабаларнинг олган маълумотларини шахсий маънога эга қилишдан иборат. Маълумотларнинг қиймати унинг аниқ ҳаётий вазиятлар ва шароитларда қанчалик муҳимлигига қараб ошади. Ушбу мулоҳазанинг ҳаётий далили тадқиқотнинг тажриба-синов майдонларида ва бўлажак инглиз тилм ўқитувчиларининг педагогик ўқув амалиётида тўлиқ тасдиқланди, талабалар педамалиёт даврида, улар нафақат ўз билим ва кўникмаларини амалда қўлладилар, балки психологик-педагогик фанлар ва турли фанларни ўқитиш методикаси бўйича маъруза ва семинарларда олинган назарий маълумотларни ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки шаклда синфдаги

[378] Манаенкова М.П. Речевая компетентность личности:содержание и структура. // Социально-экономические явления и процессы. - Т. 9. № 10, 2014. – с.223-231.

фаолиятини таҳлил қилишда қўлладилар. Шундай қилиб, нутқ компетентлигининг ахборот функцияси соҳа талабаларининг ахборот олиш қобилиятидангина иборат бўлиб қолмай, балки компетентлик ёндашуви – олинган маълумотларни ўз фаолиятида қўллашдан иборат.

в) нутқ компетентлигининг коммуникатив вазифаси ҳозирги педагогик вазият учун нутқ воситаларини етарли даражада танлай билишдан иборат. Аввало, бу нутқ қобилиятлари арсеналининг хилма-хиллиги ва мавжуд вазиятга нисбатан уларнинг танлови етарлилиги билан боғлиқ.

г) нутқ компетентлигининг рағбатлантирувчи (мотивацион) вазифаси касбга қийматга йўналтирилган муносабат билан белгиланади. Ўқитувчининг танлаган касбий фаолият услуби нутқ фаолиятида ҳам ўз ифодасини топади. Нутқ компетенцияси ўқитувчи шахсининг йўналганлигини, яъни шахснинг ўз хулқ-атворининг асосий йўналишини белгилаб берувчи эҳтиёжлари ва мотивлари мажмуини белгилайди. Нутқ компетентлигининг рағбатлантирувчи вазифаси нутқ хулқ-атворида намоён бўлади. Нутқ хулқ-атворининг йўналиши ўқитувчининг нутқ компетентлигини шакллантириш даражасига боғлиқ. Ўқитувчининг педагогик фаолиятдаги қадриятларига қараб, у ўқувчини муайян позицияга қўядиган нутқ воситаларини танлайди. Агар ўқитувчининг педагогик фаолиятдаги аҳамияти талабани нутқий кўникмалар ёрдамида субъектив позицияга жойлаштирадиган бўлса, демак, бу унинг нутқ маҳоратининг юқори кўрсаткичи бўлади.

Нутқ қобилиятининг моҳиятини унинг тузилишини тавсифламасдан аниқлаш мумкин эмас. Биз ўрганаётган лисоний ҳодисанинг таркибий қисмларидаги компетентликни аниқлашда тадқиқотчи методистларнинг илмий-методик адабиётларидаги мулоҳазаларини умумлаштириш орқали аниқлашга ҳаракат қилдик. Бу борада олиб борилган тадқиқот натижаларига таяниб, нутқ компетентлигининг тузилиши қуйидаги ***учта ёндашув компонентлар***нинг йиғиндиси сифатида юзага келади, деган мулоҳазани айтишга қарор қилдик: а) фаолиятнинг ижтимоий-амалий йўналиши билан боғлиқ бўлган мотивацион ва мақсадли ёндашув орқали тавсифланади; б)

мазмунли, муайян фаолиятнинг нутқига қаратилган билим ва кўникмалар мажмуасининг мавжудлиги билан тавсифланади, бу ҳолатда компетентлик ёндашуви етакчилик қилади; в) шахсий, субъектнинг профессионал жиҳатдан аҳамиятли психологик сифатларининг салоҳияти билан белгиланди, бунда акмеологик ёндашув назарда тутилади.

Нутқ компетенцияси, бир томондан, муайян инсон томонидан нутқ фаолиятини ўзлаштириш натижасида, иккинчи жиҳатдан, нутқ фаолиятида инсон фаолиятининг асоси сифатида намоён бўлади. Суқротнинг *“Шундай гапиргинки, мен сени кўра олай”* дегани бежиз эмас. Педагогика олий таълим муассасалари талабалари таълим жараёнида ўқитувчининг касбий фаолияти асосларини ўрганадилар. Фикримизча, нутқ қобилиятининг ўзига хос хусусияти унинг ҳар қандай олий таълим битирувчисининг шахсий ва касбий таркибий қисмларида, хусусан, педагогик нуқтаи назардан ўта муҳимдир. Ўқитувчи ишининг ўзига хослиги унинг таълим жараёнида нутқий фаолиятига бўлган махсус талабларни белгилайди. ДТС талабига кўра, таълим тизимидаги компетентлик ёндашув ўқитувчининг нутқ компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутади.

Нутқ компетенциясининг ўзига хослиги бир томондан, бу ўқув жараёнининг натижаси, иккинчи томондан, энг муҳим ўқув воситаси эканлигидадир. Нутқ қобилиятининг иккилик табиати шахслараро мулоқотда ҳам намоён бўлади: у алоқа асоси ҳисобланади ва алоқа жараёнида ривожланади.

Нутқий фаолият махсус мустақил фаолият тури бўлиб, бошқа кишилар билан биргаликда бажариладиган ҳар қандай фаолиятнинг зарурий қисмидир. Ўқитувчи касбининг моҳияти унинг педагогик жараёнда талабалар билан ўзаро муносабатида ойдинлашади. Ўқув жараёни нутқий фаолиятда мулоқот ва билиш орқали амалга оширилади, шунинг учун талабалар нутқий фаолиятнинг аҳамиятини педагогнинг асоси сифатида тушунишлари ва англаб етишлари керак: уни қамраб олиб ва фаоллик кўрсатиб, улар ваколатли бўладилар, яъни аниқ педагогик вазифаларни ҳал қила оладилар.

Бўлажак ўқитувчини тайёрлаш ўқув жараёни нутқий фаолиятга бевосита асосланади. Унинг барча хусусиятлари,хусусан, бировнинг нутқини идрок этиш, ўқитувчи ва талабалар томонидан ўзининг нутқини ифода этиш, нутқ фаолиятининг мантиқий ва экспрессив шаклларидан фойдаланган ҳолда ўқув ва мактабдан ташқари машғулотларнинг шерикларига таъсири ва бошқалар. ушбу фаолиятда намоён бўлади. Нутқ фаолияти педагогика олий таълим муассасаларидаги бутун ўқув жараёнини қамраб олади ва келажакдаги педагогик фаолиятнинг қуйидаги хусусиятларини белгилашга хизмат қилади: а) талабалар билими муайян восита ҳисобланади; б) талабанинг билим олиш фаолияти унинг ифодаси саналади; в) турли шахслараро муносабатларнинг асоси нутқ фаолиятидан иборат; г) талабанинг касбий фаолият субъекти сифатида шаклланишига ҳисса қўшади.

Демак, таъкидланаётган омиллар соҳа талабаларининг нутқ компетентлигига ҳам муайян даражада таъсир қилади. Бу борада бизнинг баъзи ***таклиф-мулоҳазаларимиз*** бор, уларнинг айримларини таъкидлаймиз: а) педагогика олий ўқув юртларида ўқув жараённи шундай ташкил этиш керакки, унда талабанинг нутқ компетентлигини шакллантириш жараёни самаралироқ бўлсин; б) нутқ компетентлигини муваффақиятли шакллантириш нафақат нутқ фаолиятига оид махсус фанларини ўрганишда, масалан, *“Ўқитувчи нутқ маданияти”* фани каби, балки ўқув режасига мувофиқ талабалар томонидан ўрганиладиган барча бошқа фанларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак; в) келажакдаги ўқитувчининг касбий тайёргарлигидаги ҳар қандай академик интизом талабаларнинг нутқ фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарур.

Методист Л.М.Макарованинг таклифига кўра, ҳар бир ўқитувчининг вазифаси ўқув жараёнида нутқ фаоллигидан талабаларнинг энг муҳим шахсий шаклланишини шакллантириш, уларни ўқув фаолиятидаги субъектнинг фаол позициясига олиб бориш долзарбдир[379]. Шундай қилиб, нутқ фаолиятининг бу

[379] Макарова Л. Н. Развитие стиля педагогической деятельности преподавателя вуза // Педагогика. 2005. № 6. С. 72-80.

вазифасидан уларнинг келгуси ўқув фаолиятида фойдаланиш зарурияти мавжуд.

Бугунги кунда талабаларнинг нутқ компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга касбий таълим тизимида, айниқса, педагогика олий таълим муассасаларининг филологик йўналишларида кўпроқ эътибор бериш кераклиги ҳаммага аён, чунки у, бир томондан, педагогика олий таълим муассасаси битирувчисининг шахсий ривожланишини, иккинчи томондан, жамиятнинг ривожланиш даражасини белгилайди. Олиб борилган тадқиқот натижаларининг тасдиқлашича, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг нутқ компетенцияси – нутқ ўқитишнинг муайян таркибий қисмига нисбатан белгиланган талабанинг ўзаро боғлиқ хусусиятлари, хусусан, билим, кўникма ва қобилият, фаолият усуллари тўплами сифатида намоён бўлди.

Талабанинг ижтимоий фаолиятида нутқ компетенциясини шакллантиришни М.П.Манаенкова замонавий таълим тизимининг, қисман олий таълимнинг муҳим вазифаси, деб атайди. Олима нутқ компетенциясини маълум бир тилда нутқнинг эркин амалий эгаллаш, диалогда ҳам, монологда ҳам тўғри, равон ва динамик сўзлай олиш қобилиятини, эшитиладиган ва ўқиладиган нутқни яхши тушуниш, шу жумладан, ҳар қандай функционал услубда нутқни ишлаб чиқариш (сўзлаш, намоён қилиш) ва тушуниш қобилияти, шахс маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади[380], – деб таъкидлайди.

Бизнинг назаримизда, нутқ компетенциясининг характерли моҳияти дискурс хусусиятга эгали ва ўрганувчиларнинг вербал (оғзаки) хатти-ҳаракати сифатларини акс эттиришлигидан иборат. Нутқ компетенцияси бир вақтнинг ўзида профессионал фаолиятда ички тажриба учун акс эттириш ва ишга тушириш механизми сифатида хизмат қилади. Инсоннинг концептуал ва ҳиссий тажрибаси, асосан, белги, ишора коммуникациялари орқали намоён бўлади, узатилади ва қабул қилинади.

[380]Манаенкова М.П. Речевая компетенция в контексте личностно-профессиональных компетенций студента // Психолого-педагогический журнал Гаудеамус. – 2014. - № 1 (23). – 30 с.

Лингводидактикада нутқ компетенциясини шакллантириш билан боғлиқ атамаларнинг икки гуруҳи қўлланилади: а) кўникма ва қобилият; б) биргаликда нутқ фаолиятини ташкил этадиган нутқ (лингвистик) операцияси ва лингвистик таъсир. Мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш зарурати ушбу атамаларни лингвистик, педагогик ва методик адабиётларда талқин қилишнинг ноаниқлиги, шунингдек, кўникма ва қобилиятга нисбатан ягона ва яхлит тавсифнинг йўқлиги билан боғлиқ, деб ҳисобладик. Айни ҳолатни ҳисобга олиб, тадқиқотни олиб бориш жараёнида аниқланган ва кузатилган қуйидаги нутқий кўникма ва қобилият, нутқ операцияси ва лингвистик таъсир ҳақидаги кузатишларимизни қисқача тавсифлашни лозим топдик.

Нутқ кўникмалари деганда тил (грамматик ва лексик) воситаларидан коммуникатив қобилиятларнинг таркибий қисмлари сифатида фойдаланиш операцияларини автоматлаштирилган тарзда амалга оширишни англатади. Нутқий кўникмалар автоматлаштирилган (нутқ) операциялари бўлиб, улар таркибий қисм сифатида қобилиятга киради, қобилият эса ижодий фаолиятнинг бирлиги сифатида кенг қамровли нутқий ҳаракатидир. Грамматик нутқ гапириш кўникмаси остида, масалан, чет тилларни ўқитиш методикасида, синтактик-морфологик жумлалар тузилишини танлаш учун автоматлаштирилган грамматик операциялар, шунингдек, уларни коммуникация ва нутқ нормаларига мувофиқ амалга ошириш тушунилади. Нутқ фаолиятининг асосий турларига қараб чет тиллар методикасида тўртта асосий қобилият ажралиб туради: а) диалогик ва монологик шакллардаги гапириш қобилияти; б) ёзиш қобилияти; в) тинглаш қобилияти; г) ўқиш қобилияти. Ҳар бир қобилият ўз кўникмалар гуруҳига таянади, синтезлашиб қобилиятда фаолият кўрсатади. Биргаликда нутқ қобилиятлари ва кўникмалари тўғри қурилишини ва амалга оширилишини таъминлайди.

Нутқ операцияси –нутқ-фикрлаш жараёнининг бирлиги бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида онгсизлик, автоматизм ва барқарорлик билан

тавсифланади. А.Леонтъевнинг таърифига кўра[381], мукаммалликка етказилган нутқий операциялар нутқий кўникма номи билан юритилади.

Нутқ фаолиятининг турлари (ўқиш, ёзиш, тинглаш ва гапириш) – бу матн асосида параллел равишда шакллантирилиши ва ривожлантирилиши лозим бўлган нутқий кўникма ва қобилиятларнинг ҳар хил турлари саналади.

Шундай қилиб, айтилган мулоҳазаларимизга асосланиб ***қуйидагиларни таъкидлашни*** лозим топдик: а) бўлажак инглиз тили ўқитувчилари нутқ компетенцияси – нутқ тайёргарлигининг муайян таркибий қисмига, жумладан, тил, мулоқот ва услубий компонентларга нисбатан ўрнатилган ўзаро боғлиқ шахсий сифатлар (билим, кўникма ва қобилият, фаолият усуллари) мажмуидир; б) ҳар бир талабанинг ижтимоий фаолиятида нутқ компетенциясининг шаклланиши сўз бойлигини кенгайтириш, нутқнинг грамматик тузилишини ривожлантириш, нутқ маданиятини эгаллаш, полемикани ва танқидий фикрлашни ўзлаштириш орқали содир бўлади, деган яхлит тўхтамга келдик.

Хуллас, айтилган мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келамиз:

1. Нутқ фаолияти инсонга нисбатан бинорлик вазифасини бажаришини инобатга олсак, нутқ-фикрлаш фаолиятининг таркибий қисми сифатида муайян шахсни,хусусан, соҳа талабаларининг ҳам ривожлантиришга, хусусан, сўзамол, луғат бойлиги кенг, интеллектуал ва салоҳиятли, компетентли миллий кадр даражасига етказишга лисоний омил сифатида хизмат қилиши тасдиқланди.

2. Тўлақонли мулоқот қилиш учун ҳар бир талаба ўзларининг ниятлари, фикр-мулоҳазалари, ички кечинмаларини муайян мақсадларда ифодалаш учун фақат ўзигагина хос ва мос нутқ қобилиятидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Айни лисоний омил талабанинг коммуникатив қобилиятини ривожлантиради.

3. Тадқиқотда нутқ компетенцияси мазмун-моҳиятига кўра, муайян билимни эгаллаш, ахборотни олиш ва узатиш, коммуникатив алоқа ва

[381]Леонтьев А. Язык, речь, речевая деятельность. – М.: Просвещение, 1969. – 214 с.

рағбатлантирувчи (мотивация) вазифаларни бажариши аниқланди. Бу вазифалар ўзаро бир-бири билан боғлиқликда бўлади, муайян нутқий жараёнда эса бири иккинчисига ўтиши ҳам мумкин.

4. Тадқиқот натижаларига асосланиб, нутқ компетентлигининг тузилиши учта асосий ёндашув компонентлар йиғиндиси сифатида юзага келишини таъкидлаш лозим: а) фаолиятнинг ижтимоий-амалий йўналиши билан боғлиқ бўлган мотивацион ва мақсадли ёндашув орқали тавсифланади; б) мазмунли, муайян фаолиятнинг нутқига қаратилган билим ва кўникмалар мажмуасининг мавжудлиги билан тавсифланади; в) шахсий, субъектнинг касбий жиҳатдан аҳамиятли психологик сифатларининг салоҳияти билан белгиланади.

Боб бўйича хулосалар

1. Тадқиқот натижалари бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциялари таркиби хилма-хиллигини, ҳар бири ўзига хос ва бир-бирини такрорламайдиган лисоний хусусиятларга эгалигини,уларнинг алоҳида шаклланиш босқичлари, даражалари, модели, восита ва усуллари мавжудлигини тасдиқлади.

2. Лексик компетенцияга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:*“бир қатор коммуникация учун зарур билим, кўникма ва малака мажмуига эга бўлган лексик компетентлар; конкрет фаолиятни амалга оширишда зарур бўлган шахсият хусусиятларига; шахснинг турли вазифаларни бажариш (муаммоларни ҳал қилиш йўлларини билиш, тажриба ва муайян фаолиятда мақсадларга эришиш) қобилиятини ўз ичига олган мураккаб таркибий тузилишга эга бўлган таълим тизимидир”.*

3. Тадқиқот давомида лексик компетенциянинг чет тил лексик таркибини билиш; тил бирликлари ўртасидаги умумий тил контексида сўзнинг маъносини аниқлаш; матн билан ишлашда сўз бирикмаларидан фойдаланиш қобилиятини ўстириш; коммуникатив вазифани ҳисобга олган ҳолда жумлалар тузишга ёрдам бериш каби вазифаларни ўз ичига олганлиги аниқланди.

4. Лексика билан ишлаш– бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лексик компетентлигини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи омиллардан бири. Тадқиқот натижалари мазкур омилнинг тўртта мезонлари мавжудлигини кўрсатди: а) айнан миқдорий кўрсаткич (size), яъни ўзлаштирилиши керак бўлган сўзлар ва барқарор иборалар сони; б) ҳар қандай тил ёки нутқий фаолиятни амалга ошириш учун етарлича сўз бойлигига эга бўлиш; в) ўрганилган материалдан мунтазам фойдаланиш ва бу жараённи бошқариш; фаол ва пассив луғатлар ўртасидаги фарқларни билиш; г) замонавий техникадан фойдаланган ҳолда билимдаги тараққиётни таҳлил қилиш.

5. Олиб борилган тадқиқот натижалари лингвистик машқлар, луғат билан ишлаш, флеш-карточкалар, шеър ва қофиялар, дидактик лексик ўйинлар, интернет имкониятлари, мобиль телефонлар, компьютер фаолияти тизими ва бошқалар. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лексик компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг хилма-хил усул ва методлари эканлигини кўрсатди.

6. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенцияси лисоний компетенциянинг таркибий қисми бўлиб, уни ривожлантиришнинг еттита босқичлари аниқланди: а) фразео-материални тўғри танлай олиш босқичи; б) ФБни моделлаштириш босқичи; в) ФБ манбаларини таснифлай олиш босқичи; г) барқарор ФБ вариантларини билиб олиш босқичи; д) ФБ компонентларини аниқлаш босқичи; е) ФБ нинг семантизациясини тушуна олиш босқичи; ё) ФБ га оид компетенцияларни ўзлаштириш босқичи; ж) эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, тузатиш, назорат қилиш ва амалда қўллай олиш босқичи.

7. Тадқиқотни олиб жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантиришда эгалланган билимларини ўзлаштиришнинг учта (таништирув, репродуктив ва продуктив) даражалари мавжудлиги аниқланди ва амалиётга жорий этилди.

8. Тадқиқотда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантиришда хилма-хил восита ва усуллардан

фойдаланилди. Ўқув жараёнида тайёрлов, нутқ, таржима машқлари, лисоний ўйинлар, тест-синов топшириқларидан самарали фойдаланганлик бу борадаги таълим сифатини оширишга хизмат қилганлигини исботлади.

9. Грамматик компетенция – бу тилнинг грамматик воситаларини билиш ва улардан фойдаланиш қобилияти мажмуидир. Тадқиқотда ўрганилган компетенция чет тили коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми бўлиб, у иккита механизм турига асосланганлиги кузатилди. Ишда коммуникатив (чет тилида нутқнинг моҳирона эгаллашга хисса қўшадиган) ва когнитив (концептуал жараёнини ривожлантирадиган, талабалар онгида хорижий тил тушунчаларини шакллантиришга хизмат қиладиган) механизм турлари ёритилди.

10. Грамматик компетенциянинг биз томондан аниқланган тузилиши уч (назарий, лингвистик ва нутқ) таркибий қисмдан,процессуал модели тўртта(тақдимот ва грамматик материални бирламчи мустаҳкамлаш; грамматик кўникмаларни шакллантириш ва автоматлаштириш; коммуникатив амалиёт; грамматик компетенция даражасини назорат қилиш ва рефлекция) босқичларни ташкил этган.

11. Тадқиқотда бўлажак инглиз тили ўқитувчилари грамматик компетенциясиниривожлантириш кўрсаткичлари когнитив, операцион-фаоллик, мотивацион ва рефлексив мезонлардан ташкил топганлиги аниқладик. Мазкур мезонлар ўзларининг вазифасига кўра, соҳа талабаларида турли лингвомаданий тушуниш ва идрок этишга қаратилган дидактик-методик стратегияларни шакллантиришга хизмат қилди.

12. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг нутқий компетенцияси нутқ хатти-ҳаракатларини белгилайдиган ва қобилиятлар тўпламига асосланган мураккаб лисоний ҳодисалар мажмуини ташкил этади, деган яхлит тўхтамга келдик. Тадқиқотда олинган натижалар бу компетенция,асосан, тўртта омиллар: а) суҳбатдошнинг ниятларини “тинглаш”; б) конструктив мақсадлар тўғрилигини идрок этиш; в) коммуникациянинг конструктив стратегиясини дастурлай олиш; г) мунозара (баҳс эмас) доирасида мулоқотни бошқариш

кабилар орқали юзага чиққанлигини ва соҳа талабаларининг лингвистик компетенциясининг ривожланганлигини тасдиқлади.

13. Тадқиқот натижаларига кўра, нутқ компетентлигининг билимни эгаллаш, информацион, коммуникатив, рағбатлантирувчи (мотивацион) каби учта вазифалари мавжуд. Унинг тузилиши ҳам учта асосий ёндашув компетентларининг йиғиндиси сифатида юзага келганлигини аниқладик. Булар ўз навбатида: а) фаолиятнинг ижтимоий-амалий йўналиши билан боғлиқ бўлган мотивацион ва мақсадли ёндашув орқали тавсифланади; б) мазмунли, муайян фаолиятнинг нутқига қаратилган билим ва кўникмалар мажмуасининг мавжудлиги билан тавсифланади, бу ҳолатда компетентлик ёндашуви етакчилик қилади; в) шахсий, субъектнинг профессионал жиҳатдан аҳамиятли психологик сифатларининг салоҳияти билан белгиланади, акмеологик ёндашув назарда тутилади.

V БОБ. ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МУҲИТИДА ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

5.1. Тажриба-синов ишларининг мақсад-вазифалари ва ўтказилиш тартиби

Педагогик тажриба-синов ишларининг асосий мақсади – педагогика ОТМнинг хорижий филология факультетларидаги инглиз тили йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг самарали педагогик-психологик шарт-шароитларини аниқлаш ва амалда синовдан ўтказишдан иборат.

Илмий изланишларимиз давомида лингвистик компетенцияларнинг назарий муаммоларни ҳал қилиш билан бир қаторда тажриба-синов ўтказиш орқали тайёрлов, нутқ ва таржима машқларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам тадқиқотга жалб этилди. Инглиз тилини ўргатишда тажриба-синов методининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга эътибор қаратилди.

Тадқиқот материали сифатида назарий ва амалий манбалар, мавжуд хорижий ва маҳаллий чет тили дарсликлари, ўқув қўлланмалар, монографик

тадқиқотлар ва илмий мақолалар ўрганилди; таржима, лексик, грамматик, нутқ ва фразеологик матнлари тегишли ўринларда таҳлил этилди. Ушбу ишда тадқиқот объекти, предмети, лингвистик матн материалини таҳлил қилиш жараёнида дедуктив, индуктив ҳамда математик-статистик методларидан самарали фойдаланилди. Булардан ташқари, электрон ва мобиль таълимга, компьютер лингвистикасига дахлдор илмий-методик адабиётлар ўрганилди. Рақамли авлод учун асосий имкониятларни таъминлайдиган электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, ўзлаштирилган материалларни текшириш учун интерфаол тестлардан, мавжуд ва аниқланган билимдаги бўшлиқлар учун ишлаб чиқилган интерфаол воситалардан ҳам самарали фойдаланилди.

Диссертация асосида ташкил этилган тажриба-синов ишлари ва унинг натижасини баҳолаш методикаси бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида аниқланди. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш юзасидан тадқиқот иши назарий-тажрибавий йўналишда амалга оширилди ва қуйидаги уч босқичларни ўз ичига олди: *биринчи босқич* – тадқиқотда қўйилган муаммоларга оид назарий ва илмий-методик адабиётларни ўрганиш, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, қайд қилувчи тажрибалар бўйича материаллар тўплаш, диссертациянинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш; *иккинчи босқич* – белгиланган ОТМ базаларида тажриба-синов ишларини ўтказиш; *учинчи босқич* – олинган натижаларни таҳлил қилиш, уларни бир тизимга келтириш ва расмийлаштириш.

Тадқиқотнинг тажриба-синов ишларида фойдаланилган методлар ва усуллар: назарий-мантиқий таҳлил, таққослаш, социаметрик, анкета, суҳбат, тест, ёзма иш, матн таржимаси, лисоний ўйинлар, интервью, тажриба-синов, мониторинг, баҳолаш, илғор инновацион педагогик тажрибаларни умумлаштириш, педагогик кузатиш, математик-статистик метод.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида мавзунинг илмий-методологик асослари ҳисобланган ***омиллар*** қуйидагилардан иборат бўлди:

а) мустақил республикамизнинг илм-фан, таълим самарадорлигини

таъминлаш, таълим менежменти, рақобатбардош, компетентли ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари (Таълим соҳасидаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликларнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари); таълим сифатини таъминлаш ва компетентли педагог кадрлар тайёрлаш муаммоларига оид илмий тадқиқотлар, халқаро илмий ғоялар ва илғор тажриба; лингвистика компетенциясига, хусусан, фразеологик, лексик, грамматик, нутқ компетенцияларига оид педагогик, психологик, методик манбалар ўрганилди ва таҳлил қилинди;

б) таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик компетенцияларнинг таркиби, шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари, даражалари, модели, методлари, мезонлари, восита ва усуллари, шунингдек, коммуникатив вазифалари аниқланди; педагогика олий ўқув юртларида чет тилларини ўқитиш бўйича ДТС лари, тажриба-синов учун танланган модулларнинг намунавий ва ишчи ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ўрганилди, таҳлил этилди;

в) ушбу босқичда таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари касбий-педагогик компетентлигининг таркиби, тузилмаси ва малака талаблари, мазкур компетентликнинг шакллантириш ва такомиллаштириш омиллари ҳам аниқланди. Белгиланган ОТМ инглиз тили профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигига оид билим, кўникма ва малакалари ўрганилди.

Компетентли ёндашувнинг асосий компонентларидан компетенция ва компетентликнинг жаҳон педагогик таълимида ўрганилишига оид илмий-назарий ишлар таҳлил этилди ва умумлаштирилди; миллий таълим тизимига *“таълимни рақамлаштириш муҳити”*нинг кириб келиш сабаблари аниқланди, давлат дастурида белгиланган “таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш,

таълим инфратузилмасини такомиллаштириш”[382] вазифасига дахлдор барча ҳуқуқий-меъёрий манбалар ҳам ўрганилди.

Ушбу босқичда илмий-методологик манбалар ҳамда амалиётдаги аҳволни ўрганиш асосида тажриба-синов ишлари дастури мазмуни; касбий-педагогик компетентликнинг ривожланганлик мезонлари аниқланди, бўлажак инглиз тили ўқитувчилари учун сўровномалар ишлаб чиқилди, тадқиқот мавзуси доирасида бажариладиган вазифалар бўйича “*Йўл харитаси”* ва янги модуллар яратилди, олинган дастлабки натижалар умумлаштирилди, таҳлил қилинди, навбатдаги босқич тажриба-синов ишлари учун илмий-методик материаллар тайёрланди.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетентлигини ривожлантириш бўйича тадқиқот ишлари ўтказилди ва олинган натижалар умумлаштирилди. Тадқиқот ишларининг ушбу босқичида биз аниқлаган бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган методика синовдан ўтказилди.

Тажриба-синов майдонида бир қатор вазифалар амалга оширилди:

– белгиланган таълим муассасаларида амалга ошириладиган тажриба-синов ишларини ўрнатилган тартибда раҳбарият томонидан буйруқ билан расмийлаштирилди;

– юқори самарадорликка эга рақамли қурилмалар билан жиҳозланган электрон тузилмалар, инглиз тилининг ўқув хоналари ва лабораториялари, кичик медиа студияларда қўлга киритилган натижалари белгиланган тажриба-синов майдонларининг ўзидаёқ қўлланилди;

– тажриба-синов ишларини амалга ошириш жараёнида белгиланган таълим муассасаларининг икки томонлама мулоқотини таъминловчи тизимлардан самарали фойдаланилди;

[382] ПҚ-4699-сон 28.04.2020. Рақамлииқтисодиёт ва электрон ҳукуматникенг жорий этиш чора-тадбирларитўғрисидаhttps://lex.uz

– тадқиқотчи-респондент-талаба муносабатлари орқали илмий тадқиқотнинг тажриба-синов ишларини олиб бориш учун педагогик муҳит яратилди ва бу орқали анъанавий ўқитиш шаклида, ҳам талабалар ўртасидаги фаол тармоқ орқали тегишли маълумотларни алмашиш, олинган натижаларни аниқлаштириш, тегишли илмий-методик маслаҳатлар олиш каби ишлар амалга оширилди;

– тажриба-синов ишларини ўтказиш учун ОТМнинг инглиз тили фанининг етакчи мутахассисларидан масъуллар белгиланди ва уларга зарур педагогик шарт-шароитлар яратилди; инглиз тили ўқув хоналарини интерфаол тақдимот тизимлари, шу жумладан, интерфаол стуллар ва ноутбуклар билан жиҳозланди;

– тажриба-синов ишлари юзасидан олинган илмий натижаларни амалиётга татбиқ этилганлиги ҳақидаги тасдиқланган далолатномалар тайёрланди.

Тажриба-синов ишларини ташкиллаштиришга қўйиладиган илмий-методик талаблар қуйидагилардан иборат бўлди:

а) тажриба-синов ишларини ташкил этишдаги мезонлар:

– педагогиктажриба-синов ишида экспериментал танлама миқдори396 нафар бўлажак инглиз тили ўқитувчисини ташкил этди. Улар тажриба ва назорат гуруҳларида қатнашиши мўлжалланди;

– тажриба-синов базаси сифатида Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон ва Жиззах давлат педагогика институтларининг хорижий тиллар факультетлари (инглиз тили йўналиши) танланди.Тажриба-синов ишларига жами 531 нафар респондент жалб қилинган бўлиб, шулардан 531 нафари бўлажак инглиз тили ўқитувчилари, 20 нафари тажриба олиб борувчи ОТМ инглиз тили профессор-ўқитувчилари ташкил этди (жадвал №5.1).

Жадвал №5.1.

Тажриба-синов майдончасида қатнашган респондентлар

№	ОТМ номи	Респондентлар сони			
		Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба олиб борувчи профессор-	Жами

				ўқитувчилар	
1	Тошкент давлат педагогика университети	102	99	7	208
2	Жиззах давлат педагогика институти	88	90	7	185
3	Қўқон давлат педагогика институти	75	77	6	158
Умумий		265	266	20	551

б) тажриба-синов ишларини ташкиллаштиришда тадқиқ этилаётган педагогик жараёнда қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

– тадқиқот мақсадига мос келувчи, қўйилган муаммонинг ечимини топиш ва юзага чиқарувчи, дастурда белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишни таъминловчи шарт-шароитлар яратилди;

– тажриба-синовдан ўтказилаётган ташкилий шакл, таълим методи ва воситаларининг самарадорлик кўрсаткичлари тизимли равишда электрон ва фаол тармоқ орқали аниқлаб борилди ҳамда уларни қайд этиб боришга мўлжалланган расмий иш қоғозлар юритилди ва электрон синов-тажриба платформасида назорат қилинди;

– тадқиқотнинг илмий фарази ва олинган натижаларни тасдиқлаши мумкин бўлган вазиятлар яратилди, муайян ўринларда тегишли шарт-шароитлар ўзгартирилди;

– тажриба-синов ишлари натижалари, педагогик ҳодисаларнинг амалга ошириш жараёнлари аниқ, ўз вақтида электрон ва фаол тармоқда тавсифлаб борилди;

– олинган эмперик маълумотлар миқдор ва сифат кўрсаткичлари асосида электрон ва фаол тармоқ орқали таҳлил қилинди ҳамда улар назарий асосда электрон синов-тажриба платформасида умумлаштирилди.

в) педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этишдаги методик асослар:

– махсус дастур асосидаги ҳар бир синов машғулотларида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик компетенцияни ривожлантириш билан боғлиқ ишчи фаразлар такомиллаштирилди;

– тажриба-синов машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказишда самарадорлик мезонлари белгилаб олинди;

– тажриба-синов ишларини қайд этиш ва қайта ишлаш усуллари белгиланди;

– тажриба-синов ишларини ўтказиш жойи ва вақти аниқланди;

– тажриба-синов машғулотларининг кетма-кетлиги ишлаб чиқилди;

– тажриба-синов машғулотларида фаол қўлланадиган дидактик материалларни тадқиқот ишида таклиф этилаётган ечимлар асосида ишлаб чиқиш ҳамда таълим воситаларини қўллаш тартиби белгиланди;

– тажриба синов ишлари методикасини ишлаб чиқишда чет тили ўқитувчилари, илғор педагогик тажрибалар ва инновацион ғоялар уларни замон талаблари асосида тайёрлашда муҳим рол ўйнайдиган ОТМ чет (инглиз) тили ўқитувчилари компетентлигининг миллий ҳамда халқаро малака талаблари, ўзига хос хусусиятлари инобатга олинди.

Педагогик тажриба-синов ишларини амалга ошириш жараёнида ва таълимни рақамлаштириш муҳитида илмий тадқиқот мавзусига дахлдор қуйидаги ишлар режалаштирилди ва улар босқичма-босқич амалга оширилди, бир қатор педагогик омилларга алоҳида эътибор қилинди:

– бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини шакллантириш ва такомиллаштириш, инглиз тили машғулотлари учун инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича махсус ўқув-услубий кўрсатма ишлаб чиқилди ва унинг қоғоз нусхаси ва интернетда интерфаол мультимедиали кўринишда барча талабаларга ва респондетларга етказилди;

– тажриба-синов майдонларида ведио-конференц алоқа ва интерфаол тақдимот тизимларидан самарали фойдаланиш режалаштирилди ва улар муваффақиятли равишда амалга оширилди;

– тажриба-синов ишларида қатнашувчи инглиз тили ўқитувчилари ва респондетларнинг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириб бориш, тегишли методик маслаҳатлар бериш учун белгиланган муддатларда электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда матнли – график ва видео форматда масофавий ўқитиш жараёнида амалга оширилди; булутли технологиялар, виртуал ва кенгайтирилган воқеликдан фойдаланилди;

– тажриба-синов ишларида реал вақт режимида рақамли дидактика ва рақамли таълим моделларини қўллаш орқали масофавий ўқитиш жараёнини таҳлил этиш режалаштирилди ва улар муваффақиятли равишда амалга оширилди;

– тажриба-синов ишлари ўтказилган майдонларда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантиришга амалий жиҳатдан ёрдам берадиган электрон ўқув-методик қўлланмалар тавсия этилди ҳамда ўзлаштирилган материалларни текшириш учун интерфаол тестлардан фойдаланилди.

Тажриба-синов майдони ҳақида бериладиган махсус йўлланмалардаги маълумотларнинг таркиби қуйидагича белгиланди:

– тажриба-синов ишлари белгиланган ОТМнинг инглиз тили фани профессор-ўқитувчилари ҳақида маълумот;

– тажриба-синовнинг бошланган вақти; тажриба-синов гуруҳларидаги инглиз тили ўқитувчилари ҳамда талабалари ҳақида маълумот;

– тажриба-синов майдончасининг методик таъминоти (професор-ўқитувчиларнинг дарс ишланмалари, тест топшириқлари ва ўқув қуроллари; слайдлар, аудио, видео, камера, ўқитувчиларнинг ёзувлари ва интерфаол доска орқали тақдим этиладиган материалларни ёзиб олишни таъминлайдиган дастур, юқори самарадорликка эга бўлган рақамли қурилмалар билан жиҳозланган электрон ўқув хоналари, медиастудиялар билан таъминлаш);

– тажриба-синов ишларига ёрдам берган ташкилот, муассаса; тажриба-синов ишларини ташкил этишда пайдо бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тўплаш.

Тажриба-синов майдонида қатнашадиган инглиз тили фанининг профессор-ўқитувчилари ва респондентларнинг вазифалари қуйидагича белгиланди:

1. Тажриба-синов ишларининг талаб даражасида олиб борилишини назорат қилиш, юзага келган муаммоларни аниқлаш, бу ҳақидаги тегишли маълумотларни электрон ва фаол тармоқ орқали диссертантга етказиш; тегишли таклиф ва мулоҳазаларни электрон синов-тажриба платформасида баён этиш.

2. Талабалар билимини рейтинг усулида назорат қилишда белгиланган муддатларда оралиқ назорат ва якуний назоратини ўтказишда иштирок этиш. Зарур бўлган ҳолларда қўшимча оралиқ назоратни ташкил этиш ва ўтказиш.

3. Белгиланган муддатларда эксперт хулосасини тайёрлаш ва уларда қуйидагилар ўз ифодасини топиши зарурлиги белгиланди:

– тажриба-синов майдонини ўқув қуроллари ва асбоблар, электрон қурилмалар,медиастудиялар билан жиҳозланганлик даражаси;

– тажриба-синов ишларини олиб борувчи инглиз тили ўқитувчисининг методик жиҳатдан (методик тавсиялар, дарсларни режалаштириш, тест топшириқлари ва бошқалар билан) таъминланганлик даражаси;

– бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг дарслик ёки ўқув қўлланмалари дидактик материаллар ва бошқалар билан таъминланганлик даражаси;

– тажриба-синов майдони илмий раҳбарининг фаолияти;

– тажриба-синов ишларига диссертант томонидан берилаётган илмий ва методик ёрдам;

Юқорида таъкидланган касбий-педагогик вазифалардан ташқари, қўшимча равишда яна қуйидаги ишлар бажарилиши ҳам кўзда тутилди:

– тажриба-синовда қатнашган ва унга жалб этилган инглиз тили ўқитувчиларига тажриба-синов жараёнини ҳисобга олиб борувчи махсус варақалар тарқатилиши;

– мазкур варақаларда ҳар бир тавсия этилган ўқув машғулотининг дастурга мослиги, талабаларнинг ёши, билими даражаси, мавзуларнинг

тадрижийлиги, талабаларнинг ўзлаштириш даражаси (балл тизимида) ҳамда тажриба-синов ишларини олиб борувчи профессор-ўқитувчиларининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олиб борилиши;

– ўқитувчилар танлаган мавзулар бўйича тажриба-синов гуруҳларида тавсия этилган дарс ишланмалари асосида дарслар ўтказилиши;

– лингвистик компетенцияларини ривожлантиришга оид методик ишлар тизимидаги натижаларидан келиб чиқадиган асосий тавсияларни ишлаб чиқиш.

– тадқиқот якуни бўйича тегишли хулоса тайёрлаш, натижаларни умумлаштириш.

Синов-тажриба ишларида қатнашаётган инглиз тили фани ўқитувчиларининг диссертант билан ҳамкорликдаги методик вазифалари қуйидагича белгиланди:

– ўқитувчилар инглиз тили дарсликларидаги лингвистик компетенцияларга дахлдор мавзуларни белгилаб чиқиш;

– белгиланган ҳар бир машғулотдаги мавзу асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш борасида ўзларининг имкониятларини аниқлаб олиш;

– бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадини ҳисобга олган ҳолда белгиланган мавзу бўйича дарс ишланмаларни, илғор инновацион ғояларни яратиш;

– ўқитувчилар бир-бирларининг ўзаро дарсларини кузатиш, тажриба алмашиш ва улар асосида муайян тўхтамларга келиш ҳамда тегишли методик хулосалар чиқариш;

– охир оқибатда тўпланган илғор тажрибаларни танланган ОТМнинг хорижий тиллар факультетларидаги инглиз тили йўналиши гуруҳларида оммалаштириш.

Амалга оширилган педагогик тизимдаги бундай ишлар юзасидан ОТМнинг илмий-услубий кенгашларида ўқитувчиларга тегишли методик

тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўқитувчилар билимини ўрганувчи дастлабки тажриба-синов натижаларини ишлаб чиқишда тажриба-синов ишларига раҳбарлик қилаётган ҳар бир тадқиқотчи бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини янада ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмлари белгилаб олинди.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси лингвистик компетентлигини баҳолаш самарадорлигининг пойдевори сифатида қуйидаги ***тамойиллар*** танланди: ўқув мақсадларига асосланганлик, ҳаққонийлик, шаффофлик, ишончлилик, амалиёт билан назариянинг бир хиллиги; компетенция, касбий-педагогик компетентлик, рақамли таълим, лингвистик компетенция таркиби ва назарий асосларни тўғри англаб етиш; инновацион таълим жараёнида интерфаол усулларни устуворлигин таъминлаш, темир интизомлилик, касбга бўлган меҳр-муҳаббат каби.

“Инглиз тили ва адабиёти” йўналишига мос ўқув режасидаги умумкасбий ва ихтисослик фанларини инновацион технологиялари асосида ўқитиш натижаси сифат кўрсаткичлари турли педагогик-психологик методлар орқали аниқланди. Айниқса, талаба касбий-педагогик компетентлиги сифат даражасини (ТКПКСД) жорий этиш орқали бўлажак инглиз тили ўқитувчилари касбий-педагогик компетентлигини сифатли шакллантириш жараёнини изчил ташкил этиш, узлуксиз равишда назорат қилиш ва мониторинг қилиб бориш ижобий натижалар беришга олиб келди.

Бу эса соҳа талабаларини жаҳон стандартларига мос чуқур билим олишлари, касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш борасида илмий-педагогик маҳорат сирларини эгаллаб боришлари, ўрганилаётган тилда гаплашаётган хорижий халқлар вакиллари билан эркин мулоқотга киришишлари, дунёда содир бўлаётган фан ва техниканинг энг сўнгги янгиликларини ўқий олишлари, тушуниши, фикр-мулоҳаза алмашишида катта имкониятлар яратди. Айни мақсадлардан келиб чиқиб, тадқиқотни олиб бориш жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетентлиги сифат шкаласи дастурини ишлаб чиқдик ва тажриба-синов

майдонларида амалиётга жорий этдик. ТКПКСДнинг етакчи вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди:

– бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлиги бўлиб шаклланиб боришлари динамикасини узлуксиз равишда назорат қилиб бориш;

– бўлажак инглиз тили ўқитувчиси (“таълим олувчи”) ва фан ўқитувчиси (“таълим берувчи”)нинг доимий ўз устида ишлаши, ижодкорликка, мустақил ишлашга, ташаббускорликка интилишини таъминлаш;

– бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик компетентликни ривожлантириш ва такомиллаштириш замирида уларда касбий-педагоглик соҳасига қизиқтириш, касбга чуқур муҳаббат қўйиш;

– ҳар бир ўқув машғулотини ўргатилаётган мавзу мазмунидан келиб чиқиб, интерфаол методлар, инновацион ва таълим технологиялари асосида ташкил этишга эришиш;

– CEFR малака талабларига жавоб берадиган халқаро даражадаги рақобатбардош ўқитувчи кадрлар тайёрлашга эришиш каби.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларни ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан қуйидаги баҳолаш ***мезонлари*** ишлаб чиқилди.

Жадвал №5.2.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик (нутқий, тил) компетенцияларини ривожлантириш бўйича баҳолаш мезонлари

Даражалар	**Нутқий компетенцияни ривожлантириш мезонлари**	**Тил компетенциясини ривожлантириш езонлари**
Юқори даража (5 баҳо) (86-100%)	**Тинглаб-тушуниш:** Кундалик, ижтимоий ҳаётга оид мавзуларга мўлжалланган матнларни тўлиқ батафсил тушуниш; таълимга, маданиятга оид мавзулардаги суҳбатлар мазмунини ҳам тўлиқ тушуниш; **Гапириш:** Шахсий маълумотлар, оиласи, яшаш жойи, институти, факультети, ўрганадиган фанлари ҳақида диалог ва монолог нутқда ДТС	Коммуникатив вазиятларда дарак, инкор, сўроқ гапларни тўлиқ қўллай олиш; ўқиган матнлардаги мавзуга оид лисоний бирликлар маъносини тўлиқ тушуниш ва ишлата олиш; грамматик ходисаларни тўлиқ ўрганган ҳолда, нутқида тўғри фикрларни ифодалашда хатосиз гапира олиш.

	талаблари асосида фикрларини оғзаки ифодалай олиш; **Ўқиш:** Ўрганаётган мавзуларига тегишли бўлган қисқа ва катта матнларни, муайян асарларни ўқиганда тўлиқ тушуниш; содда ва мураккаб матнларни ўқиса тўлиқ тушуниш ва матн маъносини тушунганлигини гапириб бера олиш. **Ёзув:** Ўзининг яқин инсонларига шахсий мурожаатларини, қисқа вакатта хабарларни, хилма-хил табрикларни беҳато ёза олиш.	
Ўрта даража (4 баҳо) (71-85 %)	**Тинглаб-тушуниш:** Кундалик, ижтимоий ҳаётга оид мавзуларга мўлжалланган матнларни ўртача тушуниш; таълимга, маданиятга оид мавзулардаги суҳбатлар мазмунини ўртача тушуниш; **Гапириш:** Шахсий маълумотлар, оиласи, яшаш жойи, институти, факультети, ўрганадиган фанлари ҳақида диалог ва монолог нутқда ўзига ишонқирамасдан, иккиланиб фикрларини оғзаки ифодалай олиш; **Ўқиш:** Ўрганаётган мавзуларига тегишли бўлган қисқа ва катта матнларни, муайян асарларни ўқиганда мазмунни ўртача тушуниш, содда ва мураккаб матнларни ўқиса ўртача тушуниш ва матн маъносини тушунганлигини гапириб беришда қийналиш; **Ёзув:** Ўзининг яқин дўстлари ва оиласигайўллаган шахсий мурожаатларини, қисқа вакатта ҳажмдаги хабарларни, табрикларни грамматик ва орфографик хатолар билан ёза олиш.	Коммуникатив вазиятларда дарак, инкор, сўроқ гапларни нутқида қўллашда айрим хатоликларга йўл қўйиш; ўқиган матнлардаги мавзуга оид лисоний бирликлар маъносини тушуниш ва ишлата олишда бироз қийинчилик сезиш; грамматик ходисаларни ўрганиб оғзаки фикрларини ифодалашда хатоликлар билан гапириш.
Қуйи (3 баҳо) (55-70%)	**Тинглаб-тушуниш:** Кундалик, ижтимоий ҳаётга оид мавзуларга мўлжалланган матнларни бироз тушуниш; таълимга, маданиятга оид	Коммуникатив вазиятларда дарак, инкор, сўроқ гапларни нутқида қўллашда айрим хатоликларга йўл қўйиш; ўқиган матнлардаги мавзуга оид

	мавзулардаги суҳбатлар мазмунини тушунишга қийналиш; **Гапириш**: Шахсий маълумотлар, оиласи, институти, факультети, ўрганадиган фанлари ҳақида диалог ва монолог нутқда ўзига ишонмай, фикрларини оғзаки ифодалай олишда иккиланиш; **Ўқиш**: Ўрганаётган мавзуларига тегишли бўлган қисқа матнларни, кичик асарларни ўқиганда, мазмунни тушунмаслик, содда хатларни ўқиса қисман тушуниш ва матн маъносини тушунганлигини гапириб бера олмаслик; **Ёзув**: Ўзининг яқин инсонларига шахсий хатларни, қисқа хабарларни, табрикларни ёза олмаслик.	лисоний бирликлар маъносини тушуниш ва ишлата олишда бироз қийинчилик сезиш; грамматик ходисаларни ўрганиб оғзаки фикрларини ифодалашда, ҳатоликлар билан тушунарсиз фикрларни баён қилиш.

Тадқиқотнинг тажриба-синов ишларида кутиладиган натижаларни баҳолашда қуйидаги ***мезонлар*** асос қилиб олинди:

– *ўзлаштирилган билимлар ҳажми.* Бу кўрсаткич талаба ифодалай оладиган билим элементлари миқдори билан тавсифланди ва ушбу мезонни баҳолаш кўрсаткичи сифатида талаба томонидан ўзлаштирилган билим элементларининг ўқув материали (дарслик ва мажмуалар)да мавжуд бўлган билим элементлари сифати қабул қилинди;

– *ўзлаштирилган билимларнинг тизимлилиги.* Бу кўрсаткич талабалар томонидан билимлар ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатларни тушуниш ҳамда шу асосда умумлаштирувчи ўқув топшириқларини бажара олиши билан белгиланди. Бу мезон баҳолаш кўрсаткичи сифатида талабалар томонидан билимлар доирасидаги аниқланган боғлиқлик ва муносабатлар миқдорининг ўқув материали (дарсликлари)да мавжуд бўлган боғлиқлик ва муносабатлар миқдори олинди;

– *ўзлаштирилган билимларнинг қўллай олишлиги.* Бу кўрсаткич ўзлаштирилган билимларнинг ностандарт вазифалар (ўқув топшириқлари)ни ҳал қилишда қўлланиш даражаси билан белгиланди. Бу мезон талабанинг

берган ностандарт жавоблар сонининг назорат топшириғида талаб қилинган миқдорга нисбатан белгиланди;

– *назорат топшириқларини бажариш тезлиги.* Мазкур кўрсаткич талабанинг белгиланган вақт мобайнида бажарилган ўқув топшириқлари миқдорига асосан аниқланди. Уни аниқлаш учун асос сифатида сарфланган вақтнинг тўғри бажарилган ўқув топшириқлар сонига нисбати олинди;

– *билимларнинг мустаҳкамлиги.* Мазкур кўрсаткичталабалар томонидан ўзлаштирилган билимларни тажриба-синов ишларининг якунига кўра узоқ вақт хотирада сақлай олиши даражаси билан боғлиқ кўрсаткич ҳисобланди.

Биз аниқлаган индикаторларни иккала тоифа респонтентларда ҳам ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

– тажриба-синов ишлари лойиҳалаштирилди (тадқиқот олиб бориш дастури, сўровномалар, лингвистик материаллар, таржима учун материаллар тест вариантлари, дарс ишланмалари; инновацион таълим технологиялари, усуллари, дидактик материаллар, натижани математик-статистик таҳлил қилиш усуллари ва бошқалар аниқланди);

– тажриба-синов ишлари олиб борилган ОТМ лари бўлажак инглиз тили ўқитувчилари, инглиз тили ўқитувчилари билан тадқиқот бошида ва тадқиқот охирида сўровномалар ўтказилди;

– чет тиллари бўйича давлат таълим стандартлари, ОТМ ўқитувчиларига қўйиладиган малака талаблари ўрганилди;

– тил ўрганиш бўйича Европа стандарти ва унинг талқини – CEFR ва унинг моҳияти ўрганилди ва таҳлил қилинди;

–*“компетенция”, “компетентлик”, “фразеологик компетенция”, “лексик компетенция”, “нутқ компетенция”, “грамматик компетенция”, “лингвистик компетенция”* атамаларининг мазмунига, шунингдек, *“рақамли таълим”, “электрон таълим”, “мобиль таълим”, “таълимни*

рақамлаштириш муҳити” каби янги атамаларини муаллифлик ёндашуви асосида тафсифланди;

– лингвистик компетенция таркибий хусусиятлари аниқланди ва шу асосида унинг мазмунан, хилма-хил тузилмалари, вариантлари, моделлари ва шаклланиш босқичлари аниқланди, илмий-назарий асослари ёритилди;

– хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини ошириш имконияти катта инновацион-педагогик технологиялари дастурлари аниқланди;

–бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенцияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг янги инновацион ёндашувлар асосида тизимли, босқичли, стратегик алгоритми ишлаб чиқилди;

– мавзу доирасида амалга ошириладиган мустақил таълимнинг мазмуни, бажарилишидаги таркибий қисмлар, баҳолаш мезони аниқланди, лингвистик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштиришда интерфаол ўқитиш усуллари ролининг муҳимлиги аниқланди;

– тажриба-синов ишлари натижалари ва унинг самарадорлигини белгиловчи даража мезонлари ишлаб чиқилди;

Дарс ва дарсдан ташқари мустақил таълим жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишларида замонавий инновацион педагогик технологиялар, интерфаол методлар танлаб олинди ва амалиётда синаб кўрилди.

5.2. Тажриба-синов натижаларининг самарадорлик даражаси ва унинг математик-статистик таҳлили

Тажриба-синов натижалари самарадорлигига қаратилган ***тамойиллар*** белгиланди: яъни улар тажриба-синов натижасини олдиндан кўра билиш; манбаларнинг илмийлиги; тадқиқотнинг изчиллиги, мантиқийлиги ва узвийлиги; танланган таълим шакл, метод ва воситаларининг таълим мақсад ҳамда вазифаларига мослиги; замонавий интерфаол таълим технологиясининг устуворлиги; материалнинг соддалиги, ижтимоий-лингвистик характерда бўлиши; ҳаққонийлик; натижани баҳолашда шаффофлик ва адолатлилик; танланган материалларнинг талаба, таълим менежери касбий

компетентлигига,шахсий ва психологик хусусиятларига мослиги; бор ақлий салоҳият ва имкониятни рўёбга чиқаришга йўналтирилганлик; таълим мазмунининг ҳаёт билан ҳамнафаслилиги; халқаро илғор тажрибанинг устуворлиги; фаолиятнинг эркин фикрлаш ва мулоқот қилишга йўналтирилганлиги; мотивациянинг устуворлиги ва бошқалардан иборат.

Тажриба-синов ишларининг аниқловчи ва ривожлантирувчи босқичларида назорат ҳамда тажриба гуруҳлари талабалари ўртасида сўровномалар ўтказилди. Шунингдек, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида ривожлантирилиши лозим бўлган лингвистик компетенция индикаторлари аниқланди.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки аниқловчи ҳамда якунловчи босқичларида ўтказилган назорат сўровномаларининг қиёсий таҳлиллари биз олиб борган тажриба ишларининг натижалилигини ҳамда самарадорлигини исботлади. Буни биз бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенцияси, ОТМ инглиз тили ўқитувчилари касбий компетентлигини шаклланганлик индикаторларининг сифат ва сон жиҳатидан динамик ўсганлигида кўрамиз. Жумладан, бўлажак инглиз тили ўқитувчилари билан тажриба-синов гуруҳларида ўтказилган сўровномалар натижаси шуни кўрсатадики, респондентларнинг кўпчилиги тажриба бошида саволларга аниқ ва тўғри жавоб бераолмадилар. Шакллантирувчи тадқиқотлардан сўнг эса уларга берилган саволларга аниқ ва тўғри берилган жавоблар кўрсаткичи 17 % га ўсганлигининг гувоҳи бўлдик.

Шундай қилиб, аниқлаштирувчи тажриба-синов жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини шаклланганлик даражасининг амалиётдаги аҳволини ўрганиш ва натижани таҳлил этиш қатор хулосаларни чиқариш имконини берди.

Жадвал №5.3.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик компетенциялар ривожланганлик даражаларининг дастлабки натижалари

№	Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили	Тажриба гуруҳлари	Назорат гуруҳлари

	ўқитувчилари лингвистик компетенциясининг ривожланганлик даражасини аниқловчи мезонлар	n_1=265 (талабалар сони)		n_2=266 (талабалар сони)	
		Нафар	% ҳисобида	Нафар	% ҳисобида
1.	компетентли ўқитувчи тайёрлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва илмий адабиётларни ўрганганлик даражаси	101	38%	110	41%
2.	касбий-педагогик компетентлик тузилмаси, ривожлантириш ва такомиллаштириш омиллари, малака талабларидан хабардорлик даражаси	70	26%	78	29%
3.	лексик компетентликни ривожлантириш ва такомиллаштириш босқичлари, усул ва воситалари методларини ўзлаштириш даражаси	111	42%	121	45%
4.	фразеологик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштири босқичлари, модели, восита ва усулларини билишлик даражаси	107	40%	116	44%
5.	грамматик компетенциянинг таркиби, ривожлантириш ва такомиллаштириш босқичлари,баҳолаш мезонларини билишлик даражаси	103	39%	117	44%
6.	нутқ (фонетик) компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштириш омиллари,уларнинг коммуникатив вазифаларини билишлик даражаси	52	20%	63	24%
7.	инглиз тилини ўрганишнинг назарий, методик ва дидактик асослари бўйича билимларни ўзлаштирганлик даражаси	28	11%	56	21%

Тажриба-синов жараёнида иштирок этган талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди ва уларда лингвистик компетенциянинг ривожланганлик даражаси юқори, ўрта ва қуйи даражаларда аниқланди.

Юқори даража – мустақил мамлакатимизда чет тилларини ўрганишда CEFR – чет тиллар бўйича умумевропа тавсиялари мазмуни, чет тилларни интегратив ёндашув асосида ўрганишда халқаро стандартларда кўзда тутилган 4 та кўникмага – чет тилида ўқиш, ёзиш, эшитиш ва гапириш даражалари ҳақидаги билимга эга. Дарслик ва қўшимча манбалардаги материаллардан лингвистик бирликларни тўғри танлай олади, мазмунли, хатосиз гапиради, уларни лисоний жиҳатдан тўғри талқин этади, моҳиятини чуқур англаб етади. Талаффузда хатога йўл қўймайди, ўзгаларга нутқ техникасига риоя этган ҳолда етказиб бера олади, берилган топшириқ ёки адабий-бадиий матн таржимасини қоидага кўра амалга оширади. Инглиз тили

машғулотларини ўтишда фразеологик, лексик ва грамматик матнларидан ва умуман, лисоний бирликлардан кенг фойдалана олади. Ижодий фикрлайди, мустақил ва эркин мушоҳада қилади. Педагоглик касбининг ўзига хос хусусиятларини билишга қизиқувчан, интилувчан. Компетенция, компетентлик ва бошқаларнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билади ва унга амал қилади. Ўтиладиган мавзу доирасида қўшимча маълумотларни мустақил ўрганишга қизиқиши кучли. Эслаб қолиш қобилияти юқори. Ўқув машғулотларидан сўнг ОАВ, АКТ матбуот материаллари, методик қўлланма ва рисолалар, интернет манбалари устида мустақил ишлаш қобилияти кучли. Ўз-ўзини доимий назорат қилади (Педагогик рефлекция). Таълим жараёнида олган назарий билимларини ўз ҳаётида қўллай олиш кўникмаларига эга. Замонавий таълим ва инновацион технологияларни билишга қизиқиши кучли бўлиб, инглиз тилини интенсив ўргатиш имкониятлари катта технологияларни топиш учун изланувчан. Таълимни рақамлаштириш трасформацияси муҳитида электрон ва мобиль қурилмалар, шунингдек, муаллифлик дастурий маҳсулотлар, виртуал ўқув муҳитини бошқарувчи тизимлар, ўқитишнинг интерфаол усуллари фаолиятларидан хабардор, бу борада, тегишли билим, малака ва кўникмаларга эга.

Ўрта даража – юқори даражадаги барча педагогик талабларни билади. Лекин ўзида ижодкорлик, қўшимча манбалар билан ишлашга шахсий интилиши етишмайди. Дарслик материалларини билиш билан чегараланади. Лингвистик компетенцеяга оид, ОАВ, АКТ, матбуот материаллари,бадиий-оммабоп асарлардан доимий, мақсадли фойдаланмайди. Юқори даражага хос барча таълим-тарбиявий мезонларни билишни, уларга амал қилишни хохлайди, лекин амалиётда қийналади. Ушбу даражадаги талабаларда фақат инглиз тилини ўрганишга қизиқиши мавжуд. Фақат ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни мустақил бажаради. Ўз устида доимий изланмайди, ижодий ишлаш кўникмасига тўлиқ эга эмас. Лингвистик компетенция тушунчага эга, лекин ундан мақсадга йўналтирилган тарзда фойдаланмайди. Инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлиги ҳақидаги маълумотларга эга, педагогик маҳорати сирларини билишни хоҳлайди, ҳаракат қилади, лекин қандай, қайси манбаларга асосланишда қийналади.

Замонавий инглиз тили ўқитувчиси, инновацион педагогик технологиялар ҳақида умумий тушунчага эга. Бироқ замонавий ўқитувчига хос малака талабларини тўлиқ ва асосли равишда аниқ айтиб бера олмайди. Таълимни рақамлаштириш трасформацияси муҳитида амалга ошириладиган вазифалар ҳақида муайян тушунчалари бор, электрон ва мобиль қурилмалар билан ишлашни эплайдилар, лекин муаллифлик дастурий маҳсулотларини яратишда қийналадилар.

Қуйи даража – тасодифан инглиз тили ўқитувчиси касбини танлаган, муайян таянч ёрдами ёки тасодифан ОТМга кириб қолган ялқов талабалар. Инглиз тили ўқитувчиси малака талабларига жавоб бермайди. Лингвистик компетенция тушунчасининг моҳиятини инглиз тили ўқитувчисининг касбий компетенцияси турларидан бири эканлигини билади, лекин унинг мазмуни, таркибий тузилмасини мукаммал билмайди. Инглиз тили ўқитувчиси эгаллаши лозим бўлган ўқиш, ёзиш, эшитиш, гапириш умумевропа малака талабларидан хабардор. Бироқ уни лингвистик компетенциянинг шаклланишидаги туб моҳиятини билмайди. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ахборотлар, ОАВ материаллари, методик қўлланма ва рисолалар, интернет манбалари билан қизиқиши тизимли эмас. *“Рақамли таълим”, “таълимни рақамлаштириш трасформацияси”, “касбий-педагогик компетентликнинг компонентлари”* ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмас. Ихтисослик фанларини намунали ёки яхши ўзлаштириш учун график органайзерлар ва интерфаол ўқитиш усулларидан фойдалана олмайдилар. Ўқув машғулоотларида рақамли дидактика ва рақамли таълим моделларини қўллай олмайдилар.

Тажриба-синов жараёнининг дастлабки босқичида мазкур гуруҳлардаги талабалар сони ва ўзлаштириш даражаси қуйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлди:

Жадвал №5.4.

Талабалар сони ва ўзлаштириш даражаси

№	Даражалар ва гуруҳлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
		n_1=265 (талабалар сони)	n_2=266 (талабалар сони)

		нафар	% ҳисобида	Нафар	% ҳисобида
1.	Юқори	43	16,2%	41	15,4%
2.	Ўрта	64	24,2%	58	21,8%
3.	Қуйи	158	59,6%	167	62,8%

Келтирилган жадвалдан шу нарса маълум бўладики, бўлажак инглиз тили ўқитувчилари ўзларининг педагогик фаолиятига дахлдор лингвистик компетенцияси мазмун-моҳиятини ҳали тушуниб етмайдилар, улардан ўз фаолиятларида оқилона ва самарали фойдаланиш йўлларини ҳали тўлиқ тасаввур этмайдилар, уларни диаграмма орқали ифодалаш мумкин:



Юқоридаги жадвал ва диаграммадан маълум бўладики, талабаларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш билан боғлиқ тасаввурлари бир хил даражада эмас. Буни шартли равишда биз қуйидаги уч гуруҳга бўлдик:

Биринчи гуруҳга лингвистик компетенциянинг мазмун-моҳиятини нисбатан юқори даражада тушунадиган ва ўз фаолиятида ундан самарали фойдаланадиган талабаларни киритдик. Булар тажриба гуруҳларида 16,2%, назорат гуруҳларида 15,4 % ни ташкил этди. Бу гуруҳга мансуб талабалар инглиз тилини жуда яхши биладилар ва берилган манбалар, тавсия этилган адабиётларни ўз вақтида ўрганадилар, ўзлаштириш даражаси юқори, факультет ёки йўналишнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашадилар, бошқалардан ҳам шуни талаб этадиларки, шундай ҳолатлар билан бошқа гуруҳлардан анча устун турадилар.

Иккинчи гуруҳга лингвистик компетенциянинг мазмун-моҳиятини қисман тушунадиган, аммо ўз фаолиятида ҳамма вақт ҳам фойдалана олмайдиган талабаларни киритдик. Булар юқоридаги кўрсаткичга нисбатан пастроқ, яъни тажриба гуруҳларида 24,2%, назорат гуруҳларида 21,8 % ни ташкил этди. Бу гуруҳдаги талабалар лингвистик компетенцияси ҳақида қисман бўлса-да, тасаввур ва тушунчаларга эга, интизоми ва берилган топшириқларни ўз вақтида бажарадилар, лекин ўз фаолиятида бунга ҳамма вақт ҳам риоя этавермайдилар.

Учинчи гуруҳга лингвистик компетенция ҳақидаги маълумотларни юзаки тушунадиган, ўзларининг кундалик ҳаётий фаолиятларида эса бунга жуда кам риоя этадиган талабалар киритилди. Бунинг асосий сабаби шуки, қўйилган масалаларнинг моҳиятини тушуниб етмасалар ҳам, ўз фаолиятларида берилган топшириқларни бажаришга ҳаракат қиладилар, бунинг уддасидан чиқадилар ҳам. Лекин баъзи ҳолларда ўта паст даражада фаолиятсизлик ҳам кўрсатадилар. Булар тажриба гуруҳларида 59,6%, назорат гуруҳларида 62,8 % ни ташкил этди.

Тадқиқотимизда қўйилган масалаларнинг ечимини топиш учун ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижалари, талабаларнинг лингвистик компетенция ҳақидаги маълумотларни тушунишларидаги бундай паст кўрсаткичларни ошириш мақсадида гуруҳлардаги инглиз тили машғулотлари орқали таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг самарали йўлларини излаб топишни тақозо этади. Шунга кўра бу масалани педагогик муаммо сифатида унинг бир қатор метод ва шакллари ишлаб чиқилди. Натижада биз олиб борган тадқиқотдаги иш тизими тажриба-синов ишлари ўтказилган олий таълим муассасаларида (хорижий тиллар факультети ёки йўналишларида) яна бир неча марта қайта-қайта синаб кўрилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Тажриба-синов ишларида ОТМ инглиз тили ўқитувчилари билан биргаликда диссертантнинг ўзи ҳам иштирок этди. Биз тадқиқотимизнинг якуний ишларида талабалар билимини лингвистик материаллар асосида

рейтинг тизимида аниқладик. Тажриба-синов ишлари натижалари белгиланган факультет ёки йўналишларнинг ҳамма босқичларида амалга оширилди. Бу ўринда талабалар билимининг рейтинг тизимини аниқлашда ҳорижда нашр этилган адабиётлардаги лингвистик тестлардан ҳам фойдаланилди.

Биз тажриба-синовда қатнашган ва унга жалб этилган ОТМ инглиз тили ўқитувчиларига тажриба-синов жараёнини ҳисобга олиб борувчи махсус варақалар тарқатдик. Мазкур варақаларда ҳар бир тавсия этилган мавзу – лингвистик компетенцияга дахлдор лисоний маълумотларнинг дастурга мослиги, талабаларнинг ёши, билими даражаси, мавзуларнинг тадрижийлиги, талабаларнинг ўзлаштириш даражаси (балл тизимида), ҳамда тажриба-синов ишларини олиб борувчи ўқитувчининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олиб борилди. Ўқитувчилар биз танлаган барча мавзулар бўйича тажриба-синов синфларида тавсия этилган дарс ишланмалари асосида дарслар ўтказдилар.

Тажриба-синов натижасида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари ва шу соҳага оид мутахассислардан олинган 400 дан ортиқ саволнома, тест вариантлари ва лингвистик-материаллар натижалари таҳлил этилди. Олинган ишлардан маълум бўлдики, бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциянинг лисоний мезонлари мажмуи ҳақида тўғри билимга эга бўлганлар, бу билимлар уларнинг берган жавобларида намоён бўлди. Талабаларнинг касбий фаолиятларида лингвистик компетенцияси билан боғлиқ малака ва кўникмалар шаклланди. Натижада, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш даражаларикуйидаги жадвалда ўз ифодасини топди.

Жадвал №5.5.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик компетенциялар ривожланганлик даражаларининг охирги натижалари

№	Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенциясининг ривожланганлик даражасини аниқловчи мезонлар	Тажриба гурухлари			Назорат гурухлари		
		n_1=265			N_2=266		
		Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи

1.	компетентли ўқитувчи тайёрлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва илмий адабиётларни ўрганганлик даражаси	75	125	65	35	48	183
2.	касбий-педагогик компетентлик тузилмаси, ривожлантириш ва такомиллаштириш омиллари, малака талабларидан хабардорлик компетентли ўқитувчи тайёрлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва илмий адабиётларни ўрганганлик даражаси	78	115	72	36	50	180
3.	лексик компетентликни ривожлантириш ва такомиллаштириш босқичлари, усул ва воситалари методларини ўзлаштириш даражаси	77	118	70	33	48	185
4	фразеологик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштири босқичлари, модели, восита ва усулларини билишлик даражаси	79	121	65	32	49	185
5	грамматик компетенциянинг таркиби, ривожлантириш ва такомиллаштириш босқичлари,баҳолаш мезонларини билишлик даражаси	78	119	68	33	53	180
6	нутқ (фонетик) компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштириш омиллари,уларнинг коммуникатив вазифаларини билишлик даражаси	75	123	67	32	51	183
7	инглиз тилини ўрганишнинг назарий, методик ва дидактик асослари бўйича билимларни ўзлаштирганлик даражаси	78	120	67	34	49	183

Ушбу кўрсаткичлар асосида ҳар бир олий таълим муассасаларининг натижалари қуйидаги жадвалда келтирилди

Жадвал №5.6.

ОТМлардаги бўлажак ўқитувчиларда лингвистик компетенцияларнинг ривожланганлик даражалари

Т№	ОТМлар	Тажриба			Назорат		
		Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи
1	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	29	448	25	12	22	65

2	Жиззах давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба синов ишлари натижалари	25	440	23	11	14	65
3	Қўқон давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба синов ишлари натижалари	23	332	20	11	13	53

Ривожлантирувчи тажриба-синов ишлари тажриба гуруҳида диссертант томонидан тавсия этилган методика асосида, назорат гуруҳида эса анъанавий метод ва усулларда амалга оширилди. Унинг натижаларини баҳолаш учун бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик компетенциясини ривожлантиришда энг аҳамиятли бўлган беш турдаги кўникмаларни қамраб олувчи 5 та савол ҳамда битта топшириқдан иборат бўлган топшириқ варақаси шаклидаги дидактик материал ишлаб чиқилди.

Бу ўринда саволлар назарий, топшириқли амалий билим ва кўникмаларни аниқлашга хизмат қилиш кўзда тутилиб, ҳар бир савол 5 балли тизимда баҳолаб борилди. Олинган натижаларни таҳлил қилишда биз талабалар томонидан билим ва кўникмаларни ўзлаштириш сифатини баҳолашнинг умумлашган кўрсаткичи-охирги натижа бўйича таққослашдан фойдаландик. Бунда талабалар тайёргарлигини келтирилган ўртача ўзлаштириш бали орқали баҳолаш энг самарали йўналиш ҳисобланиб, у гуруҳлардаги ўртача ўзлаштириш бали фарқи ва ўртача балл сифатида балларнинг ёзилиши кўрсаткичидан фойдаланиб аниқланди. Талабаларнинг топшириқ варақасига берган жавоблари таҳлилига кўра айтиш мумкинки, тажриба гуруҳи аъзолари максимал баллнинг 79,6 фоизини олишга муваффақ бўлганлар, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 68,5 фоизга тенг.

Юқорида келтирилган 2-ҳамда 3-жадвалда қайд этилган мезонларга жавоб бериш даражасига кўра тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларини учта даражага ажратдик. Мазкур гуруҳлар талабаларнинг лингвистик компетенциясининг ривожланганлик даражаси “юқори”, “ўрта” ва “қуйи” даражада деб баҳоланган ўқувчилардан таркиб топди. Гуруҳларни белгилашда “Олий таълим муассасаларида талабалар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низомининг шартларига амал

қилдик. Яъни, тажриба ва назорат гуруҳларини лингвистик компетенциянинг ривожланганлик даражаларининг умумий натижалари қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлди:

Жадвал №5.7.

Лингвистик компетенциянинг ривожланганлик даражаларининг натижалари

1.	Тажриба гурухи	Даражалар	Юқори	Ўрта	Қуйи
		n_1=265(талабалар сони)	77	120	68
2.	Назорат гурухи	n_1=266 (талабалар сони)	34	49	183

Тажриба-синов ишлари бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лисоний материаллар ва уларга дахлдор илмий-назарий ва амалий билимларни ўзлаштириш даражаси мониторингги электрон тизимини диссертант ва инглиз тилидаги профессор-ўқитувчиларидан иборат эксперт гуруҳларининг кузатувлари ва таҳлиллари асосида ўтказилди. Натижада талабаларнинг бу борадаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари, умуман, лингвистик компетенция билимларининг қай даражада эканлиги аниқланди.

Статистик таҳлилни лисоний материалларни ўрганиш жараёнини ташкил этиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Бундай кўрсаткичлар самарадорлигини аниқлашда статистик формулалар сифатида қуйидагилар асосида ҳисобланди:

Жадвал №5.8.

Лингвистик компетенциянинг ривожланганлик даражаларини аниқловчи статистик формулалар мажмуи

Мезонлар	Формулалар	Изоҳ
Гуруҳлардаги ўртача қийматлар	$\bar{X} = \frac{1}{m}\sum_{i=}^{n=3} n_i x_i \quad \bar{Y} = \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i$	Бу ерда **n**- тажриба гуруҳидаги талабалар сони, **m**-назорат гуруҳидаги талабалар сони $\bar{X}$-тажриба гуруҳида, $\bar{Y}$ −назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш қийматлари O_{1i} ва O_{2i} лар мос равишда тажриба ва назорат гуруҳи талабаларида баҳолаш турларига нисбатан
Самарадорлик коэффициенти	$\eta = \frac{\bar{X}}{\bar{Y}}$	
танланма дисперсиялар	$D_n = \sum_{i=1}^{n=3} \frac{n_i(x_i - x)^2}{n-1}, D_m = \sum_{i=1}^{n=3} \frac{n_i(y_i - y)^2}{m-1}$	
Ўртача квадратик четланишлар	$\tau_n = \sqrt{D_n}, \ \tau_m = \sqrt{D_m}$	
Вариация кўрсатгичлари	$\delta_n = \frac{\tau_n}{\bar{X}}, \ \delta_m = \frac{\tau_m}{Y}$	

Пирсоннинг эмпирик қиймати	$T_{кузатув} = \frac{1}{nm}\sum_{i=1}^{C}\frac{(mO_{2i} - nO_{1i})^2}{O_{1i} + O_{2i}}$	олинган баҳолар сони. С-баҳолаш турлари
Критик қиймат	$T_{кр}$ – нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли р асосида аниқланади. Озодлик даражаси эса К=С-1 формуласи орқали топилади $T_{кр}$=(0,05;К)=5,99	
Баҳолашнинг ишончли четланишлари	$\Delta_m = t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$ $\Delta_n = t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$	
Ишончли интервал	$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \le a_x \le \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$ $\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{n}{\sqrt{n}} \le a_y \le \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$	

Танланган математик-статистик метод шартига кўра тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган ўртача қиймат кўрсаткичлари X=Y ёки X<Y деб H_0 гипотеза илгар сурилиб, яъни ўрганилаётган муаммо салбий ечимга эга ҳисобланади. Бу эса муаммонинг ижобий ечими H_1 гипотеза X>Y деб олиниб, самарадорлик коэффиценти аниқланади.

Юқоридаги гипотезага нисбатан X>Y бўлиши талаб этилади. Ушбу гипотезанинг бажарилишини юқоридаги математик статистик формулалар орқали текшириб кўрилди:амалга ошириладиган ҳисоблаш орқали тажриба ва назорат гуруҳларига мос келган назарий ўқитиш жараёнини ташкил этиш даражасини ифодаловчи ўртача кўрсаткичлари ўзаро кесишмайдиган оралиқларда жойлашганлиги аниқланса, бундан $a_x >> a_y$яъни, тажриба гуруҳларида лингвистик материалларни ўзлаштириш даражасини ифодаловчи ўртача кўрсаткич доимо юқори бўлади, деган хулосага келинади.Педагогик гипотеза сифатида $T_{кузатув}$ қийматиТ$_{кр}$ билан таққосланади. Агар $T_{кузатув} > T_{кр}$ булса H_0(олиб борилган тажриба-синов ишлари самарасиз) гипотеза рад этилиб H_1(олиб борилган тажриба-синов ишлари самарали)гипотеза қабул килинади.

Бизнинг тажрибамизда баҳолаш турлари С=3 та бўлгани учун, р=0,05 деб олсак, К=С-1=2 бўлибχ^2 жадвали асосида олинган $T_{кр}$=5,99 га тенг.

Ушбу статистик мезон асосида юқоридаги тадқиқот ишларида ўтказилган тажриба-синов ишларидан олинган натижалар асосида статистик таҳлилини ўтказамиз. Мазкур мезон ва кўрсаткичларни текшириш мақсадида юқоридаги жадваллармаълумотларидан фойдаланилди, уларнинг натижалари қуйидагича бўлди:

Жадвал №5.9.

Математик - статистик таҳлил жараёни натижалари:

1. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогикауниверситетида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари		
Статистик қийматлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Гуруҳлардаги ўртача қийматлар	4,04	3,46
Самарадорлик коэффициенти	**1,17**	
танланма дисперсиялар	***0,53***	**0,49**
Ўртача квадратик четланишлар	*0,73*	0,70
Вариация кўрсатгичлари	0,18	0,20
критик нуқта $t_{кр}$	5,99	
Пирсоннинг эмпирик қиймати	34,45	
Баҳолашнинг ишончли четланишлари	0,14	0,14
Ишончли интервал	3,90; 4,18	3,33;3,60
Хулоса	Тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим даражаси турли хилда бўлиб, H_o (бошланғич) фараз рад этилди ва унга муқобил H_1 фараз, яъни, x > y ғояси қабул қилинди.	

2. Жиззах давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба синов ишлари натижалари		
Статистик қийматлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Гуруҳлардаги ўртача қийматлар	4,02	3,40
Самарадорлик коэффициенти	**1,18**	
танланма дисперсиялар	***0,54***	**0,48**
Ўртача квадратик четланишлар	*0,74*	0,70
Вариация кўрсатгичлари	0,18	0,20
критик нуқта $t_{кр}$	5,99	
Пирсоннинг эмпирик қиймати	37,99	
Баҳолашнинг ишончли четланишлари	0,15	0,14
Ишончли интервал	3,87; 4,18	3,26;3,54
Хулоса	Тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим даражаси турли хилда бўлиб, H_o (бошланғич) фараз рад этилди ва унга муқобил H_1 фараз, яъни, x > y ғояси қабул қилинди.	

3. Қўқон давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба синов ишлари натижалари		
Статистик қийматлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи

Гуруҳлардаги ўртача қийматлар	4,04	3,45
Самарадорлик коэффициенти	**1,17**	
танланма дисперсиялар	***0,57***	**0,53**
Ўртача квадратик четланишлар	*0,76*	0,73
Вариация кўрсатгичлари	0,19	0,21
критик нуқта $t_{кр}$	5,99	
Пирсоннинг эмпирик қиймати	27,15	
Баҳолашнинг ишончли четланишлари	0,17	0,16
Ишончли интервал	3,87;4,21	3,29;3,62
Хулоса	Тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим даражаси турли хилда бўлиб, H_o (бошланғич) фараз рад этилди ва унга муқобил H_1 фараз, яъни, x > y ғояси қабул қилинди.	

Барча ОТМларида ўтказилган тажриба синов ишларининг умумий натижалари		
Статистик қийматлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Гуруҳлардаги ўртача қийматлар	4,03	3,44
Самарадорлик коэффициенти	**1,17**	
танланма дисперсиялар	***0,55***	**0,50**
Ўртача квадратик четланишлар	*0,74*	0,71
Вариация кўрсатгичлари	0,18	0,21
критик нуқта $t_{кр}$	5,99	
Пирсоннинг эмпирик қиймати	99,17	
Баҳолашнинг ишончли четланишлари	0,09	0,09
Ишончли интервал	3,94;4,12	3,35;3,52
Хулоса	Тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим даражаси турли хилда бўлиб, H_o (бошланғич) фараз рад этилди ва унга муқобил H_1 фараз, яъни, x > y ғояси қабул қилинди.	

Шундай қилиб, диссертация ишида қайд этилган тажриба-синов натижаси бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик компетенцияси ривожланганлик даражасининг ҳаққонийлигини ифода этди..



Олинган натижаларни тажриба бошидаги дастлабки натижалар билан таққосласак, қуйидаги кўринишни ифода этди:



Ушбу диаграммадан кўринадики, тажриба гуруҳларида тажриба бошидаги олинган юқори ва ўрта кўрсаткичлар сони ортганлигини ва қўйи кўрсаткичлар сони эса камайганлигини кўришимиз мумкин. Назорат гуруҳларида эса ушбу кўрсаткичлар деярли фарқ қилмаётганлигини кўришимиз мумкин. Юқоридаги жадваллар ва диаграмма кўрсаткичлари асосида олиб борилган татқиқот ишларининг самарадорлиги ўртча ҳисобда 17% га ошганлиги статистик мезонлар асосида исботланди.

Шундай қилиб, таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантиришга

бағишланган тажриба-синов ишлари самарадорлиги уни махсус режа - *“Йўл харитаси”* мазмуни компетенциявий ёндашув асосида олиб борилганлиги, инновацион-педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг интерфаол усуллари, электрон ва мобиль қурилмаларидан самарали фойдаланиш орқали олиб борилганлиги, педагогик-методик шарт-шароитларнинг мақбуллиги, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили, тажриба-синов майдончаларининг географик ёндашуви, тегишли билим, малака ва кўникмаларни эгалланганлик даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилганлиги ва натижанинг шаффоф ҳолда баҳоланиши далилланди.

БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1.Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик компетенциялари тизимли ва бир бутун, яхлит ташкил этилиши уларнинг бу борадаги билим, кўникма ва малакаларига эга бўлишига педагогик омил бўлди, соҳа талабаларининг касбий-педагогик фаолиятига босқичма-босқич сингиб бориши учун замин тайёрлади. Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари уларнинг ўзлаштириш даражаларининг микдорий баҳолашдан манфаатдор эканлигини кўрсатди. Бу ҳолат олиб борилган ўз навбатида, тадқиқотимизнинг педагогик нуқтаи назардан ишончли эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

2. Тадқиқотда таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциянинг таркиби, уларнинг ривожланиш босқичлари, даражалари, метод ва моделлари, воситалари ҳамда усуллари тўғри аниқланганлиги, шунингдек, касбий-педагогик компетентликнинг таркибий тузилмаси, шакллантириш омиллари ва малака талабларининг аниқланганлиги, етарли асосларга эгалиги, уларнинг педагогик тажриба майдонларида қайта-қайта синовлардан ўтганлиги, методик материалларнинг изчиллиги, ижтимоий-лингвистик мазмуннинг боғлиқлиги исботланди.

3. Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларинингкасбий-педагогик компетентлиги ва лингвистик компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштириш учунтажриба-синов ишларида модуль, электрон ва мобиль, рақамли таълим тизимларини амалиётга кенг жорий этиш; компетентлик даражаси динамикасини мослашув-коммуникатив, дидактик-изланувчан, интерактив-рефлектив, касбий-мотивацион аниқлашнинг инновацион методларига таяниш ва уни амалиётга жорий этиш орқали доимий ва узлуксиз ташхислаш, назорат қилиш, мониторинг тизимидан фойдаланиш самарали натижалар гарови эканлигини кўрсатди.

4. Тадқиқотнинг педагогик-тажриба синов ишларидаги натижалар ва уларнинг математик-статистик таҳлиллари бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида лингвистик компетенциянинг ривожланганлик даражасининг ҳаққонийлигини тасдиқлади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган илмий-педагогик тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик (лексик, нутқ, фразеологик, грамматик) компетенцияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш самарадорлигини таъминлашда фалсафанинг билиш назарияси, ЮНЕСКО халқаро ҳужжатлари, республикамиздаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, таълим сифатини таъминлаш, компетентлик ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, хусусан, чет тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигининг ижтимоий-маданий, ўқув-билув, ахборот олиш, интегратив, коммуникатив ёндашув, компетенция ва компетентлик, рақамли таълим муҳитига оид илмий тадқиқотларда олға сурилган фундаментал назарий-методик ғоялар методологик асос бўлиб хизмат қилади.

2. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари тайёрлаш сифатини ҳозирги замон талаблари даражасида таъминлаш, ўқитиш жараёнида таълим технологиялари ва дидактик моделларни ривожлантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш, рақамли авлоднинг етти экранли авлоди (телевизор, компьютер, планшет, таблет, фаблет, смартфон ва смарт соатлари каби)нинг электрон қурилмалардан самарали фойдаланиш асосида ўқув фанлари ва машғулотлари мазмунини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш

рақобатбардош педагогик кадрлар тайёрлашда ва соҳа талабаларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштиришда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

3. Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетентлиги мезонларига амал қилиш, таълим жараёнида лингвистик компетенциянинг босқичлари, даражалари, модели, методлари, восита ва усулларига таяниш мазкур компетенциянинг ривожланганлик ва такомиллашганлик самарадорлигини таъминлашга асос сифатида хизмат қилади.

4. Таълимни рақамлаштириш муҳитида лингвистик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштиришда "инглиз тили" йўналишидаги умумкасбий ва ихтисослик ўқув фанларининг ўзига хос хусусиятлари, имкониятларга кўра, рақамли дидактика ва рақамли таълим моделларини қўллаш, булутли технологиялар, виртуал ва кенгайтирилган воқеликдан самарали фойдаланиш, ўйин (геймификация) асосида ўқув жараёнларини ташкил этиш бугунги давр талабидир.

5. Таълимни рақамлаштириш муҳитида электрон ва мобиль қурилмалар *(FAQ, FoIrum, Link, Chart, Q/A, Perlev, SWOT, intenview, дайжест, Peport)*, шунингдек, муаллифлик дастурий маҳсулотлари, виртуал ўқув муҳитини бошқарувчи тизимлар (*LMS*), ички контент бошқарув тизимлари (*CMS*), оммавий очиқ онлайн курслари (*MOOC*)дан самарали фойдаланиш бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг юксак компетентлиги ва лингвистик компетенциясининг ривожланганлиги гаровидир.

6. Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг ихтисослик фанларни муваффақиятли ўзлаштиришларида, шунингдек, белгиланган таълим муассасаларидаги синов ва тажриба ишларида *"ББББ", "Insert", "Кластер", "Венн", "SWOT", "Балиқ скелети", "Ақлий ҳужум", "Эссе", "Зинама-зина", "Тушунчалар таҳлили", "Чархпалак", "Бумеранг", "Резюме", "Муаммо", "Либиринг", "ФСМУ", "Мулоқот"* каби интерфаол ўқитиш усулларидан самарали фойдаланиши соҳа

талабаларининг касбий-педагогик компетентлиги сифатининг ошганлигини тасдиқлади.

7. Рақамли таълим – энг сўнгги технологиялар, платформалар ва таълим моделларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни кундалик таълим муҳитига жорий этиш орқали ҳозирги мавжуд таълимни мутлақо янги тизимга кўчиришдан иборатдир. Олиб борилган тадқиқот натижалари бу масаланинг муваффақиятли ечимини топиш учун таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва уларни ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш, электрон ресурслар ва масофавий технологияларини янада ривожлантириш, таълим олувчилар ўртасида IT–соҳасидаги касбларни оммалаштиришзаруриятини амалга оширишлигини тасдиқлади.

8. Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини сифатли ривожлантириш, лингвистик компетенциянинг таркиби ва назарий асосларини пухта ўзлаштириб олишлари учун уларда ахборот, компьютер, медиа, коммуникатив саводхонликларинириво жлантиришга ва рақамли технологик инновациялардан самарали фойдаланишни тақозо қилади.

9. Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенцияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш самарадорлиги олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасини ўрганиш, таҳлил этиш, умумлаштириш, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш орқали баҳоланди. Тажриба-синов ишлари методикасининг аниқ белгиланиши, натижаларни аниқлашда илмий тадқиқотларнинг самарали методлардан мақсадли фойдаланиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим бўлган малака, кўникма ва индикаторларнинг ҳаётийлиги, замонавийлиги тадқиқот натижаларини ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таъминлашнинг гаровидир.

Шунингдек, мазкур диссертация мавзуси педагогика фанида, айнан таълимни рақамлаштириш олиб борилаётган бугунги кунда ниҳоятда долзарб

илмий йўналишга асос бўлиб хизмат қилиши билан ҳам назарий, ҳам методик-амалий қимматга эгадир. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи қуйидаги ***тавсияларни*** илгарига сурамиз:

1. Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари лингвистик компетенцияларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг назарий-амалий, педагогик ва психологик механизмларини янада такомиллаштиришда ОТМ ва халқаро хорижий ОТМларининг илмий-техник ҳамкорлик Давлат дастурини яратиш, интерфаол мультимедиали кўринишлардаги инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича махсус ўқув-услубий адабиётларни яратиш, соҳа талабаларининг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларни амалиётга татбиқ этиш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2. Педагогика олий таълим муассасаларида “Инглиз тили ва адабиёти” йўналиши ўқув режасидаги умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишнинг Давлат таълим стандартлари, мазмунини, модулли таълим тизимини миллий ва халқаро илғор педагогик тажрибалар асосида такомиллаштириб бориш, *“Рақамли таълим муҳитида компетенция ва компонентлик назарияси”* махсус курсини жорий этиш, ушбу муаммо юзасидан чет тили ўқитувчилари тайёрлашнинг характеридан келиб чиққан ҳолда *“Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияси”* ва *“Инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлиги”* ўқув қўлланмаларини яратиш мақсадга мувофиқ.

3. Инновацион таълим технологиялари орқали инглиз тилида яратилган*“Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияси”* ва *“Инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлиги”* ўқув қўлланмаларининг мавзулари бўйича маърузалар учун

оммавий вертуал кутубхона ишлаб чиқиш ва уларга соҳа талабаларини жалб этиш; юқори самарадорликка эга рақамли қурилмалар билан жиҳозланган тузилмалар, ўқув машғулоти хоналари ва лабораториялари, медиастудиялари ва бошқаларни ўз ичига олган “Рақамли компетенция маркази”дан оммавий очиқ онлайн ўқув машғулотлар ва онлайн тренинглар ўтказиш, ташкил этиш ва орттирилган ижобий тажрибаларни ҳудудий таълим муассасаларидаги инглиз тили ўқитувчиларини хабардорлик қилиш ва ўқув машғулотларида қўллаш зарур.

4. ОТМларнинг “Инглиз тили ва адабиёти” йўналиши профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни ўқув режасига соҳапедагогларини, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича махсус ўқув модулларини киритиш, масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш ва уни ўқув машғулотларида “Булутли технологиялар”, виртуал ва кенгайтирилган воқеликдан инглиз тилида фойдаланиш, рақамли дидактика ва рақамли таълим модулларини қўллаш ва уларни илмий-методик базасини яратиш лозим.

5. Таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари ўртасида рақамли таълим, компетенция ва компетентлик,электрон ва мобиль таълим муаммолари бўйича илмий-методик характердаги тўгараклар ва семинарлар ташкил этиш, илмий-методик ишларнинг натижаларини ўрганишнинг портфолиоси, ассисмент турларидан фойдаланиш, илмий-амалий натижалар, курс ва битирув малакавий ишлари, илмий-тадқиқот натижалари (монография, рисола, ўқув қўлланма, диссертация, илмий мақола, ихтисослик фанлари бўйича фойдаланиш учун тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётлар матнлари) учун илмий веб-сайт ишлаб чиқиш; шунингдек, илмий лойиҳалар танловларини уюштириш ҳамда республика, халқаро миқёсдаги мавзуларга оид анъанавий кўрик танловлари, илмий-амалий Форум ташкил этиш бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигининг ошишида ва лингвистик

компетенциянинг ривожланиши ҳамда такомиллашишида муҳим аҳамият касб этади.

6. Бугунги олий таълим муассасаларидаги ўқув машғулотларини технологик жиҳатдан тубдан модернизация қилиш, “рақамли таълим” тизимига ўтиш – оммавий очиқ онлайн курслари (МООС) тизимини янада такомиллаштиришга замин яратади. Бугунги кун талаби – электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиб исталган вақтда масофавий таълим жараёнини матнли-график ёки видео форматда амалга ошириш; умумкасбий ва ихтисослик фанларининг маъруза машғулотлари учун интерфаол ва мультимедиали тақдимотларни ишлаб чиқиш, уларда рақамли дидактика ҳамда рақамли таълим модулларини қўллаш асосида электрон таълимнинг энг сўнгги технологик ютуқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2012 йил, ПҚ-1875-сон.–www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарор. 2013 йил 8 май.– www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. ПФ-4947-сон. 2017 йил 7 февраль. –www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил, ПҚ-2909-сон. – www.lex.uz.

5. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўрисида”ги фармони. 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон.–www.lex.uz.

6. Мирзиёв Ш.М. Ўқитувчилар ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. (Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи). - 30 сентябрь, 2020 йил. – www.xs.uz.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 30.12.2020. – www.review.uz.

8. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. 2020 йил 29 октябрь, ПФ-6097-сон.–www.lex.uz.

9. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.2020 йил 27 февраль, ПҚ-4623-сон. –www.lex.uz.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожининг жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. 2020 йил.–www.regulation.uz.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030”стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”гифармони.2020 йил 5 октябрь ПФ-6079-сон.– www.lex.uz.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2020 йил 28 апрель, ПҚ-4699-сон.– www.lex.uz.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2020 йил 27-февраль ПҚ-4623-сон. – www.lex.uz.

14. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармон. 2021 йил 3 февраль, ПФ-6155-сон. – www.lex.uz

15. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 19-майдаги ПҚ-5117 сонли қарори. www.lex.uz.

16. Олий таълим Давлат стандарти. 5111400 – Хорижий тилла (инглиз тили) таълим йўналишибўйича бакалаврларнинг тайёргаргарлик даражаси ва

зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар. Расмий нашр. – Тошкент, 2018.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси, 25 ноябрь, 2019 йил.

18. Европа давлатларининг Болонья декларацияси.1999 йил 19 июн. – www.coe/lang.

19. CEFR (Common European Framework of Reference for Language). – www.coe/lang.

20. Замонавий тиллар: ўқиш, ўқитиш, баҳолаш. Бутун Европа компетенцияси. // Modern languages: learning, teaching, assessment: acommon European framework of reference. Strasburg, 1996. 260 p.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

21. Абдупаттоев М. Таълим тизимида оммавий очиқ онлайн курслар. – Фарғона, 2019. – 3-5-бетлар

22. Азизова Ф. Инглиз тили фразеологизмларини ўргатиш методикаси. - Тошкент, 2011.-72 б.

23. Азимов Э. Г., Щукин А.Н. Новый словарь терминов и понятий (теория и практика обучения языкам) - М . : ИКАР, 2009. -с.342.

24. Алиева А.Э. Домашние чтение на уроках английского языка. // Наука, образование и культура. №5 (23), 2016. – с 118-119.

25. Алиева А.Э. Компетентностный подход при работе с текстом на занятих по английскому языку // Достежения науки и образования. – 2018. - № 1 (23). – с.73.

26. Алиева А.Э. Развитие языковой компетенции в процесси обучения чтению. // Наука, образование и культура. №6 (21), 2017.–с. 53-55.

27. Асланов Р.М. Компетентностный подход в подготовке будущего учителя информатики и математики // Преподаватель XXIвека. – 2008. - №2.

28. Аттестация учителей иностранных языков общеобразовательных учреждений / под ред. Л.Я.Олиференко. 4-е изд. М.: Айрис-пресс, 2005. с. 6-11.

29. Ахмедова Л.Т. Роль и место педагогических технологий в прфессиональной подготовке студентов. –Т.: Фан ва технология. -2009.

30. Байденко В.И. Выявление состава компетенций выпусникнков вузов как необходимый этап проектирования ГОСВПО нового поколения. – М. – 2006. – 72 с.

31. Баграмова Н.В., Джура Н.В. Специфика обучения фразеологии второго иностранного языкана примере обучения японскому языку студентов-бакалавров // Филологические науки. Вопросы теории и практики.Тамбов: Грамота, 2017. № 3(69): в 3-х ч. Ч. 3. С. 197-199.

32. Байрамова Л.К. Фразеология и перевод/ Фразеология и синтаксис. – Казань.1982. – 42с.

33. Белкин А.С. Компетентность. Профессионализм. Мастерство. - Челябинск.- 2004. - 176 с.

34. Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. - М.: ИРПО. - 1995. - 336 с.

35. Божович Е.Д. Развитие языковой компетенции школьников: проблемыи подходы // Вопр. психол. –М.: 1998. № 4. –С.70-71.

36. Бочкова Р.В. Компьютерные технологии в профессиональной деятельности работника образования: учеб.пособие. – Саранск. – 2008.–194 с.

37. Булавенко О.А. Характеристики компетентности специалиста // Проф. Образование. – 2005. - №4. – С.21.

38. Вахромов Е. Психология новый эры: компетентность или беспомощность? – М. 2001. – 312 с.

39. Введенский В.Н. Моделирование профессиональной компетентности педагога // Педагогика. - 2003. - № 10. - С. 51-55

40. Вербицкий А.А., Ильязова М.Д. Инварианты профессионализма: проблемы формирования. – М.: Логос. 2011. – 288 с.

41. Гальскова Н. Д. Современная методика обучения иностранным языкам. М.: Аркти-Глосса, 2000. с.65.

42. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам: Лингводидактика и методика: Учеб.пособие для студ. Лингв. Ун-тов и фак. ин. яз. высш. пед. учеб. Заведений+. М.: Издательский центр «Академия», 2004,-313б.

43. Гарфинкель Г. Концепция и экспериментальные исследования «доверия» как условия стабильных согласованных действий/ Пер. с англ. А.М.Корбута. –Москва: Социологическое обозрение, 2009. – Т.8. – № 1. – С.3–25.

44. Гез Н.И. История зарубежной методики преподавания иностранных языков: учеб.пособие для студ. лингв. ун-тов ифак. ин. яз. высш. пед. заведений. Н.И.Гез, Г.М.Фролова. -М.: 2008.-256 с.

45. Гитман Е.К., Долматова Н.С. Модель формирования иноязычной коммуникативной компетенции студентов на основе блочно-модульной технологии // Фундаментальные исследования. 2014. № 12-4 –с.4

46. Говядова О.Н. Вопрос компетентностного подхода в обучения иностронному языку / О.Н.Говядова // В сборнике: Образовательный процесс: поиск эффективных форм и механизмов . Сборник трудов Всероссийкой научно-учебной конференции с международным участием, посвященной 82-й. Годовщине КГМУ. – 2017. –С.155-158.

47. Гулямов С. С., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Рақамли иқтисодиёт, ўқув қўлланма – Тошкент, 2020. – 30-б.

48. Дагбаева Н.Ж. Овчинникова М.Ф. Принципы формирования социолингвистикой компетенции на начальном этапе языкового вуза// Вектор науки ТГУ №1.(8). 2012. Стр. 103-105.

49. Дергач А.А., Кузмина Н.В. Акмеология: пути достежения вершин профессионализма // Российская академия управления. – М.- 1993.

50. Джўраев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. -Тошкент, 2010. -87 б.

51. Джўраева Б.Р. Формирование педагогической культур будущих учителей в процессе обучения дисциплин педагогического цикла. –Тошкент, Фан, 2003. -177 с.

52. Елканов С.Е. Профессиональное самовоспитание учителя: Книга для учителя. – М.Просвещение. – 1986. – 143 с.

53. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик қайта ишланган ва тўлдирилган 2 -нашри. -Тошкент: Ўқувчи, 2012. -432 б.

54. Жемченкова С.А. Основные подходы к тарктовке понятие «Компетенция», «Компетентность» заребежом и их содержательное наполнение. Вестник ТГПУ. 2011. 13(115). –С.243. Электрон ресурс.https://cyberleninka.ru/article/v/

55. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. – М.: Просвещение, 1978.-160с.

56. Захарова И.Г. Модель поэтапного формирования социальной компетенции у будущих инженеров // Инновации в образовании. - 2008. - № 12. - С. 25-32.

57. Зеер Э.Ф., Сыманюк Э.А. Компетентностный подход к модернизации профессионального образавания // Высш. образование в России. – 2005., №4 – С. 23-29.

58. Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативноцелавая основа компетентностного подходо образовании // Ректор вуза. – 2005. - №6. – С. 13-29.

59. Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парагдима результата образования // Высш. Образование сегодня. 2003, №5. С.34-42.

60. Зимняя И.А. Педагогическая психология. Учебник для вузов. Изд. вторе, доп., испр. и перераб. - М.: Издательская корпорация «Логос», 1999. 185 б.

61. Ильин Е.П. Диференциальная психофизиология. СПб:Питер. -2001. – 464 с.

62. Исакулова Н.Ж. Касб таълими методикаси: ўқув қўлланма. Т.: Фан; 2014. – 200 б.

63. Исянов Р.Г ва б. Олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш технологиялари. Монография. -Тошкент, 2011. 72 б.

64. Йўлдошев Ж.Ғ. Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. -Т.: РТМ, 2004. -104.

65. Кабардов М.К., Арцишевская Е.В. Типы языковых и коммуникативных способностей и компетенции // Вопросы психологии. 1996. № 1. С. 34-42.

66. Кашенкова И.С. Роль грамматической компетенции при определении целей обучения грамматической стороне иноязычной речи специалистов-международников // Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2013. № 8(26): в 2 ч. ч. I. С. 80–83.

67. Кирилина Л. И. Современные технологии обучения русскому языку как средство повышения каче-ства образования в условиях модернизации и профессиональная компетентность учителя // Современные наукоемкие технологии. 2005. № 6. С. 82-88.

68. Клименко И.В. Формирование профессиональной компетентности в системе непрерывного педегогического образования. // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2014. - № 3. 116 – б.

69. Князев А.М., Земцова Е.В., Палецкая С.Н. Социальные компетентности личности как объект оценивания // Проблемы качества образования: материалы XV Всерос. Науч..-метод.конф. – Уфа. -2005. – С. 66-77.

70. Колкова М.К. Формирование дисскурсивной компетенции у учащихся старших классов при обучении писменной речи. Методика обучения инсотранным языкам в средней школе: –М.:, 2006. С-221-226.

71. Конопкин О.А. Психологические механизмы регуляции деятельности. – М.: ЦСП. – 2011. – 320 с.

72. Коренева М. Р. Компенсаторная компетенция как цель обучения в языковом вузе. Улан-Удэ: Изд-во БГУ, 2009. с.9-11.

73. Ксенофонтова А. Н. Система обучению педагогов конструированию речевой деятельности. Оренбург, 2001. С. 46.

74. Кузмина Н.В. Способности одиренность, талант учителя. – Л.:Знание, 1985, - 32 с.

75. Куклина С.С.Колективная учебная деятелъность как организационная форма овладения иноязычным общением. Киров: Изд-во ВятГГУ, 2007. С. 21.

76. Кулюткин О.Н. Психологическая природа деятельности педагога // Творческая навравленность деятельности педагога. – Сб. науч.ст. л. – 1978. – с. 7-10.

77. Кяэрст М. Рассмотрение компетентности в психологической концепции совершенствования управления производственной организацией // Актуальные проблемы труда: сб. науч. тр. – Тарту. – 1980. – С.45-67.

78. Ларионова Г.А. Компетенции в профессиональной подготовке студентов вузов: знания, действия, деятельность, самоопределение: монография. – Челябинск. – 2004. – 171 с.

79. Лаптева М.Д. Компетентность социального взаимодействия: компонентный состав и подходы к формированию // Проблемы качества образавания: материалы XV Всерос. науч.-метод. конф. –Уфа.–2005.– С.39-47

80. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. М., 1975.

81. Леонтьев А. Язык, речь, речевая деятельность. – М.: Просвещение, 1969. – 214 с.

82. Липатникова И.Г. Деятельностное модульное обучение студентов педагогических вузов в условиях рефлексивной деятельности // Вестник Томского госпед университета. – 2006. –Вып. 3(54). – С.65-69.

83. Ляховицкий М.В. Методика преподавания иностранных языков: Учебное пособие. –М.: Высшая школа, 1981. –105 с.

84. Мажидова С. Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда қўлланадиган усуллар // Тил ва адабиёт таълими. – Т., 2016. – №3. – Б.7.

85. Макарова Л. Н. Развитие стиля педагогической деятельности преподавателя вуза // Педагогика. 2005. № 6. С. 72-80.

86. Манаенкова М.П. Речевая компетенция в контексте личностно-профессиональных компетенций студента // Психолого-педагогический журнал Гаудеамус. – 2014. - № 1 (23). – 30 с.

87. Манаенкова М.П. Речевая компетенция – зеркало духовной культуры человека // Социально-экономические явления и процессы. Там-бов, 2013. № 5. С. 273-275.

88. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: “Знание”. – 1996. – 308 с.

89. Манаенкова М.П. Речевая компетентность личности:содержание и структура. - Социально-экономические явления и процессы. - Т. 9. № 10, 2014. – с.223-231.

90. Манаенкова М.П. Речевая компетентность выпускника вуза – основа его успешной социализации // Социально-экономические явления и процессы. Тамбов, 2013. № 9. С. 156-158.

91. Маслов А. Самоактуализация // Психология личности. - М. - 1982.

92. Махкамова Г.Т. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов английского языка. -Ташкент: Фан, 2010.-208 с.

93. Маҳмудов А. Х. Узлуксиз таълим жараёнига компетентлик ёндашувини жорий қилишнинг дидактик асослари // Узлуксиз таълим. – 2012, №4. – 8-12-бетлар.

94. Медведев В.Е. , Татур Ю.Г. Падготовка преподавателя высшей школы: компетентностый подход // Высш. Образование в России. – 2007. - №11. – С. 46-56.

95. Мезинина Н.В. Компетентностный подход в подгогтовке обучающихся к даче ОГЭ по английскому языку / Н.В.Мезинина // В сборнике: Педогогические и социологичиские аспекты образования Материалы Международной научно-практичиской конференции. – М., 2018. – С.212-213

96. Методика преподавания иностранных языков: общий курс: учеб. Пособие. 2-е изд.,перераб. И.доп. М.: АСТ МОСКВА: Восток –Запад, 2008. – 90 б.

97. Мильруд Р.П. Методика преподавания английского языка. English Teaching Methodology. – М.: 2005. 254-Р.

98. Митина Л.М. Психология труда и профессионального развития учителя. - М.: Академия. - 2004. - 320 с.

99. Митина С.Н. Проектирование в формирова-нии речевой компетенции будущего учителя // Высшая школа. 2004. № 5. С. 32-35.

100. Митина Л.М. Психология профессионального развития учителя. М., 1998.

101. Митина Л.М. Психология труда и профессионального развития учителя. - М.: Академия. - 2004. - 320 с.

102. Мордкович А.Г. Профессионально-педагогическая направленность специальной подготовки учителя математики в педагогическом институте: дисс... д-ра пед.наук. – М.- 1986.

103. Мустафина Ф.Ш. Методика преводавания иностранных языков. Уфа, 2004. 65 б.

104. Муслимов Н.А. “Тингловчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш муаммолари”. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш мазмуни ва илғор хорижий тажрибалар. Халқаро илмий анжуман материаллари. 14-15 октябрь, - Ташкент, “Sano- standart” nashriyot, 2016.10-12б.

105. Нестеров В.В., Белкин А.С. Педагогическая компетентность: учеб. пост. – Екатеринбург: Учебная книга. – 2003. – 186 с.

106. Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка: монография. - Страсбург; М.:Совет Европы, Департамент по языковой политике; Моск. гос. лингв. ун-т, 2001-2003.-259 с.

107. Овчинникова И.Г. ИКТ для учителя-словесника. - Пермь. - 2006.

108. Ожегов С.И., Шведова И.Ю. Тольковый словарь русского языка - М.: Язъ. – 1994.

109. Омонов Қ. “Рақамли таълим: у нима ва бизга нима беради? – www.uza.uz – 2020.

110. Осницкий А.К. Психология самостоятельности методы исследования и диагностики. – М.: Нальчик: Эль-Фа. -1996. – 124 с.

111. Пассов Е.И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению / Е. И. Пассов. - 2-е изд. - М. : Просвещение, 1991. - 223 с.

112. Пассов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению / Е.И.Пассов - М.: Рус. яз., 1989. - 276 с.

113. Пассов Е.И. Условно-речевые упражнения для формирования грамматических навыков. Пособие для учителей немецкого языка сред.школы. М.: просвещение, 1978. -7-8 б.

114. Пехлицкий И.Д. Компоненты индивидуального стиля преподования. – Пермь. – 1990.

115. Пищулин В.Г. Модель выпусника университета // Педагогика. – 2002. - №9. – С.22-27.

116. Поздняков С.Н. Конструирование общих информационных образовательных пространств. // IX конференция – выставка «Информационные технологии в образовании». - Москва. - 1999.

117. Потебня А.А. Слово и миф. М., 1989. – 17 с.

118. Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. М. : Когито-Центр, 2002. с.6

119. Радионова Н.Ф., Кропачаева М.В. Зарубежный опыт профессеональный подготовки педагогов к раннему обучения дитей иностранных языков //Человек и образование. №1 (42). – Санк Петербург, 2015. – 151 с.

120. Речицкой Е.Г. Психолого-педагогическое сопровождение в системе высшего образования. – М. – Изд-во МГТГУ, 2013, - с.15-23.

121. Романова Н. Н., Филиппов А. В. Словарь. Культура речевого общения: этика, прагматика, психология. М., 2010. С. 174.

122. Рябцева О.М.Формирование грамматической составляющей иноязычной компетенции // Изв.Юж. фед. ун-татехническкие науки. 2010. №10.Т. 11. 116 с.

123. Саттаров Т. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. -Т., 2003. – 215 б.

124. Сахарова Н.С. Категории «компетентность» и «компетенция» в современной образовательной парадигме //Вестник ОГУ. 1999. № 3. С. 51-58.

125. Селевко Г. К. Компетентности и их классификация // Народное образование – 2004, №4. – С. 138- 145.

126. Сластенин В.А. , Исаев И.Ф., Мищенко Д.И., Шиянов К.Н. Педагогика. – М.:Школьная пресса. – 2002. – 512 с.

127. Словарь иностранных слов . – М.: Русский язык. – 1988.

128. Словарь социолингвистических терминов / В.А.Кожемякина [и др.]; под ред. В. Ю. Михальченко. - М . : Ин-т языкознания РАН, 2006. - 312 с.

129. Смирнов С. Болоноский процесс: перспективы развития в России // Высшее образование в России. 2004. № 1. С. 43-51.

130. Сойфер Э.В. Создание и восприятие дискурса в условиях управляемого общения на иностранном языке // Казанская лингвистическая школа: традиции и современность. Казань, 2003. С.70-75.

131. Спенсер Лайл. М., Спенсер Сайн М. Компетенции. Модели максимальной эффективности работы. Пер. с анг. М.Яковенко. – М.:HIPPO. – 2005. – 371 с.

132. Стародубцева О. Г. Лексическая компетенция как языковая основа профессионально-коммуникативной компетенции студентов неязыкового вуза // Бюллетень сибирской медицины, 2013. - Т. 12. - № 3. - С. 127-131.

133. Суббетто А.И. Интеграционная модель выпускника вуза на базе системно-деятельностного и компетентностного подходов. – Кострома: Изд-во КГУ им. Некрасова. – 2005. – 28 с.

134. Темуров С.Й. Бўлажак математика ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари. . – Тошкент: Фан ва технологиялар, – 2014. – Б.136.

135. Тестов В.А. О формировании профессиональной компетентности учителя математики // Сибирский учитель. – 2007. – Вып. 6.

136. Трафименко С.А. Структура и содержание лексической компетенции. // Иностранные языки: инновации, перспективы исследования и преподавания : материалы II Междунар. науч.-практ. конф., Минск, 21–22 марта 2019 г. / Белорус. гос. ун-т ; Минск : БГУ, 2019. – С. 165-173.

137. Третьяк И.Г. Профициально-педагогическая компетентность педагога. – Самарский научный вестник. – 2014. №4(9). -130-132 стр.

138. Урванцев П.П., Яковлева Н.В. Формирование психологической компетентности врача в процессе обучения в медицинском вузе // Психол.журн. – 1995. - №4. – С. 98-107.

139. Чошанов М.А. Гибкая технология проблемно-модульного обучения. – М.: Народное обучение – 1996. – 160 с.

140. Шамов А.Н. Лексические навыки устной речи и чтения – основа семантической компетенции обучаемых // Иностранные языки в школе. 2007. № 4. С. 19–21.

141. Шамов А.Н. Формирование лексической компетенции как основополагающая цель в обучении иностранному языку // Языки и культуры народов мира в лингводидактической парадигме: Лемпертовские чтения - IX: сб. ст. по матер. меж- дунар. науч.-метод. симпозиума, 30-31 мая 2007 г. / Пятигор. гос. лингв. ун-т; Пятигорск, 2007. - С. 386-391.

142. Шаршов И. А., Макарова Л. Н. Проблемные аспекты повышения квалификации научно-педагогических кадров // Вестник Тамбовского университета. Серия Гуманитарные науки. Тамбов, 2010. № 10. С. 7-11.

143. Шкерина Л.М., Панасенко А.Н. Моделирование математической компетенции бакалавра – будущего учителя математики // Инновации в непрерывном образовании. – 2012, №4. – С. 59-63.

144. Филатова В.М. Методика обучения иност.языкам в начальной и основной общеобразовательной школе.: –Р-на-Д.:, 2004. С-325

145. Федуленкова Т.Н., Клюжева Н.В.Поуровневое формирование фразеологических компетенций на основе фразеологизмов скомпонентом make..// Филология –С.126.

146. Хеннер Е.К., Шестаков А.П. Информационно-коммуникационная компетентность учителя: структура, требования и система измерения // Информатика и образование. - 2004. - №12. - С. 5-10.

147. Ховов О.В. Компетентность профессиональная // Энциклопедия профессионального образования: В 3-х т.–М.:АПО,1998. – Т.1. – С. 454-455.

148. Холодная М.А. Психология интеллекта. Парадоксы исследования. 2-е изд. – СПб.: Питер. – 2002. – 272 с.

149. Хошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковых взаимодействий: УзГУМЯ, 2007.-350с.

150. Хуторский А.В. Ключевые компетентности как компонент личностно-ориентрованной парагдимы образования // Народные образование. – 2003. -№2.

151. Хуторской А.В. Компетентностный подход в обучении. Научно-методическое пособие. – М.:Издательство «Эйдос»; Издательство Института образования человека, 2013. С.– 73.

152. Шнейдер Л.Б.Профессиональная идентичность: Монография. –М.: МОСУ, 2001. -С. 272.

153. Щерба. Л.В. Преподавание иностранных языков в школе. Общие вопросы теории.: –М., Академия: 2002. С-150-155.

154. Щукин А.Н. Интенсивные методы обучения иностранным языкам. Научный журнал // Иностранные языки в школе ISSN: 0130-6073. № 6.–М.: 2002. –С. 5-6.

155. Эльконин Д.Б. Понятие компетентности с позицией развивающего обучения. – Кросноярск. – 2002.

156. Ҳошимова Д.П., Парпиева Р.А. Замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялари, илмий электрон журнали, №3 май-июнь, 2020 йил, 154-бет.

157. Ҳошимов Ў., Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. -Т.: “Ўқитувчи”, .2003.-210б.

III. Диссертация ва авторефератлар

158. Адольф В.А. Теоретические основы формирования профессиональной компетентности учителя: автореф. дисс. д-ра пед. наук. - М. -1998. - 48 с.

159. Арефьев Р.С. Формирование готовности к самопроектированию коммуникативной компетентности студентов педагогического вуза.:дис. ...канд. пед. наук. - Сочи, 2004. - 190 с.

160. Аршинова Н.И. Формирование иноязычной лингвистической компетенции студентов вуза с применением средств компьютерных технологий: английский язык как вторая специальность: дис. ... канд. пед.наук. - Петрозаводск, 2007. - 189 с.

161. Асилова Г. А. Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳларида): ДД –Тошкент, 2017.

162. Аулова Н.С. Формирование готовности будущих менежеров к профессиональной деятельности в современных социально –экономических условиях: дис... канд. пед. наук.. – Барнаул. 2005. – 227 с.

163. Ахлиддинов Р.Ш. Умумий ўрта таълим сифатини бошқаришининг ижтимоий-педагогик асослари (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида) пед.фан.док...дисс. Тошкент, 2002. – 338 б.

164. Аҳророва Ф.Б. Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига чет тилларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси. - Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация, Тошкент, 2020. – 185 б.

165. Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на материале консанантизма).: автореф. ДИСС....канд.пед.наук. -Т.:1987.-21 с.

166. Баландин С.А. Развитие организационно-педагогической компетентности менеджера образования в процессе управленческой деятельности в профессиональном учебном заведении: дис. ... канд. пед. наук.- Челябинск, 2004. - 151 с.

167. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. // пед.фан.докт. илмий дар.учун дисс. -Т.: 2007. - 305 б.

168. Беленюк Н.А. Формирование социолингвистическойкомпетенции студентов младших курсов технического вуза в процессеобучения устному общению: английский язык, базовый курс: дис. ... канд. пед.наук. -Томск, 2007. - 170 с.

169. Белоконь С Н. Формирование ключевыхкомпетенций руководителя в процессе обучения по специальности “менеджеробразования: дис. ... канд. пед. наук. -Ставрополь, 2006. -172 с.

170. Блиева Ж.М. Психолого-педагогические условия формирования языковой компетенции студентовв учебно-воспитательном процессе вуза.: дис. ... канд. пед. наук. - Владикавказ, 2007. - 166 с.

171. Бобиенко О.М. Ключевые компетенции личности как образовательный результат системы профессионального образования: дис. … канд. пед. наук. - Казань. - 2005. - 185 с.

172. Болдова Т.А. Обучение студентов старших курсов иностранному языку на основе использования электронных гипертекстов: Автореф.. док.пед. наук. –М.: НИИ, 2014. -С.14.

173. Борходоев Л.А. Прагматический текст как средство формирования социокультурной компетенции студентов языкового вуза.: дис.... канд.пед.наук. -Улан-Удэ, 2002. - 211 с.

174. Бурцева Е.В.Педагогические условия формирования профессиональной компетентности сотрудников ОВД средствами развития самоуправления: дисс... канд. пед. наук. Комсомольск-на-Амуре. – 2002. – 215 с.

175. Варданян Ю.В. Строение и развитие профессиональной компетентности специалиста с высшим образованием: на материале подготовки педагога и психолога: дис. … д-ра пед. наук: М.: РГБ ОД. - 1998. - 353 с.

176. Гаранина Ж.Г. Психологическая компетентность будущего специалиста: на материале экономико-управленческих профессий: дисс... канд.психол. наук.. – Казань. – 1999. – 183 с.

177. Герасименко Е.П. Развитие профессиональной коммуникативной компетентности студентов туристского вузав процессе обучения публичным устным коммуникациям: Дис. ... канд. пед. наук.-Москва, 2004.-182 с.

178. Губина Н.М. Формирование межкультурной компетенции студентов в процессе обучения деловому английскому языку в элективном спецкурсе: кондидат, -Москва, 2004. – 189с.

179. Густомясова Т.И. Методика формирования социолингвистической компетенции студентовна материале E-mail-проектов: неязыковой вуз, английский язык: дис. ... канд. пед. наук. - Волгоград, 2010. -217 с.

180. Денисова С.А. Методика формирования учебно- познавательного компонента иноязычной коммуникативной компетенции студентов на основе информационных и коммуникационных технологий (Английский язык, направление подготовки «Лингивистика») .: дисс....канд.пед.наук. -Томбов, 2015. -174с.

181. Дортман С.Р. Обучение лингвокультурологической компетенции учащихся средных профессионалных образовательных учреждений (на материале немецкоязычных медиа текстов): дис. … канд. пед. наук: – Пятигорск, 2012. – 180с.

182. Добросклонская, Т.Г. Теория и методы медиа лингвистики: на материале английского языка: дис. докт.филол.наук. - М.: 2000. -368 с.

183. Дунюшин А.А. Педагогические аспекты формирования социально-психологической компетентности сотрудников местного самоуправления: дисс... канд.пед.наук.. – М.- 2003. – 192 с.

184. Жуманазаров У.У. Таълимни ахборотлштириш шароитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2019.

185. Исенко И.А. Методика формирования социолингвистической компетенциив устном иноязычном общении студентов языковых факультетов педагогических вузов: на материале испанского языка: Дис. ... канд. пед. наук. -Москва, 2007. - 337 с.

186. Исмоилова З.К. Ўқувчи-талабаларнинг социолингвистик-педагогик маданиятини ривожлантириш: Пед. фан. ном.... дис. – Тошкент, ТИҚХМИ, 2000. -130 б.

187. Казанцева Л. В. Речевая компетенция учителя иностранного языка: автореф. дис. … д-ра. пед. наук. Тамбов, 2001.

188. Ковалева Ю.Ю. Формирование методической компетенции будущего учителя английского языка как второго иностранного: на базе немецкого языка как первого иностранного: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Томск, 2003. -21с.

189. Короткова И.П. Методика формирования лексической компетенции младших школьников посредством английского фольклора: автореф. дис. ... канд. пед. наук: МГГУ им. М. А. Шолохова - Москва, 2012. - 26 с.

190. Костина Е.А. Развитие социокультурного компонента профессиональной компетентности будущего учителяв образовательном процессе вуза: на материалерованного курса «Английский языкиановедение» ... канд. пед. наук. - Новосибирск, 2006. - 214 с.

191. Қулмаматов С.И. Мустақил таълимни ташкил этишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси: пед.фан.ном....дис. - Гулистон, ГулДУ, 2008. -122б.

192. Лаптева Н.Е. Формирование речевого лексикоческого навыка на основе дифференцированного использования знаний (немиский язык, неязыковый вуз): дисс. ... канд.пед.наук.:– Минск, 2004. – с.4.

193. Леушкина М.В. Речевое общение как основа формирования профессиональной культуры будущего специалиста: В сфере профессиональной коммуникации: Автореф.дис. ... канд.пед.наук.- Ульяновск, 2005. - 26 с.

194. Мажидов Н.М. Психологические аспекты профориентационный работы на профессию учителя (на опыте пед. классов Узбекистана) Автореф. дисс. ... канд. психол. наук. -Т.: 1991.-19 с.

195. Муртозаева Н.И. Чет тили ўқитиш методикасининг ривожланиш мазмуни: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2009.-159.

196. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед.фан. докт. ... дисс. – Тошкент. – 2007. – 349 б.

197. Нечаева Е.С. Методика формирования социолингвистической компетенции студентов языковых факультетов педагогических вузов на основе социофонетического компонента: на материале английского языка: Диссертация ... кандидата педагогических наук: -Москва, 2010. - 216 с.

198. Павлова Л.П. Исследование влияния игровой учебной деятельности на формирование межкультурной компетенции студентов вуза: На материале иностранного языка: дис. ... канд.пед. наук: -Ставрополь, 2004.-176 с.

199. Попова Э.И. Обучение монологическому высказыванию учащихся 6-7 классов средние общеобразовательные школы: Дис…кан.пед.наук. –Л.:, 1985. С-220

200. Райцев А.В. Развитие профессиональной компетентности студентов в образовательной системе современного вуза: дис. … д-ра пед. наук: СПб. - 2004. - 309 с.

201. Раҳимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида социолингвистик-маданий муносабатларнинг шаклланиши: Пед. фан. ном. ... дис. -Тошкент, 2004. 161 б.

202. Рискулова К. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими. – ДД. – Т., 2017. – 9 б.

203. Рўзметова М.Ш. Умумий ўрта таълим 5-7 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантириш технологиялар. - Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган ДДИ. – 231 б.

204. Саттаров Т.К. Ўқитувчилик бўйича амалий машғулотларда бўлажак чет тили муаллимининг социолингвистик малакаларини шакллантириш (инглиз тили материалида): Дисс. ... пед.ф.д.–Т.: 2000. – 373 б.

205. Сафонова В.В. Социокультурный подход к обучению иностранному языку как специальности: дис. … д-ра пед. наук. -М., 1992. – 528 с.

206. Селиверстова М. В. Формирование управленческих компетенций учителя в условиях развития современного образования: дис. ... канд. пед.наук. - Ижевск, 2011. –212 с.

207. Сиземина А. Е. Методика развития лингвистической компетенции студентов лингвистического вуза на основе формирования мотивационной базы обучающихся:автореф. дис. ... канд. пед. наук- Н. Новгород, 2009. - 84 с.

208. Стародубцева О.Г. Лексическая компетенция как язкковая основа профиссионально-комуникативной компетенции студентов неязыкового вуза – Бюллетень сибирской медицины, 2013. том12, 3, с. 127-131.

209. Сухова Н.А. Формирование культурно-страноведческой компетенции на основе аутентичных материалов в процессе обучения устной речи студентов педагогического вуза: Второй курс, немецкий язык: дис. ...канд.пед.наук. - Санкт-Петербург, 2002. - 244 с.

210. Тармаева Е.В. Развитеи коммуникативной компетентности у будущих учителей: дисс... кан. пед.наук. – Улан-Удэ. -2007.

211. Уразова М.Б. Бўлажак социолингвистик таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. 13.00.05-Социолингвистик таълим назарияси ва методикаси (педагогика фанлари). Док.дисс.автор. Тошкент. 2015йил. 10, 17, 21- бетлар.

212. Утаев М.М. Дидактические условия формирования профессиональной компетентности будущих учителей иностранного языка в процессе педагогической практики.: Дис….канд.пед.наук. -Душанбе, 2012.- 165 с.

213. Фетисова А.А. Методика управления фактором непроизвольности в процессе развития иноязычной лексической компетенции студентов: Iкурс, языковой педагогический вуз :дис. ... канд. пед. наук: - Москва, 2010. - 186 с.

214. Халупо О.И. Формирование коммуникативной культуры студентов технического вуза при изучении иностранных языков.: дис. ...канд.пед.наук. - Челябинск, 2002. - 144 с.

215. Ходырева Н.Г. Методическая система становления готовности будущих учителей к формированию математической компетентности школьников: автореф. дис... канд. пед. наук. – Волгоград. – 2004. – 24 с.

216. Церунян В.А. Педагогическое условия формирования личности специалиста : дис... канд. пед. наук.: - М.- 2002. – 141 с.

217. Чернецкая И.В. Профессионально-направ-ленное обучение грамматике английского языка студентов старших курсов филологических факультетов педагогических вузов (английский язык как вторая специальность): дис. … канд. пед. наук. СПб., 2001. – с.43.

218. Шарипов Ш.С. Талабалар ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (меҳнат ва касб таълими факультетлари мисолида): Дисс.... пед.фан.ном. -Т.: 2000.-205 б;

219. Шевченко С.И. Формирование коммуникативной компетенции в чтении на английском языке с применением компьютерных технологий в вузах: Автореф.дис. ... канд.пед.наук. -Киев, 2004. -24с.

220. Эркаев Э.Т. Бўлажак чет тил муаллими таълимида қўлланадиган таржима машқларининг лингводидактик таснифи. - НД – Т.:2008.

221. Ятаева Е.В. Учебный глоссарий как средство развития учебной иноязычнолексической компетенции в профессиональном языковом образовании :дис. . канд. пед. наук: Екатеринбург, 2007. - 282 с.

222. Юзликаева Э.Р. Теория и практика подготовки учителя к диагностической деятельности: Дис. … д-ра. пед. наук. –Тошкент, ТГПУ, 2012. – 284 с.

223. Қўйсинов О.А. Касб таълим йўналиши бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий-методик асослари: Пед.фан.ном....дис.автореф -Т., 2008. -22б.

224. Ҳамидов Ж.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига ахборот технологияларини қўллашнинг илмий-услубий асослари (умумсоциолингвистик фанларни ўқитиш мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. автореф. -Тошкент, 2005. – 24 б.

IV. Хорижий (инглиз тилидаги) адабиётлар

225. Aisha Walker. Technology Enhanced Language Learning: Connecting Theory and Practice (Oxford Handbooks for Language Teachers). – Cambridge University Press: 2013. P-214.

226. Akbari Z. The role of grammar in second language reading comprehension: Iranian ESP context. Procedia-Social and Behavioral Sciences, 98, 2014, 122-126.

227. Andrews R., Torgerson C., Beverton S., Freeman A., Locke T., Low G., Zhu D. The effect of grammar teaching on writing development. British Educational Research Journal, 32(1), 2006, 39-55.

228. Araki K.. Does Teaching Grammar Really Hinder Students' Speaking Abilities? US-China Education Review, 5(6), 2015, 400-408.

229. Barraja-Rohan A.M. Using conversation analysis in the second language classroom to teach interactional competence. Language Teaching Research, 15(4), 2011, 479-507.

230. BarmanB. The Linguistic Philosophy of Noam Chomsky. Philosophy and Progress, 51(1-2), 2014, 103-122.

231. Canale M., Swain M. Theoretical Bases of Communicative Approaches to Second Language Teaching and Testing. II Applied Linguistics,1980.Vol.1,№

232. Cheetham G. The Acquisition of Professional Competence (1999): Thesis submitted for the Degree of Doctor of Philosophy, University of Sheffield, Division of Adult Continuing Education, England, 1999, 380 p.

233. Chesebro J.W., McCroskey J.C., Atwater D.F., Bahrenfuss R.M., Cawelti G., Gaudino J.L., H.Hodges. Communication apprehension and self-perceived communication competence of at-risk students. Communication Education, 41(4), 1992, 345-360.

234. Chomsky, N. Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, May 1965, 261 p. 265.

235. Chomsky N. Language and mind. 3rd ed. Cambridge: Cambridge University Press, 2006.

236. Chomsky N. Syntactic Structures. Mouton, 1957, 117 p.

237. Daniels M. Developing and Assessing Professional Competencies: a Pipe Dream?, Uppsala University, Sweden, 2011, 108 p.

238. Delamare F, Winterton J. What is Competence? – Human Resource Development International, Vol. 8, No.1, March 2005, P.28.

239. Diane Larsen Freeman and Marti Anderson. Techniques and Principles in Language taching. Third edition, Oxford. 2016. 252–P. 149-150–Pages.

240. Effendi M.S., Rokhyati U., Rachman U.A., Rakhmawati A.D., Pertiwi D. A Study on Grammar Teaching at an English Education Department in an EFL

Context. International Journal on Studies in English Language and Literature (IJSELL), 5 (1), 2017, 42-46.

241. E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC 2013. P. 42-45.

242. Farrell T.S., Lim P.C.P. Conceptions of Grammar Teaching: A Case Study of Teachers' Beliefs and Classroom Practices. TESL-EJ, 9(2), 2005, 1-13.

243. Gascoigne C. Toward an understanding of the relationship between L2 reading comprehension and grammatical competence. The Reading Matrix, 5(2), 2005, 1-14.

244. Graham Stanley. Language Learning with Technology (Cambridge Handbooks for Language Teachers). –Cambridge University Press: 2013. P-275.

245. Haliday M. «I personal Perspective». In On Grammar, Vol. 1 in The collcted Works, pp. 7,14.

246. Hall J.K.. 'A prosaics of interaction: The development of interactional competence in another language', in E. Hinkel (Ed.), Culture in second language teaching and learning. New York: Cambridge University Press,1999, 137-151.

247. Harmer Jeremy. The Practice of English Language Teaching: 3rd edition. – Longman.: 2001. – 384 p.

248. Harry Collis "101 American English Idioms: Understanding and speaking English Like an American". – USA: PASSPORT BOOKS, 1987. –111p.

249. Heidari F., Alavi S. A. Knowledge of Grammar, Oral Communication Strategies, and oral Fluency: A Study of Iranian EFL Learners. Iranian Journal of Applied Language Studies, 2015, 7(1), 83-104.

250. Huang C.P. Exploring factors affecting the use of oral communication strategies. Long Hua Technology University Journal,30, 2010, 85-104.

251. Huang Y.H. Does EFL Students' Grammatical Ability Account for Writing Ability? A Case Study. Chia Nan Annual Bulletin, 37, 2011, 500-515.

252. Hutmacher W. Key competencies for Europe // Report of the Symposium. Berne, Switzerland, 27-30 march 1996. Council for Cultural Cooperation (CDCC) // Secondary Education for Europe. Strasburg. - 1997.

253. Jack C.Richards and Theodore S.Rodgers. Approaches and Methods in Language Teaching: Third Edition.: 2014, 416-P.

254. Jennifer Seidl. English Idioms Exercises on Idioms. – USA: Thompson, 1992. – 294 p.

255. Jon Wright. Idioms organizer. – USA: Thompson, 1992. – 234 p.

Jordan G. Theory construction in second language acquisition. Amsterdam and Philadelphia: JohnBenjamins, 2014.

256. Jones S., Myhill D., Bailey T. Grammar for writing? An investigation of the effects of contextualised grammar teaching on students' writing. Reading and Writing, 26(8), 2013, 1241-1263.

257. Karimkhani F. The relationship between EFL learners' writing performance with their grammar knowledge, writing strategy use and self-esteem. Advances in Asian Social Sciences (AASS), 7(2), 2016, 1189-1196.

258. Liao Y.F. Investigating the construct validity of the grammar and vocabulary section and the listening section of the ECCE: Lexico-grammatical ability as a predictor of L2 listening ability. Spaan fellow, 1001, 37, 2007, 37-116.

259. López A.L. To what extent does grammar knowledge account for competence in FL reading comprehension in university students. RESLA, 21,2008, 181-200.

260. Meyer H., Klapper A. Unterrichtsstandards für ein kompetenzorientiertes Lernen und Lehren // Auf den Anfang kommt es an: Kompetenzen entwickeln –Kompetenzen stärken. Wiesbaden, 2006, P.98.

261. Modern languages: learning, teaching, assessment: acommon European framework of reference. Strasburg, 1996. 260 p.

262. Mokhtari K., Thompson H.B. How problems of reading fluency and comprehension are related to difficulties in syntactic awareness skills among fifth graders. Literacy Research and Instruction, 2006, 46(1), 73-94.

263. Murthy K..V.N.K., Krishna G.L., Dasaradhi K.. Syntactic Awareness and Reading Ability. AGU International Journal of Research in Social Sciences & Humanities, 5, 2017, 533-539.

264. Myhill D.A., Jones, S.M., Lines H., WatsonA. Re-thinking grammar: the impact of embedded grammar teaching on students' writing and students' metalinguistic understanding. Research Papers in Education, 2012, 27 (2),139-166.

265. Nishad Chathamkulam Abdulrahman,Emad A. S. Abu-Ayyash. Linguistic competence, Communicative Competence and Interactional Competence. - JOURNAL OF ADVANCES IN LINGUISTICS Vol 10 (2019) ISSN: 2348-3024. - 1600-1616.

266. Oh E. Comparative studies on the roles of linguistic knowledge and sentence processing speed in L2 listening and reading comprehension in an EFL tertiary setting. Reading Psychology,37(2), 2016, 257-285.

267. Oliver R., Haig Y., Rochecouste, J. Communicative competence in oral language assessment. Language and education, 19(3), 2005, 212-222.

268. Pazaver A., Wang H. Asian students' perceptions of grammar teaching in the ESL classroom. The International Journal of Language Society and Culture, 27, 2009, 27-35.

269. Pit Corder. The visual Element in Language Teaching. – Oxford University Press: 2010. 5–P.

270. Phipps S., Borg S. Exploring tensions between teachers' grammar teaching beliefs and practices. System, 37(3), 2009, 380-390.

271. Ramin Akbari. Postmethod Discource and Practice. The Forum. Tesol Quarterly. Vol. 42, # 4, December 2008. –P. 641-652.

272. Rajabi P., Dezhkam E. The effect of explicit grammar instruction on improving writing accuracy of Iranian EFL learners. Journal of ELT and Applied Linguistics (JELTAL), 2014, 2(1), 61-76.

273. Raven J. Competence in modern society: Identification, Development and Re lease. – Oxford: Oxford Psychologists Press. – 1984. – 45-53.

274. Priyanto A. The Correlation Between English Grammar Competence and Speaking Fluency of Eleventh Grade Students in SMAN 1 Sidoarjo. RETAIN, 2013, 1(1), 1-6.

275. Saaristo P. Grammar is the heart of language: Grammar and its role in language learning among Finnish University students. Voices of pedagogical development-expanding, enhancing and exploring higher education language learning, 2015, 279-318.

276. Sadeghi K., Azad Mousavi M., Javidi S. Relationship Between EFL Learners' Saville-Troike M. The Ethnography of Communication: An Introduction. 3 rd ed. Oxford: Black well Publishing Ltd, 2003.

277. Self-Perceived Communication Competence and Their Task-Based and Task-Free Self-Assessment of Speaking. Research in Applied Linguistics, 8(2), 2017, 31-50.

278. Taha W.A., Reishaan A.K.. The Relationship between Competence and Performance: Towards a Comprehensive TG Grammar. Adab al-kufa journal, 1(2), 2008, 35-59.

279. Tracy K., Robles J.S. Everyday talk: Building and reflecting identities.2nd ed. New York: Guilford Press., 2013.

280. The pedagogy of the Massive Open Online Course: the UK view. Siân Bayne and Jen Ross, the University of Edinburgh. The Higher Education Academy, 2013.

281. Thornbury S.. An A-Z of ELT. Oxford: Macmillan Education, 2006.

282. Tienson J.Linguistic Competence. Transactions of the Nebraska Academy of Sciences, XI, 1983, 99-194.

283. Tuan V. V. Communicative Competence of the Fourth Year Students: Basis for Proposed English Language Program. English Language Teaching, 10(7), 2017, 104-122.

284. Wahyuni D. Ihsan, D.R. Hayati. Linguistic Competence and Speaking Performance of English Education Study Program Students of Sriwijaya University. Journal of English Literacy Education, 2015, 1(2), 83-92.

285. Yoon S., Hoshi K., Zhao H. The Evolution of Asian ESL Students' Perceptions of Grammar: Case Studies of 9 Learners. Carleton Papers in Applied Language Studies, 2004, 117-152.

286. Yoon S., Hoshi K., Zhao H. The Evolution of Asian ESL Students' Perceptions of Grammar: Case Studies of 9 Learners. Carleton Papers in Applied Language Studies, 2004, 117-152.

287. Young R.F. 'Interactional competence in language learning, teaching, and testing', in E. Hinkel (Ed.), Handbook of research in second language teaching and learning. London & New York: Routledge, 2011, 426-443.

V. Интернет манбалари

286. www.coe/lang- CEFR

287. http://www.une.edu.au (University of New England, Australia)

288. http://www.massey.ac.nz (Massey University, New Zealand)

289. http://www.ola.bc.ca (Open Learning Agency, Canada)

290. http://www.open.ac.uk (United Kingdom Open University)

ИЛОВАЛАР

1-жадвал

Компетентликни баҳолаш мезони

Т/Р	Компетентликнинг таркибий қисмлари	Компетентликни баҳолаш мезонлари
1	*Тайёргарлик*	Махсус хусусиятлар, ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш хусусиятлари, ўрганиш қобилияти, типологик хусусиятлар ва бошқалар
2	*Билим*	Компетентлик, стереотиплар, билим, компетентлик билан боғлиқ бўлган ўрганишнинг устунлиги ҳақидаги тасаввурнинг мавжудлиги
3	*Тажриба*	Компетентликка яқин ёки айнан унга мос келадиган масала ва топшириқларни бажариш
4	*Муносабат*	Компетентликни амалга ошириш ёки фаолият компетентлиги билан боғлиқ ҳолда ўзига ва бошқаларга нисбатан муносабатларнинг шаклланиши
5	*Мунтазамлик*	Компетентликка боғлиқ амалларга “туртки”ларни назорат қилиш қобилияти, матонат, қатъият, сабрлилик, компетентликни амалга ошириш билан боғлиқ мақсадга эришишдаги тўсиқларни забт этишга тайёргарлик

2-жадвал

Электрон таълимдаги етакчи тамойиллар

Т/Р	Тамойиллар	Тамойилларнинг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари
1	*Ташкилий*	Ташкилий жиҳат маъмурий ва академик, шунингдек, электрон таълим масалаларида талабаларга ёрдам кўрсатиш имкониятларини ўз ичига олади
2	*Бошқарув*	Электрон таълимни бошқариш – бу таълим муҳитини таъминлаш ва ахборотни тақсимлаш ҳисобланади
3	*Технологик*	Ушбу жиҳат электрон таълим муҳитида инфраструктура масалаларини ўргатади ва инфраструктурани, ускунани ва дастурий таъминотни режалаштиришдан иборат.
4	*Педагогик*	Ўқитиш ва таълим масалалари киради. Ушбу жиҳат таркибини таҳлил қилиш, аудиторияни таҳлил қилиш, мақсадлар, воситалар, дизайнни, ташкилот стратегияси ва ўқитишни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқади.
5	*Ахлоқий*	Электрон таълимнинг ахлоқий жиҳати ижтимоий ва сиёсий таъсирларга, маданий хилма-хилликка, огоҳлантириш муаммоларига, шунингдек географик ва талабалик хилма-хиллиги, рақамли бўлинишга, ахлоқий ва ҳуқуқий масалаларга тааллуқли бўлади.
6	*Интерфейс дизайни*	Интерфейс дизайни электрон ўқитиш дастурининг умумий кўринишини ўз ичига олади. Интерфейс дизайни жиҳати саҳифа ва таркибининг дизайнидан, навигациядан, қулайлик ва тестлашдан иборатдир.
7	*Ресурсларни таъминлаш*	Электрон таълимнинг ушбу жиҳати онлайн таъминлашни ва тўлиқ ўқитишни таъминлаш учун зарур бўлган ресурсларни ўз ичига олади.
8	*Таҳлил*	Электрон таълимни баҳолаш (таҳлил қилиш) талабаларни баҳолаш каби ўқитишни ва таълим муҳитини баҳолашдан иборат.

3-жадвал

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий-педагогик компетентлигининг мазмунли ташкил этувчилари ва тамойиллар орасидаги боғлиқлик

Т/р	**Тамойиллар**	**Мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари**	**Амалга ошириш йўллари, тегишли тавсиялар**
1.	*Фундаменталлик тамойили*	Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий тайёргарлиги мақсад эмас, балки унинг воситаси ва шунинг учун эгалланадиган касб эҳтиёжларига мос бўлиш керак.	Мутахассислик фанларни ўрганиш давомида ўқитиш ҳаёт билан боғлашга алоҳида эътибор берилади, шу билан бирга ўрганилаётган фан назариясининг методика, педагогика, психология фанлари билан боғланишни намоён этувчи мавзулар қаралади. Бу тадқиқотимизга дахлдор лингвистик (фразеологик, нутқ, лексик, грамматик ва ҳ.к) ва педагогик компетенцияга доир асосий тушунчаларни пухта ўзлаштириб олишларига имконият яратади.
2.	*Бинарлик тамойил*	Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси нафақат асосий назарий маълумотлар ва амалий билимларга эга бўлиши, балки уларни бўлажак касбий фаолиятида моҳирона қўллашни билишлари, бу борада муайян интеллектуал ва нутқ қобилиятларини ўстиришлари зарур	Ўқув машғулотга доир муаммоли ҳолатни яратиш, лингвистик матнларни тўғри танлаш, ёзиш ва ўқиш асосини таъминлайди. Шу билан бирга режалаштирилган ва мақсадга йўналтирилган, асосланган таъминотни амалга ошириш бўлажак инглиз тили ўқитувчисини ўрганилаётган лингвистик матн ва материалларни доимий методик ва қайта ишлашга ўргатади. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий тайёргарлигида илмий-методик йўлларнинг ўрганишга мослиги
3.	*Илғор ғоя таъминоти*	Хорижий лингвистик (фразеологик, нутқ, лексик, грамматик) компетенцияси элементларини қуйи таълим муассасалари инглиз тили фанларига киритиш натижаси қуйи таълим ва педагогик олий таълим муассасалари орасидаги фарқни қисқартиради.	Лингвистик компетенцияга дахлдор мавзулар бўйича машғулотларни, ўқув материалларини, лингвистик матнларини танлаш ва баён қилиш усулига эътибор берган ҳолда бевосита қуйи таълим муассасалари инглиз тили дарсликларига мурожаат қилиш зарур.

4.	*Узлуксизлик тамойили*	Таълим олувчилар томонидан қуйи таълим муассасалари инглиз тили фанларидан олинган билим, кўникма ва малакалар ҳамда педагогика ОТМда эгаллаган билим, малака ва кўникмалар орасида узлуксизлик тамойилига мос мантиқий кетма-кетлик, ўқитиш мазмуни ва усулларининг ўзаро боғлиқлигини амалга оширувчи узлуксиз боғланиш бўлиши зарур	Лингвистик компетенция (фразеологик, нутқ, лексик, грамматик)ларга дахлдор матнлар бўйича шуғулланганда талабалар компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш, янги назарий маълумотларни ўрганиш, олдиндан маълум бўлган лисоний матн материалини чуқурроқ тушуниш, ОТМда таълимни бериш давомида узлуксиз олиб бориш зарур
5.	*Ахборотлаштириш тамойили*	Ушбу тамойилни амалга ошириш хорижий тил таълим тизимидаги ўзгаришларни, ахборот коммуникация технологияларини қўллаб ўқитишнинг янги методикаларини яратишни назарда тутади.	Ўқитувчиларнинг ахборот маданияти, замонавий компьютер техникасининг катта имкониятлари ва уларни ўқув жараёнида қўллашни билиш рақамли таълим бериш жараёнида ахборотлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Айниқса, назорат, таҳлил, синтез ва бошқа вазифаларни амалга оширишда қобилиятнинг ўрни алоҳида. Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнида лингвистик компетенциясига дахлдор матнлар ва тестлар устида ишлашда замонавий компьютерларнинг катта имкониятларидан унумли фойдаланилади. Натижада мураккаблик даражасига кўра, хилма-хил лингвистик матнлар ва тест вариантларидан самарали фойдаланишни таклиф этамиз.
6.	*Компетентли ёндашув тамойили*	Бу тамойил ўқитишнинг касбий–педагогик йўналтирилганлигини, назарий ва амалий билимлар, лингвистик компонентини тавсифловчи малакалар тўплаш, педагогик мулоқот, ўз-ўзини такомиллаштиришнинг	Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида компетентликнинг шаклланиши ва ривожланиши асосий компенентларни билимларга, мулоқотда ва ўз-ўзини такомиллаштиришга, педагогик ОТМда инглиз тили ўқитишнинг касбий

		асоси бўлган тизим каби қарашга имкон беради.	педагогик йўналтирилганлик концепциясига мос малакалардан иборат тизимда амалга оширилиши зарур
	Хулоса: 1. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компенентлигини шакллантиришнинг дидактик асосларида таъкидланган олтита тамойил етакчилик қилади. 2. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини шакллантиришда, энг аввало, мутахассислик ва педагогика-психология фанларининг ўрни катта . Уларни босқичма-босқич ўқитиш-ўрганишда қайд этилган тамойиллар ва бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий компенентлигининг мазмунини ташкил этувчи орасида муайян боғлиқлар мавжуд.		

4-жадвал

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мутахассислик фанлари бўйича бажарадиган мустақил ишлари мазмуни

Т/Р	**Таълим турлари**	**Мустақил ишларнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари, тегишли тавсиялар**
1	*Мобиль таълим*	–ўқув машғулотларига назарий жиҳатдан тайёрланиш, яъни муайян фан маъруза матнлари, фан дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларнинг матнлари, водкастлар, тегишли мавзуларга оид видео материаллари, фандаги амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари баённларини ўрганиш; – муайян мавжуд ёки берилган топшириқлар бўйича тегишли ахборот излаш, яъни соҳа қизиқишларидан келиб тақдим этилган дайжест орқали интернет материалларини ўрганиш; – *FAQ* (кўп сўраладиган саволлар банки)дан ўзини қизиқтирган муаммоларга ўргатувчи дастурлар воситасида мустақил равишда жавоб излаш; –*Folrym* усули орқали, яъни фан мавзулари бўйича телеграмм каналлари ёки масофавий таълим платформаларида фикр алмашиш, муайян кузатувларга инглиз тилида муносабат билдириш; – тест ечиш, яъни ўргатувчи тест дастурларида тинимсиз шуғулланиш орқали фан модулига оид лисоний машқлар ёки адабий-бадиий матнларни мустаҳкамлаш; – назорат ишига пухта тайёрланиш, яъни муайян фан бўйича кутилаётган оралиқ ва якуний назоратларга тайёргарлик кўриш орқали бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлиги шакллантирилади ва лингвистик компетенцияси такомиллаштирилади.
2	*Электрон таълим*	–*Link усули орқали,* яъни интернет ҳаволасини очиб, маълумотлар банкида берилган ўқув машғулотларига оид видео, лисоний машқли матн ёки адабий-бадиий матн шаклдаги материалларни белгиланган ҳажмда инглиз тилида изоҳлаш;

		–*Chart усули орқали,* яъни мутахассислик фанларига оид бирор мавзуга дахлдор жадвал, диаграмма ёки схемаларни чекланган ҳажмда инглиз тилида таҳлил қилиш; –*Q/A усули орқали,* яъни масофавий таълим платформасида профессор-ўқитувчи томонидан берилган топшириқлар ёки саволларга белгиланган ҳажмда инглиз тилида ёзма жавоб тайёрлаш; – *Periev усули орқали,* яъни мустақил таълим учун тавсия этилган илмий-услубий адабиётларга ёки бирор илмий мақолага инглиз тилида резюме-аннотация ёзиш; – *SWOT усули орқали,* яъни бўлажак инглиз тили ўқитувчиси мутахассислик фанларига оид бирор лингвистик тушунчани чекланган ҳажмда инглиз тилида таҳлил этиш; – *Intenview усули орқали,* яъни мутахассис фанларнинг бирор турига мансуб муаммони тадқиқ этиш бўйича инглиз тилида суҳбат уюштириш ва уни масофавий таълим платформасига инглиз тилида юклаш; – *Google Appc-Google Classroom платформасида* профессор-ўқитувчилар ҳамкорлигида мутахассислик фанларига тегишли турли хил слайдлар, жадваллар, бматн шаклидаги ўқув топшириқларни инглиз тилида бажариш; – *Дайжест усули орқали,* яъни мутахассислик фанларидан берилган бирор мавзу бўйича интернет-ҳаволалар тўпламини яратиш, картотека тузиш ва уларни инглиз тилида қисқача изоҳлаш; – *Report усули орқали,* яъни бўлажак инглиз тили ўқитувчилари мутахассислик фанларининг амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича тайёрлаган мустақил иш вазифалари матнини масофавий таълим платформасига инглиз тилида киритиш ва бошқалар
3	*Анъанавий таълим*	– муайян топшириқни бажариш-мутахассислик фанларнинг амалий машғулотлари бўйича берилган вазифаларни мустақил бажариш ва уни инглиз тилида тақдим қилиш; – муайян мавзу бўйича мақола, реферат, битирув ишини тайёрлаш (бунда қўйилган муаммонинг ёзма баёни, илмий-адабий манбалар шарҳи, шунингдек, бирор илмий иш, китоблар, масалан, монографик тадқиқотлар таҳлили инглиз тилида баён қилинади); – мутахассислик фанлари бўйича коллоквиум ўтказиш, яъни ўқув кредит-модели назарий қисмининг ўзлаштиришни текшириш мақсадида инглиз тилида амалий ва илмий-ижодий суҳбатлар уюштириш, ўзаро бир-бири билан фикр алмашиш, тегишли методик тавсиялар бериш ва қабул қилиш;

		–эссе ёки ҳикоя орқали бирор долзарб мавзу бўйича шаҳсий фикрини танқидий руҳда, публицистик ва бошқа жанрларда инглиз тилида ёзма баён қилиш; –тақдимот тайёрлаш, яъни мутахассислик фанларининг муайян долзарб мавзулари бўйича тегишли ва видео материаллар воситасида инглиз тилида чиқишлар қилиб, эркин фикр-мулоҳазалар билдириш; – кейс-стади усули орқали муайян фан мазмун-моҳиятига дахлдор муаммоли вазиятлар бўйича инглиз тилидаги белгиланган шаклдаги топшириқлар ёки уй вазифалари бўйича ечим излаш; – лисоний ўйинлар орқали касбий-педагогик фаолият жараёнларини имитиция қилиш, олинган назарий ва амалий билимлар орқали касбий кўникмалар орттириш; муайян фан орқали берилган мавзу ва топшириқлар бўйича атамаларни излаб топиш, қисқача изоҳлаш, ёндош фанлар бўйича глоссарий-атамалар луғатини инглиз тилида яратиш; – мутахассислик фанларидан ёзиладиган курс ишлари орқали тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни атрофлича ўрганиб чиқиш, услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган ёзма ишларини инглиз тилида бажариш; –мутахассисликка мос фан тўгаракларида фаол иштирок этиш мақсадида тегишли макет, слайд намуналари каби кўргазмали материалларини инглиз тилида тайёрлаш; – талабанинг профессор-ўқитувчи раҳбарлигида мутахассисликка мос танловларда иштирок этиш (“Ёш тилшунос”, “Ёш таржимон”, талабалар стартап лойиҳалари ва ҳ.к.); – мутахассислик фанлари бўйича ОТМлар ўртасида ўтказиладиган фанлар бўйича (инглиз тили, инглиз адабиёти, нутқ маданияти ва ҳ.к.) олимпиадаларда фаол қатнашиш; – мутахассислик фанларига оид илмий-тадқиқот мавзулари бўйича ОТМ, Республика ва халқаро миқёсларда ўтказиладиган илмий-анжуманларда, давра суҳбатларида инглиз тилида маъруза қилиш; – ОТМ, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларининг тўпламларида тезис ёки мақолаларни илмий журналларда чоп этиш; – “Устоз-шогирд” тизимида илмий раҳбар билан ҳамкорликда ўқув-услубий материаллар (дарслик ўқув қўлланма, услубий кўрсатма ва ҳ.к.)ни тайёрлашда иштирок этиш каби қатор омиллар орқали бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлиги шакллантирилади ва лингвистик компетенцияси такомиллаштирилади.

5-жадвал

Электрон шаклдаги мустақил ишларини баҳолаш мезонлари

Ҳарфли тизимдаги баҳо	**Ўзлаштирилган балларнинг рақамли эквиваленти**	**Рақамли кўрсаткич фоизи**	**Анъанавий усулдаги баҳо**
A	4,0	95-100	Аъло
A	3,67	90-94	Аъло
B+	3,33	85-89	Яхши
B	3,0	80-84	Яхши
B-	2,67	75-79	Яхши
C+	2,33	70-74	Қониқарли
C	2,0	65-69	Қониқарли
C-	1,67	60-64	Қониқарли
Д	1,33	55-59	Қониқарли
Д+	1,0	50-54	Қониқарсиз
F	0	0-49	Қониқарсиз

6-жадвал

Масофавийтаълим платформасидаги рақамли таълимнинг етакчи шакллари

Т/Р	**Рақамли таълим шакллари**	**мазмун-моҳияти ва тегишли тавсиялар**
1	*Q /A*	саволларга чекланган ҳолда жавоб ёзиш
2	*Chart*	жадвал, диаграмма ва схемаларни чекланган ҳажмда таҳлил қилиш
3	*Link*	интернет – ҳаволага аннотация ёзиш);
4	*Review*	берилган манбага шарҳ ёзиш
5	*SWOT*	муаммони *SWOT* – таҳлил қилиш
6	*Google Apps*	*Google* иловаларда гуруҳ бўлиб ҳужжат, жадвал, тақдимот ва тестлар тайёрлаш
7	*Interview*	бошқаларнинг муаммога нисбатан фикрини ўрганиш
8	*LabReport*	лаборатория ишлари бўйича ҳисобот тайёрлаш

7-жадвал

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришдаги назоратлар

Т/Р	**Назорат турлари**	**Бажарилган ишларнинг мазмун-моҳияти, тегишли тавсиялар ва тавсифлар**
1	*оғзаки сўров орқали*	умумкасбий ва мутахассислик фанларининг бир ёки неча бўлишини ўрганиб бўлгандан кейин, уларга тегишли савол-жавоб қилинди ва берилган топшириқлар мустақил ўзлаштиришга тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётлардаги тегишли мавзулар муҳокама қилинди; сўнггра, умумлаштирилиб хулосалар чиқарилди;
2	*ёзма иш орқали:*	умумкасбий ва мутахассислик фанларнинг алоҳида бўлимлари бўйича берилган мавзулар ёки топшириқлар муҳокама қилингандан кейин, асосий, қўшимча адабиётлардаги қўйилган илмий-назарий масалалар таҳлил этилди, кейинги босқичда амалий топшириқларни бажариш

		бўйича ёзма ишлар олинди ва улар баҳоланди; юқори кўрсатгичга эга бўлган талабалар рағбатлантирилди ва паст натижаларга эришганларга тегишли методик кўрсатмалар берилди;
3	*комбинарланган сўров орқали*	умумкасбий ва мутахассислик фанлар бўйича бир вақтнинг ўзида ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклдаги назорат турлари ўтказилди ва баҳоланди; уларнинг натижалари эълон қилиниб, тегишли методик маслаҳатлар берилди;
4	*уй вазифаси орқали*	берилган лисоний машқ ва матнли топшириқларни ҳимоя қилиш ва тақдимот ўтказиш орқали якка тартибда ва гуруҳли уй вазифаларини тўғри бажарилганлигини, талабаларнинг ўтилган ўқув материалларни умумлаштириш ва уни аудиторияга тақдим қилиш, фан мавзулари бўйича мантиқий боғлиқни кузатиш кўникмаларига эришганлиги текширилди ва улар ҳам баҳоланди;
5	*бахс-мунозаралар, тренинглар, думалоқ столлар, кейс-стадилар орқали:*	умумкасбий ва мутахассислик фанларига дахлдор муайян бўлимлар, мавзулар ёки муаммоли характер касб этувчи топшириқлар бўйича мустақил фикрлаш ва тегишли қарорлар қабул қилиш кўникмаларини намоён қилувчи долзарб масалалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб муҳокама қилинди
6	*тестлар орқали*	таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари касбий-педагогик компетентлигининг қайдаражада шаклланганлигини аниқлаш ва уларни баҳолаш учун мураккаблиги жиҳатдан хилма-хил даражаларга эга бўлган тест вариантларидан фойдаланилди. Бундай материаллар компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда тавсия этилган тест вариантлардаги тўғри жавобларни белгилаш, матн таркибидан лингвистик компетенция ва касбий-педагогик компетентликка дахлдор назарий-амалий билимларнинг жавобини топиш орқали мустақил топшириқларни бажариш заруриятига асосланди. Бунинг учун мутахассислик фанларидаги муайян мавзулар ичидаги билимларни ўзлаштириш даражаларини баҳолаш мақсадида ДТС талаблари ва ўқув дастури мазмунини ўзида тўлиқ акс эттирувчи, қийинчилик даражалари турлича бўлган 600 тадан кам бўлмаган лингвистик компетенцияга ва касбий-педагогик компетентликка дахлдор тест саволлари банки тузилди ва 300 та лисоний машқлар (тайёрлов, нутқ, таржима ва бошқа машқлар) матни тавсия этилди
7	*курс ишлари орқали*	муайян мутахассислик фанидан олинган назарий материалларни амалий машғулотлардаги лисоний машқлар, инглиз тилига таржима қилишга оид топшириқлар, курс ишларини бажариш ҳисобига сифатли ўзлаштиришга эришилди ва улар тегишли баҳо тизими орқали баҳоланди.
	Хулоса. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мутахассислик фанлар бўйича эгаллаган илмий-назарий ва амалий билимларини ўзлаштириш кўрсаткичлари мониторингини амалга ошириш учун электрон тизимни маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш ҳамда талабаларнинг бу борадаги ўзлаштириш даражасининг доимий назоратини олиб бориш тизими шакллантирилди. Амалга оширилган ишлар натижасида талабаларнинг бу борадаги ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланди ва баҳоланди.	

8-жадвал

“Инглиз тили амалий курси”нинг асосий дидактик тамойиллари

Т/р	**Дидактик тамойиллар**	**Мазмун-моҳиятининг ифодаланиши**	**Бажариладиган вазифалар ва тегишли тавсиялар**
1.	*Мажмуавий ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш тамойили*	Ижтимоий тарбия, ижодий фаолият, ҳиссиётли-қадриятли муносабатлар тажрибаси элементлари	Белгиланган ўқув машғулотлари (дарс ҳолатлари)ни ўрганиб чиқиш, талабанинг шахсий тажрибасига мурожаат
.	*Илмий тамойил*	Илмий ўрганиш усуллари, фаннинг жаҳон миқёсида ривожланиш қонуниятлари	Фан методологияси, инглиз тилининг фалсафий-тарихий босқичлари, илмий назариялар ва лингвистик компетенциялар даражасида туркумлаштириш ва умумлаштириш
3.	*Тартиблилик, кетма-кетлик тамойили*	Алоҳида ўрганиладиган бўлимлар ва уларга дахлдор мавзуларнинг мазмунли мантиқий боғланишлари	Мазмуний-мантиқий лингвистик концепциялар, бўлимлар ва тегишли мавзуларнинг муайян таҳлили
4.	*Тизимлилик тамойили*	Тизимли боғланишлар, умуммиллий атамалар (фонетик, лексик, фразеологик, морфологик, синтактик ҳ.к) ва уларга дахлдор лингвистик компетенциялар	Инглиз тилининг алоҳида илмий бўлимларининг (масалан, лингвистик компетенциялар) назариясини бошқа мутахассислик фанлар ва ўқув предметлари билан бирга ўрганиш
5.	*Фанлараро боғланиш тамойили*	Мазмуни ва мақсади ўхшаш бўлган мутахассислик фанлар учун умумий бўлган назариялар, атамалар ва тушунчаларини ўрганиш	Инглиз тилининг алоҳида бўлимлари ёки мавзуларининг бошқа ихтисослик фанлар ва ўқув предметлари билан боғланишларини аниқлаш.
6.	*Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, ҳаётга боғлаб ўқитиш тамойили*	Фаолиятнинг моддий амалий характердаги турлари, бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг дунёқарашини кенгайтирувчи ахборот	Касбий-педагогик қобилиятни ўрганиш. Шахсий сифатларнинг таҳлили. Индивидуал таълим “йўл харитаси”ни тузиш.Инглиз тили ўқитувчисида зарур бўлган билим ва кўникмаларни таҳлил қилиш ва шакллантириш
7.	*Касбий-педагогик йўналтирилган тамойили*	Фаолиятнинг касбий-педагогик амалиётли турларини киритиш	Таълимнинг кредит-модуль тизимида амалий машғулотларни олиб бориш, ролли ўйинлар, дарс

			ишланмаларини танлаш ва уларнинг таҳлили, лингвистик компетенцияга дахлдор матнларни танлаш ва уларнинг таҳлили, тегишли адабиётлар асосида лисоний матнлар тузиш, турини ажратиш, тегишли маълумотларни тайёрлаш, ҳамкорликдаги ишни ташкил этиш, ўқув тақдимотларини муҳокамага тайёрлаш, ўтказиш ва ҳ.к.
8.	*Кўргазмалилик тамойили*	Ҳозирги таълим тизимига кириб келган кредит-модуллар билан ишлаш, ҳаётий тажриба: ўқитишнинг хилма-хил кўргазмали воситаларини тайёрлаш ва уларни таълим тизимига тавсия этиш ва қўллаш	Асосий модулларнинг таҳлили, уларни тайёрлаш ва қўллаш. Кўргазмалилик, модуллар билан ишлаш қобилиятини ривожлантириш
9.	*Тушунарлилик тамойили*	Тавсия қилинган лисоний матн ёки топшириқнинг ҳажмли ва мураккаблик даражасидаги мосликни аниқлаш	Тестлар ёки топшириқлар асосида талабаларнинг билим даражаси, ўзлаштирилганлик ҳолати, ўқимишлилик ва ўқитиш даражасининг таҳлили
10.	*Ўқитишни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш тамойили*	Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мақсадлари, қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олиш	Мураккаблик даражаси хилма-хил бўлган тест вариантлари, матн устида ишлаш индивидуал топшириқлар, хулоса сифатида муҳокама ўтказиш.
11.	*Ижодга муносабат ва мотивация*	Мазмунда инглиз тили тарихи ва жаҳон тиллари орасидаги тутган ўрни, ўқитишнинг фан соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар акс эттирилиши, ўқитиш ва касбий-педагогик фаолиятни асослашни шакллантириш	Инглиз тилига дахлдор илмий ишларини ўрганиш, лингвистик компетенция турларига дахлдор илмий ва илмий оммабоп адабиётлар билан танишиш, уларни конспектлаштириш, шарҳлаш ва асослашни ўрганиш, ҳаётий режаларнинг таҳлили илмий мақолалар ёзиш
	***Хулоса*:** қайд этилган дидактик тамойилларга дахлдор барча назарий маълумотларни бўлажак инглиз тили ўқитувчиси онгли ва амалий равишда тўлиқ ўзлаштирсагина, унинг шахсий фаолиятида лингвистик компетенциялар шакллантирилади ва ривожлантирилади. Бу омил уларнинг касбий-педагогик ва шахсий шаклланишига ёрдам берувчи, мутахассис сифатида тайёрловчи ижтимоий- ҳаётий омил бўла олади.		

9-жадвал

Умумкасбий ва ихтисослик фанларининг асосий тузилмавий таркиби

Т/Р	Босқичлар, кўрсаткичлари	Асосий босқич	Чуқурлаштирилган босқич	Касбга йўналтирилган босқич
1	*Мавзуларга дахлдор лингвистик матнлар таҳлили*	Қуйи таълим муассасалари (мактаб ва академик лицей)даги инглиз тили курслари бўйича билимларни мустаҳкамлаш	Кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган хорижий- (инглиз) лингвистик билимларни ўзлаштириш	Ўзи ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, ўз имкониятларини англаш, ўқув материалини тизимлаштириш ва туркумлаштириш
2.	*Лингвистик машқлар ва топшириқлар*	Қуйи таълим муассасалари (мактаб ва лицей) даражаси	Кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган	Инглиз тили ҳақида ўқув предмети сифатида бутун тасаввурлар
3.	*Хорижий филологиянинг устунлик қилувчи тури*	Репродуктив	Репродуктив, қисман самарали	Самарали, тадқиқотчилик
.	*Ўқув жараёнини бошқариш*	Қисман назорат қилувчи	Тўлиқ назорат қилиш	Мустақил иш (мустақил таълим)
5.	*Дастлабки босқич*	Қуйи таълим муассасалари (мактаб, академик лицей) босқичи билимларини тизимлаштириш	Янги маълумотларни тақдим қилиш	Ўқув машғулотларни онгли ва самарали ўзлаштириш кўникмасини шакллантириш, тегишли адабиётлардан лингвистик маълумотларни топиш ва ўзлаштириш
6.	*Ижро босқичи*	Қуйи таълим муассасалари (мактаб ва академик лицей) инглиз тили фанлари билимларидаги муайян бўшлиқларни бартараф этиш	Янги билимларни ўзлаштириш, янги ахборотларни таҳлил қилиш	Ўқув ахборотни онгли ва самарали ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш, тегишли адабиётлардан
7.	*Маҳорат босқичи*	Тест топшириқлари, кредит-модул тизимидаги	Чуқурлаштирилган тест топшириқлари ва лисоний матнлар таҳлили, илмий-	Турли даражадаги лингвистик материалларни танлаш, уларни

		янги лингвистик матнлар таҳлили	назарий адабиётлар мазмунидан хабардорлик	таржимада ихчамлаштириш ва мураккаблаштириш, рефератлар ва мақолалар, мустақил ишларни тайёрлаш ва касбий педагогик маълумотларни ўзлаштириш
.	*Ўқитувчи (олий маълумотли мутахассис) фаолияти*	Намуна ва лингвистик матнларни намойиш этиш	Лингвистик материалларни танлаш усулларни кўрсатиш, педагогик малакаларини эгаллаш	Маслаҳат, тушунтириш, муайян йўлга солиб юбориш, методик тавсиялар бериш

10-жадвал

Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари касбий компетентлигини ривожлантирувчи интерфаол ўқитиш усуллари

Т/Р	**Усуллар номлари**	**Бажарган вазифалар тавсифи ва эришилган самаралари**
1	*ББББ жадвали*	Ихтисослик фанларнинг маъруза ва амалий машғулотларида қўлланилган бу усул (“биламан”, “билишни хоҳлайман”, “билим олдим”) орқали талаба ўзининг билимининг қайдаражада эканлигини кузатди, профессор-ўқитувчи эса унга баҳо берди. Талаба машғулот бошида тегишли мавзу бўйича нимани билишини (Б1) ва яна нималарни билишни хоҳлашини (Б2) дафтарига ёзиб қўйди. Ўқув машғулоти тугагандан сўнг, нималарни билиб олганликларини (Б3) тарзида қайд қилиб қўйди
2	*Insert усули*	Бу усул бирор таржима учун берилган матнни ёки уйга вазифа сифатида бажаришга тавсия этилган лисоний материалларни ўрганилаётган тилда ўзлаштиришда қўлланилди. Талаба берилган мантнинг саҳифа ҳошиясига ўз белгиларини қўйиб, уларга салбий ёки ижобий муносабат билдирди. Масалан: “V” – зарур, “-” хато, “+” – янги, “!” - эътибор қилиш, “х“ – ортиқча, “*” - кўчириш керак, “?” – тушунчаларсиз тарзида ифодалади.
3	*Кластер схемаси*	Бу усул мутахассислик фанлардан олинган илмий-назарий маълумотларни эркин ва ўз нутқи бойлиги асосида инглиз тилида баён қилиш учун қўлланилди. Масалан, талаба ўзи хоҳлаган фандаги ўтилган мавзу ёки бирор фаннинг алоҳида мустақил бўлими бўйича лисоний кластер схемасини тузади. Ўртага калит сўз, тармоқларига тегишли мавзуга боғлиқ бошқа лисоний атамалар ёзилади. Улар ҳам ўз навбатида ички тармоқларга ажралиб, унда ҳам ўрганилаётган мавзу муаммоларига дахлдор долзарб лисоний атамалар инглиз тилида ўз ифодасини топиши мумкин.
4	*Венн диаграммаси*	Бу усул ўрганилаётган умумкасбий ва ихтисослик фанлардаги муайян мавзу ёки бериладиган лисоний машқли топшириқларнинг мазмун-моҳиятини, бажарилиши тартибини бир-бири билан таққослаш, ўхшаш мавзуни ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, лисоний машқни таҳлил қилиш учун қўлланилди. Бу усулда талабадан ўхшаш мавзу

		ёки муайян лисоний машқли топшириқларни алоҳида, ўзаро боғлиқ ва умумий жиҳатларни аниқлаб, уларни доирачалар шаклига киритиб, инглиз тилида ифодалаб бериш талаб этилди ва сўнгра баҳоланди.
5	*SWOT таҳлил усули*	Бу усул муайян фанларнинг бирор катта мавзуси ёки бўлимлари бўйича талабаларда инглиз тилида тизимли фикрлаш, бир-бири билан таққослаш, таҳлил қилиш ва ўз фикрини давом эттириш кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилди. *SWOT* атамаси инглизча сўзларнинг қисқартмаси ҳисобланади: *Strenstns* – бирор мавзу ёки алоҳида бўлимнинг ўзига хос ўхшаш жиҳатлари; *Weaknese* – фарқли томонлари; *Opporunites* – такрорий жиҳатлари; *Theats* – ўрганиладиган ва қабул қилинадиган ўринлари. Талаба янги қатордан S, W, O, T ҳарфларини ёзиб, ёнига мавзу ёки бўлимнинг мос сифатларини инглиз тилида алоҳида-алоҳида ёзиб чиқди ва сўнграўқиувчи томонидан баҳоланди.
6	*Балиқ скелети"схемаси* усули	Бу усул талабаларнинг тизимли ижодий, таҳлилий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилди. Балиқ скелетининг бош қисмига– фаннинг мавзуси ёки мустақил бўлими, юқори қисмига – ундаги долзарб муаммолар, пастки қисмига–тасдиқловчи далиллар инглиз тилида ёзилди ва ўқитувчи томонидан баҳоланди. Уни қуйидаги схемадаги каби ифодалаш мумкин:
7	*Ақлий хужум усули*	Бу усул мутахассислик фанларнинг амалий машғулоти мавзусига оид берилган саволларга тегишли жавоблар топиш мақсадида назарий-амалий ғояларни жамлаш ва саралаш учун қўлланилди. Ҳар бир талаба ўзининг шахсий ғояларини илгари суриб, уни инглиз тилида ифодалади. Бу усулнинг кетма-кетлик тарздаги қатор босқичлари мавжуд: дастлаб муаммоли вазият пайдо қилиш; унинг ечимини топиш учун ғоя ёки бирор фикр бериш; сўнгра ечимлар тақдимотини кўриш, эшитиш ва муҳокама қилиш; охирида ечимларни бир-бири билан солиштириш ва тегишли вариантини танлаб хулоса қилиш
8	*Эссе*	Бу усул бирор танланган ёки тавсия этилган мавзу бўйича чекланган ҳажмда ёзиладиган ёзма иш тури (иншо) бўлиб, унда талаба ўқув материали ёки мустақил ишлашга, алоҳида ўрганишга тавсия этилган назарий адабиётдаги мавзу бўйича ўзининг шахсий фикрини инглиз тилида эркин ифода этишга ҳаракат қилди ва сўнгра баҳоланди.
9	*"Зинама-зина" усули*	Мазкур усул орқали талабалар ўзлаштириш учун берилган мавзулар бўйича якка тарзда ўзлаштириб олган билимлари асосидаги фикрини кетма-кетлик, график-жадвал асосида ифода этишди, кейин кичик гуруҳларда инглиз тилида муҳокама қилишди. Гуруҳлар тақдимоти ўтказилиб, улар томонидан тайёрланган ва тавсия этилган график-жадвал материаллари доскага мантиқий поғоналар тарзида қўйиб борилди ва зинама-зина кўриниши ҳосил қилинди
10	*"Тушунчалар таҳлили" усули*	Талабалар ўқув машғулотларида берилган уй вазифаси ёки мустақил топшириққа асосланган муайян мавзу тушунчаларини инглиз тилида ифодаладилар, қисқача таҳлил қилишиб, ўзларининг шахсий фикр-муносабатларини

		билдириб бордилар. Профессор-ўқитувчи гуруҳ жамоасининг фикр-мулоҳазаларини ўқув дастури асосида қўйилган мақсадга йўналтириб турди ва охирида экранга мавзуга алоқадор атамаларнинг изоҳини чиқарди. Талабалар ўзлаштириб олган билимларини таққослашди, бир-бирини ўзаро баҳолашади ва натижада фан соҳасида билимларини мустаҳкамлашдилар.
11	*“Чархпалак”усули.*	Мазкур усул орқали бир неча кичик гуруҳлар профессор-ўқитувчи томонидан берилган лисоний (лексик, фразеологик, грамматик, нутқ, коммуникатив) машқлар ёки алоҳида-алоҳида топшириқлар характеридаги бир неча хилдаги тарқатма материаллардаги белгилаган вазифаларини инглиз тилида бажаришиб, чархпалак айланиш каби бир-бирларига узатишди, ҳар бир гуруҳ бошқаларнинг бажарган вазифасига муайян даражада тузатишлар ёки янги-янги қўшимча фикрлар киритдилар, тарқатма материаллар яна ўзларига қайтиб келиб, охир-оқибатда гуруҳлар берилган топшириқларни янги тузатишлар билан такомиллаштирган ҳолда инглиз тилида тақдимот қилишди, қизғин муҳокама орқали бир-бирини баҳолашди
12	*Бумеранг” усули*	**“**Талаба бажарган иш (топшириқ)ни, энг аввало, ўз кичик гуруҳида, сўнгра эса бошқа кичик гуруҳда инглиз тилида муҳокама қилди, яна ўзининг гуруҳига қайтиб келиб, бажараётган топшириқни умумлаштирди. Охирида гуруҳлар тақдимоти ўтказилди ва ғолиблар аниқланди
13	*“Резюме” усули*	Кичик гуруҳларда бирор мавзуга дахлдор муайян муаммолар инглиз тилида ўрганилиб, таҳлил қилинди ва чиқарилган яхлит хулоса ёзма шаклда ўрганилаётган тилда ифодаланди. Тақдимотда хулоса кўрсатилмади, бошқа талабаларнинг тақдимотга нисбатан фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинди ва янги хулоса инглиз тилида шакллантирилди, натижада, аввалги ёзма хулоса билан солиштирилди ва сўнгра муайян янги хулоса чиқарилди.
14	*“Муаммо” усули*	Дастлаб ўқув машғулотларида бирор мавзуга дахлдор муаммоли видеолавҳа инглиз тилида кўрсатилади. Кичик гуруҳ аъзолари намойиш пайтида муаммоларни машғулот дафтарига ўз вақтига қайд этиб бордилар. Кейин уларнинг ечимлари бўйича ўрганилаётган тилда фикр-мулоҳаза алмашишди, бир-бирини тинглади, шу жараёнда, муаммога муайян янги-янги тузатишлар киритишди. Ниҳоят охирида қўйилган муаммонинг ечими бўйича жамоанинг хулосаси инглиз тилида шакллантирилди
15	*“Либиринг” усули*	Ўқув машғулотларида профессор-ўқитувчи бирор мураккаб педагогик вазиятни баён қилиб берди, жамоа бўлиб ундан чиқиш йўли изланди ва ниҳоят муаммоли вазият ечими ҳам топилди. Кейин кичик гуруҳларда бошқа муаммоли бир неча педагогик вазиятлар кетма-кетликда ўрганилди, охир-оқибатда инглиз тилида якуний хулосалар чиқарилиб, алоҳида янги тақдимот ўтказилди
16	*“ФСМУ” усули*	Ўқув машғулотларида профессор-ўқитувчи томонидан шогирдлари-талабалари ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидаги тартибда ифодалаб бериш талаб қилинди: **Ф** - фикр-

		мулоҳазаларни инглиз тилида эркин ва мустақил баён этиш; **С** - баён қилинган мулоҳазасига бирор сабаб кўрсатиш; **М** – келтирилаётган сабабни асословчи бирор лисоний машқ ёки адабий-бадиий матнни инглиз тилида келтириш; **У** - фикр-мулоҳазасини ўрганаётган тилда умумлаштириш. Машғулот охирида профессор-ўқитувчи томонидан шаффоф ҳолда адолатли равишда баҳоланди.
17	*“Мулоқот” усули*	Ўқув машғулотларида мутахассислик фан бўйича алоҳида мавзулар ўрганилаётганда инглиз тилидаги хилма-хил материаллар (видео, расм, жадвал, илмий далиллар, амалий таснифлар) тайёрланади. Кейин муҳокамага қўйилган мавзулар бўйича кичик гуруҳлар ўртасида ўзаро мулоқот, баҳс-мунозара ва савол-жавоблар ҳам инглиз тилида уюштирилди. Профессор-ўқитувчи кичик гуруҳларнинг фикр-мулоҳазаларини машғулотда қўйилган мақсадга йўналтириб борди ва ниҳоят ўз муносабатини билдирди, яхлит хулоса чиқарди.
	Хулоса: интерфаол ўқитиш усулларни ўқув машғулотлардаги қўллаш орқали бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида, *биринчидан*, ўрганилаётган тилда тўғри ёзиш ва ёзма нутқ кўникмаларини босқичма-босқич шакллантиришга, *иккинчидан*, муайян машғулот мавзусини ёки муаммоли топшириқни баён қилаётган вақтда “нутқ маданияти” мезонлари асосида тўғри талаффуз қилиш, эркин ва мустақил сўзлай олиш қобилиятларини ривожлантиришга эришилди. Энг муҳими, қўйилган мақсадга – бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлиги муайян даражада такомиллаштирилди.	

11-жадвал

Лексик компетентлик турлари

Когнитив компетент. Мақсад-мулоқотнинг мазмунли мавзусини ўзлаштириш. Ичига олади: Тилнинг лексик тузилишини билиш. Коммуникатив муаммоларни ҳал қилиш учун лексик билимлардан фойдаланиш, қобилият ва кўникма.	***Операцион фаолиятли компетент.*** Мақсад: тилнинг лексик меъёрларига мувофиқ мулоқот вазифасини ўташдир. Ичига олади: нутқни аниқлаш учун лексик стратегиялар.	***Рефлекцив компетент.*** Фикрлаш мақсади билимни ўзлаштириш, олинган маълумотларни ҳиссий-қимматли муносабатларининг қобилиятлари	***Ижтимоий-маданий компетент.*** Мақсад – тилни ўрганиш меъёрлари маданиятига мувофиқ нутқни тушуниш учун билим, кўникма ва малакаларнинг сўз бирикмаларига эга бўлиш ва эгалик қилиш

12-жадвал

Лексик компетенциянинг таркибий асослари



13-жадвал

Лексик компенентликни ривожлантириш усуллари ва методларининг тавсифлари

Т/Р	***Усуллар ва воситаларнинг номлари***	***Тавсифи, вазифалари, имкониятлари ва самаралари***
1	*Лингвистик машқлар*	соҳа талабалари учун инглиз тилини ўзлаштиришнинг ҳар қандай босқичида асосий ёрдамчи омил бўла олади. Лисоний машқларда доимо муайян мақсад ва унинг ечими ифодаланган бўлади. Баъзи лингвистик машқлар ҳам иккиламчи таъсир кўрсатиши мумкин, лекин машқнинг ўзиёқ ҳеч қандай якуний натижани бермайди. Талаба олдига қўйилган муайян вазифани самарали бажариши учун ўйин характеридаги бўлгани маъқул. Луғат бойликлари бирликлари лисоний ўйин характеридаги машғулотлари мазмунига киритилгач, уларнинг эслаб қолиниши ва унутилмаслиги учун мазкур машғулотларда бир неча бор такрорлаш лозим. Лексик машқлар аввалдан маълум бўлган сўз бойликлари ва уларнинг янги тузилмалар билан боғлиқлиги назоратни тақозо қилади. Бундай машқлар устоз-мураббий томонидан (масалан, лексик тестлар), шунингдек, талабалар томонидан (мустақил равишда, масалан, компьютер дастури ёрдамида) назорат вазифасини бажариши мумкин
2	*Луғат билан ишлаш*	бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг лексик компетентлигини шакллантиришнинг жуда муҳим

		усули ҳисобланади. Луғат ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, тил ўрганувчилар учун уларнинг нафақат сўз бойлигини яратишда, балки ўрганилган сўзларни тўғри ёдлаш ва ёзишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Соҳа талабалари ҳар бир сўз, ибораларнинг ва уларнинг грамматик ишлатилишининг тўғри маъносини аниқлашни ўрганадилар, улардан турли оборотларда тўлиқлигича фойдалана бошлайдилар. “Инглиз тили” ўқув машғулотларида биринчи босқич талабалари луғат билан мустақил ишлашлари, юқори курс талабалари бир ёки икки тилли луғатлардан самарали фойдаланишлари мумкин.
3	*Флеш-карточкалар*	ёрдамида ҳам бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг сўз бойлигини бойитиш, талаффуз, интонацияни ўз ўрнига қўйиш ва ҳатто грамматика малакани муайян даражада онгсиз равишда шакллантириш мумкин. Сўзнинг қандай маънога эгалигига қўшимча равишда тасвирлар маданиятнинг ташкил этувчилари ва хусусиятларини акс эттириши, анъаналарини кўрсатиши, шунингдек, у ёки бу сўзни қўллашда, вазиятни тўғри баҳолашда муҳим бўлган турли маданиятлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларини намоён қилиши мумкин. Флеш-карточкалардан фойдаланиш чет (инглиз) тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг лексик компетентлигини шакллантириш учун кўплаб имкониятларни тақдим этади.
4	*Ассоциатив таълим тармоқлари*	соҳа талабаларининг лексик компетентлигини шакллантиришда ижобий самара беради. Масалан, *Mindmaps* методидан фойдаланиб, талабалар якка сўзларни шунчаки ёдлаш ўрнига бир-бирлари билан маълум муносабатларда бўлган сўзларнинг тематик гуруҳларини ўрганадилар. Бу усулдан якка тартибдаги ишларда ҳам, кичик гуруҳ билан доскада ҳам фойдаланиш мумкин. Бироқ ҳар бир талабанинг бу усулни тушуниши ва уни мустақил бажара олиши муҳим аҳамиятга эга. Мисол тариқасида “*Tieri*” мавзусини келтириш мумкин. Ҳар бир талаба ўзи учун қоғоз варағини олиб, варақ ўртасидаги асосий тушунчани ёзади. Талаба шу атамага асосланиб, ундан тармоқланиб чиққан атама узвларини тўлдириш лозим бўлади, масалан, *“Zoo”, “Affe”, “Bar”* каби. Шундай қилиб, аста-секин асосий тушунча билан боғлиқ сўзларнинг кўп даражали тармоғи пайдо бўлади.Шуни таъкидлаш лозимки, талабалар амалий машғулотларида бундай сўз тармоқларини яратишда ҳам лексик компетентликни муайян даражада ҳосил қиладилар, чунки улар бу мавзуга қайси сўз мос келиши ва бошқа сўзларга қандай мантиқий алоқадорликда бўлишига боғлиқ малакаларга эга бўладилар.
5	*Шеър ва қофиялар*	талабаларнинг лексик компетентлигининг шаклланишига ҳам муайян даражада амалий ёрдам

		беради. Берилган матнни диққат билан ўрганиб чиққач, талабалар сўзларни ва гап қурилишларини кўп марта такрорлаш орқали ёдлайдилар. Одатда, шеърлар билан ишлаш устоз-мураббий учун ҳам кутилмаган натижаларни келтиради. Бу методдан фойдаланиб, у ўз гуруҳидаги талабаларнинг қанчалик ижодкор эканлигини билиб олиши мумкин, чунки бу усул тарбиявий ишларнинг баъзан қаттиқ шаклларидан фарқ қилади, шунингдек, табақалаштирилган ишлар учун ҳам яхши имкониятлар беради. Шеър ва қофиялар билан ишлашда ҳамма талабалар муайян мақсадга қаратилган матнни ўрганишлари ёки берилган топшириқларни имконият даражасида бажаришлари мумкин, гуруҳдаги барча талабалар инглиз тилини қанчалик яхши билишидан қатъий назар маълум бир натижага эга бўладилар, уларнинг лексик компетентлигини шакллантирадилар. Шеър ва қофияларни ўрганиш осон, вазнлик, товуш такрорланувчанлиги каби хусусиятларга эга. Шеърларни ўрганиш ёки ёдлаш одатда талабаларга завқ бағишлайди, бўлажак касбига меҳр уйғотади. Ижобий кечган ҳиссий кечинмалар эса улар онгида чуқур из қолдириб, узоқ вақт хотирада сақлаб қолади. Бу вазиятда устоз-мураббийнинг вазифаси талабанинг берилган уй вазифаси, топшириқ ёки лисоний матннинг тўғри бажарилишини узлуксиз равишда текширишдан иборат.
6	*Дидактиик лексик ўйинлар*	бўлажак инглиз тили ўқитувчилари учун тавсия этилган матндаги сўзларни ёд олиш ва сўз бойлигини мустаҳкамлашнинг жуда яхши ва самарали воситасидир. Ҳар қандай лисоний ўйин қизиқарли, табиий, ихтиёрий фаолият бўлиб, соҳа талабаларининг завқ билан бажарадиган иши ҳамдир. Шу билан бирга ўйинлар орқали талабалар таянч кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашлари ҳам мумкин. “Инглиз тилининг амалий курси” ва бошқа ихтисослик фанларининг ўқув машғулотларида олиб борилган лисоний ўйинлар талабаларни анча фаоллаштиради, машғулотларда дидактик ўйинлар табиий вазият яратади, инглиз тилидан фойдаланганда тортинчоқ талабаларга нисбатан психологик тўсиқларни енгишга ёрдам беради ва уларнинг гуруҳда инглиз тилидан фаол фойдаланишга сарфланган вақтини сезиларли даражада оширади. Бу хилдаги ўйинлар гуруҳдаги иштирокчилар фаолиятига кўмаклашадиган, уларни хурсанд қиладиган ҳамда ўйинлар давомида лексик бирликлар устида машқ қилдириш, олинган билимларини мустаҳкамлаш ва такрорлашга ёрдам берадиган дўстона ва аҳиллик муҳитининг яратилишига замин тайёрлайди. Таълимни ривожлантириш муҳитида бўлажак инглиз тили мутахассисларининг луғат бойлигини

		ошириш ва мустаҳкамлаш учун лексик ўйинларининг турли хил вариантлари мавжуд. Масалан, талабаларнинг қизиқишини оширувчи тезкор ўйинлар, классик ўйинларнинг турли вариантлари; сўз қидириш ва топиш ўйинлари, квадрат ҳарфлар, кросвордлар, парномималар, сўз тузиш ўйинлари; контекстуал сўзлар билан боғлиқ ўйинлар, отлар учун сифатларни қидириш, бўшлиқли матнларни, тегишли сўзлар билан тўлдириш, тавсия этилган сўзлар орқали кичик ҳажмли ҳикоялар ёки ахборотлар тузиш каби. Хуллас, асосида “Инглиз тили лексикологияси” курсини ўрганишда талабаларнинг лексика устида ишлашнинг барча мавжуд ёндашувлари имкониятлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради.
7	*Интернетимкониятлари*	соҳа талабаларининг лексик компетентлигини ривожлантиришда яхши самара берадиган имкониятлардан бири. Бугунги кунда интернетнинг жадал ривожланиши билан кўпроқ ноформал таълим воситалари ўзларининг энг яхши жиҳатларини намоён этишди, айниқса, ҳозир улар ўрганувчилар орасида кенг қўлланилмоқда ва нисбатан расмий саналмиш мустақил таълим учун қизиқарли қўшимча вакил манба сифатида намоён бўладилар. Интернетда бўлғуси инглиз тили ўқитувчиларининг соҳага оид лексикани мустақил ва пухта ўзлаштириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд: масалан, тегишли маълумотларнинг луғат базаси, маълум мавзуларга дахлдор мақолалар, кроссвордлар, асосий ва қўшимча адабиётлар, чет тилидаги луғат бойлигини оширишга қаратилган ишчи варақ ва хилма-хил машқлар, таржима учун тавсия этилган инглиз тилидаги матнлар, фольклор намуналаридаги топишмоқлар ва мақоллар, лисоний ўйинлар, чет тилидаги Форумлар ва ҳ.к.
8	*Мобиль телефонлар*	кундалик ҳаётимизнинг муҳим қисмига айланиб бормоқда, коммуникатив алоқа воситасини бажармоқда. Биз учун муҳими – электрон таълимни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шу аснода ижтимоий ҳаётга шиддат билан кириб келган рақамли ахборот воситаларидан фойдаланиш узлуксиз равишда ўсиб бормоқда. Мобиль телефонлар орқали ҳам талабанинг лексик компетентлигини шакллантириш имконияти бор. Чунки бугунги кунда деярли ҳар бир талаба ўз уйида телевизор, компьютер, интернет ва мобил қурилмалар ва дастурий иловалари ёрдамида деярли ҳар қандай вақтда мутахассислик фанларидан берилган ўқув материалларни ўқишлари ва юклаб олиб, берилган вазифаларни тўлиқ бажара олишлари мумкин.
9	*Компьютер фаолияти тизими*	бўлғуси инглиз тили ўқитувчисининг лексик компетентлигини шакллантиришда салмоқли самара бера олади. Чунки инновацион ахборот технологияларига асосланган бу тизимда лексик ёки бошқа компетенцияларни шакллантиришга қаратилган

		кўплаб махсус иловалар мавжуд. Дастурчилар хорижий сўзларни ўрганиш учун, яхшироқ эслаб қолиш учун муайян рангли тасвирлар, мақсадли видеолар мазмунига бевосита таяниб, талаба-ёшлар ўрганмоқчи бўлган бирор сўзнинг тавсифи ва талаффузига таяниб, ўзларининг материалларини яратадилар. Ҳозирги амалиёт шуни кўрсатадики, мобиль таълим машғулотидаги иш ўрнини бўшлиқ боса олмайди, бироқ бу тизим вақти-вақти билан ишлатиладиган лексик компетентликни шакллантириш усули сифатида хизмат қила олади.
10	*Ассосациялар усули* ёки *калит сўзлар усули*	"Инглиз тили" йўналиши талабаларининг лексик компетентлигини шакллантириш жараёнидаги ноанъанавий таълим усулларидан бири. Бу метод инглиз тили дарсларида анъанавий тарзда қўлланиладиган метод ва усуллар орасида кенг қўланилмайди ва методик адабиётларда батафсил баён этилмайди. Ассоциатив усулда аслида ассоциатив образлар қўлланилади. Бундай ассоциатив образларга қўйиладиган асосий лисоний талаблардан бири уларнинг қандайдир умумий хусусияти билан боғлиқдир. Ассоциатив муносабатлар, масалан, ранг (*blask – white / Schwarz - weib),* шакл *(s quare / quadratish)*, ҳажм *(big – small / grob-klein)* бўйича бўлиши мумкин ва ҳ.к.

14-жадвал

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фразеологик компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштириш босқичлари

Т/Р	***Ривожлантирувчи ва такомиллаштириш босқич номлари***
1	фразео-материални тўғри танлай олиш босқичи
2	ФБни моделлаштириш босқичи
3	ФБ манбаларини таснифлай олиш босқичи
4	барқарор ФБ вариантларини билиб олиш босқичи
5	ФБ компонентларини аниқлаш босқичи
6	ФБ нинг семантизациясини тушуна олиш босқичи
7	ФБ га оид компетенцияларни ўзлаштириш босқичи
8	эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, тузатиш, назорат қилиш ва амалда қўллай олиш босқичи.

15-жадвал

Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари фразеологик компетенциясини ривожлантириш босқичлариги касбий-педагогик талаблар

Т/Р	***Касбий-педагогик талабларнинг қисқача тавсифи***
1	тинглаб тушунишда идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини бир-биридан фарқлай олиш
2	муайян аудио тасма ва ахборот материаллардаги ибораларнинг ишлатилиш ҳолатини тушунган ҳолда кузата олиш
3	муайян фикрларни аниқ, лўнда ва вазиятга мос ҳолда ифодалаганда ФБ намуналарида фойдалана олиш

4	ўқув машғулотларда, илмий-амалий анжуманларда, давра суҳбатларида, шунингдек, жонли сўзлашув нутқда ФБларни мақсадли қўллай олиш)
5	соҳага оид мавзуларда тақдимот қила олиш
6	тегишли вебсайт ва электрон журналлардан ФБ намуналарни танлаб ола билиш каби.

16-жадвал

Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари фразеологик компетенциясини ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи машқлар

Т/Р	Машқ турлари	Машқларнинг мақсади, вазифалари, имкониятлари ва самаралари
1	*Тайёрлов машқлари*	Бундай типдаги машқларнинг мақсади талабаларда фразеологик бирликларнинг шакли ва маъноларини тушунишга ёрдам беришдан иборат. Улар бўлажак инглиз тили ўқитувчилари фразеологик компетенциясининг шаклланишига ва ривожланишига лисоний манба сифатида муҳим аҳамият касб этди.
2	*Нутқ машқлари*	Тажриба-синов майдонлари ва ўқув машғулотларида амалда қўлланилган бундай типдаги машқлар талабаларда коммуникатив малакаларни ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга ёрдам берди. Фразеологик материалларни қамраб олган машқлар тизими бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фразеологик компетенциянинг шаклланишига замин тайёрлади.
3	*Таржима машқлари*	Бундай машқларнинг мақсади бўлажак инглиз тили ўқитувчилари учун фразеологик материалларни таржима қилишда ва таржимага ўргатишда юзага келадиган касбий соҳадаги муайян қийинчиликларни аниқлашга ёрдам бериш. Бу борадаги эгаллаган билим, малака, кўникма ва муайян касбий тажрибалар талабаларнинг фразеологик компетенциясини шакллантиришга навбатдаги омил сифатида хизмат қилди

17-жадвал

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи лингвистик ўйин-топшириқларнинг умумлашган тавсифи

Т/Р	Лисонийўйин-топшириқлар номлари	Тавсифи, мақсади ва имконият натижалари
1	*“Ким топқир?” ўйини*	Бу ўйиннинг шарти: ўқув машғулотидаги талабалар икки гуруҳга бўлинади. Инглиз тили ўқитувчиси доскага фраза-материал матнини ёки бир гап ёзади ва талабалар шу гап ичидан фразеологик бирликни топишлари ва таржима қилиб беришлари керак бўлади. Қайси талаба белгиланган ФБ тўғри таржима қилса, 1 баллни қўлга киритади. Ким кўп балл тўплай олса, натижада ўша талаба ғолиб бўлади, баҳоланади ва рағбатлантирилади

2	*“Аналогия” ўйини*	Бу ўйинни амалга оширишда ҳар бир талабага алоҳида варақда биттадан инглиз тилидаги ибора ёки мақол тавсия этилади. Талабадан берилган ибора ёки мақолга бир дақиқа ичида унинг анологини, яъни маъно жиҳатидан мосини топиб ёзиб бериши талаб қилинади. Натижа текширилгач, талаба баҳоланади ва ғолиб рағбатлантирилади.
3	*“Такрорлаш” ўйини*	Бу ўйинда талабаларга таниш бўлган фразеологик бирликлар аниқланади ва бу борадаги билимлар мустаҳкамлашга бағишланади. Ўйиннинг шарти: талаба доскага ўгирилиб туради. Инглиз тили ўқитувчиси фразеологик бирликни доскага ёзади. Гуруҳдаги бошқа талабалар доскадаги талабани иборанинг маъносини перефраз қилиб синонимлари билан тушунтириб беришади ва талаба шу иборанинг ўзини топиш керак бўлади. Мисол учун инглиз тили ўқитувчиси қуйидаги иборани доскага ёзади*: A still tongue keeps a wise head …* Бошқа талабалар шу иборанинг маъносини инглиз тилида келтиришади: *Wise people don't talk much* каби
4	*“Ким зўр” ўйини*	Бир талаба доскага чиқади. Ўқитувчи томонидан тайинланган карточкалардан бирини танлайди ва тайёрланмасдан туриб иборанинг маъносини тушунтириб беради. Бошқа талабалар маъносига қараб, қайси ибора эканлигини аниқлашлари керак бўлади. Ким биринчи бўлиб фаҳмлай олса, балл олади. Ким кўп балл тўплай олса, ўша ғолиб ҳисобланади ва рағбатлантирилади. Бундай лингвистик ўйинларнинг афзаллиги шундаки, бутун ўқув фаолият талабаларни мустақил фикрлашга ва фразеология соҳасида эгаллаган билимлар асосида ўз фикрларини тўғри баён қила олишларига учун ёрдам беради. Энг муҳими, бакалавр талабасининг фразеологик компетенциясини янада ривожлантиришга муайян даражада хизмат қилади, амалиётда муҳим лисоний восита вазифасини бажаради.
5	*Тест-синов топшириқлари*	республикамиз олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўқув материалини ўзлаштирганлик даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тест-синов топшириқлари ҳам чет тили ўқитишда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини шакллантиришнинг самарадор воситаси саналади. Бундай тест-синов топшириқлари талабаларни бўлажак касбга тайёрлаб боради, уларнинг юксак малакали мутахассис кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилади. Олиб борилган тадқиқотдаги муайян кузатишларимиз орқали тест-синов топшириқлардан кутиладиган самарали натижалар бир қатор педагогик омиллар билан бевосита боғлиқ эканлигини ҳам аниқланди. Улар қуйидагилардан иборат: а) бажаришга тавсия этилган барча лингвистик топшириқларда фраза-материалларга дахлдор матнлар ёки намуналар бўлиши шарт; б) муайян вақт ўтгач, хафта, ой, семестр давомида

		ўтилган мавзулар бўйича тест синовлари ўтказилиб, натижалари баҳоланиб, муайян муҳокамалардан сўнг ғолиблар рағбатлантирилиб турилиши зарур; в) талабаларнинг эгаллаган лисоний кўникма ва нутқий малакасини мунтазам, узлуксиз равишда текшириб бориш, бу борада тегишли мониторинг ишларини амалга ошириш зарур. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг фразеологик компетенциясини шакллантириш билан боғлиқ олиб борган ишларимизда 300 дан ортиқ тест синовлари мажмуиси яратилди, улардан ўқув жараёнида ва тажриба-синов майдонларидаги ўқув машғулотларида самарали фойдаланилди.
	Хулоса. Лисоний ўйинларда турли хил вазиятларни моделлаштириш орқали уларда фразеологик малакаларни ва умуман, касбий малакаларни муваффақиятли эгаллаш, тавсия этилган лисоний ўйинлардаги шартларни бажариш ва уларда қўйилган муаммо бўйича ўз фикрини баён этиш, энг муҳими, шу соҳа талабаларини назорат қилиш ва баҳолаш имконияти бўлади.	